Хавфсиз ҳасад – умид ва омадни ўз ичига олувчи, юқорига қараб ҳаракатланиш мотивацияси билан боғлиқдир. Бунда ҳасадгўйнинг диққати ўз натижаларини яхшилашга қаратилган бўлади. Ҳасаднинг бу турини ҳавас деб ҳам айтиш мумкин.



Хатарли ҳасад – муваффақиятсизликдан кўркиш билан боғлиқ ўзгаларнинг устунлигини кўришдир. Бунда ҳасадгўйнинг диққати ўзгалар билан рақобатда бўлган хотираларини эслашга қаратилади.

Ҳасад шахснинг касбий соҳаларига ҳам ижобий таъсир этади. Психотерапевт I.Hirsch ўзининг “Нарциссизм, мания ва аналитиклар миждозларга ҳасад қилади” номли ишида ана шу таъсирнинг яққол кўринишларини келтириб ўтган. Унинг таъкидлашича, психоаналитиклар иш жараёнида ўз миждозларининг моддий аҳволи ва ижтимоий мавқеига ҳасад ҳиссини туюшади. Айнан шу ҳис миждозга турли патологияларни илиб ёки ёзиб қўйишга сабаб бўлар экан. Шахсий терапия, ўз тажрибасини бошқа психологлар билан муҳокама қилиш, китоб ва мақолалар ёзиш ана шу тенденцияни камайтиришга ёрдам беради. Муаллифнинг таъкидлашича, психотерапевт миждозда бор ҳислатларни ўзида ҳам бор деб ўйлайди, бунда проекция ҳимоя механизмига мос келади [6].

Baumel A., Verant E. ўз тадқиқотларида яқинликнинг турли усуллари ўртасидаги алоқа ва ёмон ниятли ҳасад намоён бўлишини ўрганишди. Улар бундай ҳасад турини кўркинч ҳолатида тарбия қилиш усулидан фарқли равишда бепарво тарбия усулида намоён бўлади, деб кўрсатишади. Нияти бузуқ ҳасад турида - шахс ўзгаларнинг эҳтиёжини тан олмай, салбий қарашларга эга бўлади, оиладаги кўркинч ҳолати болада ўзи ва ўзгалар ҳақида салбий тасаввурларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Бундай одамларнинг фикрича, ўзгалар билан алоқа ўрнатиш ўзи учун ва бошқалар учун зиён келтирмасликнинг энг яхши йўлидир. Олимларнинг таъкидлашича, ҳасад кутилаётган муваффақият ва реал муваффақият ўртасидаги катта фарқ натижасида юзага келади [1].

K.Wise, S.Alhabash, H.Park ҳасадни касб соҳаларида тадқиқ этади. Уларнинг фикрича, жамоадаги ҳасад ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади [16].

Ўспиринлик даври энг қийин даврлардан бири бўлиб, у ижтимоий меъёрларни ўзлаштириш учун энг сензитив давр ҳисобланади. Бундан ташқари ўспиринлар олдида турган касб танлаш масаласи уларни мустақил қарор қабул қилишда анчагина мушкулликлар ичида овора қилиб қўяди. Айнан мана шу даврда ўспиринларда ҳасад ҳиссини намоён бўлиши кўзга кўринади. Агар уларда умуминсоний қадриятларга ҳурмат ва шахсий қадр-қиммат ҳисларини уйғун ҳолда олиб бориш туйғулари тарбияланиб борилса, улар ўз имкониятларини тўғри баҳолаб, шахсий иродавий кучларини ўзгалар манфаатини ҳимоялашга сафарбар этадилар. Шу боис, ўспиринларда ёшлигиданоқ ахлоқий сифатлар оила бағрида, маҳалла, боғча, мактабда таълим тарбия бериш орқали таркиб топтирилади. Боладаги ушбу сифатларни шакллантириш учун дастлаб уларнинг қанчалик даражада таркиб топганлигини аниқлаб олиш зарур. Айнан турли ўспиринлик давридаги ҳавас ва ҳасад ҳисси намоён бўлишини ўрганиш, унга таъсир этувчи омилларнинг ижтимоий-психологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бизнинг тадқиқот вазифамиз ҳисобланади.

Тадқиқотимизда Тошкент молия ва иқсодиёт коллежи ўқувчилари, Тошкент давлат педагогика университети ва Самарқанд давлат университети талабалари жалб этилди.

Психология фанида шахснинг индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашда бир қанча метод ва методикалардан фойдаланилади. Шахснинг ақлий фаолияти, ҳиссий-эмоционал соҳаси, характер хусусиятлари, касбий қизиқиш, лаёқатлар ва бошқа сифатлар турли хил илмий-амалий методикалар орқали тадқиқ этилади. Психологик илмий тадқиқотларни мана шундай методикаларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Психологик илмий методикаларни тўғри танлай олиш илмий тадқиқотнинг самарали ўтказишни кафолатлайди.

Ҳасад шахс ижтимоий ҳаётининг ажралмас бир бўлаги ва шахслараро муносабатларнинг кучли бошқарувчиси ҳисобланади. Шунга қарамай, замонавий жамиятда кенг тарқалган ҳасад ижтимоий-психологик феноменини диагностика қилиш бироз қийинчиликлар туғдиради. Буни бир нечта сабаблар билан изоҳлаш мумкин. Шуларнинг асосий учтаси қуйида берилган:

Биринчидан, ҳасад ижтимоий-психологик феноменига ягона ёндошувнинг етишмаслиги. Баъзи тадқиқотчилар ҳасаднинг деструктив характерини асосий деб таъкидлаб, лекин унинг конструктив жиҳатларини ҳам аниқлаши (В.А.Гусова, С.М.Зубарев, А.В.Прокофьев, Е.Е.Соколова); баъзи тадқиқотчилар ишларида, ҳасаднинг ундовчи функцияси инкор этилиб, уни нафақат шахс балки ўзгалар ҳаётини бузувчи ва ўзини-ўзи ривожлантиришга ҳалақит берувчи тўсиқ, дея изоҳлаши (Е.В.Золтухина-Аболищ, В.А.Лабунская, К.Муздыбаев, Р.М.Шампионов) фикримизга исбот бўла олади;



Иккинчидан, ҳар бир шахс умри давомида албатта ҳасад ҳиссини туйганлик эҳтимоли юқори бўлса-да, буни ўзларида мавжуд эканлигини тан олишга уялиш (одоб-ахлоқ меъёрлари нуқтаи назаридан ҳасадгўйлик ёмон иллат); диний таълимот асосларида ҳам ҳасадни салбий оқибатларга олиб келувчи гуноҳ деб қаралиши, инсоният онгида буни ёқимсиз ҳис, деб қабул қилинишига асос бўлади. Бу шахсда ўз-ўзидан ҳасад мавжудлигини инкор этишга, яширишга сабаб бўлади.

Учинчидан, ҳозирги кунда шахснинг ҳасадга мойиллигини аниқлашга хизмат қилувчи методик усулларнинг чегараланганлиги.

Методика. Тадқиқот давомида ҳавас ва ҳасад феноменини диагноз қилишга хизмат қилувчи бир қанча методикаларни танлаб олдик. Бу методикалар респондентларнинг ҳавас ва ҳасад қилишга мойиллик даражасини ва унинг намоён бўлишига таъсир этувчи омилларни аниқлашга ёрдам беради. Шундай методикалардан бири **С.Т.Бескованинг "Шахс ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси"** бўлиб, унинг афзаллиги бир вақтнинг ўзида респондентлар орасида ҳасад ва ҳавасни аниқлаш имконини беради(1-илова). Бу методика иккита шкаладан иборат: ҳасад-душманлик ва ҳасад-маъюслик. Бу методикани ишлаб чиқиш жараёнида унинг ишончлилиги, валидлиги, стандартизацияси амалга олиширилган. Шунинг учун бу методикани ҳам илмий, ҳам амалий тадқиқотларда қўллаш имкониятини беради. Методика 47 саволдан иборат. Респондентлар келтирилган хулосаларни нафақат ҳозирги кунига, балки узоқ вақт оралиғида мос келиш, келмаслигига қараб белгилаб чиқадилар. Респондентлар методикани белгилаш жараёнида саволларга беш баллик тизим доирасида жавоб берадилар: 0-тўлиқ норозиман; 1-норозиман; 2-ярим розиман; 3-розиман; 4-тўлиқ розиман. Илмий тадқиқотимиз стандарт шароитда индивидуал кўринишда олиб борилди. Респондентларнинг ҳар бирларига алоҳида бланкалар тарқатилди. Респондентларга тадқиқотнинг мақсади ва йўриқнома ва қоидалари ҳақида қисқача маълумотлар айтиб ўтилди. Тадқиқотимиз учун танлаб олган С.Т.Бескованинг "Шахс ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси"ни бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ҳам кузатдик. Бу методикалар ёрдамида ҳарбийлар, аёл ва эркеклар, талабалар орасидаги ҳасадни аниқлаш имконияти яратилган. Юқорида келтирилган изоҳлар тадқиқот учун танлаб олган методиканинг аҳамияти қанчалик катта эканлигини кўриш имконини беради.

Шунингдек, тадқиқотда С.Т.Бескованинг "Шахсда ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси" ни ҳам ўтказдик, натижаларни қуйида акс эттирамиз.

Жадвал № 1.

С.Т.Бескованинг "Шахс ҳасадгўйликни аниқлаш методикаси" бўйича олинган натижалар

Статистик кўрсаткичлар	Синалувчилар гуруҳлари							
	Ҳасад-маъюслик		Ҳасад-душманлик		Ҳасад-маъюслик		Ҳасад-душманлик	
	Илк ўспирин (n = 81)	Ўспирин (n = 177)	Илк ўспирин (n = 81)	Ўспирин (n = 177)	Илк етуклик (n = 32)	Ўспирин (n=177)	Илк етуклик (n = 32)	Ўспирин (n=177)
M	14,8	20,3	7,8	12,4	17,1	20,3	10,8	12,4
t	-3,36		-3,70		1,89		0,77	
p	0,001		0,001		0,05		-	

Юқоридаги жадвалда ҳасад-душманлик шкаласи бўйича коллеж ўқувчилари ўрта арифметик қиймати 7,8 га тенг эканлиги кўриниб турибди. Талабаларда бу кўрсаткич 12,4 га тенг. Махсус сиртки бўлим талабаларида эса, 10,8 га тенг ($t = -3,70$ ($p < 0,001$)). Махсус сиртки бўлими талабаларида бакалавр талабаларига нисбатан ҳасад кучлироқ намоён бўлган. Муқаррарлик мезони $t = 0,77$ (p -аҳамиятсиз).

Ҳавас-маъюслик шкаласи бўйича, коллеж ўқувчилари ўрта арифметик қиймати 14,8 га тенг эканлиги кўриниб турибди. Талабаларда бу кўрсаткич 20,3 га тенг ($t = -3,36$; $p < 0,001$). Илк етуклик давридагиларда эса, 17,1 га тенг ($t = 1,89$; $p < 0,05$).




Шундай қилиб, ушбу методика натижаларидан маълум бўлишича, ўспиринлик даврида ҳавас-маъюсликка мойиллик кучли эканлиги аниқланди. Бунда улар турли оммавий ахборот воситалари орқали таништирилаётган машҳур шахсларга, ўз касбида катта муваффақиятларга эришган инсонларга, бахтли оилавий ҳаёт кечираётган оилавий жуфтликларга, йирик бизнес режалар туфайли бойиган тадбиркорларга, сеvimли устозларига, етук олимларга ҳасад қилишлари билан изоҳланади.

Ҳасад - душманлик шкаласи қуйидагиларни англатади. Субъект кўпроқ натижаларга эришганларга нисбатан ғазаб, жаҳлдорлик, аччиқланиш ҳисларини туяди. Бу бошқаларга нисбатан ҳасад, кўролмаслик, шубҳаланувчанлик, душманлик муносабатларида намоён бўлади.

Бундай инсон учун бошқалардан қандай усул билан бўлса-да, устунликка интилиш хос. Эришиб бўлмайдиган устунликка интилиш ҳасад предметиға зиён етказиш (ҳеч бўлмаганда фикрлар ва фантазияларда) истаги билан алмашади. Ҳасад - душманлик омадироқ инсонга нисбатан ёмонлик қилишда кўринади, шу билан бирга тухмат қилиш, у ҳақда гап тарқатиш, асосиз танқид қилиш шаклида намоён бўлиши мумкин. Ҳасад - душманлик субъекти ўзининг ҳаёт фаолияти асосий соҳаларидан тўлиқ қониқиши мумкин, лекин кимдир унга нисбатан кўпроқ нарсага эгаллигини англаш билан боғлиқ ҳиссий ноқулайлик мавжуд бўлади. Ҳасад қилувчи бошқаларнинг муваффақиятлари унинг шахсий ютуқларини кадрсизлантиришиға ишончи комил.

Ҳасад-маъюслик шкаласи қуйидагиларни англатади. Уни бошидан кечирган субъект қуйидаги эмоцияларни бошдан кечиради: хафагарчилик, ғамгинлик, маъюслик кабилар. У ўзига ишонмайди, хафа, маъюс, ниманидир ўзгартиришға ўзини кучсиз ҳис қилади. Ҳасад - маъюслик механизмининг ишға тушишиға асосий сабаб етиша олмаслик ҳиссидир. Субъект кўзланган мақсадға эришиш учун барча имкониятларини ишға солади, бор кучини сафарбар қилади, лекин (моддий бойлик, тан олиш ва б.) омад унга қулиб боқмайди. Ўйлаб топилган адолатсизлик туфайли эҳтиёжларнинг қондирилмаслиги натижасида унинг фикрича, фаол, қатъиятли ва меҳнатсевар бўлмаганлар ҳам у жуда ҳам эришмоқчи бўлган, ўзида йўқ нарсаларға эгаллиги туфайли ҳавас қилади. Субъект фаол ҳавасни намоён қилувчиларға нисбатан очиқ ҳаракатлардан қочади, ҳавас-маъюслик бошқача намоён бўлади. Ҳасад - маъюслик субъекти кўпинча жим туради, рақибнинг муваффақиятларини мавжуд эмас деб рад этади, ёки атайлаб унчалик лойиқ бўлмаган инсоннинг ютуқларини мактайди. Бундан ташқари у кўпинча ҳасад объектлари сонини камайтиради, таққослаш учун бошқа параметрларни ўйлаб топади. Ҳасад -маъюслик субъектлари учун рақибни тан олмаслик хос ("камбағал, лекин ҳалол, бой лекин, айёр) ёки исталган предметни тан олмаслик, узум лекин пишмаган, яшил).

Шундай қилиб, респондентларда ҳасад-душманликка нисбатан ҳасад-маъюслик тури кучли эканлиги аниқланди. Айниқса, ўспиринларда ҳасад-маъюслик ҳисси кучли. Шахсда ҳасадға мойилликнинг намоён бўлиши ҳақида аниқроқ тасаввур ҳосил қилиш учун қуйидаги гистограммани ҳосил қилдик (1-расм).



Расм №1. Респондентларда ҳасадгўйликнинг намоён бўлиши

Ҳасад одамзотға хос умуминсоний категория, фақат уни кимдир ошқора тан олади, кимдир уни яширишға ҳаракат қилади. Қадимда ҳасадгўйлик ўлим жазоси тайинланадиган етита гуноҳнинг бири сифатида белгиланган. Диний манбаларда, жумладан Қуръон ва



ҳадисларда, Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари асарларида ҳасад салбий иллат сифатида қораланган, ҳавас шахс фаолиятини ҳаракатга келтирувчи куч сифатида эътироф этилган.

Шундай қилиб, ҳасадни уч даражада намоён бўладиган феномен сифатида кўриб чиқиш мумкин: онг даражасида – ўзининг қуйи ҳолатдаги даражасини англаш, ҳиссий кечинма даражасида бундай ҳолатдан дарғазаб бўлиш ва алам қилиш, реал хулқ-атвор даражасида ҳасад предмети йўқотиш, бузишда намоён бўлади.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳасад инсоният пайдо бўлган даврлардан то ҳозирги кунгача мавжуд бўлган иллат ҳисобланади. Ҳасад ҳиссини умрида ҳис қилмаган инсон йўқ. Шунинг учун ҳам олимлар бу муаммони ўрганишга доим қизиқиш билдирган. Биз тадқиқот ёрдамида ҳасадгўйлик хусусиятини миллий муҳитда шаклланишинг кузатдик. Ҳақиқатда ҳам хориж олимларининг тадқиқотларида фарқ қилувчи натижаларни кузатдик. Бизнинг тадқиқотимизда респондентларимизда ҳасад-душманлик туридан ҳасад-маъюслик тури кўпроқ ривожланганлигини аниқладик. Бу ментал хусусиятга, тарбияга боғлиқ деган хулосага келдик.

Адабиётлар:

1. Baumel A., Berant E. The role of attachment styles in malicious envy // Journal of Research in Personality. 2015. № 55.- P. 1–9.
2. Cooper D. Equally and Envy // Journal of Philosophy of Education. 1982. v. 16. -P. 34-42.
3. Crusius J., Lange J. What Catches the Envious Eye? Attentional Biases Within Malicious and Benign Envy // Journal of Experimental Social Psychology. 2014. №55.- P. 1-11.
4. Jankowski K.F., Takahashi H Cognitive neuroscience of social emotions and implications for psychopathology: Examining embarrassment, guilt, envy, and schadenfreude. // Psychiatry and Clinical Neurosciences. 2014. № 68. -P. 319–336.
5. Hamman J.J. The Memory of Feeling: Envy and Happiness // Pastoral Psychology. 2015. № 64. -P. 437–452.
6. Hirsch I. Narcissism, Mania, and Analysts' Envy of Patients // Psychoanalytic Inquiry: A Topical Journal for Mental Health Professionals. 2014. № 34. -P. 408-420.
7. Maijala H., Munnukka T., Nikkonen M. Feeling of 'lacking' as the core of envy: a conceptual analysis of envy // Journal of Advanced Nursing. 2000. № 31(6). -P.1342-1350.
8. Parrott W. G. The Emotional Experience of Envy and Jealous//P. Salovey. The Psychology of Jealousy and Envy. N. Y.: The Guilford Press. 1991. -P. 5-23.
9. Rosenblatt A. D. Envy, identification and pride // Psychoanalytic Quarterly. 1988. N. 57, -P. 113-127.
10. Silver M., Sabini J. The social construction of envy // Journal of the Theory of Social Behavior. 1986. N 8, -P. 45-59.
11. Tai, K., Narayanan, J., McAllister, D.J.: Envy As Pain: Rethinking the Nature of Envy and Its Implications for Employees and Organizations. The Academy of Management Review (AMR), 2012. - P.114-123.
12. Takahashi H., Kato M., Matsuura M., Mobbs D., Suhara T., Okubo Y. When Your Gain Is My Pain and Your Pain Is My Gain: Neural Correlates of Envy and Schaden-freude//Science, 2009, v. 323.13 February, -P. 937-939.
13. Tittellman P.A. Phenomenological comparison between envy and jealousy //J. of Phenomenological Psychology. 1982. - V. 12. - P. 199-204.
14. Ven N. van de. Zeelenberg M., Pieters R. Leveling up and down: the experiences of benign and malicious envy // Emotion 2009. v. 9 (3). -P. 419-429.
15. Van de Ven N., Hoogland C.E., Smith R. H., Van Dijk W.W., Breugelmans S.M., Zeelenberg M. When envy leads to schadenfreude // Cognition and Emotion. 2015. № 29 (6). -P. 1007-1025.
16. Wise, K., Alhabash, S., Park, H.: Emotional responses during social information seeking on Facebook. Cyberpsychology, Behavior, and Social Networking, 2010. -P. 558-562.



Хайитов Ойбек Эшбоевич,

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни илмий-методик таъминлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш маркази, илмий-методик ишлар бўйича директор ўринбосари, психология фанлари номзоди, доцент

РАҲБАР ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ: КОНЦЕПТУАЛ ЭМПИРИК ТАҲЛИЛ

Аннотация: Ушбу мақолада олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарларида психологик компетентликни ривожлантириш шартлари масаласи ёритилган. Унда дастлаб олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик ва аутопсихологик компетенциялари кластери аниқлаштириб олинган. Эмпирик таҳлилларга таяниб олий таълим муассасаси ўрта бўғин раҳбарининг психологик компетентлиги моделининг таркибий компонентлари аниқланган.

Калим сўзлар: раҳбар, бошқарувчи, олий таълим муассасаси, ўрта бўғин раҳбари, "Мен" концепцияси, компетентлик, компетенция, аутопсихологик компетенция, ижтимоий-психологик компетенция, компетенциялар кластери, психологик компетентлик, модель.

Аннотация: В статье рассматривается проблема развития психологической компетентности у руководителей среднего звена высшей школы. Первоначально был составлен кластер социально-психологических и аутопсихологических компетенций руководителя средней ступени высшего образования. На основе эмпирического анализа выявлены компоненты модели психологической компетентности руководителя среднего звена вуза.

Ключевые слова: руководитель, менеджер высшего учебного заведения, руководитель среднего звена, «Я-концепция», компетентность, компетенция, аутопсихологическая компетенция, социально-психологическая компетенция, кластер компетенций, психологическая компетентность, модель.

Abstract: The article deals with the problem of the development of psychological competence among middle managers of higher education. Initially, a cluster of socio-psychological and autopsychological competences of the head of the secondary level of higher education was compiled. On the basis of empirical analysis, the components of the model of psychological competency of the head of the middle level of the university are revealed.

Keywords: head, manager of a higher educational institution, middle manager, self-concept, competency, competence, autopsychological competence, socio-psychological competence, competence cluster, psychological competency, model.

Мавзунинг долзарблиги. Жамиятимизнинг ижтимоий-иқтисодий соҳасида охирги ўттиз йилликда рўй берган глобал ўзгаришлар, яъни янги даврга ўтиш, бир томондан, табиий ривожланиш натижаси бўлса, иккинчи томондан, янги ва номаълум вазиятда фаолият олиб бориш ҳамдир. Шунинг учун бир босқичдан иккинчисига ўтиш инқирозли бўлишини билишнинг ўзи мана шундай вазиятларга тетик қарашни, бу қийинчиликлар вақтинчалик эканлигини англашга ёрдам беради ва инқирозли ораликдан анча ишонч билан енгиб ўтишни таъминлайди. Шу боис ҳам ижтимоий психология фани ўз олдига юқоридаги муаммолар ечимини топишда назарий-мавҳум фикрлашдан амалийликка ўтиш заруратини кўйиб, бошқарувчи субъектлар фаолияти муаммосини, яъни шахснинг касби ва мутахассислигидан қатъи назар, жамиятнинг фаол аъзоси сифатида билиши лозим бўлган, мантиқан яхлит дунёқарашга эга бўлиши учун идрок эта олиши шарт саналган, табиат ва жамиятнинг иқтисодий қиёфаси ва унинг динамикасини кўра олиш, тушуна билиш ва баҳолай олиш қобилиятини, бир сўз билан айтганда, психологик компетентлигининг ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатларини этнопсихологик кадрлар доирасида ўрганишни тақозо этмоқда.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ҳар қандай ташкилотдаги асосий оғирликни ўзига олувчи ўрта бўғин раҳбарларида махсус қобилият кўпроқ ривожланган бўлиши лозим. Улар ишга диққат-эътиборли, масъулиятли, катта ҳажмдаги маълумотларни миқдор ва сифат жиҳатдан таҳлил этиш қобилиятига эга шахслар саналишади. Шу боис, ўрта бўғин раҳбарларининг



касбий мукаммаллашуви, ўзини ўзи бошқариш малакаларини эгаллаши, бир сўз билан айтганда раҳбарнинг қўл остидаги ходимлар билан ўзаро шахсий муносабатлар тизимида биргаликдаги муваффақиятли ҳаракатланиш қобилиятини, яъни бошқарув компетентлигини шакллантириш гуруҳ шароитида ва гуруҳлараро муносабатлардаги ўзаро муносабат ва ҳамкорликни тартибга келтиришни таъминловчи ижтимоий экспектация кўринишидаги асосий муаммолардан бирига айланиб, моделлаштиришни долзарб муаммо сифатида кун тарибига қўймоқда.

Мазкур тадқиқот ишимизнинг объектини олий таълим тизимида фаолият юритаётган раҳбар ва педагог-ходимлар тоифасига мансуб 420 нафар синалувчи (бўлим бошлиқлари – 40 нафар, факультет деканлари – 22 нафар, декан ўринбосарлари – 53 нафар, кафедра мудирлар – 62 нафар, ўрта бўғин раҳбарлик лавозимларига захира кадрлар – 236 нафар, экспертлар – 7 нафар) ташкил этди.

Раҳбар психологик компетентлигини моделлаштириш муаммосининг ўрганилган ҳолати. Миллий тикланишдан миллий юксалиш сари одимлаётган Янги Ўзбекистоннинг ҳар жабҳадаги ислохотлари йўлининг барқарорлашуви, “Ҳаракатлар стратегиясида” [1; б. 25–151.] назарда тутилган тараққиётимиз маромининг тобора интенсивлашуви узлуксиз таълим тизимида ҳам замонавий раҳбар кадрлар фаолияти самарадорлигини сарҳисоб қилиш ва оптималлаштириш заруратини келтириб чиқармоқда.

Жамиятимизнинг янгилини шароитида, кўпинча кундалик мулоқотда, биз “компетенция” ёки “компетентлик” тушунчаларини тез-тез ишлатмоқдамиз. Айниқса, “профессионал компетентлик” тушунчаси кўпроқ диққат-эътиборни ўзига тортади. Лекин, баъзан инсонлар билан ишлаш борасида “психологик компетентлик” тушунчаси ҳам ишлатилади. Психология фанида, хусусан, унинг “Бошқарув психологияси” соҳасида охириги пайтларда “психологик компетентлик” феномени ажратилмоқдаки, моҳиятан у – профессионал компетентликдан кенгрок ва кўпкамровлироқдир. XX асрнинг ўрталарида бошқарув соҳасида илк бора моделлаштириш тамойили қўлланилган бўлиб, ҳозирда у психология фанининг илғор тамойилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда. Шу жиҳатдан ҳам психологик компетентлик ҳозирда: мега (халқаро ташкилотлар, трансмиллий корпорациялар); макро (давлатнинг марказий органлари, жумладан вазирликлар); мезо (марказга бўйсунувчи ташкилотлар, жумладан, ижтимоий институтлар, уюшмалар, бирлашмалар); микро (бошланғич ташкилотлар ва кичик гуруҳлардаги шахслараро мулоқот) даражалардаги муносабатлар тизимида кўринади [2; б. 55–61]. Шахс ёки ташкилотга оид компетентлик ва компетенцияларни моделлаштириш масаласи О.А. Анисимова, И.А. Зимняя, С.А. Щенников, А.И. Юшко, И.А. Патронова, З.М. Альбекова, В.Н. Косирев, М.С. Шклярчук, Н.С. Гаркуши [3; 84] ва бошқаларнинг изланишларида учраса-да, уларнинг барчаси айрим мутахассислик доирасида ўрганилган. Кенг қамровли адабиётлар таҳлилига таяниб, “компетенциялар”ни аниқлашга ёндашувлар ҳақидаги умумий маълумотни қуйдагича тизимлаштириш мумкин (1-жадвалга қarang).

Жадвал № 1.

“Компетенция” тушунчасининг турли хил талқинлари

Т/р	“Компетенция” тушунчасининг моҳияти	
1.	Америкача ёндашув	Компетенция – бу тўғри хулқ-атворни намойиш этадиган ва ишда юқори натижаларга эриша оладиган ходимнинг асосий тавсифидир.
2.	Европача ёндашув	Компетенция – бу ходимнинг ташкилотда қабул қилинган меъёрларга мувофиқ ҳаракат қилиш қобилияти (ходим эришиши керак бўлган минимал стандартни белгилаш).
3.	Амалий ёндашув	Компетенция – бу ходимнинг меҳнат функцияларини муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган хулқ-атвор тавсифи бўлиб, у ўзини намунадагидек тутишнинг зарур меъёрларини ўзида акс эттиради.



Методика. ОТМ ўрта бўғин раҳбариди психологик компетентликни ривожлантириш шартлари Э. Ғозиев, Р. Тошимовларнинг “Менежер фаолиятининг диагностикаси” методикасидан фойдаланиб баён қилинган [1; б. 134–139.]. Мазкур методика ОТМнинг 177 нафар ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари билан ўтказилган. Қўлга киритилган натижалар, яъни раҳбарларнинг шахсий ва касбий сифатларига доир маълумотлар – хусусан, ОЎЮнинг ўрта бўғин раҳбари учун қуйидаги: а) лавозим бўйича аттестацияга тайёрланиш босқичи; б) шахсий-касбий сифатларни ривожлантириш ва раҳбарнинг ўз устида ишлашни такомиллаштириш; в) шахсий ҳаёт ва касбий фаолиятни ташкил қилишнинг фундаментал асоси раҳбарнинг ўз “Мен”и концепциясини бўйича ўзи ҳақидаги тасаввурларини аниқлаштириш билан боғлиқ жараёнларда муҳим аҳамият касб этиши исботланган.

Натижалар 12 та устун бўйича таҳлил қилиниб, ҳар бир устун алоҳида жадвал кўринишида тизимлаштирилган ҳамда 3 та даражадаги ижтимоий-психологик таҳлили юритилган. Масалан, ўзининг “мен”идан рози ёки норози бўлиш интеграл ҳисси устун бўйича 177 нафар респондентдан 120 нафарининг натижаси (мос равишда 68 фоиздан) ўзи ҳақида жуда юқори фикрда ҳамда ўз “Мен”идан тўла рози эканлигини кўрсатади. Фикримизча, натижалар ўрта бўғин раҳбарининг ўзига нисбатан сезгирлиги, ўзининг эҳтиёж ва хоҳишларини тўғри англаб етганлиги ҳамда адекват муносабатларга кириша олиш хусусиятини ифодалашда қўл келади. Сабаби, ўзи ҳақида жуда юқори фикрда ҳамда ўз “Мен”идан тўла розилик компетенцияга эга ўрта бўғин раҳбари, бошқарув амалиётида “исми шариф” усулини татбиқ этиб, вақтдан унумли ва самарали фойдаланиш санъатини намоён қилишар экан. Шунингдек, бу тоифа ўрта бўғин раҳбари бошқарув фаолиятида тайм-менежментга амал қилишда шахсий намуна кўрсата олишади.

Аниқланишича, бу тоифа ўрта бўғин раҳбари бошқарув қарорларини қабул қилишда консултатив услубни, педагог-ҳодимларни бошқаришда эса партисипативлик услубини қўллайдиган демократ раҳбарлар ҳисобланишар экан. Бу эса ўз навбатида жамоавий кадрятларни шакллантирадиган бошқарув фаолияти маҳсули саналади. Демак, мазкур методикадаги “ўзининг менидан рози ёки норози бўлиш интеграл ҳисси” устун бўйича олинган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “ўз менига эга бўлиш” компетенцияси моҳиятини очиб беришга хизмат қилади.

Шунингдек, ўрта бўғиннинг 84 фоиз ва қуйи бўғиндан 79 фоиз раҳбар ўзини юксак даражада ҳурмат қилашини, ўзига ишонишини ва мустақиллигини намоён этишган. Фикримизча, ўрта бўғин раҳбарининг доимо ўз устида ишлаши, хатоларини англаб етиши ва уларни бартараф этишга бўлган ички интилиш истаги ҳамда бошқарувдаги оптимизмга йўналганлик ҳолати – унинг ўз кучига бўлган ишончини ифодалайди. Тадқиқотнинг кўрсатишича, “келажакка ишонч” компетенцияга эга ўрта бўғин раҳбари мунтазам равишда ўз устида ишлаб, билим, кўникма, малака ва компетенцияларини ошириб боради.

Бу тоифа раҳбарлар ўз бўлими, факультети даражасидаги бошқарувда ва қарорлар қабул қилиш жараёнида мунтазам равишда танқидий таҳлил юритишади, йўл қўйилган хато-камчиликларни тузатиш, бартараф этиш ҳамда оқибатлари билан курашишнинг чораларини излайдилар. Улар қўл остидаги педагог-ҳодимларнинг эмоционал толиқишларини бартараф этиш йўлида, бўғин даражасидаги бошқарувда ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда иродавий лидерликни яққол намоён этишади.

Демак, методикадаги “ўзини ҳурмат қилиш” устун бўйича қўлга киритилган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “келажакка ишонч” компетенцияси моҳиятини ёритишга хизмат қилади (1-расмга қаранг).

Шунингдек, яна 28 фоиз ўрта, 32 фоиз қуйи бўғин раҳбари ўз “Мен”и билан “дўстона” муносабатда бўлиб, бизнингча, бундай эгоцентриқ установа ҳолат, бу тоифа раҳбардан ўз хислатларини ва умумий хулқини юксак даражада назорат қилиши заруратини келтириб чиқаради.



Расм №1. ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластери.

(Манба: муаллиф ишланмаси)

Мос равишда 40 фоиз ва 27 фоиз раҳбар ўз жавобида ўзини қўллаб-қувватлашини, ижобий баҳолашини, ўзига ишонишини, шу билан бирга ўзини айблашга ҳам тайёрлигини эътироф этишган.

Фикримизча, ОТМ ўрта бўғин раҳбари (масалан факультет декани)нинг турли ёш (миллениаллар, “X-авлод”, “Y-авлод” вакиллари) ва жинс (аёл, эркак) вакиллари ва гуруҳий (талабалар жамоаси, педагоглар жамоаси) муносабатлар контекстидаги ўз бошқарувининг инкирозли ҳолатларида ўзини ўзи иродавий намоён қила олиши, “декан-талаба”, “декан-ўқитувчи” муносабатларидаги инкирозли вазиятлардан чиқа билиш кўникмаларининг мавжудлигини кўрсатувчи компетенцияси – бу раҳбарнинг ўзини ўзи идора қила олиши демакдир.

Хулоса қилиб айтганда, методикадаги “ўзини-ўзи ёктириш” устуни бўйича қўлга киритилган натижаларнинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “ўзини ўзи идора қила олиш” компетенцияси моҳиятини ёритишга хизмат қилади (1-расмга қаранг).

Маълумки, ҳар бир инсон ўз атрофдагилардан қандайдир ижобий ёки салбий муносабатни кутади. Интерпретацион таҳлилга кўра, ўрта бўғиннинг 20 фоиз, қуйи бўғиннинг 8 фоиз раҳбари атрофдаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалардан салбий муносабатни кутишади, ҳатто меҳр-муҳаббати зарур бўлганлардан ҳам яхши муносабатни кутишмайди. Чунки бу тоифа раҳбарлар одатда ўзига яхшилиқни чинакамига раво кўришмайди. Ваҳоланки, улар ўзини бошқаларга ўхшамайдиган, алоҳида шахс ёхуд “мендақаси йўқ” деб ҳисоблашади. Фикримизча, ушбу ҳолат мазкур тоифа (28 нафар) раҳбарни ўзи ҳурмат қилишини кучайтирадиган вазифаларни олдига мақсад қилиб қўйишига тўсиқлик қилади. Яна 48 фоиз



ўрта, 32 фоиз қуйи бўғин раҳбари атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалар орасида ўзига салбий муносабатда бўладиганлар борлигини билишса ҳам, лекин уларнинг барчасини ижобий муносабатда деб ўйлашади. Бу ҳолат шу тоифа раҳбарлардан уларнинг муносабатларига муносиб бўлишга, ижтимоий ахлоқ нормаларига риоя қилишга, ташқи қиёфасига эътибор беришга, ўзини назорат қилишга интилишни вужудга келтиради.

Шунингдек, 32 фоиз ўрта, 60 фоиз қуйи бўғин (ҳар иккала бўғиндан 37 нафар) раҳбар(и) атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабаларнинг ўзига ижобий муносабатда эканликларига тўла ишонишади. Фикримизча, айнан шу ишонч уларда ўзига нисбатан ҳурматни тобора орттиради ва ҳамда бошқарувдаги муваффақиятни таъминлайди. Сабаби бу тоифа ўрта бўғин бошқарувчиси ўзини ўта масъулиятли, ишончга арзийдиган шахс эканлигини қўл остидагиларга кўрсата олади.

Ана шундай компетенцияси соҳиб(ас)и саналган ўрта бўғин раҳбари, одатда жамоаси билан бошланган ишни охирига етказишга, бошқарув жараёни билан боғлиқ ҳар қандай ишончли маълумот ёки хавф-хатар объектларига эътибор (ҳурмат) билан муносабатда бўлади. Бу эса ўз навбатида бошқалар билан самимий ва тўғрисиқ муносабатда бўлишни таъминлайди. Эътиборли жиҳати бу тоифа ўрта бўғин раҳбарлари ўз хатолари учун атроф(қўл ости)дагиларни айблашмайди, аксарият ҳолларда масъулиятни ўз зиммаларига олишади.

Бу тоифа раҳбарлар ўз шахсининг қадр-қимматли эканлигига ишонишади ва фаолиятининг самарали бўлиши атрофидаги ёки қўл остидаги педагог-ходим/талабалардан кутаётган муносабатига боғлиқлигини чуқур англайди. Фаолияти даврида атрофдаги ёки қўл остидагиларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурларини сақланиб қолиши учун бу тоифа раҳбарлар доимо ўз устларида ишлаши зарурлигини алоҳида эътироф этишади. Шунингдек, улар ўз бошқарув фаолиятини виждонан бажаришади. Умумжамоавий ривожланиш (муваффақият) йўлида, керакли далил ва маълумотларни, ҳатто ўз билимларини ҳам ҳамкасблари билан бўлишишади.

Умуман олганда, методикани “атрофдагилардан кутилаётган муносабат” устун бўйича қўлга киритилган натижанинг ижтимоий-психологик таҳлили – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “ишончли бўлиш” компетенцияси мазмун-моҳиятини тубдан ёритиб бериш учун асос бўлади (1-расмга қаранг).

Тадқиқот натижаларига қараганда, ҳар иккала бўғин раҳбарларидан фақат 8 нафари (мос равишда – 4 фоиз, 5 фоиз) ўз “Мен”ини салбий баҳолаш қутилмасига тайёр саналади. Ҳар иккала тоифа вакилларида 123 нафари, 72 фоиз ўрта, 65 фоиз қуйи бўғин бошқарувчиси атрофдаги одамлар, яъни юқори бўғин раҳбарлари, педагог-ходимлар, талабалар, баъзан уларнинг ота-оналарининг ўзларига нисбатан муносабати, фикри ва хатти-ҳаракатини танқидий ҳамда реал баҳолай олишадиган бошқарувчилардир. Тадқиқотдан маълум бўлишича, мазкур тоифа раҳбарларда ўз имкониятларига, қўл остидаги ходимлари ва атрофдаги ҳамкасбларининг шахслик хусусиятларига тўғри баҳо бера олиш қобилияти яхши шаклланган. Фикримизча, бундай ўзига нисбатан йўналтирилган ички хатти-ҳаракатлар бу тоифа раҳбарларнинг шахсий сифатлари ва хулқ-атвори моделининг таъсиридан келиб чиқади. Сабаби айнан шу компетенцияга эга ўрта бўғин раҳбари, одатда қўл остидаги ходимларни тўғри танлаш (профотбор)ни тизимли йўлга қўя олган. Тадқиқотнинг кўрсатишича, улар қўл ости(атрофда)гилар билан алоқаларни мунтазам ривожлантириб боришади. Зарурий ҳолларда, айниқса янги ўқув йилига тайёргарлик жараёнларида ўз ваколатларини узатиб, қўл остидагиларнинг “лидерлик” ва “касбий” компетенцияларини ҳисобга олган ҳолда, бошқарув фаолиятини тизимли йўлга қўйишган. Шунингдек, бундай тоифа синалувчи декан факультети жамоасини ягона мақсад ва умумий касбий қизиқишларнинг мавжудлигига ишонтирган.


Аниқланилишича, яна мос равишда 23 фоиз, 31 фоиз ОТМларининг ўрта ва қуйи бўғин раҳбарлари учун ўз “Мен”ини нафақат педагог-ходим/талабалар, балки юқори бўғин раҳбарлари (проректорлар, ректор ва бошқалар) томонидан кўпроқ ижобий баҳолашиши “ижтимоий қутилма” сифатида қадрлидир. Фикримизча, бу ҳолат ушбу тоифа бўлим бошлиғи, факультет декани, декан ўринбосари, кафедра мудирларини ўз “Мен”ига ижобий йўналтиради ва ўрта ёхуд қуйи бўғин бошқаруви фаолиятини жадаллаштиради. Факультетдаги педагог-ходимларнинг “содиклик” ва “натижага эришиш” компетенцияларини алоҳида қадрлайди ва энг муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишида уларга таянади. Эътиборли жиҳати шундаки, бу тоифа респондент ўз қўл остидаги жамоасининг деярли ҳар бир аъзосига одатий хизмат кўнғироқларига қандай жавоб бериш кераклигини, ОТМга шахсий мақсадларда ёки



хизмат юзасидан ташриф буюрувчиларни кутиб олиш, ўзаро муносабатлар ўрнатиш юзасидан доимий равишда тегишли маслаҳатларини аямайди. Бу йўлда ҳатто ўзлари шахсий намуна бўлишиб, ўзи ва ўзгаларнинг имкониятини тўғри баҳолай олиш қобилиятлари билан қўл ости атроф)дагиларнинг ҳақли равишдаги меҳрини қозонишади. Демак, методикадаги “ўзгалардан кутилаётган муносабат” устунини ифодаловчи натижанинг ижтимоий-психологик таҳлилидан – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ижтимоий-психологик компетенциялари кластеридаги – “ўзи ва ўзгаларнинг имкониятини тўғри баҳолай олиш” компетенцияси мазмунини тушунтиришда фойдаланса бўлади (1-расмга қаранг).

Тадқиқот натижалари 120 нафар (ўрта бўғин раҳбари – 76 фоиз, куйи бўғин раҳбари – 53 фоиз) раҳбар синалувчи шахсий фаолиятида изчиллик, ўз қобилияти ва имкониятларга ишонч, ўзини тушуниш, ўзини назорат қилиш етарли даражада мужассам эканлигини кўрсатди. Фикримизча, ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг ўз қарашлари, креатив ғоялари ва бошқарув фаолиятида муваффақият қозониш имкониятларига бўлган ишонч сифати ҳамда юқори бўғин раҳбари олдида мустақил тарзда бошқарув лавозимини эгаллашга шайлик хусусияти – унинг ўзига бўлган ишонч даражасини атрофдагиларга тўлақонли намоён бўлишига сабаб бўлади. Бундай компетенцияга эга ОТМнинг ўрта бўғин раҳбари, даставвал, бошқарув фаолияти йўлидаги қўйилган мақсадларга эришишда ўз имкониятларига қаттиқ ишонади. Шунингдек, вазият тақозо этганда адолат мезонларига таяниб, жараёнда ҳақ саналган шахсни ёки бутун бошли кафедра жамоасини (академик гуруҳни) қўллаб-қувватлашнинг уддасидан чиқа олади. Эмпирик тадқиқотлар орқали ОТМ ўрта бўғин раҳбари психологик компетентлигининг саккизта таркибий компонентлари аниқланди. Аниқланган таркибий компонентлар – профессионал, коммуникатив, ижтимоий-информацион, ижтимоий-психологик, когнитив, услубий ва махсус, маданий, аутопсихологик компетенциялар кластерига ажратилди. Диссертацион тадқиқот ишлари натижаларига асосланиб, ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг психологик компетентлиги моделининг таркибий компонентлари тизимлаштирилди (3-расмга қаранг).

Қарорларда қатъиятлигини ўз кучига бўлган тўла ишонч орқали намоён қилади. Бир сўз билан айтганда, методикадаги “ўзига ўзи раҳбарлик қилиш” устунини ёрдамида келиб чиққан натижа – ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг “ижтимоий-психологик” ва “аутопсихологик” компетенциялари кластеридаги – “ишончли бўлиш” ва “ўзига ишонч” компетенциялари мазмунини тушунтириш учун асос бўлиб хизмат қилади (1, 2-расмларга қаранг).



Расм № 2. ОТМ ўрта бўғин раҳбарининг аутопсихологик компетенциялари кластери. (Манба: муаллиф ишланмаси)

Компетентликлари оламига дахлдор 22 хилдаги шахс сифатлари ва уларни асословчи 38 кўринишдаги компетенцияларнинг моделлашган мажмуидир.

Хулоса. Раҳбар психологик компетентлигини моделлаштиришнинг концептуал эмпирик таҳлили куйидаги хулосаларни илгари суриш имконини берди:

Биринчидан, компетенция муайян шахс (раҳбар) доирасида ўрганилганда, инсоннинг ривожлантириши зарур бўлган кучли томонларини, сифатларини юзага чиқаришда ва ишни энг яхши, самарали бажариш мумкин бўлган усулларини аниқлашда ёрдам берса, ОТМ миқёсида эса ҳамкасбларни ўқитишга бўлган эҳтиёжларни ва берилган маслаҳатлар натижасида тўлмай



қолган “бўшлиқ”ларни тўлдиришда асқотади;

Иккинчидан, компетентлик – раҳбар фаолиятини унинг энг яхши бажарган амалларига нисбатан баҳолашда ёрдам берадиган стандарт, деб айтиш мумкин. Сабаби, бундай баҳолашни, ўз навбатида, ўзгаришлар шароитида ОТМ (иктисодиёт субъектлари) фаолиятини яхлит ҳолда ижобий томонга ўзгаришига олиб келади. Охир оқибат, муваффақият эгалари – бу ОТМ, жамият ва муайян шахслар ёки раҳбар ҳисобланишади;

Учинчидан, психологик компетентлик – бу раҳбардаги шахсий фазилат ва ҳислат (компетенция)лар ҳамда касбий хусусият ва сифатлар (компетентлик)нинг профессионал бошқарув фаолиятида намоён бўладиган интеграциялашган таркибий тузилмасидир.

Тўртинчидан, компетентлик олами, компетентлик асослари, устувор шахс сифатлари ва компетенцияларни ўзида мужассамлаштирган ОТМ ўрта бўғин раҳбарлари психологик компетентликни ривожлантиришнинг комплекс модели – ўрта бўғин раҳбарлари учун зарурий билим ва сифатлар мажмуасини ривожлантиришга қаратилган интенсив ўқитиш ва захира кадрларни танлаб олиш тизимини яратишда ўзига хос индикатор вазифасини бажаради.

Бешинчидан, раҳбар психологик компетентлигининг компонентлари ва уларни ташкилловчи кластерлардаги компетенциялар моҳияти – ўз навбатида ОЎЮларининг бўлажак менежерларни тайёрлаш жараёни учун ўқув адабиётларини яратиш, амалий тавсияларни беришда қўл келиб, пировардида учинчи Ренессанс давридаги янги авлод бошқарувчилари онгида эгаллаб турган лавозимига масъулият билан танқидий ёндашишни шакллантиради, уларнинг ўз устида ишлаш мотивациясининг ортишига ҳамда “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак” деган тамойилни амалда қарор топишига ҳисса қўшади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ПФ–4947-сон Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 6 (766)-сон. – 70-модда. – Б. 25–151.
2. Eshboevich, H. O. (2020). Modeling The Psychological Competence Of Higher Education Leaders (In The Example Of Mid-Level Management Staff). The American Journal of Social Science and Education Innovations, 2(08), 55-61. <https://doi.org/10.37547/tajssei/Volume02Issue08-09>. Access mode: URL: <http://usajournalshub.com/index.php/tajssei/article/view/631/590> (Date accessed: 30/08/2020).
3. Модель компетенций команды цифровой трансформации в системе государственного управления / под ред. Шклярук М.С., Гаркуши Н.С. – М.: РАНХиГС, 2020. – 84 с.
4. Ғозиев Э., Тошимов Р. Менежмент психологияси: Ўқув қўлланма. – Т.: “Университет”, 2001. – Б. 134–139.



*Абдуллаев Меҳриддин Жунайдуллоевич,
Бухоро давлат университети профессори, н.ф.ф.д. (PhD)*

ҲАРАКАТЛИ ҲИЙИНЛАР ОРҚАЛИ ЁШ ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ ВА ПСИХОЛОГИК ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ОШИРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада ҳаракатли ҳиЙинларни қўллаш орқали бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини ривожлантириш методикаси илмий жиҳатдан такомиллаштирилган ва асосланган.

Калит сўзлар: бошланғич тайёргарлик босқичи, куч, тезкор-чидамлик, чидамлик, чаққонлик, жисмоний тайёргарлик, психологик тайёргарлик, мулоқотга кириша олиш қобилияти.

Аннотация: В данной работе научно усовершенствована и основана на ней методика развития физической и психологической подготовленности юных легкоатлетов, занимающихся на начальном этапе подготовки через применение подвижных игр.

Ключевые слова: начальный подготовительный этап, сила, быстрота, выносливость, ловкость, физическая подготовка, психологическая подготовка, умение вступать в общение.

Abstract: in this paper, the method of developing physical and psychological fitness of young athletes engaged in the initial stage of training through the use of outdoor games is scientifically improved and based on it.

Keywords: initial preparatory stage, strength, speed, endurance, dexterity, physical training, psychological training, ability to communicate.

Долзарблиги. Ҳозирги даврда кун сайин ортиб бораётган рухий ва маълумотлар тигизлиги босими остида ўзгариб бораётган ижтимоий ва экологик шароитлар таъсирида инсон ривожланиши ва мослашишининг қулай йўл ва воситаларини излаши зарурияти туғилгани барчага аёнлашиб қолди.

Ижтимоий маданият ва инсон шахси камол топишида муҳим ўрин тутувчи, спорт нафақат соғлиқни мустаҳкамлаш ва жисмоний маҳоратни ошириш воситаси, балки рухий-маънавий ривожланиш ижтимоий мослашиш, касбий лаёқатга эришиш, юқори маҳорат даражасини эгаллаш сингари долзарб мақсадларга эришишда инсоннинг содиқ кўмакчисига айланиб улгурди.

Мамлакатимиз Президенти ва ҳукуватимиз томонидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, халқимизнинг спорт билан янада кўпроқ ва изчилроқ шуғулланишга бўлган қизиқиш ва эҳтиёжларини қониқтириш, йўлида қабул қилинаётган кўплаб қарор ва қонунларнинг чиқарилаётганлиги, ўзгариб бораётган ижтимоий шарт-шароитлар ва шахсий хусусиятларни эътиборга олиб болалар ва ёшларни спорт билан шуғуллантиришга янада кўпроқ жалб қилиш, уларни ҳар томонлама камолга етган жисмоний, психологик ва ақлий сифатлари юксак даражада ривожлантирилган фуқаролар сифатида тарбиялашдек олий мақсадларга эришиш йўлида қўйилаётган қадамлардир[1,2]. Танланган спорт тури бўйича иқтидорли болаларни спортга жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ўстиришда жисмоний, техник-тактик, психофизиологик, интеллектуал тайёргарликнинг ўрни бекиёсдир. Спорт турларининг шиддатли ривожланиши мазкур соҳада замонавий илмий-тадқиқотларни ўтказиш ва уларнинг натижаларига таянган ҳолда ўқув-машғулотларини илмий асосда ташкил қилиш бугунги кунда болалар ва ўсмирлар спортини ривожлантиришнинг муҳим жиҳатларидан бири ҳисобланади.

Юртимизда бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш енгил атлетикачиларнинг машғулотлари жараёнида спорт тури хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳаракатли ўйинларни саралаш, ўйинларни жисмоний (куч, чаққонлик, чидамлик, тезлик, тезкор-куч) ва психологик (мулоқотга кириша олиш, ўз тенгдошини тушуна олиш, бажарилиши белгиланган фаолиятнинг вазифаларини англаш, ўз тенгдошларига муносабатларини ифодалаш тўғрисидаги тасаввурлари, катталар билан муносабатларини қуриш ҳақидаги тасаввурлари ва бошқалар) тайёргарликни ривожлантиришда қўллаш методикасини такомиллаштириш ҳозирги кунда долзарб масалалардан биридир[11].

Шунингдек болалар ва ўсмирлар спорти назарияси ва услубияти соҳасида ўсмир спортчиларни тайёрлаш тизимининг замон талабларига мослаштириш юзасидан кўплаб илмий тадқиқот ишлари ўтказилган.

В.И.Лях, А.Н.Нормуродов, Э.Р.Андрис, В.Г.Никитушкин, Т.С.Усмонходжаев, К.Т.Шакиржанова, С.С.Тажибаев ва бошқаларнинг таъкидлашича, бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ўсмир ёшдаги спортчиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини мақсадли ташкиллаштириш келажакда етук спортчиларни тайёрлашнинг гарови ҳисобланар экан[5,6,7,8,10].

Илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш натижасида ёш енгил атлетикачиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш ва психологик тайёргарлигини илмий-методик таъминлаш ишлари бўйича услубий тавсиялар етарли даражада ишлаб чиқилмаганлигини кўрсатмоқда.



Тадқиқотнинг мақсади бошланғич тайёргарлик босқичида ёш энгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинларни қўллаш методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

енгил атлетикачиларнинг жисмоний ва психологик тайёргарлигининг ёшга хос динамикасини ўрганиб, кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

ёш энгил атлетикачиларда жисмоний тайёргарлик даражасининг психологик тайёргарликка таъсирини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида ёш энгил атлетикачиларнинг ўқув-машғулотлар жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети ёш энгил атлетикачиларнинг ўқув машғулотлари самарадорлигини оширишда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда илмий-услубий адабиётлар таҳлили, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, инструментал метод, психологик тестлаш, педагогик тажриба ва математик статистик таҳлил методларидан фойдаланилди.

Спорт таълим муассасаларида ёш шуғулланувчилар шахсиятнинг шаклланиши асосини улар жалб қилинувчи фаолият тури ташкил қилади. Ушбу нуқтаи назардан ёш энгил атлетикачиларнинг фаоллиги тизими таркибида сезиларли даражада аҳамиятга эга ҳисобланган ҳаракатларга оид фаолият имкониятларига эътибор қаратиш болаларнинг ҳар томонлама уйғунликда ва баркамол ривожланишлари учун зарурий ҳолат сифатида қайд қилинади. Одамга таъсир кўрсатиш шиддати бўйича жисмоний тарбия ўзининг алоҳида ўрнига эга ҳисобланади. Одамнинг руҳий ҳолати, фикрлаш тарзи, сезилари ва ҳаракатлари ўртасида ўзаро боғлиқликнинг мавжудлиги сўзсиз равишда тасдиқланган факт ҳисобланади [3,5,11].

Шунингдек, ҳар бир ҳаракатга оид вақт-макон ва вақт нуқтаи назаридан амалга оширилиши давомида юқорида таъкидлаб ўтилган ҳолатни қайд этиш имконияти туғилади, шу сабабли фаол тарзда ҳаракат қилувчи болаларда аниқ вақт бирлиги давомида нисбатан кўпроқ ҳажмдаги ахборотларни қабул қилиш, ўз навбатида, руҳий жиҳатдан ривожланишнинг жадаллашиши имконияти юзага келади.

Ёш энгил атлетикачиларнинг ўзига хос хусусиятларидан бири бу саломатлик, жисмоний ва асабий-руҳий тизим нуқтаи назаридан ривожланишнинг ўзаро чамбарчас алоқадорлиги ҳисобланади. Маълумки, жисмоний жиҳатдан соғлом ва бақувват болалар нафақат турли хил касалликларга кам чалинадилар, улар руҳий томондан ҳам бошқаларга нисбатан яхши ривожланиши кузатилади, шундай қилиб жисмоний тарбия соғломлаштирувчи таъсирга эга бўлиш билан бирга тарбиявий аҳамиятга ҳам эгадир. Болалик даврида диққат-эътибор ва кузатувчанлик, ирода сифатлари ривожланади, умуман одамнинг шахсий хусусиятлари қарор топади [4,9,11].

Ҳаракатли ўйинларда иштирок этиш ёш энгил атлетикачиларда ўзаро бир-бири билан муносабатларга кириша олиш қобилиятини оптималлаштирувчи самарали воситалардан бири ҳисобланади, шунингдек, бунда ёш энгил атлетикачилар жамоаларида ўзаро бир-бирини тушуна олиш, дўстона ҳамкорлик тавсифидаги муносабатларнинг шаклланиши учун замин яратилади. Ушбу таҳлил қилинаётган доирада ўзаро мулоқот ва муносабатлар зарурий ва сезиларли даражада таъсирга эга бўлган омил сифатида аҳамиятли бўлиб, нафақат ҳаракатларга оид фаоллик, балки ахборотлар алмашинуви ва битта жамоа таркибида ўйинда иштирок этаётган болаларда эмоционал ҳолатларнинг ўзаро алмашинувлари каби функциялар нуқтаи назаридан воситачи омил сифатида ўрин тутди. Бу кўринишдаги ўзаро таъсирлашишлар натижасида ёш энгил атлетикачиларда ўзаро бир-бирини тушуна олиш ва ҳамкорлик қилишга мойиллик ривожланади. Яъни бунда ҳаракатларга оид фаоллик ва шахснинг ривожланиши ўртасида бевосита ва билвосита ўзаро боғлиқлик мавжуд ҳисобланади.

Юқорида келтирилган ҳолатларни ҳисобга олиб, биз тадқиқотларда мулоқотга кириша олиш қобилияти намоён бўлишининг ҳаракат тайёргарлиги даражасига боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш йўналишида тажрибалар олиб боришни режалаштирдик. Амалга оширилган тадқиқотлар натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

Бошланғич тайёргарлик босқичида шуғулланувчи ёш энгил атлетикачилардаги жисмоний тайёргарлик даражасининг мулоқотга кириша олиш қобилияти ривожланишига таъсирини аниқлаш юзасидан ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатади.



Жисмоний тайёргарлик даражаси «ўртача» деб баҳоланган ёш энгил атлетикачиларнинг 58 % қисмида мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ҳам даражаси «паст» бўлиши, 20 % жисмоний тайёргарлик даражаси «ўртача» бўлган энгил атлетикачиларда, мулоқотга кириша олиш қобилиятининг «ўртача» эканлиги, жисмоний тайёргарлик даражаси «ўртача» бўлган ёш энгил атлетикачиларнинг фақат 22 % қисмидагина мулоқотга кириша олиш қобилиятининг етарли даражада юқори эмаслиги аниқланди (1-жадвалга қаранг).

Жадвал № 1.

Ёш энгил атлетикачиларда жисмоний тайёргарлик даражасининг психологик тайёргарликка таъсири (% ҳисобида)

Т/г	Тайёргарлик ҳолати	18%	34%	48%
Тайёргарлик ҳолати	Мулоқотга кириша олишнинг ташқи намоён бўлиши Жисмоний тайёргарлик даражаси	Юқори даража	Ўртача даража	Паст даража
17%	Юқори даража	56	25	19
33%	Ўртача даража	22	20	58
50%	Паст даража	4	15	81

Бунда болаларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси ортиши билан мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ҳам ривожланб бориши маълум бўлди.

Шубҳасиз, жисмоний тайёргарлик даражасининг юқори бўлиши мулоқотга кириша олиш қобилиятининг нисбатан тезкорлик шаклланишини белгилаб берувчи, бунга туртки берувчи омил сифатида ўрин тутиши мумкин.

Даражалар бўйича корреляцион таҳлил натижалари болаларда мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ташқи намоён бўлишини тавсифловчи кўрсаткичлар ва жисмоний тайёргарлик даражасини ифодаловчи кўрсаткичлар ўртасида турли хил даражада ифодаланган ўзаро боғлиқлик мавжудлигини кўрсатади (2-жадвалга қаранг).

Жисмоний тайёргарликнинг алоҳида кўрсаткичлари ва мулоқотга кириша олишнинг ташқи намоён бўлиши кўрсаткичларини ифодалаб берувчи коэффициентлар ўртасида турли хил даражадаги боғлиқликларнинг мавжудлиги қиз болалар ва, шунингдек, ўғил болалар гуруҳларида ҳам аниқланди.

Тезлик, тезлик-куч ва координацион қобилиятларнинг намоён бўлиш даражасини белгилаб берувчи тестлар кўрсаткичлари ўртасидаги корреляцион боғлиқлик қиз болаларда бевосита чамбарчас корреляцион боғлиқлик даражаси чегарасида ($r=0,78-0,88$) бўлиши аниқланди.

Ўғил болалар гуруҳларида мулоқотга кириша олиш қобилиятининг ривожланишини тавсифловчи кўрсаткичлар ва жисмоний ривожланиш даражаси кўрсаткичлари ўртасидаги чамбарчас корреляцион боғлиқлик ҳолатлари - тезлик, тезлик-куч, куч ва координацион қобилиятларни ифодаловчи тестлар кўрсаткичларида қайд қилинди ($r=0,821-0,873$).


Ключевые слова: воспитание, поведение, психокоррекция, эмоциональная устойчивость или нестабильность, общение, человечность, уровни тревожности.

Abstract: This article considers the family as a holistic structure in the psychological correction of family relations. It is based on a direct reflection of the causes of psychological problems and ways to solve them.

Key words: upbringing, behavior, psychocorrection, emotional stability or instability, communication, humanity, levels of anxiety.

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда - оилавий психологик коррекция муаммоси оилада шахслараро муносабат тизимидаги носоғлом ижтимоий-психологик муҳитни бартароф этишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Қолаверса, оилавий муносабатлар психологик коррекциясида оила бир бутун тузилма сифатида тадқиқ қилинади. Унинг пойдеворида эса психологик муаммоларнинг сабаби ва уларни ечиш йўллари бевосита ўз аксини топади. Зеро, оила ва унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро илиқ ижтимоий- психологик муносабатлар оила аъзолари ҳаётида бир бутун организм сифатида шаклланиб боради. Бу оила табиатининг асл тушунчасидир. Оила алоқаларининг бузилиши бола меъёрий ривожланишининг бузилишига олиб келиб, унинг кейинги фаолиятига ўзининг унутилмас изини қолдириши тайин. Бу борада илмий адабиётларда жуда кўплаб фикрлар мавжуд [3].

Жумладан, муайян ижтимоий-психологик талаблар асосида тизимли ёндашув доирасидаги оилавий психологик коррекция шахслараро муносабатлар ва шахсининг ички шаклланишлари тўғрисидаги ҳолат асосига қурилиб, унга кўра мулоқот услуби, ўзаро ҳаракат характери, тарбия шакли бир томондан, оила аъзоларининг шахсий хусусиятлари иккинчи томондан доимо қайта тикланувчи, туташ гомеостатик циклни шакллантиради [1;5]. Бунда асосий урғу оилавий иерархияга қаратилади. Яъни ота-оналар катталар мавқеига қўйилиб, бу эса болалар учун жавобгарликнинг ошишини кўзда тутиб оиланинг мавқеи бўйича тенг бўлган одамлар ташкилоти сифатидаги тасаввурини истесно қилади. Оиланинг табақаланишида иерархик тузилмасида эр ва хотин турмуш ўртоқлар ҳамкорлиги, иттифоқини яратишиб, эр-хотин иттифоқи оилани тизим сифатида мустаҳкамлайди [1;2].

Мазкур тадқиқот давомида биз И.И.Мамайчук [4] томонидан таклиф этилган психологик коррекциядаги тизимли-даражавий ёндашувга асосланган ҳолда оилавий психологик коррекциянинг уч йўналишини ажратдик:

- умумий оилавий психокоррекция;
- маҳсус оилавий психокоррекция;
- дифференциаллашган психокоррекция.

Бунда ҳар бир даража учун стратегик ва тактик вазифалар ишлаб чиқилган бўлиб, улар 1-жадвалда келтирилган.



Жадвал №1.

Оилавий психологик коррекция йўналишлари		
Умумий:	Махсус:	Дифференциаллашган
<p>Оилани ўрганиш. Бола билан муаммолар сабабли оила аъзоларидаги ҳиссий дискомфортни юмшатишга йўналтирилган профилактик тадбирларни ишлаб чиқиш. Ота-оналар гуруҳида учрашувни ташкил қилиш, тренинг, мунозара, махсус суҳбат.</p>	<p>Оиланинг барча аъзоларини болалардаги ва ўсмирлардаги хулқ- аъвор бузилишлари Оилавий психокоррекциясига йўналтирилади. Оиланинг аъзоларида коммуникатив эмоцияларни ва когнитив хусусиятларни коррекциялашга йўналтирилган махсус (ўйинли, гуруҳий, мусиқий терапия усулларни ишлаб чиқиш.</p>	<p>Клиник- психологик, индивидуал-типологик Хусусиятларини инобатга олиб бола хулқидаги бузилишларни коррекциялаш. Индивидуал-ёш омилларини инобатга олган ҳолда боладаги мавжуд аниқ хулқ бузилишлари коррекциясига йўналтирилган дастурни ишлаб чиқиш.</p>

Юқорида қайд этиб ўтилган оилавий психокоррекция блоклари ўзаро боғланган ва бир бутун психокоррекциявий мажмуани акс эттиради. Психокоррекциявий жараён қуйидаги уч босқичдан иборат:

кўрсатмавий-диагностик;

коррекция.

мустаҳкамловчи.

Мустаҳкамловчи босқичда тизим даражасида оила ички ўзаро муносабатида эришилган натижаларни текшириш ва психологнинг оилавий тизимдан узоқлашуви содир бўлади.

Оилавий психокоррекция ҳафтада бир ёки икки марта такрорлаш тарзида олти ой давомида олиб борилади. Машғулотнинг умумий давомийлиги 90 дақиқани ташкил этади. Психокоррекциянинг биринчи ва иккинчи босқичида машғулотлар бутун оила билан уч ой давомида, сўнгра 2-3 оиладан иборат гуруҳда икки ой давомида ўтказилади. Психокоррекциянинг гуруҳий шаклидан сўнг ҳар бир оила учун оила ички ўзаро муносабатида эришилган натижаларини мустаҳкамлаш мақсадида икки, учта машғулот олиб борилади.

Оилавий психокоррекцияда тизимли ёндашувнинг муайян методологик тамойилларига асосланиб психокоррекцияда иштирок этаётган оилаларнинг барча аъзолари билан аниқ мақсадга йўналтирилган коррекция суҳбатлар олиб борилди.

Гностик блокнинг муҳим таркибий қисми психокоррекциянинг ўйин методлари ва оилавий диагностика методларидан фойдаланилди. Бунда: оиладаги ўзаро муносабатларни тўғридан-тўғри кузатишга асосланган ичдан кузатиш методи, сўровномалар ва проектив методикалар қўлланилди.

Хулқ-аъворидида бузилишлар бўлган болаларда тугалланмаган иборалар, оилавий социогарма, Люшернинг саккиз рангли модификациялаштирилган тести, А.М.Эткинд ва Е.Ф.Бажинларнинг муносабатлар рангли тести кабилар қўлланилди.

Хулқ-аъворидида бузилишлар бўлган болаларда хулқ-аъворни белгиловчи тизим ҳосил қилувчи қуйидаги омиллар ажратилди:

низога ҳиссий жавоб қайтариш усуллари ва ҳиссий-иродавий соҳаси хусусиятларини акс эттирувчи, уларнинг психик дезадаптация даражаси;

оилавий муносабатларга субъект-шахсли муносабатларнинг намоён этилиши;

ота-оналик муносабатлари услуби.

Юқоридаги омилларни инобатга олган ҳолда хулқ-аъворидида бузилишлар бўлган болаларни асосий икки гуруҳи ажратилди.

Биринчи гуруҳ-оилавий муносабатлар тизимининг бузилиши билан бирикувчи бекарор психик адаптациянинг юқори чегарасига эга бўлган болалар. Ушбу болаларда оилага нисбатан ижобий муносабатларида рад этувчи – инфантил услуб етакчилик қилади. Ота-оналар ўз фарзандларининг гапга кирмаслиги, қайсарлиги, оила аъзоларидан пул ўғирлашлари, мактабда ўқитувчилар билан низолашиш, ёлғончилигидан шикоят қилишган. Бу гуруҳга хулқ-аъворидида муайян нуқсонлар белгиланган болалар киритилди.

Иккинчи гуруҳ-оилага салбий муносабат (оилага нисбатан салбий жавоблар устуворлиги кузатилган. Ота-оналар ўз фарзандларида тез-тез бирдан қизишиб кетиш, низолилик, мактабда



тез-тез дарс қолдириш, уйга бир кечага келмаслик, ота-оналарнинг биридан ўч олиш истаги, оила аъзоларидан кимгадир агрессив муносабат, улар билан уруш келтириб чиқариш ҳолатлари ифодаланганлигидан шикоят қилишади.

Оила ва оиладаги муносабатлар психологик диагностикаси амалга оширилганидан сўнг болалардаги хулқ-атвор кўринишлари кузатилади. Шахс хусусиятлари ўзаро муҳокама қилиниб, ота-оналар баҳолари, улар томонидан ўз фарзандларини тушунишлари даражаси таҳлил этилди. Фрустрация вазиятида болалар хулқ-атвори хусусиятлари ва шахс тузилмасининг ота-оналар баҳоси таҳлили хулқ-атворида бузилишлар бўлган болалар ота-оналарида ўз фарзандлари ҳақида нотўғри тасаввур мавжудлигини кўрсатди. Бинобарин, ота-оналарининг ўз фарзандларининг салбий ҳиссий ҳолатлари, ҳиссий-иродавий назорати заифлиги, хавотирланиши, кайфиятининг тушкунлигига юқори даражада урғу беришлари яққол кузатилди. Қолаверса, ота-оналарнинг қайд этишича, болалар зиддиятли вазиятларда ўз "Мен"ини ҳимоялашга эътиборни қаратишга мажбур бўлишиб, фрустрация вазиятида очик равишда агрессияни намоён этишади, ноконструктив ҳаракат қилишиб, ўз атроф-муҳитига қийин мослашишади. Ота-оналар баҳоларининг ижтимоий муҳитдаги низолилиги даражасини пасайтириш, уларнинг конформлиги ва мулоқотчанлиги даражасини бўрттириб кўрсатишга мойиллик кузатилади.

Бошқа томондан ота-оналар ўз фарзандларини раҳмдил, осон мослашувчи, мулоҳазали, ўзга гуруҳлар фикрини инобатга олувчи, ижтимоий маъқулланишга йўналган деб ҳисоблашади. Бу эса ота-оналарнинг хулқ-атворида бузилишлар бўлган болаларнинг ўзига хос ижтимоий-психологик имкониятлари кўламига алоҳида эътибор қаратишларини тақозо этади.

Таҳлил шуни кўрсатадики, ўз фарзандларини нотўғри баҳолаган ота-оналарда (79%) ўз фарзандини тушуниш, улар билан ўзаро ҳамкорлик қилишда инфантил-рад этувчи услуб билан шартлашган алоҳида қийинчиликлар мавжуд.

Биз томонимиздан ташкил этилган психологик коррекциянинг конструктив блоки психокоррекциявий жараёни лойиҳалаш, оила аъзоларининг индивидуал-психологик ва ёш хусусиятларини инобатга олган ҳолда муайян коррекцион усулларни қўллаш билан алоҳида аҳамият касб этади.

Таҳлиллар натижаси ота-оналарда ўз фарзандларининг муаммоларига нисбатан нотўғри установакалар шаклланаётганлигини кўрсатди. Жумладан, ота-оналар (75%) болаларнинг хулқ-атворидаги алоҳида белгиларга урғу беришиб, фарзандлари барча нарсани қасддан, аксига қилишларидан шикоят қилишади. Масалан, она қизи атайин уни чимчилаши, сочидан тортиши, пулларини ўғирлашидан шикоят қилади. Кейинги ўзаро ҳамкорлик жараёнида, бундай ота-оналарда ўз фарзандларига нисбатан ишончсизлик шаклланганлиги аниқланиб, уларда ҳиссий рад этиш, аччиғланиш кузатилган. Ота-оналар ўз фарзандларини ҳурмат қилмаган ҳолда уларнинг шахс хусусиятлари ва қобилиятларини паст баҳолашган, уларга ўз шахсини шакллантириш ва намоён этишига ёрдам кўрсатишга интилишмаган. Бундай ота-оналар ўз фарзандлари учун масъулликни бошқаларга юклашга интилишиб, психологдан муаммони тезроқ ҳал этишни талаб этишади ва алоҳида ҳолатларда болани бундай қабул қилмаслик ота-оналарнинг ўз фарзандларини интернат, психиатрик касалхонага жойлаштириш ёки қариндошлариникига тарбиялаш учун жўнатиш истаги намоён бўлади.

Ота-оналардаги бундай ёндашувни коррекциялаш учун оилавий коррекцияга муносабатлари установакаларини ва уларнинг ундаги ролини ўзгартиришга тўғри келади. Бу ўринда психолог томонидан болани ривожланишга қодир бўлган такрорланмас шахс сифатида тавсифлаш зарур бўлади. Бу ота-оналар болага йўлни унинг шахси ва унга нисбатан алоҳида самимий бўлиш орқали қидириш лозимлигини билишлари учун амалга оширилади.

Ташкилий блокнинг асосий мақсади қуйидаги психокоррекциявий вазифаларни амалий жиҳатдан татбиқ этиш ҳисобланади:

оилада мурожаат қилган муаммони ижобий тарзда ҳал қилиш;

оилавий муносабатларни қайта куруш, оила тизимида тузилмавий ўзгартиришларни амалга оширишга йўналтирилган психокоррекциявий методикаларни қўллаш;

хулқ-атворини ўзгартириш мақсадида психокоррекциявий машғулотлар оралиғида оила аъзоларига психолог томонидан кўрсатмалар бериб бориш.

Ўтказилган таҳлиллар ота ёки она томонидан боланинг ҳиссий рад этиш бўлган оилаларда тарқоқлик, ўзаро норозилик, хафагарчилик, жанжаллашиш кузатилишини кўрсатади.



Ота-оналар томонидан бундай муносабатлар боланинг хулқ-атвори бузилиши, асосида боланинг дисфункционал оилавий ўзаро муносабатларга жалб қилиниши асосида муайян даражадаги салбий ҳолатларнинг намоён бўлишига олиб келади. Биз томонимиздан қўлланилган мавжуд психокоррекция ишлари вазиятни ижобий томонга қараб йўналтирилишига имкониятлар яратди.

Шунингдек, мазкур ҳолатда ҳар бир оилада мавжуд бўлган барча яхши нарсаларни эслаш ва санаб ўтиш, сўнгра ушбу вазифани бажаришда бошдан кечирган қийинчиликлар ҳақида сўзлаб бериш машқи таклиф этилди.

Оилавий муносабатларни қайта тиклаш (реконструкциялаш) босқичида қуйидаги икки вазифа амалга оширилади:

ота-оналар болалар учун авторитет ҳисобланувчи оиланинг самарали иерархик тузилмасини яратиш;

болаларга талабларни белгилашда ота-оналар бир бирларини қўллаб қувватловчи ота-оналик тизимини кучайтириш.

Оилавий муносабатларни қайта тиклашнинг бошланғич босқичида биз томонимиздан оила чегарасини ўзгартирувчи хонада оила аъзоларининг жойлашиш маконини ўзгартириш кўринишидаги психотехник усул қўлланилди. Бунда оилалардаги роллар ким нимага жавоб бериши белгиланиб, оилавий қоидалар аниқланди. Ушбу мақсадда биз социометрик методлар: оиладаги ўзаро муносабатлар тузилмасини акс эттириш имконини берувчи оила тасвирини яратиш, оилавий социограмма, муаммоли вазиятлар, метафораларни қўллаган ҳолда психодраматик вазиятларни моделлаштириш; когнитив услублар: оилавий қоидалар рўйхати (оилада нима қабул қилинган ва нимани ўзгартириш исталиши)ни тузиш, оилавий қадриятлар рўйхати, оиланинг ҳар бир аъзосининг мажбуриятлари рўйхатини тузиш. Ҳар бир психотехник услуб, унинг бажарилишидаги қийинчиликлар, вазиятни моделлаштириш жараёнидаги ҳиссиёт ва кечинмаларни ҳамкорликда муҳокама қилиш билан яқунланди. Яратилган оила тасвири оиладаги муносабатлар, роллар, чегараларни акс эттириб, тизимли тахмин ҳақида маълумот беради. Ҳар бир оила аъзоси ўз тасвирини яратиб, бунда макондаги вазият ва ҳолат оиладаги ўзаро муносабатларни акс эттириши лозим эди. Тадқиқотчи томонидан, "Менинг оилам ҳозирда", "Оилани мен қандай кўришни истайман" каби мавзулар таклиф этилди. Бунда ўзаро ҳамкорликда муҳокама ўтказилиб, ҳар бир киши ўзи кузатган нарсани изоҳлайди, сўнгра психолог иерархик тузилмага мувофиқ равишда, тасвирда оила аъзоларининг жойлашувини ўзгартиради ва ушбу ўзгаришларни шарҳлаб беради.

Оилавий социограмма боланинг оила тизимидаги ўрнини ва оилавий ўзаро муносабатлар характерини аниқлаш имконини беради. Оиланинг ҳар бир аъзоси реал ва идеалдаги оила социограммасини чизади: "Менинг оилам ҳозирда", "Оилани мен қандай кўришни истайман". Вазифа бажарилганидан сўнг социограммаларнинг таҳлили ва уларнинг муҳокамаси ўтказилади. Хулқ-атворида бузилишлар бўлган болалар социограммасининг таҳлили шуни кўрсатдики, бошланғич босқичлар учун ҳиссий кечинмаларни оғир кечириш, ўзини-ўзи баҳолашнинг пастлиги, ота-оналар билан муносабатларнинг билвосита (бошқалар орқали) таъсир этишнинг хослигини кўрсатди. Идеалда болаларнинг кўпчилиги социограммада ўзларини доирадан ташқарида тасвирлашиб, оиладан кетишни хоҳлашларини кўрсатишган.

Масалан, оила доираси билан чегараланган ижтимоий хулқ-атворнинг бузилиши ташҳиси билан кузатувда бўлган респондентлар, ўзининг реал социограммасида ўзи ва синглисини ўзи билан бирга, лекин ота-онасини эса четда тасвирлаган. Идеалда болалар ўзини оила тизимидан ташқарида акс эттиришган. Умумий социограмма натижаларини изоҳлашда шуни тахмин қилиш мумкинки, респондентлар ҳиссий рад этишни инфанилизация бошдан кечириб, ота-онаси билан муносабати билвосита характерга эга. Яъни, улар бошқалар орқали, отаси ва онаси билан мулоқотга киришади. Унда ўзини баҳолашнинг пастлиги, мустақилликка интилиш белгиланади. "Тугалланмаган иборалар" методикаси бўйича аниқланишича, мазкур тоифадаги респондентлар оиласи ва ота-онасига салбий муносабатда бўлган. Бу масалан, «менинг орзуим ота-онам... мenden узокрок яшашлари», «келажакда, ота-онам қариганларида мен ... уларга умуман яқин келмайман» шаклида намоён қилинган.

Хулқ-атворида бузилишлар бўлган болаларнинг оилавий социограммаси таҳлили, болаларда ҳиссий кечинмаларнинг юқори даражасида эканлиги кайфиятнинг хавотирли-депрессив кўриниши устуворлигини, идеалда улар ўз оиласининг дикқат марказида бўлишни исташларини, тўлиқ оила ҳақида орзу қилишларини кўрсатди. Масалан, улар оналари ёнида



оиладан кетиб қолган ота-оналарини чизишган. Биз оиланинг психолог хонаси маконида "шу ерда ва ҳозир" шароитида оила муаммоси вазиятини қайта кўрсатишни қўлладик. Оила аъзоларига саҳнани, унга ўзаро муносабатларнинг янги конструктив механизмларини аввалига сўз қўлламасдан, сўнгра вербал даражада ўйнаш таклиф этилди. Бунда амалга ошириш учун нима қилиш кераклигини сўраш мумкинлиги белгиланди. Биз оила аъзоларининг очиклигини рағбатлантирган ҳолда вазиятни ижобий ҳал этишни акс эттирувчи вазиятларни бир неча марта қайта намойиш этишни сўрадик. Саҳнадан сўнг вазифани бажаришдаги қийинчиликларнинг биргаликдаги муҳокамаси амалга оширилди.

9 дан 11 ёшгача бўлган болалар учун оилавий ўзаро муносабатларни аниқлашга ёрдам берувчи метафоралардан фойдаланилган ҳолда психодраматик вазиятларни саҳналаштириш таклиф этилди. Масалан, оддий «уй ҳайвонини янги кўникмаларга ўргатиш» мавзусини саҳналаштиради. Бола ўзи танлаган хоҳлаган жониворнинг ролини (мушукча, кучукча) ўйнайди ва ота-она уни янги кўникмаларга ўргатишади. Психолог оилавий ўзаро муносабатларни тушуниш учун метофорани қўллаган ҳолда драмани кузатади ва танқидий мулоҳазаларни четлаган тарзда оила билан биргаликда унинг натижаларини шарҳлайди.

Тадқиқотимиз давомида когнитив усулларнинг қўлланилиши мослаша олмайдиган хулқ-атворни қўллаб қувватловчи оила аъзоларининг бир бирига нисбатан хато фикрларни коррекциялаш имконини беради. Масалан, оила аъзолари оилавий қоидалар рўйхатини тузишади:

оилада нималар қабул қилинган, нималарни ўзгартириш шарт;

оилавий кадрятларга нималарни киритиш мумкин;

оиланинг ҳар бир аъзоси томонидан бажариладиган мажбуриятлар бажариладиган ва уларнинг аҳамияти ва ҳоказо.

Ҳар бир когнитив усул ҳамкорликда муҳокама қилиш билан яқунланиб мунозара олиб борилади. Оила аъзоларига тузилган рўйхатдаги мажбуриятларининг бажарилиши бўйича сўзларини кузатишлари ва ўзларини назорат қилишлари учун уй вазифаси берилади.

Бу ўринда оилага психокоррекция машғулотлари ўртасида нимани ва қандай бажариш лозимлиги бўйича кўрсатмалар бериб борилди. Кўрсатмалар тўғридан тўғри ўзгаришлар мотивацияси юқори даражада бўлган, психологга ишонувчи оилага йўналтирилган оила вазифаларни бажаришдан бош тортиб, психологнинг кўрсатмаларини эътиборга олмасликларини инобатга олган ҳолда тузилган эди. Тўғридан тўғри кўрсатмалар (изоҳлар, таклифлар) ўз олдига оиладаги очик мулоқот, ота-оналарни болалар устидан назорат ўрнатиш усуллари ҳақида хабардор қилиш, оиладаги мажбуриятларнинг тақсимланиши, интизомий қоидаларни ўрнатишга ёрдам бериш мақсадини қўйган эди. Коммуникатив блок коррекциявий жараённинг барча иштирокчилари (болалар, ота-оналар, оиланинг бошқа аъзолари) ўртасида оптимал муносабатларни ўрнатиш, шунингдек оила аъзоларида мулоқот ва хулқ-атворнинг янги усул ва воситаларини шакллантиришга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамият касб этади.

Коррекциявий жараённинг таҳлили кўпчилик оилалар (60%) учун гностик, конструктив, ташкилий блоклардан иборат бўлган индивидуал оилавий психокоррекциянинг ўтказилиши етарлича эмаслигини кўрсатди. Бундай оилалар (25% нотўлиқ, 25% ўғай отали ва 10 % тўлиқ оила) учун оилавий ўзаро муносабатларни такомиллаштириш коррекциялаш, ролли хулқ-атвор бузилиши ва дезадаптив установакаларни коррекциялаш мақсадида ўхшаш муаммоларга эга 2-3 оила иштирокида, уларнинг гуруҳий машғулот-ларда қатнашиш хоҳишини инобатга олган ҳолда гуруҳий психокоррекция ўтказилди.

Мазкур ҳолат психокоррекцияси бўйича қуйидаги вазифалар белгиланди:

оила аъзоларининг гуруҳда ишлашлари учун мотивациясини ошириш;

гуруҳий психокоррекциянинг ҳар бир аъзоси фаоллигини ошириш учун шароит яратиш;

мулоқотнинг вербал ва новербал сифатларини яхшилаш;

шахслараро ва шахс ички низоларининг мазмунини очиб бериш;

хулқ-атворнинг адекват тактикасини ишлаб чиқиш.

2-3 оиладан иборат бўлган гуруҳдаги иш гуруҳий психокоррекциянинг умумий тамойилларига мувофиқ қурилиб, 3 босқични ўз ичига олади:

кўрсатмавий ёки тегишли йўлланмалар бериш;

тайёргарлик ёки мақсадларни аниқлаш;

қайта қуриш ёки, мустаҳкамловчи.



Биринчи босқичда ижобий мухитни яратиш, гурухни жипслаштириш талаб этилади. Бунда биз томонимиздан табиий ҳаракат фаоллигини рағбатлантирувчи ўйинлар қўлланилди. Масалан, гуруҳ иштирокчилари кўзлари юмилган ҳолда хонада пайпаслаб ҳаракатланишади, алоқа қўллар билан, гуруҳий аъзолари эркин ҳаракатланган ҳолда аввал кўзлари очиқ ҳолда сўнгра кўзларини юмиб бир бирларининг қўлларини сиқиб қуйишади. Гурухни ёриб ўтиш иштирокчилари қўл беришиб, айлана ҳосил қилишади, гуруҳий аъзоларидан бири доира ичига ёриб ўтишга интилади. Айлана ичида қулаш-иштирокчилардан бири кўзи юмилган ҳолда доира марказида туради ва оёқларини ердан узмаган тарзда орқага қулайди, қолганлар уни ушлаб олишади, хоҳлаган томонга оширишади. Шундан сўнг, уни қучоқлашади ва уни ёлғиз қолдирган ҳолда аста-секин тарқала бошлашади. Ҳар бир ўйин ушбу жараёндаги кечинмалар, ҳиссиётларни ҳамкорликда муҳокама қилиш билан яқунланади.

Иккинчи босқичда гурухни қайта тузиш ўтказилиб, аъзоларининг фаоллиги ва мустақиллиги шакллантирилиб, мақсадлар аниқлаштирилди ва қайта ифодаланди. Бунда биз ноадаптив установакалар, мулоқотнинг вербал ва новербал компонентларини коррекциялашга йўналтирилган сюжетли-ролли ўйинлар ва проектив психодраматик ўйинларни қўлладик. Ролли вазиятлар учун турли мавзулардан фойдаландик:

- бола ва ота-она учун қизиқарли бўлган суҳбатлар ташкил этиш;
- боланинг ўз ота-онаси учун жуда муҳим бўлган бирор бир нарсани сўраб олиши;
- ота-оналарнинг ўз фарзандидан ниманидир талаб қилиб олиши.

Хулқ-атворнинг қарама-қарши бирор белгисини саҳналаштириш. Масалан, юқори агрессивлик, низоилилик намоён бўлган болага тинчликсеварлик ролини ўйнаш таклиф этилди. Мисол: Ирода 10 ёшда бўлиб, ота-онаси унинг юқори низоилиги, гапга кирмаслиги, мактабда урушқоқлигидан шикоят қилиб мурожаат қилишган. Биз унга қувноқ ва хотиржам қизча ролини ўйнашни таклиф этдик. Гуруҳ аъзолари мактабда дарс пайти, танаффусдаги ригид ролига қарама-қарши бўлган ролни аввалига сўзсиз, сўнгра вербал даражада ўйнайди. Ўйиндан кейин ушбу вазифанинг муҳокамаси ўтказилди.

Бошқа ўйин-гуруҳнинг бир аъзоси қолганларга орқасини ўгирган тарзда стулда ўтириб, муҳокамада иштирок этмайди, бошқалар эса унга нисбатан ўзининг муносабатини намоён қилади.

Оилавий гуруҳий психокоррекцияда иштирокчиларнинг шахслараро ва шахслилик муаммоларини аниқлаш ва таҳлил этиш мақсадида проектив расмлар қўлланилди. Бизнинг олдимизда гуруҳ аъзоларининг расмга эътиборини қаратиш, расм чизишга қаршилигини енгиб ўтиш вазифаси турарди. Бу ўринда гуруҳий психокоррекция иштирокчиларини тенглаштирувчи ўйинлар: ҳамкорликда битта қалам билан биргаликда доирада расм чизиш қўлланилди.

Учинчи босқичда ноадекват ҳиссий реакцияларнинг коррекцияси, вазиятни тўғри баҳолаш, мулоқотдаги шеригини тўғри тушуниш, ҳиссий жавоб кўрсатишнинг зарурий шакллари мустақил тарзда топишга ўргатиш амалга оширилди. Бунда “ҳозир ва шу жойда” шароитида оилалардан биридаги низоли вазиятни, оилавий ролларни, айниқса уларни ўзгартириш асосида қайта саҳналаштирилди. Оиланинг ҳар бир аъзоси муаммога бошқанинг кўзи билан қараш ва уни бошқа кишининг қарашлари асосида йўналтирилди. Сўнгра мунозара ўтказилиб, гуруҳнинг ҳар бир аъзоси ўзи кузатган нарсани танқидий баҳолашни четлаб ўтган ҳолда изоҳлайди. Психолог фаоллик кўрсатган, гуруҳ иштирокчиларининг самарали фикрини такрорлаган аъзоларни маъқуллайди. Мунозарадан кейин муаммоли вазиятлар ўзаро муносабатларнинг янги конструктив механизмларини аввалига нутқсиз, сўнгра вербал даражада қамраб олган ҳолда қайтадан саҳналаштирилди.

Мустақамловчи босқичда эса тизимли тарзда оила ички ўзаро муносабатларида эришилган натижаларни текшириш ва психологнинг оилавий тизимдан ажралиши амалга оширилди. Машғулотларнинг самарадорлигини баҳолаш ва оилавий тизимни баҳолаш мақсадида қуйидаги мантикий саволлар қўлланилди:

”Агар 2-3 йилдан сўнг оилада ўхшаш муаммоли вазият содир бўлса, сиз қандай уни ҳал қилган бўлардингиз?, Оиланинг аъзолари ушбу муаммога қандай жавоб қайтаришган бўларди?, агар ушбу муаммо мавжуд бўлмаганида оилангиз қандай фаолият кўрсатган бўларди?”.

Гуруҳда ҳамкорликда муҳокама ўтказилиб, жавоблар муайян йўналишлар бўйича баҳоланади:(ҳиссий, когнитив, хулқ-атворли).



Ота-оналарнинг кўпчилиги (77%) муаммони когнитив ва хулқ-атворли йўналишда идрок этишиб, куйидагича жавоблар қайтаришди:

“Биз аниқ ечимни топиш учун мутахассис ёрдамига мурожаат қиламиз ёки яна оилавий психокоррекция курсига борамиз”, “Биз бундай вазиятда ижобий ниманидир излай бошлаймиз”, “Оилавий кенгаш чақирамиз ва ҳар киши муаммоли вазиятни ечишда ўз таклифини беради”.

Адабиётлар:

- 1.Варга.А.Л.Системная семейная психотерапия. Краткий секционный курс. СПб:Речь, 2001.– 144 с.
- 2.Васильева.О.С., Гальченко.Т.А., Агрессивность и ее влияние на здоровье школьников// Школа Здоровья.–1997.–Т.4, №4.–С.65–71.
3. Кочюнас.Р. Основы психологического консультирования. Мер.с лит.–М: Академический проект,1999.–240с.
4. Мамайчук.И.И, Психокоррекция детей и подростков с нарушениями в развитии. –СПб, Изд–во СШГУ,1997.–52с.
- 5.Эйдемиллер.Э.Г, Юстицкие.В, Психология и психотерапия семьи –3–е Изд.– СПб Питер,2001.–656 с.

Утепбергенов Марат Алланазарович,



доктор психологических наук, доцент кафедры «Педагогика, психология и образовательный технологии», Региональный центр переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Республики Каракалпакстан



Сулетбаева Элла Серикбаевна,

старший преподаватель кафедры «Педагогика, психология и образовательный технологии», Региональный центр переподготовки и повышения квалификации работников народного образования Республики Каракалпакстан,

**СОЦИАЛЬНО-ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ГОТОВНОСТИ К БРАКУ
СТАРШЕКЛАССНИКОВ ВОСПИТЫВАЮЩИХСЯ В СЕМЬЯХ И ДОМЕ
МИЛОСЕРДИЯ**

Аннотация: Бу мақолада меҳрибонлик уйи ва умумтаълим мактаблари юқори синф ўқувчиларининг оилавий ҳаёт ҳақидаги тасавурлари, тушунчалари кўриб чиқилади. Таққослов анализи буйича икки тарафнинг ҳам уғил болалар фикрлари бир хиллиги кўрсатилади, академик лицей ва касб-хунар колледжини битиргандан сунг, улар ишлашни мақсад қилиб олган. Бу буйича иккита гуруҳнинг фикрлари келтирилган. Бундан ташқари уларнинг яхши ва ёмон оила буйича тушунчалари ва фикрлари таққосланган.

Калит сўзлар: Никоҳга тайёрлик, оптимал ёш, илмий ва услубий ёрдамнинг этишмаслиги, яхши оила, ёмон оила, ота-онадан маҳрум бўлиш, муаммоли ота-она оиласи.

Аннотация: В статье рассматривается представления о готовности к семейной жизни воспитанников домов милосердия, обучающихся в старших классах. Сравнительный анализ данных воспитанников домах милосердия и их сверстников из городской общеобразовательной школы по критериям готовности к браку показывает общность взглядов у мальчиков в вопросах завершения учебы в АЛ и ПК в приобретении профессий и трудоустройстве. Приводится сравнительный анализ характеристики старшеклассников двух групп (школа и дом милосердия). Анализируется представление старшеклассников о хорошей и плохой семье.



Ключевые слова: Готовность к браку, оптимальный возраст, дефицит научно-методической обеспеченности, хорошая семья, плохая семья, родительская депривация, неблагополучная родительская семья.

Abstract: The article deals with the idea of readiness for family life of orphanages pupils studying in the senior grades. A comparative analysis of the data of orphanages inmates and their peers from urban general education school according to the criteria of readiness for marriage shows the commonality of views among boys in matters of completing their studies in Academic Lyceum and Professional Colleges in the acquisition of professions and employment. A comparative analysis of the characteristics of senior school students in two groups (school and orphanage) is given. The idea of senior school students about a good and a bad family is analyzed.

Key words: Willingness to marry, optimal age, lack of scientific and methodological support, good family, bad family, parental deprivation, troubled parental family.

Актуальность: В эпоху глобальных перемен, охвативших все мировое сообщество, включая общество Узбекистана, приоритет отдается формированию подрастающего поколения духовных и моральных ценностей семьи, которые определяют более высокие значения и определяют взгляды человека на культуру брака и семейное поведение [1]. Представляет особый интерес представления о готовности к семейной жизни воспитанников дома милосердия обучающихся в старших классах. В отличие от сверстников из общеобразовательных школ, проживающих с родителями, контингент воспитанников домов милосердия или не имеют образца матери и отца или имеют негативный образ, что несомненно влияет на их семейную жизнь в будущем.

В связи с особой актуальностью данного вопроса для воспитанников дома милосердия нами проведены беседы индивидуально и групповой форме как с воспитанниками так и педагогическим персоналом (учителями, воспитателями, психологами) дома милосердия г.Ходжейли.

Согласно полученным результатам ни один воспитанник не выразил готовность себя к началу семейной жизни. Почти все достаточно аргументированно пытались обосновать свою неготовность на данный период.

В качестве основных аргументов служили необходимость завершения обучения в школе, затем продолжения обучения в АЛ и ПК т.е. 12-летнее обязательное образование, приобретение профессии, трудоустройство, наличие стабильной заработной платы, наличие жилья «посредством покупки дома». При этом оптимальным возрастом вступления в брак, по мнению девочек, считали 20-22 года, тогда как мальчики оптимальным возрастом для себя считали от 22 до 27 лет. Возраст вступления в брак девочки связывают с завершением учебы и приобретением профессии, мальчики – профессией, трудоустройством, экономической независимостью и наличием жилья.

Сравнительный анализ данных воспитанников дома милосердия (г.Ходжейли) и их сверстников из городской общеобразовательной школы (г.Нукус) по критериям готовности к браку показывает общность взглядов у мальчиков в вопросах завершения учебы в АЛ и ПК, в приобретении профессии и трудоустройстве со стабильной зарплатой.

Вместе с тем имеется существенная разница по таким критериям как экономическая независимость и наличие жилья. (см.табл.№1). Так, например, 97,5% воспитанников одним из неперемных условий готовности себя к началу семейной жизни считают экономическую независимость, тогда как таких учащихся в общеобразовательной школе составляет всего 25 %. Еще более выраженная разница отмечается в критерии «наличие жилья». У воспитанников дома милосердия 92,5%, у учащихся общеобразовательных школы всего 15%. Столь выраженные различия по двум критериям, на наш взгляд, обусловлены родительской семейной депривацией воспитанников дома милосердия и отсутствием таковых у их городских сверстников. Для учащихся из общеобразовательной школы проживающих со своими родителями в своем доме не столь актуальны на их возрастном этапе жизни экономическая независимость и наличие жилья.

Сравнительный анализ данных девочек дома милосердия и общеобразовательной школы показывает единство взглядов в вопросах завершения обязательного образования (школа +АЛ или ПК)



Определенные различия наблюдаются в приобретении профессии, где 85% девочек из дома милосердия считают обязательным условием при замужестве, тогда как поддерживающие эти взгляды среди учащихся общеобразовательной школы составило 62 процента.

Таблица № 1.

Критерии готовности к браку у воспитанников дома милосердия и учащихся живущих в семье.

№	Аргументы или показатели готовности к браку	Воспитанники дома милосердия		Старшеклассники живущие в семье	
		Мальчики	Девочки	Мальчики	Девочки
1	Приобретение профессии	97	85	92	62
2	Завершение учёбы в АЛ, ПК и ВУЗе	100	100	100	100
3	Трудоустройство стабильный доход (зарплата)	99	25	82	20
4	Экономическая независимость	97	-	25	-
5	Покупка дома. Наличие жилья	92	-	15	-
6	Встретить любимого человека	-	15	-	32

Примерно одинаковые показатели отмечаются по критерию трудоустройства. Девочек из обеих групп не волнует ни экономическая независимость, ни наличие или отсутствие жилья у них при выходе замуж, поскольку эти вопросы традиционно перекладываются на плечи мужа.

При этом девочек в изученных нами группах отличает эмоционально-чувственный аспект. То есть 15% девочек из дома милосердия и 32% их сверстниц из общеобразовательной школы считают непременным условием готовности к браку наличие любимого человека. Статистическая разница по данному критерию между девушками из двух групп, на наш взгляд, обусловлен родительской эмоционально-чувственной депривацией у одной (дома милосердия) и отсутствием этой депривации у другой (девочек живущих в семье).

Данные таблицы №1 свидетельствуют о достаточной зрелости взглядов на жизнь и восприятие критериев готовности к семейной жизни у воспитанников дома милосердия. Это, на наш взгляд, большей частью является результатом систематической воспитательной работы с детьми, направленной на предупреждение повторения детьми жизненного пути своих родителей.

На сегодняшний день воспитательная работа, квалификация педагогических работников и научно-методическое обеспечение в домах милосердия должны быть на высоком уровне. При наличии таких прекрасных в отдельных местах «сказочных» (Андижан, Гулистан, Ходжейли) условий для детей, у большинства которых достаточно сложный порой неблагоприятный генетический фон, ослабление воспитательной работы, дефицит научно-методического обеспечения может привести к обратному эффекту т.е. формированию иждивенческой психологии у воспитанников, которые будучи взрослыми, совершеннолетними порой и семейными будут требовать льготы апеллируя, что они воспитанники дома милосердия. В жизни ряда выпускников (образцовый дом милосердия г.Андижана) мы уже имеем такие факты.

Заслуживает особый интерес образ отца и матери у воспитанников дома милосердия и их основные функции в представлениях детей. Именно родители в подавляющем большинстве случаев повинны в том что их дети воспитываются не в семье, а в доме милосердия.

Образ положительного отца по мнению воспитанников дома милосердия характеризуются следующими качествами:

- должен уделять серьезное внимание обеспечению и воспитанию детей, контролю за их поведением;

- экономическое обеспечение семьи в том числе детей;

- знать и удовлетворять интересы детей;

- понимать и больше общаться с детьми;

В образе матери желали видеть следующие черты личности:

- любовь к детям;

- серьезное отношение к своему здоровью, поскольку здоровая мать воспроизводит здоровых детей;

- доброта;

- наставление детей на правильный путь;

- знать нужды и проблемы детей;



- постоянная готовность к помощи при решении проблем своему ребенку;
- должна быть образцом для детей;
- уделять детям больше внимания;
- делать с ними всё вместе.

Вышеизложенные качества личности в образе отца и матери минимально отредактированы и сохранены почти дословно. (С анкет испытуемых).

Сравнительный анализ перечисленных качеств в личности в образе отца и матери свидетельствуют о том, что любовь, доброту дети желают видеть прежде всего в личности матери.

К тому же желаемые качества личности в количестве почти два раза больше в образе матери чем у отца. Из этого можно предполагать, что требования к личности матери значительно больше чем к отцу и дефицит общения детей с матерью наиболее пагубно влияет на формирование личности воспитанников дома милосердия. Это следует учесть в разработке и совершенствовании плана и программы по воспитательной работе в домах милосердия.

Учитывая специфику т.е. родительскую депривацию у воспитанников домов милосердия а также большей частью неблагополучный фон родительской семьи нас интересовал негативный образ отца.

На вопрос "Какими не должны быть отец и мать?" воспитанники назвали следующие черты и особенности личности:

- алкоголик, наркоман, террорист, занимающийся торговлей людьми;
- беспечный, агрессивный, воспитывающих детей физическими мерами воздействия в форме частых избиений;
- систематически конфликтующий с женой, избивающий жену и детей;
- безработный, грубый, душевно черствый, с детьми почти не общающийся.

Вышеизложенное по словам, педагогов и воспитателей в подавляющем большинстве характеризует личность их родителей (отца и матери).

Заслуживают внимания установки воспитанников дома милосердия на выполнение репродуктивной деятельности, т.е. желаемое количество детей в будущей личной семье.

Желаемое количество детей варьировало от одного до трёх детей.


При этом троих детей желали иметь 25% респондентов, 62% воспитанников хотели иметь 2^х детей и 13% желали иметь одного ребёнка. Несмотря на то, что большую часть воспитанников составляли выходцы из сельской местности, по желаемому количеству детей они руководствовались городскими критериями.

Возможно это результат неблагополучности их родительской семьи и пребывания детей в доме милосердия.

Представление старшекласников о хорошей и плохой семье

Хорошая семья	Хорошая семья
Учащиеся городской общеобразовательной школы	Воспитанники дома милосердия
<ul style="list-style-type: none"> • Любовь; • Верность; • Взаимопонимание; • Взаимоуважение; • Счастье; • Здоровье • Материальный достаток; Надежность; • Забота о детях. 	<ul style="list-style-type: none"> • Любовь к детям; • Доброта; • Быть вместе с детьми, понимать их; • Знать и учитывать интересы детей; • Помогать ребёнку в решении проблем

Рисунок № 1.



Представляет большой интерес характеристики данные учащимися городской (г.Нукус) общеобразовательной школы и воспитанниками из дома милосердия (г.Ходжейли) на хорошую и плохую семью.

Выводы: Сравнительный анализ характеристики старшекласников двух групп (школа и дом милосердия) позволяет делать следующие выводы:

1. Наиболее полная характеристика на хорошую семью дана учащимися семейно недепривированной группы (школа), тогда как на плохую семью значительно больше качеств отмечено в характеристиках воспитанников дома милосердия.

Это, видимо, обусловлено особенностями родительских семей и личным биографическим опытом респондентов из двух групп. К тому же воспитанники дома милосердия при круглосуточном общении более информированы о негативных аспектах семейной жизни. Неблагополучность родительской семьи, на наш взгляд, определяет относительную скромность характеристики воспитанников дома милосердия на хорошую семью. Так, например, в характеристике учащихся общеобразовательной школы отмечено 9 качеств, тогда как воспитанники из дома милосердия ограничиваются пятью качествами.

2. В характеристике хорошей семьи, данной воспитанниками дома милосердия в центре внимания находится ребенок. Из пяти качеств в четырех присутствует отношение родителей к детям (см. рис №1).

В отличие от них в характеристиках учащихся общеобразовательной школы из перечисленных девяти качеств только в одном обозначено отношение к детям (забота о детях) тогда как все остальные абстрагированы и в равной степени имеют отношение ко всем членам семьи (счастье, здоровье, верность, любовь и другие). Содержание характеристики хорошей семьи данное воспитанниками дома милосердия отражает результаты родительской депривации [2].

3. Такие качества плохой семьи как жестокость, агрессивность, алкоголизм, конфликты, отмеченные респондентами обеих групп позволяет предполагать, что и в обычных семьях ещё имеются факты насилия, жестокости, агрессивности, злоупотребления мерами физического воздействия на личность ребёнка. То есть и в обычных школах есть достаточно детей из проблемных семей. Это частично подтвердилось в беседе с педагогами и воспитателями.

4. Несмотря на малочисленность особо пристального внимания и специального исследования заслуживает проблема сращения несовершеннолетних, поскольку она уже фигурирует в характеристике плохой семьи.

Участились факты беременности и родов у учащихся 8-9 классов. И это не воспитанники дома милосердия, а дети из полных семей обучающихся не в коррекционной, вспомогательной, а обычных городских общеобразовательных школах г. Нукуса. Подобные случаи участились и в других городах Узбекистана.



Время требует пересмотра традиционных взглядов на половое воспитание молодёжи в целях предупреждения вышеизложенных фактов.

Литературы:

1. Каримова В. Никоҳ ёши ва унинг атрофидаги муаммолар. – Тошкент, 2010. – 52 б.
2. Шоумаров Г.Б. Психологические аспекты подготовки молодежи к семейной жизни. Об-во. "Знание" - 1983.



Камалова Шириной Усаровна,

Жиззах давлат педагогика институти катта ўқитувчилари

Ахмедова Насиба Очиловна,



ТАЛАБАЛАР ИЛМИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АХБОРТЛИ-ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақола долзарб муаммолардан биридир. Ушбу мақолада бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш муаммолари муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: шахс, жараён, миллий қадриятлар, умуминсоний қадриятлар, дунёқараиш, жараён тарбияси.

Аннотация: Данная статья является одним из актуальных проблем. В данной статье рассмотрены проблемы эффективного использования информационно-коммуникационных технологий в подготовке будущих учителей.

Опорные слова: Личность, процесс, национальные ценности, общечеловеческие ценности, мировоззрение, процесс воспитания.

Annotation: This article is one of the most relevant topics of to day and focuses on how to effectively use information in importance of and communication technologies to train future.

Key words: personality, process, national values, universal values, world view, upbringing.

Мамлакатимизнинг истиқболи кўп жиҳатдан баркамол интелектуал салоҳиятли авлодни шакллантириш ва унга мос таълим-тарбия олиб боришга боғлиқ ва бунга мустақил Республикаимиздаги ижтимоий-тарихий тараққиётнинг тезкор суръатлар билан ривожланиши, фан-техника ва технологиялар соҳаларида қўлга киритилаётган ютуқларнинг таълим-тарбия соҳасига кенг жорий этилиши асос бўлмоқда. Бу асослар ўз Ватанини ва халқини севадиган, миллий мафкурамизга садоқатли, мустақил фикрлайдиган ижодкор шахсни шакллантиришдек муаммо ечимини ҳал этишни таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири даражасига кўтарди.

Бу борадаги ишларнинг аҳамиятлигини Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишининг бўлиб ўтгани бунга мустақам асос бўлади.

Йиғилишда таълим-тарбия соҳасида замонавий ва оқилона тизим яратиш, ўқитиш методлари, таълим стандартлари, дарслик ва қўлланмаларни янгилаш зарурлиги, билим беришда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш, тарбияда эса миллий анъана ва қадриятларга суяниш муҳимлиги қайд этилган. Юртбошимиз “Миллий тикланишдан-миллий юксалиш сари”-деган тамойилга асосланган ҳолда, миллий ғоя ва унинг мафкуравий негизларини пухта ишлаб чиқиш, ёш авлодни болаликдан миллий ғурур ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтди [1].

Айниқса, бу борада «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да «Халқнинг бой интелектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, замонавий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шарт» эканлиги асосланган [6].



Эркин ва мустақил фикрловчи, дунёқараши кенг, ижодкор, миллий мафкурамизга садоқатли бўлган интеллектуал салоҳиятли баркамол шахсни шакллантириш фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан таълим-тарбия соҳасида кенг фойдаланишни тақозо этади ва бу билан жаҳон андозалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган рақобатбардош кадрлар тайёрлашга эришилади. Бунда «XXI аср – интеллектуал аср»нинг, яъни ахборотлашган жамиятнинг фаол иштирокчиларини тарбиялаш энг муҳим долзарб муаммолардан бири бўлиб, унда ақлий меҳнатнинг ривожланишини таъминловчи интеллект ва билимлар рўёбга чиқарилади ҳамда истеъмолда улардан фойдаланилади. Ушбу муаммо ечимини ҳал этишда жамиятни ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлиш, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ундан режалаштирилган мақсадларда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизнинг барча тармоқларини ахборотлаштириш ва уни такомиллаштириш бўйича қатор қарорлар, қонунлар, фармойишлар, йўриқномалар ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар қабул қилинмоқда ва улар амалиётга жорий қилинмоқда. Жумладан, «Ахборотлаштириш», «электрон ҳисоблаш машиналари учун дастурлар ва маълумотлар базаларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш», «Алоқа», «Интернет», «Масофавий таълим», «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот - коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»гилар бўйича телекоммуникация тармоқларини ривожлантиришнинг меъёрий ҳуқуқий асослари яратилди.

Дарҳақиқат, олий педагогик таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларини тайёрлаш ҳам юқорида қайд этилгандек, ахборот– коммуникацион технологияларидан самарали фойдаланишни талаб этадиган кўп қиррали муаммо бўлиб, бу жараёнда турли фан асосларини ўзлаштиришни тақозо қилинади. Айниқса, бўлажак ўқитувчиларидан саводхонлик асосларига ва ҳисоблаш тафаккурини ривожлантиришга оид барча фанлар бўйича билим, кўникма ва малакага эга бўлишликни талаб этади. Бу ўз навбатида замонавий таълим тизими олдида маънавияти юксак, интеллектуал салоҳияти юқори, илмий дунёқараши кенг рақобатбардош бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлаш лозимлигини кўрсатади.

Маълумки, кейинги йилларда таълим-тарбия жараёнидаги фаолият юритишни муайян режалаштирилган тартибга солувчи ёндашув сифатида педагогик технология назариясидан фойдаланган ҳолдаги педагогик фаолият эътироф этилмоқда. Жумладан, бўлажак мутахассисларни тайёрлашларга технологик ёндашув қилиш ва мазкур жараёнларга ахборот-коммуникацион технологиялардан кенг фойдаланишни амалга ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада Р.Ш. Ахлиддинов, Н. Авазов, А. Акмалов, Д. Ашурова, С. Бозорова, М.В. Глушков, А. Зуннунов [30], М.Э. Зуфарова, Х.И. Ибрагимов, Ж.Ғ. Йўлдошев, Х.А. Тўрақулов, М. Шамсиев, Ш.С. Шарипов, С.Т. Юлдошева ва бошқа тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари натижалари аҳамиятлидир. Бу ва бошқа тўдқиқот ишларига асосланган ҳолда қайд этиш мумкинки, талабалар илмий дунёқарашини ахборот технологиялари асосида шакллантиришнинг педагогик асосларини яратиш интеллектуал салоҳиятли бўлажак мутахассисларни тайёрлаш йўналишидаги долзарб педагогик муаммолардан биридир.

Инсоният пайдо бўлибдики, унда яшовчи онгли инсонлар тинч ва фаровон, бахли-саодатли, сиҳат-саломатли умр кечиришни орзу қилади.

Демак, бахтли, маънан ва жисмонан соғлом ҳаёт кечириш инсон умрининг мазмунини белгилайди.

Умуман олганда, инсонни камолот пиллапояларига ва ундаги соғлом –маънавий турмуш тарзига тайёрлаш учун уни маънавий-ахлоқий жиҳатдан жамият тараққиёти асосида тарбиялаш лозим бўлади, чунки, тўғри тарбия натижасидагина инсонлар ўз бахтларини топиш имкониятига эга бўлади. Яна бир мутафаккир бобомиз Абу Али Ибн Сино (980-1037) инсонни табиий-гигиеник талаблар асосида тарбиялашни уқтиради. Унинг фикрича, тарбия жараёни инсон ҳаётида бир неча босқичларга бўлиб олиб борилиши лозим. Биринчи босқич – гўдаклик даври (7 ёшгача) бўлиб, унда бола тиббий-гигиеник талаблар асосида тарбияланади. Бунда болани ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш қабилар муҳим ўрин тутати. Иккинчи босқич ўсмирлик даври (16 ёшгача) бўлиб, унда бола шахси ақл ва ахлоқ жиҳатдан шакллантирилади. Бола хулқини мўътадил шакллантиришда икки манфаат бор. Биринчиси – боланинг ўзи учун бўлиб, у ёшлиқдан яхши хулқли бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга малака бўлиб қолади. Иккинчи – боланинг бадани учундир. Чунки, ёмон хулқ боланинг мижози бузилишига олиб келади». Учинчи босқич – катта ёшлик даври (умрининг охиригача) бўлиб,



унда инсон «Ҳифзи саломат», яъни соғлом турмуш кечиршига кўникириб борилади. «Ҳифзи саломат» тушунчаси моддий (жисмоний) ва маънавий маънога эга бўлиб, тартибли яшаш омиллари таянади [14].

Демак, шахс тарбияси жараёни ижтимоий муаммо бўлиб, уни ечими эса ҳар бир инсон ўша жамиятнинг тўлақонли фаол аъзоси бўлиши билан белгиланади.

Маълумки, жисмоний камолот ҳар доим ҳам инсон маънавий камолоти ва интеллектуал салоҳиятини, яъни инсон дунёқарashi даражасини тўғри белгилаб олиш имконини беравермайди. Қуйидаги кетма-кетлик эса инсон камолотини жисмоний ва маърифий даражалар асосидаги босқичларини белгилайди: чақалок; гўдак; ўқувчи; ўқувчи-шахс; талаба; талаба-шахс; мутахассис; юқори малакали мутахассис.

Аммо бу кетма-кетлик орқали тўла маънодаги шахс камолотини унинг дунёқарashi кенглиги нуқтаи назаридан баҳолаб бўлмайди.

Авалло дунёқараш нима?

«Дунёқараш – фалсафа фанининг энг муҳим категорияларидан бири. Фалсафанинг асосини ташкил қилади, олам ва одам ҳақида бир бутун қарашлар, ғоялар тизимини яратди. Энг муҳими инсоннинг оламга муносабати, дунёдаги ўрни, моҳияти, ҳаётини йўналиши, ўзлигини англаш каби саволларга жавоб беради. Зероки, фалсафанинг асоси ҳам соғлом ақл тафаккури ва унинг ривожига мос келадиган дунёқарашни яратишдир. Бунинг учун инсон, энг аввало, мукамал билимга эга бўлиши лозим» [22.].

«Дунёқараш – дунёга ва инсоннинг ундаги ўрнига, кишиларнинг ўз атрофидаги воқеликка ва ўз-ўзига муносабатига бўлган умумий қарашлар тизими, шунингдек, бу қарашларга асосланган одамларнинг эътиқодлари, идеаллари, билиш ва фаолият тамойиллари» [39].

Юқорида келтирилган, яъни, дунёқарашга берилган қомусий ва фалсафий луғатдаги таърифлар ҳамда педагогик ва психологик таърифлардан кўриниб турибдики, дунёқараш тушунчаси одамнинг ўзини онадан туғилиши билан дунёни кўришидан бошланиб, юксак интеллектуал салоҳиятни эгаллашга қадар ривожланиб боради. Улар «ақл → онг → фикр → илм → билим → қараш → ғоя → таълим» тизим орқали ривожланиб, такомиллашиб боради.

Демак юқорида қайд этилганидек, онгнинг мавжудлигидан фикр ва уларни ифодаловчи маълумотлар шаклланиб, онг тафаккурнинг шаклланишида мустаҳкам асос бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам киши онгида, унинг қалбидаги эътиқоди асосида дунёқараш шаклланади, яъни дунёқараш – одамнинг теварак атрофдаги оламга ва ундаги ўзининг туганган ўрнига қарашларидан келиб чиққан тизим. Кишиларнинг фалсафий, сиёсий, илмий, диний, ақлий ва эстетик қарашлари йиғиндисидир.

Дунёқараш шаклланишининг яна бир хусусияти шундан иборатки, хусусий кўринишлардан умумий кўринишларга, яъни индивидуал хусусиятлардан ижтимоий хусусиятларгача ривожланиб, такомиллашиб бораверади ва шунинг билан бирга у ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ. Дунёқараш кишиларнинг ёши, ҳаёт тажрибаси, интеллектуал салоҳияти, мафкураси ва шу қабилар билан боғлиқ равишда ривожланиб такомиллашиб боради.


Шахс дунёқарашини ташкил этувчиларини ва уларнинг интеграциясини қуйида биз 1.1.1-шаклдагидек ифодалашни лозим топдик, чунки бундай боғлиқлик педагогика фанидаги «Тарбия назарияси»нинг «Илмий дунёқарашни шакллантириш ва ўқувчиларни ақлий тарбиялаш» бобини ўрганилишига мустаҳкам дидактик асос бўлади.

Дунёқараш инсоннинг ўзини ва дунёни зарурий равишда англаши ҳамда баҳолаши асосида шаклланади. Бу борада ҳозирги ёшларимиз онгини ўстириш ва тафаккурини кенгайтириш муҳим аҳамият касб этади. Булар орқали уларни интеллектуал салоҳиятли сиёсий онгли қилиб тарбиялаш имконияти яратилади. Бу эса эркин ва мустақил фикрлайдиган, ўзлигини англай оладиган, яъни ҳар хил зарарли оқимларга қўшилиб кетавермайдиган бўлажак мутахассисларни тайёрлашда мустаҳкам асос бўла олади.

Демак, дунёқарашнинг юқорида қайд этилган кўринишлари, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларни тайёрлашда фойдаланишда ҳамда давлат таълим стандартларини давр талабига мос такомиллаштиришда мустаҳкам маънавий-маърифий асос бўлади. Шунингдек, инсон камолоти босқичлари ва уларга мос дунёқарашлардан бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашдаги таълим-тарбия жараёнида мунтазам



фойдаланиб борилиши натижасида маънавий етук, эркин ва мустакил фикрлайдиган, «XXI аср – интеллектуал аср»нинг фаол иштирокчиси бўлган мутахассис тайёрлашга эришилади.



1.1.1.- шакл. Шахс дунёқараш шаклланиш омиллари ва уларнинг ўзаро муносабатлари.

Шу сабабли ҳам ушбу ишда ёшларимизни тарбиялашда ва уларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришда шахс ижодий камолоти босқичлари ҳамда улардан таълим-тарбия жараёнида ибрат-намуна сифатида фойдаланишга тавсиялар бериш ҳақидаги маълумотларни ёритишни мақсад қилиб олдик.

Бу борада бой ўтмиш маънавий меросимиз мавжуд. Бунда умумбашарий қадриятга эга бўлган улуғ бобоқалонларимиздан Абу Наср Форобий, Алишер Навоий, Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Абу Али ибн Сино, Аббос ал-Жавҳарий, Ат-Термизий, Ал-Мотрудий, Аз-Замахшарий, Ал-Марғилоний, Аҳмад Яссавий, Аҳмад Югнакий, Баҳоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Махмуди Аъзам, Нажмиддин Кубро, Саккокий, Суфи Оллаёр, Хожа Ахрори Вали, Юсуф Хос Ҳожиб ва бошқалардан қолган бой миллий меросимизни комил инсон тарбиясида ибрат-намуна сифатида фойдаланмоқ имконияти бор.

Олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни берар экан. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади.

Шу сабабли ҳам талабалар илмий дунёқарашини кенгайтириш ва уларнинг маънавиятини юксалтиришни самарали амалга ошириш учун шахс интеллектуал камолотини мазкур ишнинг 1.1.-параграфида қайд этилганидек кетма-кетликда ифодалаб олдик. Ушбу кетма-кетликдан мунтазам равишда талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда турли фанларни ўқитишда фойдаланиш мумкин. Айниқса, «Умумий педагогика» фани ўтирилиб унинг назарияси қисмидан кенг фойдаланилса ижобий натижа беради. Педагогика назарияси 4 бобдан иборат бўлиб

- 1) асосий қисми
- 2) тарбия назарияси
- 3) таълим назарияси
- 4) бошқарув тизими каби бўлимларда бу тушунчалар асосида бўлажак бошлангич синф

ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини бойитишда ва шахс ижодий камолоти босқичларининг мазмун-моҳиятидан фойдаланишда сезиларли педагогик самараларни беради. Натижада ақлий тарбия ва илмий дунёқарашнинг асосий белгилари (омиллари, ташкил этувчилари) ва моҳияти талабалар онгидан янада мустаҳкам ўрин олади. Бу борада талабалар илмий дунёқарашининг асосий таркиблари ва фарқларигача таҳлил қилиш салоҳиятига эга бўлади.



Демак, ёшларимизга шахс камолоти пиллапоояларини ҳисобга олган ҳолда таълим-тарбия беришдаги барча хатти-ҳаракатлар (ўқув қўлланмалар, дарсликлар, таълимнинг ахборотли технологиялари ва ҳ.к.)да қуйидаги омиллар асосий диққат-эътиборда туриш лозим экан:

- ёшларимизда шахс камолоти босқичлари асосда Ватан туйғусини шакллантириш ва бунда улар онгига Она тупрок, Она Ватан, Ватан соғинчи, Ватан қайғуси каби тушунчаларга ҳурмат уйғотиш;

- ёшлар тарбиясида «Баркамол авлод», «Комил шахс», «Олим», «Паҳлавон», «Аллома», «Мутафаккир», «Донишманд» каби камолот босқичларидан аниқ далиллар асосида ибрат-намуна тизимидан кенг фойдаланиш лозим;

- шахс ижодий камолоти босқичларини талабалар онгига сингдиришда аниқ фанлардан таълим-тарбия беришда қомусий олимлар, донишманд, файласуфлар ижоди ва фаолиятдан фойдаланиш, ижтимоий-гуманитар фанлар бўйича эса шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, халқ қаҳрамонлари, давлат арбоблари, ҳадис илми соҳибларини ибрат-намуна қилиб таълим-тарбия бериш ижобий педагогик самараларни беради;

- талабалар онгига шахс ижодий камолоти босқичларини илмий, маънавий қадрият сифатида сингдириш уларни ижодий камолот сари интилишига туртки бўлади ва натижада улар ижтимоий фаол шахс бўлишга интилади, олимликни ва комилликни ҳавас қилади.

Адабиётлар:

1. "Жадал ривожланаётган иқтисодиёт учун замонавий кадр керак" 25.08.2019 й. Видеоселектор материаллари.
2. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» //Олий таълим (меъёрий ҳуқуқий ва услубий ҳужжатлар тўплами). – Тошкент: 2004. – 12 б.
3. Ёқубов А. Сихат-саломатлик йили: мазмун ва моҳият. – Тошкент: 2005. – 23 б.
4. Фалсафа: қомусий луғат. – Тошкент: Шарқ, 2004. – 476 б.
5. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 12 жилдди. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2002. – 3. ж. – 704 б.



*Shirinov Anvar Qanoatovich,
Senior lecturer of Bukhara State university*

CHANGES IN PSYCHOLOGICAL ATTITUDES IN THE POST COVID-19 WORLD

Резюме: Мазкур мақолада замонавий дунёдаги турли хулқ-атвор масалалари ёритилган. Covid-19 пандемияси давридаги психологик хулқ-атворнинг таҳлили таълим, ижтимоий ва ахлоқ соҳасидаги жадал ўзгаришлар жараёни мавжуд эмпирик маълумот орқали ёритилган. Хулқ-атвор ва этикетдаги ўзгаришлар иш юритиш корреспонденциясининг янгилиниши воситасида кўрсатилган.

Резюме: В данной статье раскрыты новые типы поведения в современном мире. Изменения происходящие в поведении в эпоху Covid-19 проанализированы на основе эмпирических данных в процессе стремительных сдвигов в образовании, в социальном и поведенческих сферах. Преобразования в поведении и этикете подвергнуты анализу сквозь обновлений в деловой корреспонденции.

Abstract: In the following article the new types of attitudes in the modern world are reconsidered. The changes in the psychological attitudes in the post-Covid-19 era are analyzed based on the empiric data available in the process of rapid trends in the education, social and behavioral spheres. The psychological changes in the behavior and etiquette are shown through the alterations in the business correspondence.

Калит сўзлар: психологик хулқ-атвор, COVID-19, этикет, ижтимоий масофани сақлаш, янги мулоим иборалар, муаммодан қочиш

Keywords: *psychological attitudes, behavior, COVID-19, etiquette, social distancing, new polite phrases, ways to avoid.*

Ключевые слова: *психологические установки, поведение, COVID-19, этикет, социальное дистанцирование, новые вежливые фразы, способы избегания.*

We are twelve months into life in the age of COVID-19 and it's getting more complicated. Right as many of us were getting used to staying distanced, staying home, and staying in, some states and areas are relaxing restrictions. As we all try to figure out what relaxing measures means and what we are comfortable with, we've also embraced full on what life via video chat and living six feet apart can be like. The new approaches in the changes of the post-Covid-19 world require the implementation of the innovative educational and behavioral technologies in the system of higher education[1].

Before we dive into Etiquette in the Age of COVID-19 we would like to start by saying: The threat of the novel coronavirus is still present. Safety is the guideline right now and measures that we take to protect ourselves and others are right in line with the Emily Post principles of etiquette: consideration, respect, and honesty.

Safety First. When we think about what advice to give, we think first about safety and then about how to be kind and considerate and respectful when trying to be safe. Safety comes before etiquette. Far from it, we've seen how doing so can lead to tragically bad and completely unnecessary things happening. What it means is that how we interact and what is deemed “polite” or “acceptable” behavior will change during this time.

Physical distancing. We are all familiar with the term “social distancing” by now. And many are encouraging the use of the phrase “physical distancing” instead which helps people to imagine a less isolated solution. Our goal for physical distancing is that when out and about in public or when socializing with those we don't live with, we keep ourselves – or our family group – at least 6 feet away from others when possible. We've all navigated a tight aisle at a store, an elevator or stairwell, or a friend leaning in too closely despite feeling awkward.

Speak Up. We get asked, more than anything else through our podcast and media interviews, how do you speak up when something is wrong, or bothering you? How you do it makes a huge difference to how well it's received, but it's not a magic key. So our first piece of advice is and always will be to seek the help of someone in charge if the scenario provides such a person. A manager, usher, flight attendant, host, or whomever is in charge, can have the authority to help you and can also ensure that you aren't dealing with someone alone. If someone at a store hasn't given you enough space to pass or reach the item you'd like, then a friendly “Mind giving me just a little more space so I can pass [or grab that item] safely?” You want to have an upbeat tone to your delivery, no edge whatsoever (think that person you know who is always upbeat, or sounds cheerful and if no one comes to mind think: how would Glinda the Good Witch, Dr. Martin Luther King say it?). Other phrases that are being heard and used when out and about to manage distancing:

Excuse me Sir, the line starts back there, everyone's just distanced.

(while stepping back) Sorry I'm trying to keep 6 feet away; Excuse me, I was next,

I'll wait and catch the next elevator; After you, please (said genuinely); Do you mind giving us just a little bit more space please, (hopefully followed by a: thank you so much); A little space please.

Flow of Traffic. While following the guidance of the arrows and directions through stores is always important, it's not worth getting into an altercation over. Either pass, doing what you can keep your distance, or go back the other way if the aisle isn't crowded. Don't make a stand when there are other safe options.

Public Outdoor Spaces. When it comes to public outdoor spaces it's important to respect any distancing guides that have been put in place whether it's marked areas to lounge or workout in, or directions for flow of traffic. Remember that even though you're spaced apart from others, covering your mouth when you cough or sneeze as well as not coughing, sneezing, singing, or yelling in the direction of others is helpful. When trying to create physical distance on sidewalks, recreational paths and trails, you're still trying to aim for six feet (about two adult arm lengths) apart. If it's easy for you to be the person to step off the path or into the street (because you aren't, using a walking or mobility aid, managing a frisky dog, balancing a toddler and a baby carriage or are on foot rather than wheels) to create space by all means make the move and do so early so that the other person doesn't even have to guess at it.



Greetings. Greetings continue to feel lacking during this strange time. Despite wonderfully bright and cheery waves, mini dances, hops, and skips when we meet, we miss hugs and solid handshakes, high fives, and fist bumps. Greetings that involve touching are still not recommended at this time, so perfect your waves (you know your "professional wave", your "zoom-meeting wave", your "I-love-you-Grandma wave", your "I-haven't-seen-you-and-I'm-trying-so-hard-not-to-hug-you wave") and use your tone of voice to match the occasion.

Wearing masks. While masks are causing a lot of divisiveness, when combined with physical distancing wearing a mask in public can greatly reduce the risk of spread. Since most people are wearing cotton or medical masks and few have clear plastic ones allowing their full face to be seen we are more often than not without many facial cues. Smiling (anyway), and using your eyes (cue acting skills from every medical show ever for inspiration) and hands to gesture will be the way to connect while wearing masks. Masks unfortunately also muffle the sound of our voice and so it's important to get comfortable speaking up, especially when in a noisy store or on a loud street. If you don't, often the other person will lean in to hear you, and then you end up stepping back to recreate some space. Many choose to "mask when they pass" and let their mask down while on long stretches without others or when there's more than enough room to pass without any worry. If you're uncomfortable when you encounter someone without a mask on resist the urge to glare or task at them. Do what you can to keep yourself physically distanced and avoid interacting instead. Remember you can only control yourself as best you can. There will be times when it doesn't go perfectly and even though that can cause stress and anxiety, which often lead to rudeness, arming ourselves with kindness and avoiding judgement of others is good etiquette.

Contact tracing. Contact tracing—tracing the virus' spread through individuals who have tested positive or been around those who tested positive for COVID-19 – is happening at different rates throughout the country, but early indications show that contact tracing by businesses and through events that we attend may become commonplace. Many places already use your phone number or email address to contact you about tickets or a reservation or even a purchase so it's not unfamiliar. While we don't know yet exactly how contact tracing will impact our personal social gatherings (birthday parties, showers, weddings...) or our public socializing (bars, sports, groups, restaurants...) we are considering the possibility that in the future a host's to-do list list, or advice for making a restaurant reservation for a work lunch might involve contact info for potential contact tracing follow ups.

Be compassionate. We cannot emphasize this enough right now. These are extraordinary times and there are so many ways this virus is impacting all of us. Especially when it comes to how we are mentally handling the longevity of this pandemic. You don't know what is affecting someone's life making the current threat even worse (financially, emotionally, physically). It's important to respect people where they are at, and not blow off their concerns or drive fear where it doesn't need to be. Many of us are so fortunate to have so many ways to connect to help get us through this crisis together, but loneliness and anxiety are still huge concerns. Being patient and kind with each other. Listening to one another. Respecting one another. Helping those in need. These are the kinds of attitudes and actions that will carry us through[2].

Few things have been left unaffected by Covid-19 – even email. As San Francisco-based podcast host Olivia Allen-Price wrote on Twitter: "2020: The year my e-mail sign-off went from 'Cheers' to 'Hang in there'". Salutations once considered polite – *'All the best'* or *'Regards'* – can now come off as overly detached. Other more cheerful sign-offs – 'Hope you're having a great week!' – seem tone-deaf. Email communication has become a balancing act: to ignore the pandemic seems disingenuous, but to overdo the platitudes about health and safety might peddle more panic. What, exactly, can we say that seems genuine, compassionate and doesn't induce a feeling of doom? Experts say it's not only possible to write emails in a way that's sympathetic, but the right words can even breed a sense of global camaraderie.

Striking the right chord. Changing a few words at the beginning or end of our emails may appear like an insincere or tokenistic gesture – and one that's insufficient in the face of a global pandemic. But the opposite is actually true, says Tann: the language we use is now even more critical to signal a sympathetic tone and to establish a rapport. "By adjusting our greetings and sign-offs, we effectively adjust our social relationships," says Tann. They become, as Tann puts it, "a way to establish how we want to relate to the person we're writing to, in terms of formality, status and familiarity".



Recognition sandwich. Justine Rogers, a senior lecturer in ethics and law at the UNSW Sydney, changed both her introductions and signatures once Covid-19 hit Australia. Her emails have become, as she puts it, "a CV19 recognition sandwich". For Mike Reid, founder and CEO of Basecamp Strategy, a Washington, DC-based political fundraising company, the very first sentence matters most. "In the first sentence of an email you have to acknowledge: 'I hope things are okay, I hope you are well, considering,'" he says. "I think that can actually lead to a more meaningful interaction."

Snezana Pejic, founder of The Etiquette Academy of New England in Massachusetts, says that today, communications need to be more compassionate. "People are fatigued from isolation and fear: fear about the economy, fear about their families and their future." Previously, she signed off emails with "Warm Regards". Now, unless the message is urgent, she writes, "I look forward to your reply at your leisure". "I don't know if they might already have coronavirus or if a family member does." Rogers also avoids any mention of staying safe. "A lawyer I'm doing research with said something like 'I hope you and your family are all safe.' A few of my colleagues similarly signed off with 'stay safe'," she says. "I found the mention of 'safe' rather anxiety-inducing, especially the mention of 'family' from people who would have had to guess I even have one."

American job-seeking website FlexJobs posted 13 socially distanced email sign-offs. Some strike a more serious tone, but other suggestions are meant to elicit a few laughs, or at least keep things buoyant: 'Have a great socially distant day', 'Yours from afar', 'Sent from my living room' and 'Cautious cheers'.

1. **Be professional.** It probably goes without saying: your emails should be professional. Emails may seem fleeting, but they are long-lasting or even permanent records that reflect on your professionalism. This does not necessarily mean they have to be formal, but you should be aware of your audience. Use your correspondence to inform and communicate. Here are a few (hopefully obvious) points for professionalism using email and communication in general:

- Don't email when you're angry or frustrated. Take a few hours (or days) to cool off and consider your objectives. A quick-draw, shoot-from-the-hip rebuttal email may make you feel better (temporarily) but will almost certainly make things worse.

- Don't use email to passively burn or shame colleagues. The "cc attack" and "reply all slam" might feel righteous but will often backfire.

- Direct and blunt is ok, but don't be rude, as it may be counterproductive.

- Proofread for spelling and grammar. Perfection is not required, but make sure the reader is able to understand your meaning.

2. **Write meaningful subject lines.** I'm sure everyone's INBOX is stuffed under the research curtailment conditions. Ever tried to search for an email in your inbox only to find that the subject line and email content have no helpful keywords? Examples of BAD subject lines: Dude!!!! , grant...., urgent, leaving the subject line blank);

Examples of GOOD (useful) subject lines: Follow up on our conversation about (content), Results from experiment (brief description); Reviewed draft of (content) manuscript (version #).

Make sure your subject lines have at least one keyword that can be linked to the content of your email – especially if it includes attachments. Do not write the whole content of the email in the subject line (especially in all caps).

3. **Name attachments systematically.** Yes, attachments are necessary in our work. But name your attached files systematically so people can find them again in their inbox or when they download the documents to their computers.

Bad attachment name: *New Draft*

Good attachment name: *CIHR Spring 2020 Grant Draft Jan 23_(initials) edits*

4. **Do not proliferate long email strings.** Limit yourself to one reply if you can manage. Start a new email thread if the conversation evolves and goes beyond a couple of exchanges. It is a good idea to change the subject in the reply – particularly if it wasn't a good subject line in the first place. This is particularly important if there are several people on the recipient list as long email strings are cumbersome and inefficient. Important information can easily get buried in a long string and recipients are burdened to hunt through the text to find the salient points.

5. **Think carefully about your direct (to:) and indirect (cc:) recipients.** Think about who actually needs to respond to your email. If you want an individual (or individuals) to respond to your email, make sure you address them directly in the email and send it to them directly (to:). People



receive too many emails to be able to respond to all the correspondence in their Inbox, especially if they are NOT the primary recipient. If you place a recipient in the cc list, consider this a signal that this email is for their interest and you are NOT expecting a direct reply. If you desire a direct reply – send a direct email.

6. Get to the point. A polite opening salutation is good, especially for acquaintances. Introduce yourself if this is a first interaction but, either way, make sure you get to the point as soon as possible. The rationale of your request can come later, but don't make the recipient wait until the end of your email to know what you are asking of them. Not every remote meeting needs to be a ZOOM meeting! Video call if you need to show figures or slides or need more than 3 participants. *Clearly state what you're asking the recipient to do.* If the recipient doesn't know you want a response, they may not give you one. Ask for what you want directly, underline, use, bold type face, or provide a list with bullet points for the important action items or deadlines.

7. Use an informative and succinct email signature. For more formal emails, use an email signature that includes your mailing address, email address and phone number. Your title and other contact information are optional but probably a good idea for virtual introductions. **Twitter, LinkedIn, ResearchGate** and other professional social media links are ok if not obtrusive. For less-formal, routine internal (i.e., intra-lab) messages, use an abbreviated signature with just your name, email address and phone number. Please remember – your email signature is not a CV, promotional advertisement or an editorial opinion page.

8. Say thank you. Remember to say thank you to the recipient, especially if you are asking them to take a specific action. Working at home is stressful for most people accustomed to an interactive lab and office environment. Email correspondence should be efficient but don't forget that you are talking to another person dealing with the same stresses you may be experiencing. The amount of emails we receive might be at times overwhelming[3].

More than ever there's a need to make sure our written communication has a warm, genuine tone. More than ever there's a need to make sure our written communication has a warm, genuine tone. Even in the best of times, business emails and other written communication can seem impersonal. Unconsciously, we often adopt a more formal tone in writing compared to when we're speaking face-to-face. More than ever there's a need to make sure our written communication has a warm, caring tone. Here are six ways to make sure your business correspondence hits the right mark:

1. Offer good wishes. Since virtually everyone you're writing to is affected in some way by the coronavirus, it's important to offer well wishes. You can do this by opening your email with something simple like, "I hope you and your family are well." You can also offer good wishes in the body of your email. If your company has provided some gift to a client, for example, a free webinar or an online training session, you might say, "We hope that this small gesture supports you during this time."

2. Prune stock expressions. Because expressing warmth in business correspondence is challenging, we may rely too often on phrases that sound stilted or insincere. I receive many emails from PR firms that would like me to interview their clients for *Fast Company* articles. Some of these requests begin with a cold, hard fact. For example, one first line read: "Research shows that a virtual workforce requires stronger leadership skills than ever before." The same is true for openings like "It has come to my attention," or "I am writing because ...". Avoid business-speak phrases like "We value our customers" or overused expressions like "We're all in this together," "We'll get through this," or "Hang in there, better days are coming."

3. Express gratitude. A third way to show that you care is to introduce gratitude into your correspondence. If a long-standing client delays a payment or asks for an understanding on a contract, remember that keeping the relationship strong is the key. Before entering into any negotiation, express support for the loyalty they've shown over the years. Even simple statements of gratitude, like "I appreciate your getting back to me," are important in showing that you care.

4. Accentuate the positive. Negative statements are never a good idea in business communication, and that holds doubly true in these times when you want to be upbeat. If you're applying for a job, don't write "I'm not sure you're hiring now, but I thought I'd write anyway." Prune from your prose words that make you sound weak or uncertain, for example: "I'm afraid," "I can't," or "I'm not sure," or "I don't know." This will elevate the spirits of the person to whom you are writing. But in being positive, be sensitive to the reality we face. Telling a colleague "Have a great weekend!"

or "Enjoy sheltering in place," may sound facetious. Even an expression like "Happy Monday!" can grate.

5. Tread lightly if you don't know the recipient. If you're writing to a business acquaintance, you might tell her, "I know how challenging working in a house full of kids can be." Or you might say, "I'm impressed by the grit you're showing in this situation." These expressions of empathy backfire because they are written to a list of recipients and therefore come across as insincere.

6. Don't preach. Be cautious of overdoing things in an effort to share wisdom and goodwill. If you were to say to someone who's a bit overwhelmed, "You are not a bad person for feeling stretched," it might come across as preaching[4]. The same would be true if you said to a disgruntled employee, "This experience will strengthen you. Your heart may be in the right place, but we don't have the right to be the arbiter of another person's feelings."

References:

1. Oliy ta'lim muassasalari reytingi e'lon qilindi. 17.10.2020
<http://uza.uz/oz/society/oliy-talim-muassasalari-reytingi-elon-ilindi-17-10-2020>
2. <https://emilypost.com/advice/the-etiquette-of-social-distancing-around-coronavirus/>
3. Email Etiquette in the Age of COVID-19. May 28, 2020. <https://cbr.ubc.ca/email-etiquette-in-the-age-of-covid-19/> The University of British Columbia
4. 6 ways to avoid sounding insensitive in emails during the COVID-19 crisis. Judith Humphrey. <https://www.fastcompany.com/90490465/6-ways-to-avoid-sounding-insensitive-in-emails-during-the-covid-19-crisis>



Олимов Лазиз Ярашович,
Бухоро давлат университети,
Психология кафедраси доценти,

Махмудова Зулфия Мехмоновна,
Бухоро давлат университети
Психология мутахассислиги
2-босқич магистранти,



ПСИХОЛОГИК ҲИМОЯ МЕХАНИЗМЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирларда ҳимоя механизмлари соҳасида олиб борилган изланишлар асосида тўпланган маълумотларга таянган ҳолда илмий мушоҳада юритилган бўлиб, асосан хориж психолог олимларининг бу борадаги психологик қараишлари ўртасидаги алоқадорлик таҳлил қилинади, муаммони ўрганишга оид тадқиқот методи асосида олинган натижалар асосида хулоса берилади.

Таянч сўзлар: ҳимоя механизми, "икки омил" назарияси, "енга олиш хулқ-атвори", копинг стратегия, сенсор психологик ҳимоя, перцептив психологик ҳимоя, шахснинг психологик ҳимояси

Аннотация: На основе исследований, проведенных в области исследования защиты у подростков, на основе собранных данных, в настоящей работе на основе научных наблюдений, главным образом на основе взаимосвязи психологических взглядов зарубежных ученых-психологов в этом отношении анализируется дорлик, на основе полученных результатов по методике исследования по изучению проблемы дается заключение.

Ключевые слова: механизм защиты, теория "двух факторов", "поведение вовлечения", копинг-стратегия, сенсорная психологическая защита, перцептивная психологическая защита, психологическая защита личности

Annotation: based on the research conducted in the field of protection studies in adolescents, based on the collected data, this paper is based on scientific observation, mainly on the relationship between the psychological views of foreign psychologist scientists in this regard adordlik is analyzed, based on the results obtained on the research method on the study of the problem is given a



conclusion.

Base words: mechanism of protection, theory of "two factors", "behavior of getting engaged", coping strategy, sensory psychological protection, perceptive psychological protection, psychological protection of an individual

Психологик ҳимоя қилиш (муҳофаза) муаммоси ҳаминша инсоният олдида турган энг долзарб муаммолардан бири бўлиб келган. Зеро, инсоннинг ҳар жиҳатдан ижтимоий тараққиёти, шахс сифатидаги фаоллиги ва ўзини ўзи ривожлантира бориши кўп жиҳатдан ушбу жараёнга боғлиқдир.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, инсонлар ўзларининг маълум доирадаги психологик имкониятлари, ютуқлари ва камчиликлари ҳақида етарли билимга эга бўлсалар, бу уларнинг ҳаётда учрайдиган ҳар қандай муваффақиятсизликларини осонлик билан бартараф этишга, ўз имкониятларидан янада кенгрок фойдалана олишга, бир сўз билан айтганда, ўзлари ҳақида янада ёрқин, фаол ижобий ва ўзига хос ижтимоий қийматга эга бўлган тасаввурларнинг шаклланишига кенг имкониятлар яратади.

Зеро, бу жараёнда энг аввало таълим-тарбия тизими, унинг мазмун-моҳияти, таълим тизимини такомиллаштиришга хизмат қилувчи экстремал вазиятларда шахснинг психологик ҳимояси тамойиллари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс тезкор вазият муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб, шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос натижа кўрсатиш жуда мушкулдир.

Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя методологиясини талқин этишда инсоннинг ҳиссий-эмоционал ҳолатини англаш ва унинг ўз меҳнати маъсулларидан ижтимоий маъсулият жараёнини таҳлил қилиш ва ривожлантиришга бағишланган айрим тадқиқотларнинг ўрни ва истиқболлиги ҳам алоҳида эътиборни қаратиш лозим, деб ўйлаймиз. Масалан, Ф.Херстберг ва унинг издошлари томонидан меҳнат фаолиятини ташкил этишдаги эмоциоген фарқланиш механизмлари тадқиқ қилинди. Мазкур изланиш маъсулига кўра, меҳнат фаолиятини ташкил этишда ижодийлик, мустақиллик, ўзини ўзи билиш, ривожлантиришга қаратилган тадбирларга эътибор берилса, шахс фаолияти унумдорлигига ижобий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларни ва аксинча, фақат техник жараёндангина иборат бўлган меҳнат шароити яратилса, шахс фаоллигига салбий таъсир этувчи ҳиссий кечинмаларнинг намоён этилиши кузатилади. Дарҳақиқат, фаолиятнинг бажарилишига нисбатан ижобий-ҳиссий кечинмалар шакллантирилмас экан, фаолият маҳсули ҳам инсоннинг ўз фаолиятдан ижтимоий маънодаги қониқиши ҳам ниҳоятда паст савияда бўлади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя жараёни эса худди ана шу ерда ўз таъсирини, яъни фаолиятдан ижтимоий қониқиш жараёнини маълум даражада юқори савияга кўтара олиш санъатини кўрсатиши лозим.

Таниқли психолог Иван Огнев томонидан қуйидаги тизим асосида шахснинг психологик ҳимоя механизмлари тавсия қилинади.

Ҳимоя механизмлари	Мазмуни
Тажовузкорлик	Индивиднинг унга паст баҳо берган, ўзи ҳақидаги тасаввурига иккиланишга сабабчи шахсга бўлган реакция
Ўйлаш	Нохуш ҳиссиёт, хис-туйғуларнинг бир объектдан талабга мувофиқ бўлмаган бошқа объектга кўчирилиши
Тасаввур	Ўзининг ҳиссиёти, истак-хоҳишлари ва хусусиятларини ўзи билмаган ҳолда бошқа кишида кўриши
Идеаллаштириш	Ўзини "идеаллаштириш" ўз хатоларини, камчиликларини тан олмаслик
Унутиш	Шахснинг ёқтирмаган, нохушликларини унутиши: одамларнинг тимсоли, исми, мулоқот вақтида нохуш ёқимсиз хотираларнинг эсга туширилиши каби ҳолатлар ва ҳоказо



Инкор этиш	Индивиднинг воқеа ва ҳодисаларни инкор этиши ва у ҳақдаги билимларини “мен бу ҳақда ҳеч нимани билмасдим”, “бу меники эмас”, “менга шундай айтдилар”, “мен бундай айтмаган эдим” кабилар билан чегараланиши.
Дискредитация	Хабар манбаларининг паст баҳолаш “мен-тимсол”, “ҳамма гапирса ҳам, сен гапирма”, “ким ҳақам?” каби гаплар билан шахсни камситиш ва унга паст баҳо бериш
Идентификация	Ўзини бошқа одам билан ва намунали хулқ-атворга эга гуруҳ билан солиштириш ўз хулқ-атвори ва муносабатини атрофдагилар билан таққослаб, ҳаёт тарзини энгиллаштириш
Конверция (ўзгармок)	“Мен”лиги юқорилигини сақлаб қолиб ўзига нохуш ҳолатларни, вазиятларни ҳазилга ёяди ва муомалада бўлади ҳамда берилган танбехларни ҳазил деб қилин қилади.

Ушбу психологик ҳимоя механизмларининг берилиши орқали муаллиф шахс хулқ-атвори формаларида ташқи муҳитдан ва тажовузкорликдан ўзини ўзи ҳимоя қилиш ҳолатларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилади.

Шахснинг психологик ҳимоя механизмлари айрим низоларнинг субъектив сабабларига бевосита таъсир этиши мумкин. Шахснинг шахсий ёки гуруҳий эҳтиёжларини амалга оширишга йўл қўймаслик ва шахсий ёки гуруҳий қизиқишларини поймол қилиш каби сабаблар низоли вазиятларни вужудга келтиради. Кўпинча жамоада инкор қилинган хулқ-атвор формалари, ижтимоий шаклланиб бориши билан индивид реакцияси аниқланади. Бундан ташқари, индивиднинг низоларга иштироки, унинг олдига қўйган мақсадини амалга ошириш учун юзага келган тўсиқ қай даражада халақит бериши билан аниқланади. Субъект олдига қўйган мақсади қанчалик муҳим бўлса ва унга эришишни жуда хоҳласа, у шунчалик даражада қатъийлик билан ўзаро низоли вазиятларга ва унга халақит берувчи шахсга қаршилик кўрсатади.

Биобарин, чет эл илғор психологиясида кийин вазиятларда психологик ҳимоя методологияси учун муҳим ўрин тутувчи қуйидаги йўналишларга асос солинди:

1. Ч.Спирмен томонидан “икки омил” назарияси яратилди. Бу назарияга мувофиқ инсоннинг ҳар бир фаолиятида барча фаолиятлар учун умумий бўлган (1-омил) ва айнан мазкур фаолиятга мос бўлган (2-омил) барча хусусиятлар ўзаро боғлиқликда тадқиқ қилинади. Тадқиқотчи ушбу омилларнинг инсон ва фаолият уйғунлигини таъминлаш учун зарур бўлган психологик моҳияти ва мазмунини очиб беради.

2. Л.Терстоун, Дж.Гилфорд томонидан яратилган “Мультифактор” назариясига биноан бирламчи ақлий қобилиятлар (идроқ тезлиги, хотира ассоциациялари ва ҳоказо) нинг ҳар бир индивидда таркиб топганлик кўлами тадқиқ қилинди ва шу асосда ҳар бир шахс фаолиятига алоҳида ёндашувни тақозо этувчи экстремал вазиятларда психологик ҳимоя муҳофазанинг методологик принциплари ишлаб чиқилди. Умуман, психологияда индивидуал фарқланишнинг 56 хил йўналишдаги типи маълум ва машҳур. Масалан, объектив ва субъектив тип (даставвал, А.Бине тажрибаларида қайд этилган) фикрловчи фаол тип (А.М.Джорданту бўйича), рационалистлар ва эмпириклар (У.Джемс тадқиқотлари бўйича) “чуқур-тор” ва “майда-кенг” тип (Г.Гросс маълумотлари бўйича), назарий, иқтисодий, эстетик, ижтимоий, сиёсий, диний типлар (Э.Шпрангер тадқиқотлари бўйича); шизотимик ва циклотимик типлар (Э.Кречмер тадқиқотлари бўйича); висцеротоник, соматотоник, церебротоник типлар (У.Шелдон бўйича); экстрове́рт ва интроверт типлар (К.Г.Юнг ва Г.Ю.Айзенк маълумотлари бўйича) ҳақидаги эмпирик маълумотларнинг қайд этилиши шулар жумласидандир.

Умуман психологик ҳимоя (муҳофаза) механизмлари тушунчасининг классик номланиши Зигмунд Фрейд томонидан киритилган бўлсада, Анна Фрейд ўзининг “Мен ва ҳимоялаш механизмлари” номли илмий тадқиқотида З.Фрейд ғояларини ривожлантирди. Бу ютуқ, айниқса, психологик антропология ва этнопсихология соҳасида янги қирраларни очди. Аниқроғи, Анна Фрейд ҳимоя механизмлари инстинкт талабларини инкор этишни эътироф этди. “Психоаналитиклар К.Холл ва Г.Линдсейлар ҳам ҳимоя механизмларининг классик номланиши асосида тегишли илмий тадқиқотларни олиб бордилар.”



Экстремал ҳолат дейилганда бу экстремал факторлар ва экстремал механизмлар таъсири остида инсон онгнинг ўзгариши ва уларнинг босим остидаги таъсири тушунилади. У физиологик таъсирланиш мослашишининг (бундай вазият жисмоний ёки кимёвий характернинг экстремал омилларининг таъсирида биринчи навбатда пайдо бўлади) ёки психологик ва ахлоқий таъсирланишни бузилиши билан тавсифланади (бу ахборотли-семантик характернинг экстремал омилларининг таъсирида кўпроқ характерлидир). Кўпроқ физиологик тизимнинг дастлабки ахлоққа оид таъсирланиш динамикасига сабаб бўлиб хизмат қилган, ёки аксинча, психологик тавсифларнинг ўзгариши физиологик силжишнинг пайдо бўлишига олиб келганда таъсирланишнинг аралаштирилган типи бўлиб ҳисобланади.

Экстремал вазиятларда “психологик ҳимоя механизмлари” ва “енга олиш хулқ-атвори” муаммолари тўғрисидаги баҳслар анча олдин юзага келган бўлсада, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда. Бу шуни англатадики, ҳимоя механизмлари ва енга олиш чегараларини белгилашда амалий ва назарий мураккабликлар юзага келади. Кўпинча мазкур жараёнлар мақсадли тарзда намоён бўлади. Шунингдек, психологик ҳимоя ва енга олиш фел-атвори экстремал вазиятларда юзага келиб “ички низони ечиш” функциясини амалга оширади ҳамда, онглилик ва онгсизлик ўртасидаги зиддиятда воситачи сифатида иштирок этади. Экстремал вазиятларда психологик ҳимоя ўзида: инкор этиш, ўрин алмашиш, рационаллик, тушқунлик, идентификация, катарсис ва бошқа кўплаб формаларни акс эттиради. Ҳимоя механизмлари хавотирни тугатиш ва кўркувдан ҳалос бўлишдаги кучли мезонлари орқали ўз ишини самарали олиб боради.

Психик ҳимояни функционал вазифаси ва ёш босқичларидаги мураккабликларига кўра учга ажратиш мумкин. Улар куйидагилардан иборат:

1. Сенсор психологик ҳимоя – хулқ-атвордаги психосенсор бошқарувни амалга ошириш орқали организмда ҳимоя вужудга келади.
2. Перцептив психологик ҳимоя – перцептив психологик бошқарув йўлидан фойдаланиши натижасида индивидда ҳимоя пайдо бўлади.
3. Шахснинг психологик ҳимояси – шахснинг хулқ-атвор, фаолият ва анланган хатти-ҳаракатлар натижасида шахсда ҳимоя вужудга келади.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик эҳтиёжлари алоқаси орқали туташиди. Маълумки, юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига ҳос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогенезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас балки шахс сифатида иштирок этади.

Шахсдаги перцептив ва сенсор ҳимоялари инсондаги биологик эҳтиёжлар алоқаси орқали туташиди (индивидликни сақлаган ҳолда ўзини мавжудлигини давом эттириш). Юқорида келтирилган ҳимоя турлари барча тирик организмлар учун характерли ҳисобланиб, шахсдаги ҳимоя механизмлари инсоннинг ўзига ҳос ҳимоя структурасининг юқори кўринишидир. Унинг мақсади инсондаги шахс онтогенезда психологик ривожланиши давридаги зиддиятлар, шахслараро муносабатлардаги ўзаро алоқани сақлашга, ҳимоялашга йўналтирилган. Ушбу зиддиятларда инсон организм ёки индивид сифатида эмас, балки шахс сифатида иштирок этади.

“Копинг” сўзини кенгроқ талқин қилганда, ўзига субъектнинг барча ўзаро таъсирини акс эттириб, у ички ёки ташқи вазифалари билан характерлидир. Муаммоли вазият талабидан ишғол этиш ёки юмшатишга уриниш ўрнини четга олиш ёки мослашиш орқали амалга оширилади. Кўшимча шароитда эса ташқи ва ички вазифалар ўзида копинг тузилмасини ўзлаштириб шу орқали субъектга психологик характеристика берилади ва ундан фарқли ўлароқ унга мослашади.

Психологик ҳимоя ҳамда копинг хулқ-атвор ҳусусиятларини қиёсий ўрганиш баъзи бир муаллифлар томонидан тўғридан-тўғри ёндашилиб, копинг хулқ-атвор анланмаган ҳимоянинг анланган варианты сифатида баҳоланади. Бошқа муаллифларнинг фикрига кўра, ҳимоя механизмлари ва копинг хулқ-атвор ўртасидаги алоқа анчайин мураккаб. Копинг хулқ-атвор анчайин кенг маънодаги туғма ҳусусият бўлиб, у ўзида анланган ва анланмаган ҳимоя техникаларини акс эттиради.



Р.Лазарус копинг хулқ-атворга пассив психологик ҳимоя сифатида қараб, ҳимоя механизмлари ҳамда копинг механизмлари ўртасидаги параметрларни дифференциациялаб, белгилаб чиққан:

1) Вақтинчалик йўналганлик. Ҳимоя қондасига биноан вазиятни "ҳозир" ҳал қилади, актуал вазият кейинги вазиятга ҳеч қандай алоқаси бўлмайдиган, яъни, актуал психологик ҳимоя актуал психологик комфортга хизмат кўрсатади;

2) Инструментал йўналганлик. Бунда ҳимоя фақатгина ўзи ҳақида "ўйлайди", агар унинг қизиқишлари теварак-атрофга йўналганда ҳам у биринчи навбатда ўзининг қизиқишларини муҳокама қилади;

3) Мақсад-функцияли аҳамияти. Бунда механизм атроф-муҳит ва инсонлар билан муносабатлардаги бузилишлар функциясини назорат қила оладими (копинг хулқ-атвор) ёки, фақат эмоционал ҳолатни назорат қилиш функциясини амалга оширадими (ҳимоя механизмлари);

4) Бошқарувнинг модаллиги. Маълумотларни қидиришдаги ҳаракатнинг ўрни тўғридан-тўғри амалга ошадими, рефлексия (копинг хулқ-атворга алоқадор) ёки босим остида вужудга келадими ва ҳ.к.

Психологик ҳимоя ва анланган копинг стратегияларини чегаралаш учун В.А.Ташликов анализ тизимини қуйидагича талқин қилади:

1. Инерсиаллик. Психологик ҳимоя механизми ригид (статик) вазият талабига мослашмаган. Ўз-ўзини назорат қилишнинг анланган техникаси эса пластик ва вазиятга мослашган бўлади.

2. Бевосита ва кечиктирилган эффектлар. Психологик ҳимоя механизмлари юзага келган ҳиссий зўриқишни имкон қадар жадалроқ камайтиришга ҳаракат қилади. Инсон ўзи анлаган назоратдан фойдаланиш орқали эса балки кўпроқ қайғуришга ва ҳаттоки баъзида сиқилишга олиб келиши ҳам мумкин.

3. Тактик ва стратегик эффектлар. Психологик ҳимоя механизмлари "қалтабинлик", ("шу ерда ва ҳозир" принципига кўра) фақатгина сўзлашув жараёнидаги зўриқишни бартараф этиш мумкин, бунда копинг стратегиялари эҳтимолий ҳисобида қаралади.

4. Объектив вазиятни идрок қилишдаги турли ўлчовлар. Психологик ҳимоя механизмлари ҳақиқий ҳолатни нотўғри идрок қилишга олиб келади. Ўз-ўзини назорат қилиш реал идрок ҳамда ўзига объектив муносабатда бўлиш қобилияти билан алоқадор.

Копинг стратегия ва усуллари ҳимоя механизмлари билан фарқланганда конструктив фаол зарурат назарда тутилади ва вазият орқали ёқимсизликлардан четлашишга ҳаракатдир. Психологияда копингнинг предмети мавжуд бўлиб, у махсус тадқиқот ҳудудида инсондаги эмоционал механизм ва рационал регуляцияни ўрганишда ўзининг мақсадли оптимал хулқ-атворига кўра ҳаётий ҳолатларни ўзининг мақсадларига мувофиқ қайта қуришни амалга оширади.

Шахснинг ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш жараёни ўзини ўзи турли хил кўнгилсизликлардан, муваффақиятсизликлардан ва экстремал вазиятлардан маълум даражада ҳимоя қилиш учун муҳим аҳамият касб этади. Айниқса ўсмирлик даврида бу жараёнга жиддий қараш керак бўлади. Шунинг учун ҳисобга олиб ўсмирларда ўзини-ўзи ҳиссий баҳолаш ва психологик ҳимоя имкониятлари ўртасидаги мутаносиблик билан боғлиқ ижтимоий психологик омилларни эмпирик жиҳатдан ўрганиш ва шартли равишда қабул қилинган мезонлар асосида унинг натижаларини таҳлил қилиш кўзда тутилган эди.

Яна шунинг таъкидлаш жоизки, баъзан ҳар бир ўсмир, ўз ҳиссий табиати ва унинг фаолият самарадорлигига хизмат қилувчи психологик ҳимоя имкониятларига адекват баҳо бера олишга маълум маънода "оғирлик" қилиши мумкин. Бизнингча, бундай "оғирлик" замирида ҳиссий қоникмаслик, ҳиссий безовталиқ, ўз-ўзига нисбатан ноадекват ҳиссий тасаввурлар шаклланади.

Табиийки, бу шаклланиш шахс ижтимоий фаоллигига, ўқув фаолияти унумдорлигига аста-секин салбий таъсир эта бориши мумкин. Буни ўз вақтида англаш учун эса биз юқорида таъкидлаган Рикс-Уэссман тестини ҳамда шунга мос бўлган қўшимча саволномаларни қўллаб, тегишли эмпирик натижаларни қўлга киритишни режалаштирган эдик. Энди бевосита мазкур методикалар ёрдамида олинган эмпирик маълумотлар таҳлиliga ўтамыз.



Ўсмирларнинг экстремал вазиятларда ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш доирасидаги психологик ҳимоя мезонлари намоён этилишининг ўртача умумий кўрсаткичлари (Рикс-Уэссман). 5- синф (100 нафар)

Объект	Мезон							
	I		II		III		IV	
	A	B	A	B	A	B	A	B
%	52.8	47.2	52.5	47.5	57.4	42.6	51.0	49.0

Жадвалга изох:

1. Хотиржамлик – асабийлик “а” – “б”
2. Ғайрат – шижоатлилик – тортинчоқлик “а”- “б”
3. Ҳиссий кўтаринкилик -ҳиссий тушқунлик“а” - “б”
4. Ўз – ўзига ишонч – ўз – ўзига ишончсизлик “а” - “б”

Ўсмирларнинг экстремал вазиятларда ўзини ўзи ҳиссий баҳолаш доирасидаги психологик ҳимоя мезонлари намоён этилишининг ўртача умумий кўрсаткичлари (Рикс- Уэссман)
9- синф (100 нафар)

Объект	Мезон							
	I		II		III		IV	
	A	B	A	B	A	B	A	B
%	42.7	57.3	46.5	53.5	48.5	51.5	56.2	43.8

Жадвалга изох:

1. Хотиржамлик – асабийлик “а” – “б”
2. Ғайрат – шижоатлилик – тортинчоқлик “а”- “б”
3. Ҳиссий кўтаринкилик -ҳиссий тушқунлик“а” - “б”
4. Ўз – ўзига ишонч – ўз – ўзига ишончсизлик “а”- “б”

Олинган маълумотларнинг хилма-хиллиги ва хавотирлик даражаларининг турли-туманлиги Ч.Д.Спилберг томонидан яратилган “Реактив ва шахсий хавотирлик шкалаларини ўрганувчи методика”си бўйича шахснинг реактив ва шахсий хавотирлик даражасининг экстремал вазиятларда психологик ҳимоя механизмига диапазонидаги ўртача қиёсий-типик кўрсаткичлари динамикасини аниқлашга муваффақ бўлди. Бунга кўра, тадқиқотда иштирок этган 5-синф ўқувчиларнинг (жами 100 нафар, шундан 50 нафар қизлар, 50 нафар йигитлар) 11 фоизида паст, 19 фоизида ўртача, 70 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси намоён бўлди. Шундан қизларда (жами 50 нафар) 7 фоизида паст, 11 фоизида ўртача, 30 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси, йигитларда (жами 50 нафар) 4 фоизида паст, 8 фоизида ўртача, 38 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси устунлик қилди. Тадқиқотда иштирок этган 9-синф ўқувчиларнинг (жами 100 нафар, шундан 50 нафар қизлар, 50 нафар йигитлар) 14 фоизида паст, 28 фоизида ўртача, 38 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси намоён бўлди. Шундан қизларда (жами 50 нафар) 6 фоизида паст, 13 фоизида ўртача, 31 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси, йигитларда (жами 50 нафар) 8 фоизида паст, 15 фоизида ўртача, 37 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси устунлик қилди.

Тадқиқотда иштирок этган 5-синф ўқувчиларнинг (жами 100 нафар, шундан 50 нафар қизлар, 50 нафар йигитлар) 18 фоизида паст, 26 фоизида ўртача, 58 фоизида юқори даражада шахсий хавотирлик даражаси намоён бўлди. Шундан қизларда (жами 50 нафар) 10 фоизида паст, 14 фоизида ўртача, 26 фоизида юқори даражада шахсий хавотирлик даражаси, йигитларда (жами 50 нафар) 8 фоизида паст, 12 фоизида ўртача, 30 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси устунлик қилди. Тадқиқотда иштирок этган 9-синф ўқувчиларнинг (жами 100 нафар, шундан 50 нафар қизлар, 50 нафар йигитлар) 21 фоизида паст, 24 фоизида ўртача, 55 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси намоён бўлди. Шундан қизларда (жами 50 нафар) 13 фоизида паст, 15 фоизида ўртача, 22 фоизида юқори даражада шахсий хавотирлик даражаси, йигитларда (жами 50 нафар) 8 фоизида паст, 9 фоизида ўртача, 33 фоизида юқори даражада реактив хавотирлик даражаси устунлик қилди.

**5-синф ўқувчиларида реактив хавотирлик даражаси % ҳисобида**

Иштирокчилар даража	Жами (100 нафар)	Қизларда (50 нафар)	Йигитларда (50 нафар)
Паст	11	7	4
Ўртача	19	11	8
юқори	70	32	38

5-синф ўқувчиларида шахсий хавотирлик даражаси % ҳисобида

Иштирокчилар даража	Жами (100 нафар)	Қизларда (50 нафар)	Йигитларда (50 нафар)
Паст	18	10	8
Ўртача	26	14	12
юқори	58	26	30

9-синф ўқувчиларида реактив хавотирлик даражаси % ҳисобида

Иштирокчилар даража	Жами (100 нафар)	Қизларда (50 нафар)	Йигитларда (50 нафар)
Паст	14	6	8
Ўртача	28	13	15
юқори	58	31	27

9-синф ўқувчиларида шахсий хавотирлик даражаси % ҳисобида

Иштирокчилар даража	Жами (100 нафар)	Қизларда (50 нафар)	Йигитларда (50 нафар)
Паст	21	13	8
Ўртача	24	15	9
юқори	55	22	33

Умуман, шахсдаги хавотирланиш хусусиятлари ва психологик ҳимоя имкониятлари мутаносиблигининг ўртача умумий ва қиёсий типик кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 9 синф ўқувчиларига нисбатан 5 синф ўқувчиларида ҳам шахсий, ҳам реактив хавотирлик даражаси юқори эканлигини кўрсатади.

Демак, таълим муассасаларининг раҳбарлари, мактаб ўқитувчилари, психологлари, синф раҳбарлари ва ота-оналар бу ҳолатни инобатга олган ҳолда таълим-тарбия ишларини тўғри йўлга қўйишлари талаб қилинади. Акс ҳолда экстремал вазиятларда шахснинг психологик ҳимоя имкониятлари пасайиб кетиши мумкинлигини қайд этиш лозим.

Адабиётлар:

1. Додонов Б.И. Эмоции как ценность. Москва. Наука, 1978. – 360 с.
2. Дубровина И.В. Общие вопросы организации и деятельности школьной психологической службы // Рабочая книга школьного психолога. - М.: Просвещение, 1991. Ч. 1. – С. 6-64.
3. Лупьян Я.А. Барьеры общения, конфликты, стресс. – Минск: Вишэйшая школа, 1986. – 206с.
4. Магомед-Эминов М.Ш. Трансформация личности. - М.: Психоаналитическая Ассоциация, 1998. - 496 с.
5. Узнадзе Д.Н. Экспериментальные основы психологии установки. Тбилиси. 1961. - 212 с.
6. Фрейд З. Психология бессознательного: Сборник. Произведения /Сост.и науч.ред. М. Т. Ярошевского.-М.: Просвещение, 1990.-448 с.
7. www.zhivun.com Freud S. The Problem of Anxiety. New York: Norton, 1936, p. 43.
8. www.zhivun.com Freud A. The Ego and the Mechanisms of Defence. London: Hogarth Press, 1946, - p. 9-63.
9. www.zhivun.com Hall C. S. and Lindzey G. Theory of Personality. New York: John Wiley, 1957. - p. 11-20.



Қосимова Сарвиноз Бахтиёровна,
Бухоро давлат университети "Психология" кафедраси ўқитувчиси

ЎЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЎҚИТУВЧИ СОЦИАЛ ИНТЕЛЛЕКТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ

Аннотация: Ушбу мақолада ўқитувчи социал интеллектини ривожлантирувчи дастурларни ишлаб чиқиши ва унинг мазмуни ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: социал-психологик психотренинг, социал малака, мулоқот, мимика, эксперт баҳолаш.

Аннотация: В данной статье рассматривается разработка и содержание программ, развивающих социальный интеллект учителя.

Ключевые слова: социально-психологический психотренинг, социальные навыки, общение, мимика, экспертная оценка.

Abstract: This article discusses the development and content of programs that develop the social intelligence of teachers.

Key words: socio-psychological training, social skills, communication, facial expressions, expert assessment.

Ўзбекистон Республикасида «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг қабул қилиниши билан узлуксиз таълим тизими орқали замонавий кадрлар тайёрлашнинг асоси яратилди. Маълумки, узлуксизлик ва узвийлик таълим тизимида ортикча такрорийликка чек қўйиб, аввало, жамиятнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини кенгайтиради, қолаверса, давлатнинг ижтимоий ва илмий–техник тараққиётини такомиллаштириш омили сифатида ишлаб чиқаришнинг барқарор ривожланишини таъминлайди. Инновацион педагогик технологияларнинг ривожланиши ва уларнинг ўқув-тарбия жараёнига кириб келиши, шунингдек, ахборот технологияларининг тез алмашинуви ва такомиллашуви жараёнида ҳар бир педагог – ўқитувчи ўз касбий тайёргарлигини, педагогик маҳоратини ривожлантириб боришини талаб этади.

Ўқитувчининг социал интеллектини тузилишида ўзаро таъсирлашувнинг ҳам касбий, ҳам шахсий фаолиятида яққол намоён этиши, вазиятларга ижтимоий мослашувчанлиги, турли хил ҳолатларига ижтимоий тайёрлигини таъминлашга хизмат қилувчи дастурга зарурат мавжуд. Ўқитувчининг социал интеллектини ва социал муносабатларга тайёрлиги таълим муассасаси ва таълим олувчилар фаолиятининг ижобий хусусиятларини акс эттирувчи муҳим ҳолатдир. Шунинг учун ҳам ўқитувчиларнинг социал интеллектини юқори даражада бўлиши таълим олувчиларни жамият ҳаётини барча жабҳаларига тайёрлашга хизмат қилишини инобатга олган ҳолда дастур яратишга эътибор қаратилди.

Ушбу дастур асосида социал интеллектни ривожлантириш курси ташкил этилади.

Курснинг мақсади: Шахснинг социал интеллектини ривожлантириш

Психотренинг машғулотларининг вазифалари:

1. Мулоқот ўрнатиш кўникма ва малакаларга ўргатиш.
2. Педагогик ўзаро таъсирлашув этикасига ўргатиш.
3. Берилган топшириқлар асосида педагогик башоратлаш усулларини ўргатиш.
4. Ўқувчилар ва ҳамкасблар билан муносабатда ўзаро идентификация усулларини ўргатиш.
5. Иштирокчиларга таълим жараёнида учрайдиган низоли вазиятни холис баҳолашга ўргатиш.
6. Иштирокчиларнинг ташкилотчилик қобилиятини ривожлантиришга кўмаклашиш.
7. Иштирокчиларга таълим жараёнидаги социал муаммоларни ҳал этиш йўлларини танлаш ва таҳлил қилишга ёрдамлашиш.

Тренинг иштирокчилари ва гуруҳ таркиби: умумий ўрта таълим мактабларида фаолият олиб бораётган ўқитувчилар (иштирокчилар сони 20-25 нафар киши).

Ўтказиш жойи: Эркин ҳаракатланиш имконини берувчи аудитория.

Тренинг бир иш кунига мўлжалланган бўлиб, 8 соат давом этади.



Дастурнинг мазмуни реал амалиётда муаммонинг объектини хусусиятидан келиб чиқиб, бойитиш мумкин. Ўқитувчининг социал интеллектини касбий фаолиятда рўёбга чиқариш ва имкониятлардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича олиб борилган психотренинг дастури белгиланган тартибда амалга оширилади. Унинг иштирокчилари социал интеллект ва социал компетентликни тўлиқ юзага чиқара олмаган, шахслараро муносабат ва таълим муҳитида ўзининг мулоқотмандлик қобилиятини юзага чиқаришда қийналаётган, диагностик босқич натижаларида паст кўрсаткичли ўқитувчилардан ташкил топган гуруҳдан фойдаланилади. Дастурнинг мазмуни реал амалиётда муаммонинг объектини хусусиятидан келиб чиқиб, бойитиш мумкин. Ўқитувчининг социал интеллектини касбий фаолиятда рўёбга чиқариш ва имкониятлардан фойдаланишни оптималлаштириш бўйича олиб борилган психотренинг дастури белгиланган тартибда амалга оширилди. Унинг иштирокчилари социал интеллект ва социал компетентликни тўлиқ юзага чиқара олмаган, шахслараро муносабат ва таълим муҳитида ўзининг мулоқотмандлик қобилиятини юзага чиқаришда қийналаётган, диагностик босқич натижаларида паст кўрсаткичли ўқитувчилардан ташкил топган гуруҳдан фойдаланилди. Уларни тренингни ташкил этиш шартларига кўра 3 та гуруҳга ажратдик. Шунингдек, оптималлаштиришга йўналтирилган психотренинг дастурини татбиқини ҳам икки хил тарзда қўллашни мақсадга мувофиқ деб ҳисобланди. Дастур ҳар бир таълим муассасининг психотренинг дастурига мансуб гуруҳ аъзоларини ўзлари орасида ва иккинчиси, айнан социал интеллектни ривожлантиришга йўналтирилган дастурни ўқитувчиларнинг аралаш таркибидан фойдаландик. Психотренинг дастурлари белгиланган ва кўзда тутилган режа асосида амалга оширилди. Якунида эса иштирокчиларда Дж.Гилфорднинг «Социал интеллектни ўрганиш» тестини қайта ўтказдик. Уларнинг натижалари билан айнан тренинг гуруҳи ўқитувчиларининг диагностик босқичи кўрсаткичларини қайта ишлаб статистик солиштиришга эришдик.

Жадвал № 1.

**Ўқитувчилар социал интеллект натижаларининг қиёсий кўриниши
(Гилфорд методикаси маълумотлари асосида) (N=1000)**

№	Мезонлар	Психотренинг дастурини татбиқ этишга қадар		Психотренинг дастурини татбиқ этгандан сўнгра		t
		χ	σ	χ	σ	
1.	Мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш	3,25	0,86	4,24	0,61	-11,28***
2.	Новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	3,16	1,10	4,30	0,55	-10,13***
3.	Вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш	2,94	0,95	4,24	0,61	-13,31***
4.	Шахслараро ҳаракат мақсадини тушуниш	3,11	1,17	3,35	0,60	-1,66

***p<0,001

Социал интеллектни ривожлантириш дастурини қўллаш натижасида ўқитувчилар ўзларининг таълим жараёнидаги шахсий ва касбий ўсишдаги нуқсонларини тузатишга эришдилар. Буни психотренинг дастурини қўллашдан кейинги босқичда олинган натижалар ҳам тасдиқлади.

Психотренинг дастурида социал интеллектни ўстиришга бағишланган машқлар орқали ўқитувчилар ўзларини турли вазиятларда синаб кўрдилар ва унинг натижаларини таҳлил қилдилар. Шунингдек, ўқитувчилар ушбу тадқиқот ва ундаги оптималлаштириш дастури ёрдамида ўзларининг касбий фаолияти учун зарур шахсий ва касбий сифатларни намоён этишга эришдилар.

Барча тажриба ва назорат объектларида социал интеллект кўрсаткичларини такрорий ўрганиш натижалари ўқитувчиларда мулоқот иштирокчисининг ҳиссиёти, фикри ва ниятларини тушуниш (3.25 ва 4,24, t=-11,28; p<0,001); новербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш(3,16 ва 4,30, t=-10,13; p<0,001); вербал мулоқот ҳаракатларини тушуниш (2,94 ва 4,24, t=-13,31; p<0,001) малакаларининг бирмунча ўсганлигини аниқлаш имконини берди. Бундан кўринадики, социал интеллектни ўстириш учун ҳар бир шахс, хусусан, ўқитувчилар ўз



устларида ишлашлари ва социал тажрибаларини изчил ошириб боришлари мумкин экан («1-жадвалга қаранг»).

Демак, психотренинг дастури ўқитувчиларни нафақат индивидуал ўсишига, балки жамоавий ва гуруҳий жиқслигини таъминлашга, ўзаро ҳурмат ва тушуниш, низога сабаб бўлувчи ҳолатларнинг олдини олишга ҳам хизмат қилар экан. Буни ўқитувчиларнинг психотренинг дастурини қўллашдан кейинги кўрсаткичлари ҳам тасдиқлайди.

Олинган натижалардан тадқиқот давомида олиб борилган психокоррекция дастурлар самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва ўқитувчиларнинг психологик компетентлигини умумий ҳолда баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бу эса тажриба гуруҳида олинган барча эмпирик кўрсаткичлар миқдорининг назорат гуруҳларидаги кўрсаткичлар миқдорида нисбатан юқори эканлигини тасдиқлайди. Мазкур эмпирик натижаларга асосланган ҳолда ўқитувчи социал интеллектини ривожлантириш дастурини қўллаш натижасида шуни таъкидлаш мумкинки, ўқитувчиларнинг касбий фаолиятини ошириш учун социал интеллект компонентларини шакллантириш зарур экан.

Юқоридагиларга асосланиб, мазкур баён этилган илмий мушоҳадаларни умумлаштирган ҳолда ўқитувчи социал интеллектини ривожлантириш дастури ва уни ўқитувчи касбий фаолияти самарадорлигига таъсири масаласини тадқиқ қилиш бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Ўқитувчининг социал интеллектини ривожлантириш аниқ назарий асосга ва амалий режалаштирилган дастурга зарурат сезади. Социал интеллектни ривожлантириш дастури учун методологик асос сифатида хизмат қилувчи дастурларга таяниш мақсадга мувофиқ.

2. Социал интеллектни ривожлантириш тренинг дастури ўқитувчи фаолиятини вазиятли, вақтли, тезкор ва оптималлаштирилган тарзда кечишини таъминлашга хизмат қилади.

3. Ўқитувчиларнинг социал интеллектини оптималлаштиришда социал-психологик компетентликни ташкил этувчи жабҳаларни ўстириш орқали ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. №6(766)-70 модда,- Т:Адолат, 2017. - Б. 38.
2. Майерс Д. Социальная психология. СПб.: Изд-во Питер, 1997. -688с.
3. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления. Под ред А.М. Матюшкина. М., 1965.С.433-456.



Жамилова Башорат Сатторовна,
Бухоро давлат университети доценти,
филология фанлари номзоди

БОЛАЛАР ДЕТЕКТИВ НАСРИДА ПСИХОЛОГИЗМ ШАКЛЛАРИ ОРҚАЛИ ЎСМИРЛАР РУҲИЯТИНИ ИФОДАЛАШ

Аннотация: Мақола ўзбек ва жаҳон болалар адабиётида яратилган детектив асарлар, жумладан, Я.Камолнинг «Илонни ўлдирсалар» Т.Маликнинг «Алвидо болалик», Х.Тўхтабоевнинг «Мунгли кўзлар» қиссаларидаги жиноят оламига кириб қолган ўсмирлар психологиясини бадиий тадқиқ этишига бағишланган.

Калит сўзлар: психологизм, бадиий унсур, деталь, сюжет, детектив, драматизм, руҳий изтироб, кечинма, жисмоний, ақлий, руҳий, ҳиссий, гайриоддий, саргузашт, илмий-фантастик, тарихий-ҳужжатли, детективнавис.

Аннотация: Данная статья посвящена художественному изучению детективных произведений в узбекской и мировой детской литературе, в том числе "если убьют змею" Ю. Камоля, "Прощай Детство" т. Малика, "темные глаза" Х. Тухтабоева.



Ключевые слова: психологизм, художественный элемент, деталь, сюжет, детектив, драма, душевная мука, переживание, физическое, психическое, духовное, эмоциональное, экстраординарное, приключение, научная фантастика, исторический документальный фильм, детективный писатель.

Annotation: This article is devoted to the artistic study of detective works in Uzbek and world children's literature, including "If they kill a snake" by Y. Kamol, "Goodbye childhood" by T. Malik, "Dark Eyes" by H. Tukhtaboev.

Keywords: psychologism, artistic element, detail, plot, detective, drama, mental anguish, experience, physical, mental, spiritual, emotional, extraordinary, adventure, science fiction, historical documentary, detective writer.

Кириш. Ёсмирлар рухияти анча мураккаб. Жамият, ижтимоий муҳит инсонни ўзгартириб, тафаккурини янгилаб бораверса-да, табиат қонуниятлари сингари болалик, ёсмирлик оламига хос ўсиш-ўзгаришлар ҳам муттасил жилоланиб туради. Ёсмирлик инсонни болалалик ва етуклик палласига ўтиши билан мураккаб кечадиган давридир.

Мухими эса ҳар бир ёсмир бу ёшда китоб, кинофильм қахрамонларига кўпроқ эътибор беради, улардан андаза олади. Бинобарин, ёсмирларга мўлжалланган бадиий адабиётнинг вазифаси ҳам ўта масъулиятли ва серқиррадир. Жаҳон адабиётидаги Ж.Верннинг "Капитан Грант болалари", "Ҳаво шарида беш ҳафта", "Сирли орол", Д.Дефонинг "Робинзон Крузо", Ж.Свифтнинг "Гулливернинг саёхатлари" каби асарлар қаторида ўзбек болалар фантастик ва детектив насри, масалан, Ҳ.Шайхов, Т.Малик, О.Мухтор, Х.Тўхтабоев асарлари, шунингдек, Т.Малик, Э.Маликнинг дидактик қиссалари ёсмирларнинг бу борадаги маънавий эҳтиёжларини бойитишда муҳим аҳамият касб этади.

Умуман, XX аср ўзбек болалар адабиёти тарихида С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Н.Сафаров, Н.Ғозилов, М.Осим каби етук адибларнинг биографик ва автобиографик қиссалари, мемуар, эссе ҳамда тарихий-ҳужжатли асарлари ёсмирларнинг ҳаётда мустақил шахс сифатида товланиши, инсоний фазилатларининг ортиб боришига дастуруламал бўлиб келган эди. Эндиликда эса замондош ёсмирлар кўпроқ психологик, саргузашт, детектив қиссаларни ўқишга интилоқда. Айниқса, бундай асарларнинг бош қахрамони болалар ва ёсмирлар бўлиб, уларнинг руҳий кечинмалари теран бадиий тадқиқ этилса, шу ёшдаги китобхонларга кучли таъсир қила олади.

Айтиш жоизки, детектив адабиётнинг мумтоз намуналари асосан жиноятни фош этишга қаратилган бўлса ҳам жанрнинг кейинги тараққиётида ижтимоий ҳаёт, жамият ва муҳит, қахрамонларнинг риҳияти тадқиқи асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Асосий қисм. Аслида ҳам болалар ва ёсмирлар ҳамиша саргузашт ва детективга жуда ўч. Айтайлик, сеҳрли-фантастик эртаклар, қахрамонлик дostonларидаги дев ва паҳлавонларнинг олишуви, сеҳрли тилсимлар орқали бирор сирни фош қилиш, ғайриоддий кучлар, куш учса қаноти, одам юрса оёғи қуядиган макон ва пейзажлар тасвири ҳамиша болалар диққатини тортиб келган.

Бинобарин, жаҳон адабиётидаги машҳур Гулливер, Робинзон Крузо, Маугли, Тарзан, Том Сойернинг саргузаштлари, ёки, Конан Дойл, Агата Кристи асарлари қаторида ўзбек болалар адабиётида Х.Тўхтабоев, Т.Маликнинг қисса ва романлари ёсмирлар қўлидан тушмайди. Шу сабабли бу йўналишдаги асарлар (хусусан, жаҳон адабиётидаги Робинзо, Гулливер, Шерлок холмс ҳақидаги) умумадабиёт намунасини, яъни катталар учун яратилган бўлса ҳам болалар кейинчалик уни тамомила "ўзлариники" қилиб олишган.[5,4]

Аммо болалар ва ёсмирлар асосий қахрамон бўлган детектив қисса ва романларда ёзувчи ва бадиий қахрамон ўртасида мураккаб вазият юзага келади. Муаллиф қаршисида жиноят йўлига билиб-билмай кириб қолган ёсмир қисмати, тақдири, руҳий кечинмалари ва ниҳоят келажagini кўра билиш маҳорати кўндаланг туради. Ёзувчи жиноят содир этилган лавҳаларга кўп урғу берса, "жиноятчи"га ўқилган ҳукм ҳам қатъий бўлмоғи лозим. Ёхуд, жиноятни содир этган болалар ва ёсмирларни фош этиб, уларни панжара ортига тиқиш хулосаси асосий жиноятчиларнинг топилмаганини исботлайди. Демак, болалар детектив насрида фақат қотиллик ёки жиноятни изидан қувиш эмас, кўпроқ ўша жиноятга қўл урган болалар оламини кашф қилиш асосий мақсад ҳисобланади. Ҳаётий мисоллар, изчил кузатувлар, ўнлаб суд жараёнлари, ахлоқ тузатиш колониясидаги болалар ва ёсмирларнинг ички олами, улар психологиясини ўрганиш кабилар бундай асар муаллифининг маҳорати саналади.



Сўз детектив қисса ва романларда қаҳрамон психологияси тасвири ҳақида бораркан, ёзувчи Х.Дўстмуҳаммаднинг қуйидаги фикрлари диққатни тортади: — Мен табиатан саргузашт, детектив асарлар китобхони эмасман. Бундай десам, мен учун ардоқли асарлардан бири бўлмиш “Жиноят ва жазо”ни айни детектив асар, дегувчилар ҳам бор. Тўғри, романда детектив ва саргузашт унсурлари талайгина, лекин улар буюк адиб қаламига мансуб юксак бадиий психологик таҳлиллар замиридаги бир фон, холос. Бизнинг саргузаштларимиз, детективнависларимизда энг катта қусур худди шу ўринда билинади: яъни воқеалар тафсилоти биринчи ва асосий мақсадга айланиб кетади, бадиий адабиётнинг асосий талабларидан бўлмиш — инсонни ўрганиш ва таҳлил этиш вазифаси, бурчи эътибордан четда қолади. Ваҳоланки, саргузашт ва детектив асарларга хос бўлган ўта зиддиятли ва тўқнашувларга бой ҳолатларда бунга жуда катта имконият очилади. Бироқ кимдир инсонни тушуниш йўлини танласа, кимлардир тўқнашувлар занжирини тўқишга мойиллиги кучайиб кетади. Саргузашт ва детектив асарларимиз “гоши”ни шу мезон посангисига қўйиб кўрилса, кўпгина ҳақиқатлар оидинлашади-қўяди. [6]

Дарҳақиқат, жаҳон ва ўзбек болалар адабиётида ҳам айнан қаҳрамон психологияси, яъни билиб-билмай жиноят йўлига кириб қолган болалар ва ўсмирлар психологияси тадқиқи ниҳоятда муҳим. Одатда, катта ёшдаги инсонлар оқу қоранинг фарқига борадиган, қилаётган ишининг оқибатига ақли етадиган, қолаверса ўз ҳаёт йўлини белгилай олади. Аммо болалар ва ўсмирларнинг жиноятга қўл уриши фақат ва фақат жамият, муҳит, катталар таъсирида рўй беради. Яъни улар ёзувчи Т.Малик айтганидек, онадан жиноятчи бўлиб туғилмайди. Уларни жамият етиштиради.

Аммо бундай асарлардаги қаҳрамонлар психологияси, яъни жиноятчилар оламининг ички кечинмаларига эътибор қаратилган ижод намуналари санокли. Хусусан, бундай асарларнинг бош қаҳрамони болалар ва ўсмирлар бўлса-чи? Ҳа, бу йўналишдаги асарларга болалар ва ўсмирлар ҳар қанча қизикса ҳам, уларбоп асарларда бу мавзу кўп учрамайди. Бироқ реал ҳаётимизда болалар ва ўсмирларнинг жиноят оламига кириб қолиши, деярли ҳар бир мамлакатда болалар ахлоқ тузатиш колониялари мавжудлиги сир эмас. Дунёда минг-минглаб шундай ўсмирлар ва вояга етмаган болалар алоҳида назорат остида сақланади.

Шу маънода бу ҳодисанинг бадиий тадқиқи- детектив қиссалар ёзиш анъанаси жаҳон болалар адабиётида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошланган бўлса, ўзбек болалар адабиётида мустақиллик арафасида юзага келди, дейиш мумкин. Айтайлик, турк ёзувчиси Яшар Камолнинг “Илонни ўлдирсалар”, ўзбек адиби Тоҳир Маликнинг “Алвидо болалик” қиссалари айни жиҳатлари билан эътиборга сазовор.

Шу ўринда М.Бобохоновнинг психологизмнинг адабиётшуносликдаги ўрни, аҳамиятига оид қарашларини эшлагга тўғри келади. У мазкур масалада Н. Г. Чернишевский ва Д. Н. Овсяннико-Куликовский, А. П. Скафтимов, С. Г. Бочаров, Б. И. Бурсов, Л. И. Гинзбург, А. Иезуитов, В. В. Компанеец каби рус ва жаҳон олимларининг фикрига таяниб психологик тасвир, таҳлил каби тушунчаларга оидинлик киритишга ҳаракат қилади.[3] Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг қарашларини бирлаштириб, “...бадиий асарда персонаж ички оламини тасвирлаш ҳақида гапирар эканмиз, А. Иезуитов томонидан илгари сурилган, кейинчалик В. В. Компанеец ҳамда М. П. Кодаклар томонидан маъқулланган, психологизм алоҳида олинган асарда нафақат ёзувчининг муайян мақсадни кўзлаб амалга оширилган онгли фаолиятининг натижаси, балки муаллифнинг онгли уринишларидан ташқари, шахсий психикасининг акси бўлиши мумкинлиги ҳақидаги қонидани ҳам дастлабкиларидан бири сифатида қабул қилсак бўлади. Буни З. Фрейднинг ҳар қандай бадиий асар яратилишида ёзувчи шуури билан ғайришуурийлигининг муштарак ишлаши ҳақидаги фикрлари ҳам тасдиқлайди”. [3] Шу тариқа, бадиий психологизмни бир томондан психология, бошқа томондан адабиётшунослик билан алоқадор фанлараро тушунча деб талқин қилиш лозимлиги англашилади.

Бинобарин, “Илонни ўлдирсалар” романидаги психологик портрет, тасвир, бадиий деталлар ўқувчи руҳиятига кучли таъсир қилади, жамиятдаги мудҳиш, разил, жоҳил муҳит асар қаҳрамонини жиноят содир этишга қай тариқа олиб келганини китобхон яққол ҳис қилади, қаҳрамонга қўшилиб руҳан азобланади, изтироб чекади. Ҳамма болалар қатори меҳру муҳаббатга тўла мурғак бир қалб эгасининг болаликдан йиллар давомида онгли-онгсиз ўйлар исканчасида ковурилиб, секин-аста ҳиссиз, қабих бир жисмга айлана боргани, ниҳоят ўз онасининг қотили бўлишдан ўзга чораси йўқлиги англаб етилади [4,6].



Я.Камол Ҳасан образини унинг болалик хотирасида бир умрга муҳрланиб қолган ваҳшийликлар тасвирдан бошлаши бежиз эмасди: 6-7 ёшлардаги бола ота-онаси билан энди кечки овқатга ўтираётган пайтда деразадан кетма-кетига икки ўқ узилади. “Ўқнинг овози бутун атрофни остин-устун қилди. Онаси, отаси, бутун дастурхон туман ичида қолди. Отасининг бақириб юборганини эшитди. Онаси ҳам бир маротаба қичқириб юборади, кейин эса ҳамма ёқ жим бўлиб қолади. Туман ҳам тарқайди. Ҳасан ўзига келганида ўқ овози узоқ-узоқларда, Анаварза қояликларида узун акс-садо берар, қишлоқнинг ичидан эса бўғиқ қичқирувга ўхшаш шовқин эшитиларди. Бирдан қонни кўради. Отаси дастурхонга юзгубан йиқилган, сочлари палов товоғига тушганди. Отасидан отилиб-отилиб кўп қон оқарди... [4,7]

Ёзувчи ўз қаҳрамони билан қамоқхонада танишгани асар бошида эслатиб ўтилса-да, китобхон сюжет воқеалари гирдобиди бунини унутди, бола Ҳасаннинг қариндошлари томонидан узлуксиз таҳқирланишлар, нафрат ва ғазаблари, онаси учун изтиробда, уятда қолган, кейинчалик эса ўсмир ёшига етган ўғил бола нафсониятга тегадиган даражадаги уятли сўкинч сўзлар, онасини бадном қилиш билан боғлиқ ҳақоратлар олдида унинг руҳий изтиробларига шерик бўла борганини пайқамай қолади.

Ҳасан ўша қотиллик содир бўлган тунда “ичкарига кирган одамнинг фақат ола-кула кўзларинигина эслайди. У онасининг кўлларида ушлаб, туман ичидан тортиб олиб кетганди. Отасининг ўлганини бувисининг йиғлашидан кейингина тушуниб етади... Эрталабгача бир бурчакка суянганча бўшашиб ўтириб қолди. Ҳеч ухломмади. Ҳаётида биринчи марта ухлаёлмас эди. Уйқусизликни, ухломмасликнинг нима эканлигини илк маротаба ҳис қилди.”

Асар давомида ўқувчи шуни англайдики, Ҳасаннинг қариндошлари, у яшаётган тоғлик қишлоқ халқи инсон ҳуқуқларини ваҳшийларча топташади, “тонг саҳардаёқ ҳалиги ўқ узган қотилни - онасининг қишлоқдоши, собиқ севгилиси бўлган Аббосни тутиб, ўлдириб, қонга белаб келтиришади. Ҳасаннинг онасини ҳам шу кенг майдонга олиб келишади. Амакилари аёлни тинимсиз урар, аёлнинг юз-кўзи ёрилган, оқ рўмоли, сочлари, қонга беланади. Хотинлар, эркаклар, болалар - ҳамма қишлоқдошлар онасини уриб, тупуриб кетишарди. Ҳасан бир муддат ҳиссиз қараб туради, кейин ўзини онасини ураётганлар устига отади. Амакисининг кўлини суягигача тишлаб, узиб олай деганини, унга кейинчалик гапириб беришади. Айтишларича, телбаларга ўхшаб, тўхтамай онасини урганларни урар, тупурганларга тупурар эмиш”...

Бу манзара асар қаҳрамони - бола Ҳасаннинг психологиясини ёрқин кўрсатади. Албатта, у ҳали қотиллик қилиши, йигит ёшида қамоқхонага тушишигача бундай воқеалар жуда кўп такрорланади... Унинг болаликдаги илк хотираларини орадан 10-15 йил ўтиб барча тафсилотларни ҳар бир деталигача айтиб бериши ҳам асардаги психологик ҳолат намунасини кўрсатади. Шу сабабли ёзувчи Ҳасаннинг болалик кунларининг деярли ҳар кунини атрофдаги одамларнинг унга муносабатини, қариндошлар муомаласини батафсил ҳикоя қилади. Натижада адиб боланинг қотиллик йўлига кириш учун мажбур қилган муҳит, жамиятни китобхон кўз ўнгида гавдалантириб боради. Айтиш мумкинки, асар сюжетидаги ҳар бир воқеа қаҳрамон руҳий оламини очиб боришга хизмат қилади. Инсон болалик пайтида олган психик зарбани бутун умри давомида унутмаслигини эса тутишимиз керак, дейди психологлар.

Кўпгина ёзувчилар асар қаҳрамонининг характери, психологиясини тўлақонли ёритиш учун шунга мос тамсиллар, бадиий деталь танлайди. Адабиётшунос олим Ҳ.Умуров А.Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романидаги психологизм ҳақида фикр юритиб, “ёзувчи учун ички дунёнинг – руҳнинг кечинмаларини ташқи кийфа, ҳолат ва хатти-ҳаракатларда кўринишини тасвирлаш, яъни динамик принцип асосий мезондир”,- дейди [7,242]. Бу жиҳат Я.Камол романида ҳам етакчи ўринни эгаллайди. У ўз қаҳрамони ички оламини, психологиясини тасвирлашда динамик принципдан кенг фойдаланади. Ҳасаннинг болаликдаёқ энг кўп паноҳ топган жойи Анаварза қоялари. Унинг руҳиятига монанд тасвирланган булутнинг сояси, ботқоқлик, арилар, сариқ заъфаронлар, гулларнинг вазмин ифори каби бадиий-психологик деталлар Ҳасаннинг бошига эрта тушган кўргуликлар, аччиқ қисматнинг тахир таъми тарзида ўқувчига ҳам юқади. Ҳатто унинг қоялар орасида, жарликлардан кунини билан бургут уяларини титиб, бургут боласи ва тухумини олиш учун тентираб юриши инсоний туйғуларнинг чилпарчин бўлаётганидан далолат бўлади. Бувиси, амакилари Ҳасанни эрта-ю кеч онасидан отаси учун қасос олишга тайёрлаб бордилар. Унга милтиқ совға қилдилар, Дулдул от ҳам. Ҳасан даставвал, қушларни, ҳайвонларни отиб, овлаб юради. Қишлоқдагилар, қариндошлар, айниқса бувиси ҳам тинмай бола онгини заҳарлаб боради: “Отанг тирик қолиб, унинг ўрнига Мустафо ўғлим ўлдирилганда ёки Иброҳим ўғлим ўлдирилганда эди, кўрардинг



Ҳасан, Халилим, арслоним, эр йигитим, ўша вақтнинг ўзидаёқ бир хотинни эмас, балки ўша хотиннинг ўтови, уруғ-аймоғи, бутун армияси билан кулини кўкка совурарди. Сенинг амакиларинг ҳам одамми, одам бўлсалар эди, отанг ўлдирилган куни, ўша келинни тутиб келиб, сочларидан судраб, отангнинг қабри устига олиб келардилар ва ўткир устара пичоғи билан бўғизлаб ташлардилар. Калласини бир тарафга, танасини бошқа тарафга отиб юборардилар. Ҳозир эса ўша келин, набирамнинг онаси, сенинг онанг бўлиб кўз ўнгимда ликиллаб юрмасди. Отанг тириклигида онанг шундай фоҳишалик қилсайди... Онангнинг ўлигини итларга, бургутларга ташларди... Сенинг отанг кабиси борми эди. У Анаварзанинг бургутларига ўхшарди. Амакиларинг куриб кетсин, улар ҳам одамми энди? Эҳ, сен катта бўлганимда эди, балоғатга етиб, кўлингда бир милтиқ ушлай олганимда эди, у онанг бўлмиш фоҳишани, уни... Сен... сен, сен Халилимнинг ўғлисан ахир. Халилим Бинбўға бургутига ўхшарди. Халилим Дулдул лочини, Али тоғ шунқори каби эди. Эҳ, Халилим...»

Ҳасан бувисидан бундай гапларни, таъна-дошномларни болалигидан то ўсмир ёшга киргунча жуда кўп эшитади. Бутун қишлоқ, қариндошлар Ҳасанни кичиклигидан, лоақал милтиқни тўғри ушлай олмаслигидан, одам тугул чумолини ҳам ўлдиролмаслигини айтиб калака қиладилар. Онасини бу қишлоқдан кетмаслиги эса ёлғиз ўғли Ҳасан туфайли эди. У кетса, боласини қайтиб кўра олмас, унга ўғлини бермас эдилар. Ҳатто бир кечаси уч одам уйнинг уч ёғидан келиб, уйни ўққа тутишади. Онаси уйда йўқ эди. Хонани фонарлар билан текшириб чиқиб, тўшакка қарата ота бошлайдилар. Ҳасан уйнинг бурчагига тикилганча қотиб қолганди. Қимир этмасди. Уларнинг бири Ҳасанни кўрди ва бор кучи билан биқинига тепади: «Фоҳишанинг киндигида пайдо бўлган, фоҳишанинг. Отасининг қотили қорнида ётган нокас ўғил...»

Яна бир-икки маротаба бели аралаш биқинига тепади. «Қаерга қочди фоҳиша онанг?» деб сўради. Ҳасан жавоб бермади. «Қушнинг қанотиға, илоннинг инига кириб яширинса ҳам, у фоҳиша онанг ўлдирилажақдир. Бугун топа олмасам, эртага топаман, эртага бўлмаса, бир кун албатта топаманда, бурда-бурда қилиб ташлайман. Жияним Халилнинг қонини бир фоҳишага булғатиб қўймайман. У яшаб юраркан, паҳлавон Халилимнинг суяклари гўрида чирсиллаб синиб ётади...» Ҳар бири Ҳасанни жон олувчи тепкипари билан тепиб: «Бу ҳам одамми?» дедилар. «Отасини ўлдирган хотин билан юзма-юз, ёнма-ён яшаб юрибди. Бу одам эмас, тўнғиз қавми, чўчка қавмидандир», - деб чиқиб кетдилар [...].

Ёзувчи жуда кам ўринда бўлса ҳам онасининг тасвирига эътибор қаратади. Китобхон бир хокисор аёлнинг ўз гўзаллиги, донғи кетган ҳусни бошига бало бўлганини илғайди, уни севган йигитлар кўплиги-ю, ҳатто эри ҳам уни олиб қочган ана шундай зўравонлардан бири экани, вақти келиб унга душманлик қилган иккинчи бир зўравон томонидан бу қотиллик рўй бергани, шундай бўлсада, биргина боласи учун ҳамма кўргилик ва хорликларга жимгина чидаб яшайдиган муштипар аёл образи сифатида гавдаланади.

Қаҳрамон руҳияти шу даражага бориб етадики, у бувиси ва амакисининг арвоҳу дўзах ҳақидаги гаплари таъсиридан тушида доим бир илон қувлаётганини кўради. Кейинчалик, уйғоқ ҳолида ҳам катта чинқироқ илон уни таъқиб қилади. Қояликларга, арча дарахтларининг тепасига, ётган хонасига ҳам йўл топиб киради. Ҳасан кечалари бақириб чиқади. «Кўрмайин, кўзим кўрмасин... Онам ўлиши, ўлдирилиши керак. Ўлдирилиши лозим. У ўлмаса бўлмайди. Чукуровадаги ҳеч ким бизнинг юзимизга ҳам қарамайди. Отам ҳам чинқироқ илон бўлиб, Чукуровада кезиб, жаҳаннамда ёниб кул бўлади. У ўлиши керак. Онам ўлмоғи лозим. Эсма ўлиши керак. Эсма ўлади...»

Академик М.Храпченко психологик таҳлилнинг динамик, типологик ва аналитик принциплари мавжудлигини қайд этиб, булар сўз санъаткорларининг ижодий маҳсули эканини таъкидлайди. [7,239]. Дарҳақиқат, айрим асарларда бу принципларнинг учови ҳам «гармониялашган» (Ҳ.Умуров) бўлиши мумкин. Я.Камол ўз қаҳрамони ички оламини очишда типологик - характерлар ички ҳаётининг ижтимоий-маиший томонлари билан боғлиқ ҳолда кўрсатиб беришга эришган. Яъни Ҳасаннинг жиноятга, фожиага бошловчи сабаблардан бири ижтимоий ҳаёти, жамият ва муҳит экани ойдинлашиб боради.

Шу маънода, асар қаҳрамони айнан ўсмир бола эканлиги назарда тутилса, бундаги ҳар бир деталь, ҳатто бадий этикага хилоф уятли сўз ва ҳақоратларнинг очик ошқора ишлатилиши жиноятнинг фош этиш усулидир дейиш мумкин шу билан бирга психологизмнинг бир кўриниши ҳам.



Асар қахрамони мана шундай қарама-қаршиликлар исканчасида ўсмирликдан ўспиринликка этади. Ҳар қадами тавку лаънатда, нафратда ўсган бола жамиятда қандай инсон бўлиши мумкин? Шу сабабли Ҳасан ўлишни хоҳларди. Қани энди ўла олса? Ҳасан ҳеч кимнинг юзига қаролмасди. Қишлоқда Ҳасанни ким кўрса, юзини тескари ўгириб кетарди. Амакилари, хаттоки, қишлоқнинг итлари ҳам у билан гаплашмас эди. «Бўйи чиригурга қаранг, бўйи чиригурга. Ўзини одам деб ҳисоблаб, қишлоқ ичида одамлардай гердайиб юришини қаранг!» «Илонга ўхшайди, илонга!» «Аҳмоқнинг ўзгинаси, аҳмоқнинг». «Ўзини бировга керакдай ҳисоблаб...» «Қочади-да албатта, қочади». «Бурнини осмондалигани-чи, жувонмаргнинг». «Худди отасининг қотилини ўлдиргандек».

Ҳасан ҳар гал онасини кўриши билан телбалардай қалтирар, ўзини билмай, титраб-кўрқар, у ердан кетиши билан бўм-бўш бўлиб қоларди.

...Онаси ҳовлидаги тандирга ўт қаларди. Тандирдан бир кучоқ олов юқорига ўрларди. Ҳасан титроқ ичида кўлидаги тўппончани ўйнарди. Кўлидаги тўппонча отасиники эди. Олов ловиллаб-ловиллаб, сўнг бирдан пасайди. Онаси тандирга эгилиб-эгилиб турарди. Ҳасан қалтирар, титрарди. Эти жунжукарди. Боши айланарди. Онаси кўзининг олдидаги олов ичида эди. Бирдан кўлидаги тўппонча отилди. Бир қичкириқ эшитилди. Яна, яна ўқ узилди. Атрофни куйган гўшт, куйган соч хиди тутиб кетди. Ҳасан бирдан бўшашди. У кўлида тўппончаси билан тандир бошида бироз айланиб турди. Онасининг боши тандирга кириб қолган, сочлари ёнарди. Анаварза томон йўл олди. Уч кундан сўнг уни ўша қоя сандиғининг ичидан кучуги топди. Тош қопқоқни устига яхшилаб ёпган эди. Ит ўз соҳибини қандай қилиб бўлса ҳам топади, хидидан топади, хидидан .

Кўринадик, «Илонни ўлдирсалар» романидаги Ҳасан аввал оиласининг, сўнг ўзи яшовчи қишлоқнинг босими натижасида онасини ўлдиради. Ана шу ижтимоий асабийлик муҳити, қанчалик қаршилик кўрсатмасин, алал-оқибат Ҳасанни жинноятга ундади. Қаҳрамоннинг кечинмаларини муаллиф жуда катта маҳорат билан ёритган. Асар сўнгида ўқувчи, гарчи ўз онасини ўлдирган эсада, Ҳасандан нафратланмаслиги, уни айбламаслиги ҳам мумкин. Чунки ҳақиқий қотил аслида Чукурова қишлоғининг жоҳил одамларидир. Мурғак, бегубор болакай эса уларнинг бу ваҳшиёна мақсадларига етишлари учун бир восита, холос. Яшар Камол бир қотиллик фонида нафақат бу жиноятга бевосита дахли бўлмаган янги қурбонлар, балки бутун жамият, муҳит, болалик ҳақ-ҳуқуқлари, келажак маънавиятига болта урган жоҳиллик фожеасини очиб берган. Ҳақиқий жиноят ана ўша қишлоқ ва унинг одамларидаги маънавиятсизлик, илм ва урфонсизлик, иймонсизлик экани аён бўлади.

Ўзбек болалар адабиётида Т.Маликнинг "Альвидо болалаик" қиссаси сюжети ҳам айнан ахлоқ тузатиш колониясидаги ўсмирлар билан ёзувчининг суҳбати воқеаси асосига қурилгани жиҳатдан юқоридаги асарга ҳамоханглик касб этади.

Қиссадаги психологизм жиноят оламига кириб қолган ўсмирларга хос зиддиятли характерлар, образлар, воқеалар талқинида очиб берилган. Жумладан, Қамариддин ўзбек болалар қиссачилигида учрамайдиган мураккаб образ. Қолаверса, унинг психологияси айнан жиноят кўчасига кириб, суяги ҳам, кўзи ҳам, эти ҳам қотиб улгурган ўсмирлар оламини яхлит акс эттира олгани билан эътиборли. У билан боғлиқ лавҳалар қиссанинг деярли барча фаслларида учрайди. Айниқса, қиссанинг дастлабки фаслларидаёқ Қамариддин образи шундай гавдаланади: Қамариддин жиноятчи гуруҳ бошлиғи, кўчада болаларнинг йўлини тўсиб, қиссавурлик қилишади, пул сўраб, кўрқитади... хатто пулдорроқ болалар унга «ҳисоб» бериб туради, қотилликка қўл урган бўлса ҳам ҳеч нима бўлмагандай юраверади, виждон азоби йўқ унда...

Аммо «Аламзада одам ёхуд онаси ташлаб кетган боланинг аянчли ҳаёти ҳақида ҳикоя» деб номланган фаслда китобхон Қамариддин билан юзма-юз келади, унинг ҳаёт тарзи ва жамият ҳақидаги фалсафасидан огоҳ бўлади. Яъни, асардан анланган ҳақиқатга кўра «уни билиш, тушуниш учун Қамариддин бўлиб туғилиш, Қамариддин бўлиб яшаш, у тотган захар-заққумлардан тоттиш керак»лигини ҳис этади. Ёзувчи шу сабабли Қамариддиннинг психологик портретини яратишда унинг илк кўз очиб, дунёга келган муҳитига китобхон эътиборини қаратади: «Қамариддин отаси кимлигини ҳалигача билмайди. Онасини учинчи синфга бораётганида илк бор кўрган. Бор гапни кейин бувиси айтган... Қамариддин туғруқхонада кўз очиб, болалар уйида тетапоя бўлди, болалар уйида эсини таниди. Ота-она меҳри, киндик қони тўқилган уй деган тушунчалар унга бегона эди.



Қамариддин нотаниш одамлар келиб болаларни олиб кетишларини билгач, қандайдир умид билан кимнингдир келишини, бошидан силашини, маҳкам кучоқлаб ўпишини интиқ кутарди. Одамлар келишарди, аммо уни олиб кетишмас эди. Ғилай бўлгани сабаблими ё айикполвондай хунук юришини ёқтирмайми, уни ҳеч ким чақирмас, маҳкам кучоқламас, ўпмас эди...» [2, 226]

Болалар уйдаги кўнгли ўксик гўдақларнинг руҳий кечинмалари, ота-оналарининг келишларидан умидлари узилганда болаларнинг тўпланиб олиб афсоналар тўқиши ҳам шу жиҳатдан ўқувчини мушоҳадага ундайди: «Менинг ойим билан дадам космонавт бўлишган. Қуёшгача учиб бориб, қайтиб келишаётганида бензинлари тамом бўлиб қолиб, портлаб кетган... Қамариддин ҳам отасининг учувчи, онасининг ҳарбий эканига, уларнинг уруш адоғига етган куни Берлинда ҳалок бўлишганига ишониб қолаётган эди. Санашни ўрганганидан кейингина ўзининг урушдан йигирма йил ўтгач туғилганини билиб қолди...»

Қамариддин шу тариқа онаси ёқлаб келганида эсини танийдиган 10 ёшли бола эди, энди унга онасига нисбатан аллақачон нафрат пайдо бўлиб улгурган, онаси келганида ички овози: «Қамариддин қочиб қол, бу она эмас, ялмоғиз, сендан ўн йил хабар олмаган хотин она бўларканми!» дейди. Шу сабабли ёзувчи ҳақли равишда бундай болалар оламига изоҳ беради: «Аёл Қамариддинни гўдақ фаҳмлаб хато қилган эди. Ота-онасиз ўсаётган болаларнинг ҳаёт фалсафаси, ҳаёт ҳақидаги, беимон оталар, бевафо оналар ҳақидаги тушунчалари анча барвақт шаклланади. Уларнинг митти юракларида бу беимонларга, бу бевафоларга нисбатан нафрат анча илгари кўз очган бўлади.»

Қамариддин бувиси, аниқроғи онаси билан она-бола тутинган бувиси вафот этганда бир мартагина онаси билан кетгани, яна икки кундан кейин қайтиб келади. У ақлини танигани сари бу ердаги болаларга ташқаридагиларнинг муносабатини, айниқса, ўзи тенги болаларнинг «ана, детдом болалари, ҳароми, ташландиклар», - деган ҳақоратларини эшитиб, кўриб чидаб туролмайди. Аввал ҳақоратлаган болани мушт туширади, етиб келган отасининг ҳам ҳақоратини ўзига такрорлайди. Жанжал кўчадаги болаларнинг ўзидан чиққан бўлса ҳам Қамариддиннинг ахлоқи мактабда, болалар уйда муҳокама қилинади. Шунда Қамариддин уч-тўрт кун азобланиб юради, ўзи билан ўзи олишади: «Нима учун гуноҳкор эмас, бегуноҳ одам жазоланади. Айбим ота-онам йўқлигим, етимлигимми. "Энди ҳамаша шундай бўлаверадими... Нима қилишим керак... Ҳимоячим ким менинг?"

Қиссада, жиноятчи бўлса ҳам Қамариддиннинг ўз-ўзига бу каби ўринли саволлар бериши, ўзига қисматдош болалар тақдирига қайғуриши бежиз эмас. Одатдаги асарларда бош қаҳрамон, кўпинча ижобий таассурот уйғота олган болалар ва ўсмирларнинг руҳияти, характери, портрети кенг тасвир этилган бўлса, бу қиссаларда айнан жиноят оламига «мансуб» ўсмирлар ҳақидаги бадиий психологизм асардаги драматизмни кучайтиради. Детектив жанр хусусиятига кўра жиноятчилик илдизи, сабабини кидиришда ёзувчи айнан психологик тасвир деталарига кўпроқ урғу бериши замон ва макон, муаллиф ҳамда жамиятдаги янгиланаётган тафаккур тақозоси ҳамдир. Ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмагани, рост. Аммо ана шу жиноят оламига бевосита ёки билвосита кириб қолган, бу кўчага тушган болами, ўсмирми, каттами ким бўлмасин, у ҳам энг аввало биз ва сиз каби инсон экани, уларнинг ҳам ўзига хос руҳий изтироблари, бошидан кечирган кўрғиликлари бўлиши мумкинлиги ҳамда қай кўринишда содир бўлиши болалар адабиёти учун ўзгача ҳавонинг, пафоснинг ифодасидир. Жумладан, жиноят оламига кириб қолган ўсмирларнинг ҳар хил ҳолатдаги руҳий кечинмаларидан ёзувчи сиз-у бизни нега воқиф этиш мақсадини дилига тугганлиги англашила боради: аввало, шу каби жиноятлар илдизини камайтиришга айнан катталар, ота-оналар сабабчи эканини уқтиришдир; қолаверса, болалик қисмати шу чиркин муҳитга тўғри келган гўдақлар, болалар ва ўсмирларни ён-атрофдаги, таниш-билиш, қариндошлар, умуман, жамиятнинг муносабати «тарбиялар» экан.

Зеро, Қамариддин учун ҳам энг катта ноҳақлик - тирик етимлик эди. Бошқа ноҳақликлар шундан келиб чиқаверади... Қамариддин ўзи учун шундай ҳукм чиқаради: «Сенинг ҳимоячинг йўқ, ҳеч ким сенга қайишмайди, ноҳақликка қарши ўзинг курашишинг керак. Ўзингни ўзинг ҳимоя қил, кураш, енгиб чик. Кимлигингни кўрсат уларга! Агар енгиб чиқолмасанг, ўзингни кўрсатиб қўя олмасанг, ўлиб кетганинг минг марта яхши!..» Қамариддин шу қарор билан илк марта жиноят йўлига қиради. Яхшилар меҳрига муҳтож, қалби зада бола учун бирдан бир тўғри йўл шу эканлигини ёзувчи ҳам, китобхон ҳам англайди. Шу сабабли Қамариддин бир куни кечки овқатдан сўнг ҳақоратга гувоҳ бўлган қизларни, ҳамаша калака остида юрадиган заифроқ



болаларни тўплайди-да, ўша, уни масхара қилган болалар яшайдиган коттеджлар томон бошлайди. «Волга» турган уй, ўша болалар ёнига боради.

- Мен сенга нима деганман»- дейди тунов кунни мушт еган бола.
- Сендан кечирим сўрагани келдим, -дейди Қамариддин.
- О, детдомда одам тарбиялайдиган бўлишибди,- дейди бола хохолаб кулиб.
- Қамариддин унга яқинлашиб қўл узатди:
- Кечир.
- Назимчик, бечорани кечира қол. Ўзи шундоғам худо уриб қўйибди, -дейди болалардан бири.

Нозим деганлари «ҳа, майли» деб қўл берди. Қамариддин бу нозик панжаларни маҳкам қисиб эди, бола инграб ўтириб қолаёзди.

- Мен сендан ҳароми, ўша кунни яхшилаб урмаганим учун кечирим сўрамоқчиман!.. Қамариддин шундай дея аввал Нозимни, сўнгра унинг келиб ёпишган ўртоқларини дуч келганини ушлаб ураверади, олиб отади, югуриб чиққан Нозимнинг отасини ҳам катта тош билан мўлжаллаб солади... бошини чангаллаганича ўтириб олган отани тепади. Бунга ҳам қаноатланмай, қўлига ҳалиги тошни олиб машинага отади... [2,230]

Ёзувчи Қамариддинни ҳимоя қилмоқчи эмас, албатта. Бироқ ҳеч ким онасидан жиноятчи бўлиб туғилмаслигини, аксинча, қисмат, тақдир деб номланса ҳам аслида жамиятнинг, муҳитнинг, оила, ота-она, тенгдошлар, қариндош-уруғлар - умуман, катталарнинг муносабати, эккан ниҳоли янглиғ вужудга келишини кўрсатиб берган, дейиш мумкин.

Қамариддиннинг жиноят йўлига кириши учун етилган «шарт-шароит»ни илган китобхон қисса давомида у болаларнинг ахлоқ тузатиш колонияларида бўлиши, жиноят устига жиноят содир қилишининг гувоҳи бўлади. Аммо эндиликлариди, яъни қотиллик содир қилганда ҳам, ўғай отасини пичоқлаганда ҳам, онасидан ўч олмоқчи бўлганда ҳам виждони азобланмайди. Унда 10-13 ёшларгача бўлган руҳий тушқунлик, нажоткор орзулар ўрнини қасос ўти, одамлардан ўч олиш, ахлоқсиз оталарни жазолаш васвасаси эгаллайди. Бир неча кишига бўлган ғазаби ортиб, бутун одамзотдан нафратлана бошлайди... Ёзувчи унинг психологиясини ҳам шунга монанд акс эттиради. Қамариддиннинг нафратига энг аввал бевафо онаси, сўнг беимон отаси дуч келган бўлса, кейинчалик боласини ташлаб кетган жамики аблаҳ ота-оналарни отиб ташлашга тайёр бўлади. Ҳатто бир беимон отани, яъни ўз болаларини ташлаб онаси билан кўришиб турадиган «отасининг дўсти»ни ўлдиради ҳам. Қасос ўти барибир пасаймайди...

Т.Малик Қамариддин образини, унинг психологиясини бу қадар кенг ёритишида мантик бор. У айнан жиноятчилик кўчасига кўпроқ кириб қолаётган ёшларнинг маънавий олами, тарбияси, оиладаги носоғлом муҳит, шу билан бирга бу каби қисмат эгаларига катталарнинг, уларга тенгдош болаларнинг салбий тушунчаси сабаб бўлаётганини таъкидламоқчи. Улардан жамият кутулмоқчи, четлаб ўтмоқчи, ҳазар қилмоқчи бўлса, унинг бадали оғирлиги, қанчадан-қанча соғлом фикрли ёшларни ҳам ўз гирдобига тортиши мумкинлигини асослашга эришади. Жумладан, «Алвидо, болалик» қиссасида шу йўлга билмасдан кириб қолган, тинчгина эркин ҳаёт кўйнида, ота-онаси, оиласи бағрида ўсаётган, бу кўча охири нима билан тугашини билмай кириб қолган ўсмирлар психологияси ҳам кузатилади. Айтайлик, «Уйқусиз тун ёхуд қотиллардан бирининг тундаги руҳий кечинмалари ҳақида ҳикоя» деб номланган фаслида Асрорнинг руҳий ҳолати очиқ берилади. [2,190]

Асрор қотил бўлиб, жиноятчиларнинг аксариятидек бағритош эмас, аммо, билиб-билмай, аниқроғи иложсизликдан Қамариддин ва Салимга қўшилиб қолади; дадаси билан тўйларга юргани, яъни «пулдор»лиги учун уларга чўтал беришга ўрганиб, кейинчалик, «хамтовок», «орқатоғ»га айланади. Шундай «улфатчилик»ларнинг бирида пивохонадан чиқиб келаётган бир киши сигарет бермагани учун дўппосланади, тепкиланади. Ҳалиги одам ҳам пичоқ чиқариб, Салимни сирмаб юборгани учун, уни шафқатсизларча тепишади. Ўлиб қолгач, коронгуда анҳор сувига улоқтирилади... Асрорнинг руҳий қийноқлари айнан шу тундан бошланади. Ўнгида, хаёлида, тушида ҳам бу одам Асрорни таъқиб қилаверади, кўзига кўринаверади...

Бу йўлга киришининг сабаблари эса қисса давомида ойдинлашиб боради. У ҳам бўлса шу қотилликдан кейинги кечинмалари тахлилида кўринади: «Асрор худди эртақлардагидай уч йўл қаршисига келиб қолган. Бир йўлнинг бошида оқ шайтон турибди. «Пул топиб, ақл топмаган одамлар кўп экан, шу йўлга кир. Пул, маишат ичидасан. Одамлар бошингдан пул сочишади, аммо истаган йўриқларига солишади. Ит бўлиб вовулла дейишса - вовуллайсан, мушук бўлиб



миёвля дейишса - миёвлайсан, кул деса, куласан, хўрликка чидаёлмасанг ҳам куласан, кула туриб «рахмат, акахон», деб таъзим ҳам қиласан. Аммо бу билан ишинг бўлмасин. Пулини олсанг бас!» Бу оқ шайтон Асрорнинг тушларига ҳам киради. Ажабланарлиси шуки, кўпинча бу оқ шайтон дадасига ўхшаб кетади. Асрор бола бўлиб дадасининг кўзига тик қарамаган. Шу сабабли оқ шайтон кўзига қараганда чўчиб тушади.

Иккинчи йўлда қора шайтон туради. «Йигитнинг йўли шу йўл, - дейди у, - бировга эгилмайсан, сенга куллуқ қилишади. Сендан кўркишади. Нимани истасанг -шунга эгасан. Озодсан, энг муҳими шу - эркин қушсан!» Қора шайтон Қамариддин бўлиб кўринганда чўчимайди. Нимагадир отасидан кўра кўпроқ уни ёқтиради. Суяги бузук, кўзи ғилай бўлса ҳам, шу йигит Асрорга истарали кўринади.

Учинчи йўл бошида ҳеч ким йўк. Кўча ҳам ғира-шира қоронғилик ичида. Тўғри, бу қоронғиликда баъзан муаллими Маҳмуд ака кўриниб қолади. Ўзи ёш, аммо сочлари текис оқарган бу олим уни имлайди...»[2,193]

Адабиётшунос олимлар психологизмнинг портрет, диалог, монолог, туш, психологик тимсоллар, ҳиссий ҳаракатлар, пейзаж, галюцинация каби поэтик воситалари ҳам ранг-баранглигини, уларнинг ҳар бири қаҳрамон ички дунёсининг яширин сирларини ошкор қилишда ёзувчига қўл келишини таъкидлашади. [7, 245]. Таъбир жоиз бўлса, Т.Малик мазкур қиссада шу шаклларнинг деярли барчасидан бирдек унумли фойдаланиш орқали жиноятга қўл урган ўсмир ички олами, руҳиятини теран тасвирлай олган, дейиш мумкин.

Асрор ўша мурда чўктирилган кўприк ёнидан тез-тез ўтадиган бўлиб қолиши ҳолатлари, ҳар турли ваҳималарга берилиши, қўл манзараси, алал-оқибат хаёлот исқанчасида ўзини йўқотиб, ўша сув бўйига боравериб, йиқилиб кетиши ва чўкиб кетиши тасвири шу мақсадга хизмат қилган. Китобхон жиноятга билмай кўшилиб қолган ўсмир қисмати шундай яқун топишига, виждон азоби билан яшай олмаслиги ҳиссини яққол англайди.

Қиссадаги Санжар, Дилфуза, Салим образлари ҳам турли тоифадаги ўсмирларнинг психологиясини ёритишда восита бўла олган.

Дилфуза образи орқали кўнгли яримта бўлиб қолган қизларнинг бу йўлга адашиб кириб қолишлари ҳикоя қилинади. Онаси вафот этган, отасининг иккала оёғи кесиб ташланган, инвалид; шу сабабли уйда дардини эшитадиган дардкаши йўк эди. Мактабда ҳам, кўчада ҳам бундай дардкаш бўлмайди. У болалар уйдан қайтиб шу мактабга қатнай бошлагач, унинг атрофида ўралашадиганлар кўпайиб қолади. Асрор ва Қамариддин уни ҳимояга олиб, моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бериб туришади...

Хулоса. Ёзувчилар бежизга ўз қаҳрамонларининг оиласи, энг аввало ота-онаси ҳақида кенг тўхталмайди. Бу ўсмирлар аслида ана ўша «боғнинг мевалари» эканлигини кўрсатиш орқали ёзувчи болалар ва ўсмирларнинг жамиятдаги муҳим ўрнини кўрсатишга ҳам муваффақ бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг «Юксак маънавият – энгилмас куч» китобида таъкидланганидек: «Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгиладиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши табиийдир.[1.56]

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. –56 б.
2. Malik Tohir. Alvido bolalalik. – Toshkent: Sharq, 2009. – В. 186-365.
3. Мавлонов Б. М. Бобохонов. Психологизм ва унинг адабиётшуносликка оид тушунчалар системасида тутган ўрни. **“Ўзбекистонда хорижий тиллар” илмий-методик электрон журнал. №1/2018. www.journal.fledu.uz**
4. Yashar Kamol. Ponni o'ldirsalar. Turk tilidan Lola Aminova tarj. - Т.: Yangi asr avlodi, 2001.
5. Н.В.Будур, Э.И.Иванова, С.А.Николаева, Т.А.Чеснокова. Зарубежная детская литература. Москва, “Академия”, 1998.
6. Маҳмуд Саъдий ва Аҳмад Отабоев тайёрлаган давра суҳбати. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, 2007 йил, 2-сон.



Авезов Олмос Равшанович,
БухДУ Психология кафедраси катта ўқитувчиси

ЭКСТРЕМАЛ ВАЗИЯТЛАРДА ШАХСНИНГ СТРЕССЛИ ҲОЛАТИ ВА ХУЎҚ- АТВОР РЕАКЦИЯЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада экстремал вазиятларда шахс психикасида юзага келадиган стрессли вазиятлар ва уларнинг олдини олиш, шунингдек руҳий тушкунликда шахсга психологик ёрдам кўрсатишни ижтимоий–психологик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

Калит сўзлар: *Психологик стресс, стрессли ҳодиса, вазиятни идрок этиши ва жавоб бериши усули, стрессорлар, узоқ муддатли стресслар, ҳиссий реакциялар, сурункали стрессорлар, стресс ва касбий саломатлик, таъсирнинг интенсивлиги, физиологик ва руҳий ўзгаришлар, ҳиссий ранг белгиси, вазиятни субъектив баҳолаш, заифлик нуқталари.*

Аннотация: *В данной статье представлены понятия о стрессовых ситуациях, возникающих в психике человека в экстремальных ситуациях, и их профилактике, а также социально –психологические особенности оказания психологической помощи человеку при депрессии.*

Keywords: *Psychological stress, stressful event, way of perceiving and responding to the situation, stressors, long-term stresses, emotional reactions, chronic stressors, stress and occupational health, intensity of exposure, physiological and mental changes, emotional color mark, subjective assessment of the situation, weakness points.*

Abstract: *This article presents the concepts of stressful situations that occur in the human psyche in extreme situations, and their prevention, as well as socio –psychological features of providing psychological assistance to a person with depression.*

Ключевые слова: *психологический стресс, стрессовое событие, способ восприятия ситуации и реакции на нее, стрессоры, длительные стрессы, эмоциональные реакции, хронические стрессоры, стресс и профессиональное здоровье, интенсивность воздействия, физиологические и психические изменения, эмоциональная цветовая отметка, субъективная оценка ситуации, слабые места.*

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда Республикамизда ўзига хос изчиллик билан амалга оширилаётган барча ислохотларнинг туб марказида шахс ва унинг ижтимоий тараққиётини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар ётадики, бу жараёнда психологик ёндашувлар муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ҳар бир шахс тезкор вазият муҳит билан боғлиқ ўзига хос психологик имкониятларига етарлича баҳо бермай туриб шахснинг тараққиётига ҳозирги замон талабларига мос натижа кўрсатиши жуда мушкулдир. Табиийки, бу ҳолат психологлар, фавқулодда вазият ходимлари зиммасига янада кўпроқ масъулият юклатилади. Азал-азалдан меҳрибон, меҳмондўст ва инсон парвар ҳисобланган ўзбек халқи учун инсон ҳаёти ҳамма нарсадан устундир. Шунинг учун ҳам экстремал вазиятларда шахсга психологик ёрдам кўрсатиш ва фавқулодда вазиятларда психологик ҳимоя қилиш қилиш кунда долзарб муаммо ҳисобланади.

Психологик стресснинг ривожланишига таъсир қилувчи омиллар жуда кўп ва ноаниқ бўлиб, биргина мақолада уларнинг тўлиқ кўриб чиқиш мумкин эмас. Жумладан, баъзи бир муҳим нуқталарга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ. Стрессли ҳодисанинг характеристикалари, инсон томонидан содир бўлган воқеани талкин қилиш, ўтмиш тажрибасининг таъсири, хабардорлик, шахснинг индивидуал хусусиятлари вазиятни идрок этиш ва жавоб бериш усули ва бошқалар.

* *Стрессли ҳодисанинг хусусиятлари.* Стрессли ҳодисалар қуйидаги белгилар билан фарқ қилиши мумкин:

а) воқеалар частотаси- воқеалар яқка бўлиши мумкин, вақти-вақти билан пайдо бўлиши мумкин, бир-бирига уланиб келиши мумкин ("бахтсизликлар бир-бирини таъқиб қилади");

б) таъсир муддати - қисқа муддатли, узоқ муддатли, сурункали (доимий). Қисқа муддатли стрессорлар, одатда, ҳар куни мавжуд ресурсларни жалб қилиш ва сафарбар қилиш дастурлари амалга ошириладиган таъсирлардан келиб чиқадиган муаммолар ҳисобланади. Узоқ муддатли стрессларга инсон шахси таркибида жиддий ўзгаришлар сабабли қисқа муддатли хис-



туйғулар, доимий хиссий реакциялар (яшаш шароитидаги ўзгаришлар, айниқса, мажбурий, сурункали касаллик, меҳнат жамоасидаги можароли вазият, мослашиш учун вақт талаб қилиниши каби муҳим ҳаётий воқеалар) ни ўз ичига олади. Сурункали стрессорлар-доимий ёки жуда узоқ вақт давомида мавжуд бўлган вазиятлар, масалан: қашшоқлик, оилавий муносабатлардаги муаммолар, ишда ортиқча юк ва бошқалардир.

Стрессорнинг узоқ муддатли таъсири сурункали стресс ҳолатига олиб келади.

с) таъсирнинг интенсивлиги- стрессорнинг таъсири натижасида физиологик ва руҳий ўзгаришлар оптимал параметрлардан фарқ қилади, бу ходисанинг инсонга қанчалик кучли таъсир қилиши билан изоҳланади. Мисол учун, яқин кишининг ўлими ёки ўз ҳаётига таҳдид соладиган ҳодисалар, таъсирнинг интенсивлиги, одатда, профессионал соҳадаги қийинчиликлар ёки мол-мулкни йўқотиш билан боғлиқ воқеалардан анча устундир;

д) хиссий ранг белгиси - стрессли ҳодисалар, стресс таъсирининг юқорида кўрсатилган оғирлик миқёсида кўриб турганингиздек, нафақат салбий, ёқимсиз ҳаёт воқеалари бўлиши мумкин, балки ижобий ҳис-туйғуларга мослашишни талаб қилади, бу эса кучли ижобий ҳис-туйғуларга олиб келади. Мисол учун, уй-жой куриш, турмуш куриш ёки боланинг туғилиши каби воқеалар ижобий, керакли деб ҳисобланса-да, инсонга кучли таъсир кўрсатиши мумкин.

* *Инсоннинг стрессли ҳолатини талқин қилиш.* Юқорида айтиб ўтганимиздек, агар у субъектив равишда стресс сифатида баҳоланса вазият инсон учун стресс манбаи бўлиб қолади.

Мисол учун, ажралиш бир киши томонидан фожиа, бутун ҳаётининг кулаши, севгилиси билан ажралиб туриши, кўллаб-қувватлаш ва барқарорликни йўқотиши, ёрдамсизлик ва ёлғиз кўрқув каби ҳис-туйғуларга сабаб бўлиши мумкин. Бошқа бир киши учун ажралиш- бу ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилиш, "янги" ҳаётни бошлаш имкониятидир.

* *Инсоннинг ҳаётий тажрибаси.* Воқеани стресс сифатида қабул қилиш инсоннинг шахсий тажрибасида катта таъсир кўрсатади. Ҳар бир инсон учун қайси вазиятларнинг энг хавфли ва стрессли эканлиги ҳақида ўтган тажриба натижасида мустақамланган установка мавжуд. Ҳар биримиз "заифлик нуқталари" га эга, бу таъсир энг аниқ стресс реакциясига олиб келади. Аксинча, баъзи стрессорлар инсон томонидан камроқ хавфли деб ҳисобланадилар, чунки у ўтмишда уларга дуч келган ва бу вазиятларга самарали жавоб бериш дастурларини ишлаб чиқади. Бундай ҳолда, стресс таъсири инсон учун камроқ ҳалокатли бўлади, чунки шахс у билан курашишга тайёр. Бундай хатти-ҳаракатларнинг стереотиплари ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, лекин эрта болаликдан бошлаб, унинг ҳаёти давомида инсон томонидан "сотиб" олинади. Баъзан бир киши, ўтган тажриба натижасида стресс ортиши ва сурункали стресс ривожланиши учун шунга ўхшаш стрессорларга дучор бўлса, олиб келиши мумкин етарли адаптив характерга эга стереотип реакциялар ишлаб чиқаради.

* *Вазият ҳақида хабардорлик.* Кўпинча, агар воқеалар субъектив равишда унинг оқибатлари билан таҳдид қиладиган, олдидан айтиб бўлмайдиган деб ҳисобласа, воқеа муайян шахс учун қийин бўлади. Воқеа кутилмаган, тўсатдан бўлган ҳолларда стресс таъсирининг даражаси айниқса кучаяди. Вазият ҳақида тўлиқ ва ишончли маълумотларнинг йўқлиги, содир бўлган воқеалар ҳақида ташвиш ва кучланишни бир неча бор оширади. Вазият ва у билан қандай муносабатда бўлиш ҳақида хабардорликни ошириш инсон учун субъектив стресс қийматини пасайтиради. Инсоннинг вазиятни енгишга имкон берадиган билимлари, кўникмалари ва кўникмаларига эга бўлиши потенциал стрессли ҳодисани нейтрал ёки энгил стрессли таъсирга эга деб талқин қилишга ёрдам беради.

Шахсий хусусиятларнинг стресс ҳолатига таъсирини кўриб чиқишдан олдин, инсоннинг стрессга бўлган реакцияларининг турлари (даражалари) ҳақида тўхталамиз. Бир қатор тадқиқотчилар стресс реакцияларининг қуйидаги схемасини (Вейтен, Ллойд, 1994) олиб келади¹.

Стрессга жавоб

Потенциал стрессли объектив воқеалар	Потенциал стрессли объектив воқеаларнинг белгилари
Субъектив билимни баҳолаш	<i>воқеани таҳдид сифатида баҳолаш, салбий оқибатларга олиб келиши ва бошқалар</i>
Ҳиссий реакция	<i>газаб, ташвиш, кўрқув, тушкунлик, қайғу ва бошқалар</i>

¹ Ш.П.Баротов. Психологик хизмат. : Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018. – 275 бет.



Физиологик реакция	<i>автоном нерв тизимининг кўзгалиши, гормонлар чиқарилиши, нейрохимёвий ўзгаришлар ва бошқалар</i>
Хулқ-атвор реакцияси	<i>стрессни енгиш учун уринишлар, масалан, бировни уриш, ўз-ўзини ўлдирish, ёрдам сўраш, муаммони ҳал қилиш, ҳис-туйғуларни ифодалаш ва бошқалар</i>

Биз илгари юқоридаги схеманинг қуйидаги даражаларини кўриб чиқдик: стрессорлар (потенциал стрессли объектив ҳодисалар), субъектив когнитив баҳолаш, физиологик реакция. Психологик стресснинг энг муҳим таркибий қисми стрессга ҳиссий муносабатдир.

* *Ҳиссий муносабат.* Одатда, стрессли вазиятлар бизни кучли ҳис - туйғуларга олиб келади, кўпинча салбий, аммо ижобий бўлиши ҳам мумкин. Стресс тури ва ўзига хос ҳис-туйғулар ўртасида оддий ва аниқ боғлиқлик йўқ.

Салбий стресс таъсирида энг кенг тарқалган ҳиссий реакциялар икки турга бўлинади: стеник (тирнаш хусусияти, ғазаб, жазава) ва астеник (кўркүв, бефарқлик, қайғу, уйқусизлик). Стресс кўпинча энгил тирнаш хусусияти билан биргаликда ўзгариши мумкин бўлган ғазаб ҳиссини туғдиради.

Бундай реакция одатий бўлиб, исталган мақсадга эришиш йўлида ғов ёки қийинчилик туғдирадиган тўсиқ мавжуд бўлади (психологияда бундай вазиятни ифодалаш учун "умидсизлик" атамаси ишлатилади). Эҳтимол, стрессга энг кенг тарқалган ҳиссий муносабат - бу ёки бу интенсивликдан кўрқиб ҳиссидир. Баъзан стресс руҳий ҳолатни ёмонлаштиради, бу эса тушқунлик ва хафа бўлишга олиб келади. Бундай реакция, айниқса, ўзгариши мумкин бўлмаган стрессли вазиятда характерлидир. Стрессга ҳиссий реакциялар ҳам ижобий, ҳам салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Стрессдан келиб чиқадиган ишлар ҳам муҳим мақсадларга хизмат қилиши мумкин. Мисол учун, жисмоний оғриқ каби, ёқимсиз ҳис-туйғулар муаммога ва бирор нарса қилиш кераклигини кўрсатиши мумкин.

Стрессга ижобий ҳиссий муносабат, биринчи навбатда, ресурсларни сафарбар қилиш босқичида (қаршилиқ) энергияни чиқариш билан боғлиқ умумий ҳиссий туйғу ҳисобланади. Кўплаб тадқиқотлар шуни кўрсатадики, вазифани бажариш самарадорлиги ҳиссиётларнинг ўсиши билан ортади. Бироқ, самарадорликнинг ошиши маълум бир чегарага тўғри келади, ундан кейин кўзгалиш юқори кучга етиб боради, бу эса ҳалокатли бўлади. Фаолият самарадорлигининг энг юқори кўрсаткичига мос келадиган ҳаяжон даражаси энг мақбул даражадаги ҳаяжон деб аталади. Ушбу оптимал даража турли вазифалар учун фарқ қилади. Бу қисман муаммонинг мураккаблигига боғлиқ. Умумий қоида шундан иборатки, вазифа қанчалик қийин бўлса, оптимал даражадаги кўзгалиш даражаси паст бўлади.

* *Хулқ-атвор реакцияси.* Стрессга бўлган хатти-ҳаракатлар, биринчи навбатда, уни енгиш учун ҳаракатларни ўз ичига олади. Стрессни бартараф этиш-стрессни келтириб чиқарадиган атроф-муҳит талабларига қарши туриш, камайтириш ёки дош беришга қаратилган ҳаракатлардир. Одамлар турли хил йўллар билан стрессни енгишади. Бир ёки бир нечта стратегияни танлаш инсоннинг ташқи шароитлари ва ўзига хос хусусиятларига боғлиқ бўлган бир қатор омилларга боғлиқ. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир стресснинг оқибатлари ижобий ёки салбий бўладими-йўқми, уни бартараф этиш стратегиясига боғлиқ.

Стрессга бўлган барча хатти-ҳаракатлар икки қутбга бўлиниши мумкин: англанилмаган реакциялар (одатда онгсиз) ва англанилган реакциялар (одатда онгли).

Бунга копинг механизмлари киради. Р. Лазаруснинг таърифига кўра, копинг механизмлари психологик таҳдид шароитида инсон томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар стратегиясидир. Ушбу стратегиялар табиатда фаол бўлиб, инсоннинг янги, субъектив қийин вазиятда муваффақиятли ёки муваффақиятсиз мослашувини аниқлайди. Копинг механизмлари шахс фаолиятининг билим, ҳиссий ва хулқ-атвор соҳаларини қамраб олади ва қуйидаги шаклларда амалга оширилади.

а) когнитив (билим) соҳада:

- фикрларни бошқа мавзуларга йўналтириш ёки алмаштириш;
- вазиятни муқаррар бир нарса сифатида қабул қилиш (камтарлик фалсафаси);
- ҳазил, киноя ёрдамида яратилган вазиятнинг жиддийлигини камайтириш;
- вазиятни муаммоли таҳлил қилиш, хатти-ҳаракатлар стратегиясини кўриб чиқиш;
- ўзини нисбатан ёмон аҳволда бўлган бошқалар билан таққослаш;
- яратилган вазиятга шахсий маъно бериш, масалан, мавжуд вазиятга нисбатан

натижани чақириш ёки руҳиятнинг чидамлилигини текшириш.



б) ҳиссий соҳада:

- ҳиссиётга оқилона, мақбул шаклда жавоб бериш;
- ўз-ўзини назорат қилиш, ўз-ўзини назорат қилиш билан ҳисларни бостириш;

с) хулқ-атвор соҳасида:

- чалғитиш — ҳар қандай фаолиятга мурожаат қилиш;
- алтруизмнинг намоёниши- ўз эҳтиёжлари фонга тушиб қолганда бошқаларга ғамхўрлик қилиш;
- фаол ҳимоя қилиш- вазиятни ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар;
- ҳиссий қўллаб- қувватлашни фаол излаш- тинглаш, ёрдам ва тушуниш билан танишиш истаги.

Бундан ташқари, стрессли вазиятни бартараф этишдан қочишга қаратилган *кучсиз реакциялар* ҳам мавжуд. Бу психологик ҳимоя механизмларини ўз ичига олади, унинг ғояси дастлаб психоаналитик назария доирасида шаклланган (бу атама биринчи марта 1894 йилда пайдо бўлган (Фрейд "ҳимоя нейропихозлар"). Ушбу механизмлар аҳамиятини йўқотиш ва шу билан стресснинг шахсиятга таъсир қилишининг шикастланадиган дақиқаларини бартараф этишга қаратилган.

Бугунги кунда мутахассислар психологик ҳимоя механизмларининг йигирмадан ортик турини билишади. Улар орасида:

- **репрессия**- ҳар қандай ҳодисани эслай олмаслик ёки ушбу маълумотларнинг шикастланишига боғлиқ ҳар қандай маълумотни қабул қилиш;
- **рад этиш**- инсон учун хавф туғдирадиган турли фактларни инкор этадиган ёки улар томонидан қабул қилинмайдиган ҳимоя механизми;
- **проекцион**- бошқа одамнинг ўз хусусиятлари ва хусусиятларига бефарқлиги, ҳис- туйғулари ва тажрибаларини бошқа шахсга ёки бошқа вазиятга ўтказиш;
- **регрессия**- олдинги, камроқ етук ва етарлича хулқ-атворга ўтиш;
- **рационализация**- қабул қилинадиган импульсив хатти-ҳаракатларни тушунтириш ва оқлаш учун мақбул ахлоқий, мантикий асосларни яратиш;
- **сублимация**- ижтимоий жихатдан маъқулланган, қоида тарикасида, инсон фаолиятининг ижодий соҳаларига энергия йўналтириш;
- **ҳиссий енгиллашиш**- хотиралар, тасвирлар, фикрлар, истакларни рад этишга олиб келадиган ёқимсиз хотирадан чиқариб ташлаш ва бошқ.

Муайян ҳимоя турлари ўртасидаги фарқларга қарамадан, уларнинг вазифалари ўхшаш. Улар психикага кирувчи ҳодисаларнинг шикаст етказиш таъсирини камайтириш, шахсий ташвиш даражасини пасайтириш, шахснинг ўзини намоён қилишнинг барқарорлиги ва ўзгарувчанлигини сақлаб қолишдан иборат.

Шундан келиб чиқиб изохлаш мумкинки, *экстремал вазиятда табиий равишда шахс хулқ-атворнинг фаолият услуби ва самарадорлигига таъсири кучаяди ва инсон ўзининг тугма дастурларини бошқаради, бу эса кишидан минимал энергия даражасини ва тартибга солиш вақтини талаб қилади.*

Адабиётлар:

1. Абрамова Г.С. Практическая психология. - М. 2015.
2. Myers D.G. Psychology. Ninth Edition. - Worth Publishers. 2010. - 910 p.
3. Баротов Ш.Р. Психологик хизмат: Магистрлар учун дарслик. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2018. – 344 б.
4. Авезов О.Р. ва бошқ. Шахс психологияси. Б; Дурдона, 2019.
5. *Кокс Т.* Стресс. Пер. с англ. М.: Медицина, 1981
6. *Селье Г.* Очерки об адаптационном синдроме. Пер. с англ. М.: Медицина, 1960.
7. *Судаков К.В.* Социальные и биологические аспекты психоэмоционального стресса: пути защиты и его нежелательных последствий // Вестник Международной Академии Наук (Русская секция). 2006. № 1. С. 8-14.
8. *Чирков Ю.Г.* Стресс без стресса. М.: Физкультура и спорт, 1988. Эмоциональный стресс. Пер. с англ. Л.: Медицина, 1970.



*Ганжиев Феруз Фуркатович,
БухДУ Психология кафедраси таянч докторанти*

ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК КОМПЕТЕНТЛИК ОМИЛЛАРИ НАМОЁН ЭТИЛИШИНING УМУМИЙ ЎРТАЧА КЎРСАТКИЧЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари ижтимоий-психологик компетентлик омиллари намоён этилишининг умумий ўртача кўрсаткичлари масаласи ўз ифодасини топган.

Калим сўзлар: коммуникатив компетентлик, социал-коммуникатив, коммуникатив конформизм, фрустрация, мотивация.

Аннотация: В данной статье сформулирован вопрос об общих средних показателях проявления факторов социально-психологической компетентности воспитателей дошкольной образовательной организации.

Ключевые слова: коммуникативная компетентность, социально-коммуникативный, коммуникативный конформизм, иллюстрация, мотивация.

Annotation: In this article, the question of the general average indicators of the manifestation of socio-psychological competency factors in the educators of the organization of preschool education is expressed.

Abstract: Communicative competence, social-communicative, communicative conformism, illustration, motivation.

Жаҳон миқёсида ижтимоий интеграция, глобаллашув ва ахборотлаштириш тенденцияларнинг кучайиб бориши барча турдаги таълим муассасалари тарбиячиларида ижтимоий-психологик компетентлик масалаларига бугунги замонавий талаблар асосида янада жиддийроқ эътибор қаратишни тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан, мактабгача таълим ташкилотларида фаолият кўрсатаётган тарбиячилардаги социал-коммуникатив компетентлик (СКК) омилларининг намоён этилиши билан боғлиқ кўрсаткичларни аниқлаш ва тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан ушбу масалага илмий ойдинлик киритиш учун Россиялик таниқли психологлар Н.П. Фетискин ва В.В. Козловлар томонидан ишлаб чиқилган социал-коммуникатив компетентлик (СКК) методикаси имкониятларидан фойдаланилди. Зеро таълим ташкилотларида фаолият юритувчи ҳар қандай тарбиячининг фаолият самарадорлиги энг аввало ундаги социал-коммуникативликнинг шаклланганлиги билан бевосита боғлиқдир. Бинобарин, мазкур тарбиячи тарбияланувчилар билан самарали мулоқотга кириша олмас экан унинг касбий фаолиятида шахслараро муносабатлар билан боғлиқ муайян даражадаги етишмовчиликлар намоён этилаверади. Яъни шахслараро муносабатларни тўғри йўналтира олиш тарбиядаги касбий компетентликни кўрсата олувчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, муайян даражадаги касбий компетентликка бевосита таъсир этувчи омиллар ҳақида илмий эмпирик жиҳатдан мулоҳаза юритишни лозим топган эдик. Ушбу мулоҳазага мувофиқ айнан таниқли олимлар Н.П. Фетискин ва В.В. Козлов томонидан ишлаб чиқилган 6 шкалали омиллар тизимининг мактабгача таълим ташкилоти тарбиячилари фаолиятида қай даражада намоён этилганлиги аниқланди ва тадқиқ қилинди.

Дастлабки эмпирик маълумотлар таҳлили тадқиқот объекти сифатида белгиланган 576 нафар респондентларда методика шкалалари бўйича олинган маълумотларнинг турли даражаларда шаклланганлигини яққол кўрсатмоқда.

Мазкур жадвалда белгиланган омилларнинг жами 576 нафар респондентга нисбатан фоизлар ҳисобида қай даражада шаклланганлигини билиш ва таҳлилида муайян қулайликларни яратиш учун иккита даража белгиланди. Яъни ҳар бир йўналишга мойиллик мавжудлигини тасдиқловчи тест калитлари бўйича олинган жавоблар йиғиндисини икки гуруҳга (1-гуруҳ ўртачадан юқори, 2-гуруҳ ўртачадан паст) ажратилган ҳолда олинган миқдорига асосланиб тадқиқ қилинди. Жумладан, 1-омил бўлган коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик мотивациясининг шаклланганлиги билан боғлиқ саволларга берилган жавоблар (тест калити бўйича) миқдорнинг 15 ва ундан юқори баллга эга эканлиги мазкур омил бўйича респондентда ўртачадан юқори кўрсаткичнинг мавжудлигини ёхуд 1 дан 14 баллгача олинган жавоблар



миқдори эса мазкур омил бўйича мазкур респондентда ўртачадан паст даражадаги кўрсаткичнинг характерли эканлигидан далолат беради. Демак шу тарика барча респондентлардан олинган маълумотлар умумлаштирилиб 576 нафар респондентга нисбатан даражалар бўйича ўртача-умумий кўрсаткичлар миқдори белгиланади ва тадқиқ қилинади.

Иккинчи омил (коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик) бўйича максимал баллар миқдори 21 балл бўлиб, шундан 11 ва ундан юқори балл ўртачадан юқори, 1 баллдан 10 баллгача эса ўртачадан паст даражани кўрсатади.

Учинчи омил (коммуникатив конформизмга йўналганлик) кўрсаткичлари бўйича энг юқори балл 15 баллни ташкил этган ҳолда ўртачадан юқори 9-15 баллни, ўртачадан қуйи эса 1-8 баллни ташкил этиши билан характерланади.

Тўртинчи омил (ўз мавқеини оширишга йўналганлик) кўрсаткичларини баҳолашда 1-10 балл ўртачадан паст ва шу билан бирга 11-20 балл ўртачадан юқори кўрсаткич сифатида таҳлил қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Методиканинг бешинчи шкаласидаги (коммуникатив номутаносибликни енгишга йўналганлик) омили бўйича ўртачадан юқори 15-28 балл билан ўртачадан қуйи кўрсаткич миқдори эса 1-14 балл билан белгиланади ва баҳоланади.

Методиканинг сўнги олтинчи омили (коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик) кўрсаткичлари миқдори белгиланганда ўртачадан қуйи кўрсаткични 1-14 балл билан ўртачадан юқори кўрсаткични эса 15-29 балл билан баҳолаш орқали тадқиқот мақсадига мос таҳлиллар олиб борилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки юқоридаги мезонлар асосида ҳар бир респондентдан олинган маълумот 576 нафар респондентнинг умумий сонига нисбатан ҳам тақсимланиб ҳар бир омил учун ўртача-умумий миқдордаги ўринлар ва характерли жихатларга алоҳида эътибор қаратилган ҳолда муайян даражадаги ижтимоий-психологик таҳлиллар олиб борилади.

Энди бевосита жадвалда келтирилган рақамлар таҳлиliga ўтамыз. Аввало шуни таъкидлаш жоизки, методика талабига оид шакллантирилган ҳар бир омил шкаласи тарбиячининг касбий компетентлиги ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир тарбиячи ўз тарбияланувчилари билан шахслараро мулоқот имкониятларидан унумли етарлича фойдалана олиш малакасига эга бўлсагина муайян даражадаги ютуқларга эришиши мумкин. Бугунги мактабгача тарбия ташкилотлари тарбиячиларидан эса айнан шу нарса талаб қилинади. Акс ҳолда тарбиячи-тарбияланувчини ёхуд тарбияланувчи тарбиячини тушунмайди. Бу эса бевосита тарбиянинг педагогик-психологик самарадорлигига салбий таъсир этиши мумкин. Масаланинг айнан шу томонини ҳисобга олиб ҳар бир фаолият юритаётган тарбиячида юқорида қайд этилган омилларнинг шаклланганлик даражалари ўрганилди, таҳлил қилинди ва тегишли хулосалар шакллантирилди (1-жадвалга қаранг).

Жадвал 1.

Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларида социал-коммуникатив компетентлик (СКК) омиллари намоён этилишининг ўртача-умумий кўрсаткичлари (n=576)


№	Омиллари	Ўртачадан юқори		Ўрни	Ўртачадан паст		Ўрни	Жами	
		n	%		N	%			
1	Коммуникатив-пассивликни енгишга йўналганлик	260	45.1	5	316	54.9	2	76	00
2	Коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик	300	52.1	3	276	47.9	4	76	00
3	Коммуникатив конформизмга йўналганлик	410	71.2	1	166	28.8	6	76	00
4	Ўз мавқеини оширишга йўналганлик	350	60.8	2	226	39.2	5	76	00
5	Коммуникатив номутаносибликни енгишга йўналганлик	296	51.4	4	280	48.6	3	76	00
6	Коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик	240	41.7	6	336	58.3	1	76	00
Жами	Жами ўрта % ҳисобида	53.7			46.3				



Умуман куйидаги жадвалда келтирилган ҳар бир рақам респондентлардаги социал-коммуникатив компетентлик омилларининг нечоғлик шакланганлик даражалари ҳақида эмпирик маълумотлар бериш билан бирга ўрганилган 576 нафар тарбиячига нисбатан умумий кўрсаткичлар кўламининг намоён этилиши динамикаси ҳақида ҳам тасаввур ҳосил қилиш мумкин (1-жадвалга қаранг). Бинобарин, жадвалда қайд этилган 1-шкала “коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик” омили бўйича умумий тарзда ўрганилган 576 нафар тарбиячиларнинг 260 нафарида (45,1%) ўртачадан юқори баллар кўрсаткичи, 316 нафарида эса ўртачадан паст бўлган баллар кўрсаткичлар (54,9) кўламининг мавжудлиги аниқланди. Бунинг асосий сабаби бизнингча тарбиячилардаги коммуникатив малакаларнинг етишмаслиги улардаги индивидуал хусусиятларнинг яққол намоён этилиши билан бевосита боғлиқ эканлигидадир.

Мазкур методикакнинг 2-шкаласи бўлмиш коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик омилига дахлдор кўрсаткичлар миқдори белгиланган 576 нафар респондентнинг 300 нафарида (52,1) ўртачадан юқори, 276 нафарида эса (47,9) ўртачадан куйи даражадаги кўрсаткичлар аниқланди. Демак умумий ҳисобда 47,9 % тарбиячиларда шахслараро мулоқот билан боғлиқ коммуникатив мавҳумликни енгишга бўлган ҳаракатларида муайян даражадаги муаммолар мавжуд экан.

Энди бевосита учинчи шкала кўрсаткичлари таҳлиliga ўтадиган бўлсак шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аксарият мактабгача таълим ташкилоти тарбиячиларида коммуникатив конформизмга йўналганлик омили яққол намоён этилганлигининг гувоҳи бўламиз. Чунки ҳар қандай коммуникатив мулоқотдаги қулайлик, конформлик асосида мойиллик тарбиячилар учун кўпроқ характерли экан. Чунончи жами 576 нафар тарбиячиларнинг 410 нафарида (71,2%) мазкур мотивацияга дахлдор ўртачадан юқори кўрсаткичлар кўлами яққол намоён этилди. Шунингдек, 166 нафар респондентда эса (28,8%) ўртачадан паст даражадаги баллар миқдори кузатилди.



1 - расм. Социал-коммуникатив компетентлик (СКК) кўрсаткичлари намоён этилишининг умумий диаграмма кўриниши. n=576

“Ўз мавқеини оширишга йўналганлик” шкаласи (тўртинчи шкала) бўйича олинган маълумотлар таҳлили бўйича 350 нафар (60,8%) респондентларда ўртачадан юқори кўрсаткич кузатилган бўлса, 226 нафар (39,2%) респондентларимизда ўртачадан куйи даражасида бўлган баллар миқдори намоён этилди. Демак юқоридаги 2 та омил каби аксарият тарбиячиларимиз бугунги кунда шахслараро мулоқотни муваффақиятли ташкил этишда кўпроқ ҳолларда мулоқот давомида ўз мавқеларини ошириш учун астойдил ҳаракат қилар эканлар.

Коммуникатив номутаносибликни енгишга йўналганлик мотивациясининг намоён этилишида эса 296 нафар (51,4%) тарбиячилар ўртачадан юқори бўлган баллар миқдорини, 280 нафар (48,6%) тарбиячилар эса ўртачадан куйи даражаларга эга бўлган баллар миқдорини кўлга



киритдилар. Дарҳақиқат нафақат мактабгача таълим балки ҳар қандай бошқа таълим ташкилотларидаги тарбиячиларида ҳам маълум даражадаги коммуникатив номуносивбликлар учраб туради мазкур тарбиячиларимиз фаолиятида ҳам яққол ва равшан кузатилади.

Ниҳоят, Коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик мотивацияси (6 шкала) омилларининг намоён этилиши билан бевосита боғлиқ кўрсаткичларнинг ўртачадан юқори даражаси 240 нафар (41,7%) ва ўртачадан қуйи даражаси эса 336 нафар (58,3%) респондентларга тўғри келиши билан алоҳида ажралиб турганлигини кўрамыз. Демак мулоқотдаги фрустрацион ҳолатни енгиш мотивацияси тарбиячилар учун бир мунча қийин ва мураккаб жараён экан.

Умуман, мазкур методика талабларидан келиб чиқиб барча шкала кўрсаткичларига қўшимча равишда савол-жавоблар, суҳбатлар, анкета ва контент таҳлиллардан олинган маълумотлар орқали ҳам муайян даражадаги аниқликлар киритилди.

Бинобарин ўртачадан юқори кўрсаткичлар миқдорини белгиланган 6 та шкала бўйича таҳлил қилганимизда 1-ўрин "коммуникатив конформизмга йўналганлик", 2- ўрин "ўз мавқеини оширишга йўналганлик", 3-ўрин "коммуникатив мавҳумликни мувофиқлаштиришга йўналганлик", 4-ўрин "коммуникатив номуносивбликни енгишга йўналганлик", 5-ўрин "коммуникатив пассивликни енгишга йўналганлик", 6-ўрин эса "коммуникатив фрустрацияни енгишга йўналганлик", мотивациялари учун характерли эканлиги яққол намоён этилди. Олинган ушбу маълумотлар мактабгача тарбия ташкилотларидаги тарбиячилар компетентлигига баҳо беришда муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Каримова В.М. Ижтимоий психология. Дарслик. – Т., 2012. –172 б
2. Куницина В.Н., Казаринова Н.В., Погольша В.М. Межличностное общение/ Учебник для ВУЗов. – СПб.: «Питер», 2002 – 322 с.
3. Майерс Д. Социальная психология. СПб.: «Питер», 1997. – 688 с.
4. Майерс Д. Социальная психология/ Интенсивный курс 3-изд., «Олма Пресс» С.Петербург – Москва 2002. – 188 с.
5. Ғозиев Э.Ғ. Усмонова Ш. Интеллект психологияси. – Тошкент: ТошДУ, Университет, 1996. – 48 б.
6. Собирова Д.А. Социал интеллект: назария ва амалиёт/ МонографияТошкент.: "Фан", 2013. – 160 б.



Алиева Камола Саиднегатовна,

Тошкент шаҳар халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази ўқитувчиси

РАҲБАР ШАХСИ ВА УНИНГ ИНДИВИДУАЛ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада раҳбар шахси, мактаб менежерларининг индивидуал ва психологик хусусиятлари ўзбек, МДХ ва чет эл олимлари томонидан ўрганган ва таҳлил қилинган. Таҳлилларда раҳбарликка хос бўлган сифатлар, раҳбар шахсининг ўзига хос хусусиятлари, бошқарув фаолиятидаги асосий вазифалари борасидаги маълумотлар тақдим этилган.

Калит сўзлар: раҳбар, бошқарув, индивидуал хусусиятлар, психологик хусусиятлар, таълим муассасалари, менежер.

Аннотация: В данной статье рассматривается и анализируется личность лидера, индивидуальные и психологические особенности руководителей школ узбекскими и зарубежными учеными. Анализ предоставляет информацию о характеристиках лидерства, характеристиках лидера, основных задачах в управлении.

Ключевые слова: руководитель, руководство, индивидуальные особенности, психологические особенности, образовательные учреждения, менеджер.



Abstract: This article examines and analyzes the personality of the leader, the individual and psychological characteristics of school managers by Uzbek and foreign scholars. The analysis provides information on the characteristics of leadership, the characteristics of the leader, the main tasks in management.

Keywords: leader, management, individual characteristics, psychological characteristics, educational institutions, manager.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 сентябрдаги “Бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 745-сонли қарорида айнан бошқарув тизимидаги кадрларни тайёрланишига, уларнинг малакасини оширилишига асосий эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимиз бошқарув тизимида раҳбарлик, бошқарув каби масалаларга эътиборнинг кучайтирилиши, жадаллик билан ўзгараётган жамиятимизнинг янгиликларга, ўзгаришларга нисбатан очиқ кўз билан, танқидий таҳлил билан қараётганини билдиради. Раҳбар шахсига мамлакатимиз ўз олдига қўйган стратегик вазифаларни бевосита амалга оширувчи вакил сифатида қаралади. Бу мансабни эгаллашни хоҳловчилар кўп, лекин бу бурч ва ҳуқуқ ҳар бир ташкилотда фақат бир кишига ишонч билан топширилади. Яъни раҳбарликка номзод этиб, энг тадбиркор, серқирра, ҳар бир ишнинг натижасини олдиндан башорат қила оладиган, ходимларнинг ишини уларнинг шахсий хусусият ва сифатларидан келиб чиқиб тақсимлайдиган, шахсий манфаатидан кўра жамотчиликнинг манфаатини устун қўядиган шахс тайинланади. Демак ҳар бир муассаса иш фаолиятининг самарадорлиги энг аввало раҳбар шахсига боғлиқ бўлади.

Жадаллик билан ривожланиб бораётган жамиятда замонавий тенденциялар мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасига таъсир кўрсатмай қолмади. Айниқса таълим соҳасидаги ўзгаришлар, туб ислохотлар бунинг яққол ифодасидир. Ҳозирги кун таълим муассасаларига нафақат мутасадди ташкилотлар ва вазирликлар, балки ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари томонидан ҳам катта эътибор қаратилиб, кези келганда эса танқид ҳам қилинмоқда. Бундай вазиятда барча масъулият албатта таълим муассасаси раҳбари зиммасига тушади. Таълим муассасаси раҳбари нафақат фаолиятни бошқарувчи директор, балки замон талабларига жавоб берадиган менежер бўлиши керак. “Замонавий менежер ким ва у қандай сифатларга эга бўлиши лозим?” деган ўринли савол пайдо бўлиши табиий албатта. Бу саволларга жавобни Ўзбекистон, МДХ ва узоқ хориж мамлакатларидаги олимларнинг тадқиқот ишларида кузатишимиз мумкин.

Жумладан, М.К. Ширинов “Таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарлик фаолияти”¹ номли мақоласида раҳбарлик, раҳбар сифатлари, раҳбарлик услублари ва унинг мазмун-моҳиятини очиб берган.

Унинг фикрича ҳар бир раҳбар педагогик тизимни бошқарар экан, энг аввало, ундаги муаммолар ва бу тизимдаги аъзоларнинг педагогик-психологик хусусиятларини билиш қобилиятига эга бўлиши керак дейди. Шунингдек, куйидаги жадвалда раҳбарнинг бажариши лозм бўлган амалларни келтириб ўтади.

Йўналтириш	Педагогик ва ўқувчилар жамоасини миллий истиклол мафқурасининг асосий ғоялари, тамойиллари асосида фаолият кўрсатишга йўналтириш.
Вазифа қўйиш	«Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Таълим тўғрисида»ги Қонун, шунингдек, шу каби расмий ҳужжатлар асосида педагог ва ўқувчилар жамоаси олдига шахс ва жамоани тарбиялаш бўйича вазифа қўйиш.
Ўрганиш	Педагогик жамоанинг таълим-тарбия жараёнини самарали ташкил этиш учун аниқ мақсад қўйиш ва керакли методик шаклларни топишга ўрганиш.
Ёрдам бериш	Жамоада меҳнат фаолияти ва таълим-тарбия ишларини ташкил этиш ва фаоллаштиришга ёрдам бериш.
Қўллаш	Педагогик ва ўқувчилар жамоаси, ўқитувчи ва ўқувчилар ташаббусини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш.
Маслаҳат бериш	Жамоага ўз имкониятларини тўлиқ ишлатиши учун керакли амалий-услубий маслаҳатлар бериш.

¹ Ширинов М.К. Таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарлик фаолияти (Умумий ўрта таълим мактаблари мисолида). Замонавий таълим. 2015 йил 1 сон. 13–17 б.



Кузатиш	Катгалар ва болалар жамоасининг савияси, ахлоқий ва маданий-маърифий ўсишини такомиллаштириб боришини кузатиш ва ўргатиш.
Тартибга солиш	Жамоанинг ишга бўлган ва ўзаро муносабатлари, жамоа аъзоларининг меҳнат фаолиятларининг ижобий-салбий томонларини тартибга солиш.
Кўрсатма бериш	Жамоага меҳнат фаолиятларини ташкил этишида керакли кўрсатма бериш.
Назорат қилиш	Педагог ходимлар ва ўқувчилар фаолиятлари натижаларини мунтазам назорат қилиб бориш.
Бошқариш	Авторитар, яъни яқка ҳокимлик усулида барча ишларни ўзи ҳал этишга ҳаракат қилиши, «МЕН»ини юқори қўйиш; демократик, яъни педагогик жамоа ва ўқувчилар билан ҳамкорликда фикрлашиб, иш олиб бориш; либерал, яъни ўз ишига, вазифаларига эътиборсизлик билан қараш, масъулиятни сезмаслик.

Бундан ташқари муаллиф раҳбар амалга оширадиган қуйидаги бошқарув функцияларини ҳам келтириб ўтган:

- режалаштириш – бошқарув фаолиятининг бошланиши ва асосидир. Тайёр режалар нима, қачон ва ким томонидан бажарилишини кўрсатиб туришини;
- ташкиллаштириш – тизимни юзага келтиришдир, бунда қуйидаги уч компонент: интилувчи гуруҳлар, иктисодий муносабатлар ва техник воситалар мантиқий равишда бири-бирига боғланган бўлишини;
- назорат – иш фаолиятини тартибга келтириш, таснифлаш, ҳодисаларни олдиндан белгиланган шакли бўйича баҳолашдир.

Муаллиф юқоридаги уч компонентни раҳбарнинг бошқарув жараёнидаги асосий компонентлари сифатида тақдим этади.

Атамуратов Мурат Утепбергеновичнинг “Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёни” номли илмий тадқиқот ишида:

- ❖ раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимининг модернизациялашиш жараёнини тақозо этган омилларнинг сиёсий–ҳуқуқий асосларини ўрганиш;
- ❖ бошқарув кадрлар тизимидаги сиёсий ва ғоявий ўзгаришлар ҳамда концептуал қарашларни таҳлил этиш;
- ❖ раҳбар ва бошқарув кадрларини тайёрлашнинг сиёсий–стратегик мақсади бошқарув соҳаси учун салоҳиятли кадрларни танлаш тизимининг замонавий технологияларини ўрганиш ва Ўзбекистонда татбиқ этиш имкониятларини тадқиқ этиш;
- ❖ раҳбар ва бошқарув кадрлар фаолиятидаги миллий ғояга зид бўлган тизимли иллатлар, хусусан масъулиятсизлик, лоқайдлик, бифарқлик сингари ҳолатларни таҳлил этиш ва уларнинг оддини олиш имкониятларини тадқиқ этиш;
- ❖ фаолият натижалари учун шахсий жавобгарлик нуқтаи назаридан бошқарув кадрлари ишини танқидий таҳлил этиш;
- ❖ раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялашда янги инновацион ғоялар ва технологияларни жорий этишга қаратилган ҳулоса, амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат деб белгиланган вазифалар олдинга қўйилган.

Мазкур вазифаларнинг амалга ошиши натижасида Ўзбекистон раҳбар ва бошқарув кадрларини иш фаолиятидаги ижобий туб ислохотларга эришишга ёрдам беради деб таъкидланган.¹

Равшанов Фазлиддин Равшановичнинг “Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрларни танлаш асослари” номли диссертациясида раҳбар кадрларни танлаш ва тайёрлашга доир сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, раҳбар кадрлар танлаш ва тайёрлаш тизимининг тарихий, тадрижий ривожланиши ва унинг таркибий–функционал назарий жиҳатлари илк бор илмий таҳлил этилган.²

Шакаров Ўқтам Бердибоевичнинг “Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари” мавзусидаги илмий тадқиқот ишида раҳбар, мансабдор масъул ходимнинг ваколат ва мажбурият мезонлари ва уларни танлаш тизимини такомиллаштиришнинг ахлоқий

¹ Атамуратов Мурат Утепбергеновичнинг “Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёни”. Тошкент–2018. 7–8 бетлар.

² Равшанов Фазлиддин Равшановичнинг “Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрларни танлаш асослари” Тошкент 2009 й. 15 бет.



механизмлари; бошқарув регламентациясини ташкил этиш услублари, ёндашувлари, раҳбар кадрларнинг ахлоқий сифатларини баҳолаш ва танлаш мезонлар тартиби ишлаб чиқилган; кадрларнинг ахлоқий сифатларини баҳолашда жамоатчилик фикри ва мустақил комиссия фаолиятининг афзалликлари асослаб берилган.¹

Шамиева Ойбахор Равшановна ўзининг “Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий–психологик хусусиятлари” мавзусидаги тадқиқот ишида айнан ўзбек раҳбар аёллар шахсининг хусусиятлари махсус ижтимоий–психологик тадқиқот предмети сифатида илк бор ўрганган. Бундан ташқари, раҳбар аёл шахсидаги раҳбарлик фаолиятдан қониқиш, ўз-ўзини раҳбар сифатида баҳолаш ва ташкилотчилик қобилиятлари намоён бўлишининг ижтимоий–психологик тенденциялари, аёл ва эркак раҳбарлар шахсига оид ижтимоий–психологик тузилмага хос бўлган фарқлар илк бор координацион ва субординацион нуқтаи назардан таҳлили, раҳбар аёллар фаолиятида юзага келувчи зўриқиш ҳолатларининг сабаблари таҳлил қилинган ва уларни бартараф этишнинг психокоррекцион усуллари ишлаб чиқилган. Шу билан бир қаторда раҳбар аёллар шахсини белгиловчи ижтимоий–психологик хусусиятлар асосида уларнинг психологик тавсифномаси яратилган.²

Бундан ташқари, менежерлар фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини бир қатор Россия ва МДХ давлатлари тадқиқотчилари томонидан турли жиҳатлари тадқиқ этилган.

Мактаб ташкилотларининг ривожланиш истиқболларини таҳлил қилган ҳолда К.М.Ушаков мактабнинг асосий муаммоларини – катталарнинг муаммолари деб белгилайди. Уларни ривожлантиришнинг асосий омили инсон ресурсларини ривожлантиришда дейди” (К.М. Ушаков, 2000). Шунга боғлиқ ҳолда бошқарув фаолияти сектори, ўқув-тарбия жараёни ёки таълим муассасасини бошқаришдан, умуман педагогик жамоани бошқаришга томон силжийди. Бундан ташқари: жамоани эмас балки педагогларни, иш бажарувчилар сифатида эмас, шахс сифатида бошқарилади деб таъкидлаган.³

Самарали бошқарувчи – бу нафақат раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга, балки педагогик жамоа ўртасида лидер статусига эга бўлган, нафақат таълим муассасасини бошқариш, балки уни ривожланиши, бутун педагогик жамоа сингари, ҳар бир педагогни ҳам қўллаб-қувватлайдиган шахс ҳисобланади. Раҳбарнинг ҳокимиятга муносабати, унинг лидерлик сифатлари, бошқарув услубининг йўналиши – буларнинг барчаси мактаб раҳбарларининг индивидуал психологик хусусиятларини ифодалайди ва педагогик жамоани шакллантиради.

Ҳар бир таълим муассасасининг ташкилий тузилмасида турли лавозимдаги бошқарув кадрлари мавжуд (директор, директор ўринбосарлари, бўлим бошлиқлар ва ҳ.к.). Психологик атамалар луғатида келтирилишича “Раҳбар–расман жамоани бошқариш ва унинг фаолиятини ташкил этиш функцияларига эга бўлган шахс”. Шундай қилиб раҳбар бошқариш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳисобланиб, унинг ҳокимликка бўлган муносабатини психологик жиҳатдан кўриб чиқиш зарурдир.

Бу борада кўплаб тадқиқотчилар ўз фикрларини билдирган, масалан: Мюррей (Н.А. Murray, 1938) ҳокимликка эҳтиёж борасида сўз юритади; Винтер (D.G. Winter, 1973) “ижтимоий ҳокимлик” («социальная власть») тушунчаси остида бошқа одамнинг ҳаракатлари ёки кечинмаларида ўзи ҳоҳлаган эффектга эришишни тушунган.

МакКлелланд (D.C. McClelland, 1975) ҳукмронлик мотивини биринчидан, ўзини кучли ҳис қилиш, иккинчидан эса фаолиятда ўзини кучини кўрсатиш иштиёқи сифатида аниқлайди, Хекхаузен (Н. Heckhausen, 1980) ҳокимликка интилишни инсоннинг ҳаракат мотиви сифатида таъкидлаган. Ҳокимлик ҳаракатлари ҳар доим бошқа одамнинг мотивларидан мақсадли фойдаланишдир, улар ўз моҳиятидан қатъий назар қондирилади ёки қондирилмайди. Ю.Г. Волков ва В.С. Поликарповлар ҳокимликка интилишни инсон фаолиятини стимуллаштирадиган энг муҳим мотивация сифатида аниқлаганлар. С.Б. Каверин (1991) эса аксинча бу феномени ижобий томонларини кўришга мойилдир дейди. Унинг фикрича ҳокимликка интилиш шахснинг 5 та асосий эҳтиёжидан келиб чиқади, яъни шахс бўлиш эҳтиёжи, ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи, гедонистик эҳтиёжлар, ўзини намоён қилиш эҳтиёжи, мустақиллик эҳтиёжи, уларнинг барчаси бирлашиб янги сифат– ҳокимик эҳтиёжини келтириб

¹ Шакаров Ўктам Бердибоевичнинг “Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари” Тошкент 2018. 8 бет.

² Шамиева Ойбахор Равшановна “Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий–психологик хусусиятлари” Тошкент 2000 й. 7 бет.

³ Черкалина Е.В. Источник: https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=2387



чиқаради. Шунингдек муаллифнинг ҳокимликка нисбатан муносабат асосидаги шахс типологияси ҳам мавжуд (С.Б. Каверин 1999):

Ҳокимликка нисбатан муносабат	Шахс типологиячси
нонконформист	мустақилликка интилиш асосий эҳтиёж, ҳокимлик ҳам эркинлик ва мустақилликка интилиш сифатида кўрилади
Конформист	гедонистик эҳтиёжлар устунлик қилиб, ҳокимлик моддий таъминланганлик ва бошқа шахсий эҳтиёжларни қондирилиши сифатида қаралади
Диктатор	ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи бўлиб, атрофдагилар устидан ҳукмронлик қилиш обрў-эътибор, юқори мартаба ва шон-шараф манбаи сифатида тушунилади
Авантюрист	бу ерда биринчи ўринда ўзини намоён қилиш эҳтиёжи бўлиб, ҳокимликни ўйин сифатида кўриш тушунилади
Демократ	шахс бўлиш эҳтиёжи устунлик қилиб, ҳукмронлик одамлар ва жамият учун хизмат қилиш сифатида қаралади

С.Б.Каверин ҳар бир инсоннинг ҳокимликка нисбатан муносабатини ўрганган ва унинг ҳар кимда турли интенсивликда намоён бўлишини таъкидлаган. А.Н.Заноскийнинг таъкидлашича кўпчиликда ҳокимликка нисбатан ҳошиш ўртача даражада намоён бўлади. “Ҳокимликка иштиёқи паст бўлган одамлар бошқарув, раҳбарлик лавозимларидан ўзларини олиб қочишга мойил бўладилар, хатто бундай лавозимларда фаолият олиб боришса ҳам ўзларини ноқулай ҳис қиладилар”.

Кундалик фойдаланишда ва педагогик жамиятда кўпинча “раҳбар” ва “лидер” тушунчалари ўзаро таққосланади. Психология илмининг кўрсатишича бу икки тушунча бир хил эмас. “Лидер– гуруҳ учун муҳим бўлган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга, жамоадаги шахслараро муносабатларни бошқарувчи, ҳамкорликдаги фаолиятни ташкил этувчи шахс ҳисобланади”. Раҳбар гуруҳда лидер бўлиши ёки бўлмаслиги ҳам мумкин, лидер бўлса раҳбар позициясини эгаллаши ёки жамоанинг оддий бир ҳодими бўлиши мумкин.

Раҳбар шахси, унинг психологик портрети борасида В.Ф. Фалуниин ва Е.В. Фалуниналарнинг “Замонавий таълим мактаблари раҳбар шахсларининг психологик портретини таркибий характеристикаси” деб номланган мақоласида замонавий мактаб директорларининг ҳам касбий, ҳам шахсий жиҳатдан қуйидаги факторларни билиши ва амал қилиши лозимлиги таъкидланган:

- ҳаётнинг кундалик “шу ерда ва ҳозир” тамойилини тушуниши;
- муносабатларда асосий ёндашув сифатида гуманистик позицияни эгаллаб туриши;
- ўзини фаоллаштириб туришга ёрдам берувчи кадрларни ажрата олиши – ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик, эстетика, соддалик, ҳақгўйлик, маданият, қадрият, умумийлик, ҳаётийлик, мукамаллик, тартиб, енгиллик, ўйин, ўзига тўқлик, позитивизм, ҳамкорлик, ижодкорлик, фаол ҳаётий позиция, фуқаролик ва ҳоказолар;
- одамларга, уларнинг имкониятларига ишониши;
- кундалик ўзгариб турувчи замонага тайёр туриш;
- руҳий жиҳатдан соғлом, мукамал, етук инсон бўлиши;
- ўз имкониятлари ва қобилиятларига барқарор ишонч ҳиссига эга бўлиши;
- кундалик режали фаолият билан биргаликда, спонтан юзага келадиган фаолиятларга тайёр туриш;
- руҳий соғлиқ ва мукамал шахс асоси ҳисобланувчи аутосимпатиянинг юқори даражасига эга бўлиши;
- атрофдагилар билан барқарор ва соғлом муносабатларга кириша олиш;
- мулоқотда мослашувчан, ўзини адекват намоён қила олиш, ижтимоий стереотиплардан холи, эмпатик тинглай олиши;
- атрофдагиларнинг муаммоларини ҳис қилишга ёрдам берадиган, юқори эмпатияга эга бўлиш;
- ҳаётий фаровонлиги билан ажралиб туриши – нафақат касбий соҳада, балки шахсий ўсишда ҳам;



➤ ассертивликнинг юкори даражасига эга бўлиш, бу В.Д.Шадриковнинг назариясига кўра ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларига зиён етказмасдан, бошқа одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиққан ҳолда иш кўрадиган шахсга нисбатан айтилади. Мақсадига атрофдагиларга зарар етказмасдан эришади;

➤ бошқаларнинг шахсий, этник ва касбий субъективлигини тан олиш ва қабул қилиш, уларнинг ўз нуқтаи назари ва кадриятларини эркин ифода этишини тушуниш қобилияти сифатида толерантликнинг (бағрикенглик) юкори ривожланган даражасига эга бўлиш;

➤ шахсий қизиқишларини давлат йўналишлари ва умуминсоний кадриятлар билан бирлаштириш, келажакка йўналган бўлиш;

➤ тарих бўлиб қолган ўтмишни ҳурмат қилиш, ҳамда келажакка йўналган бўлиш, шу билан биргаликда ҳозирги кунга нисбатан шахсий, ижтимоий маданий, умуминсоний даражаларда масъулият ҳис қилиш.¹

Этнис Владислав Исааковичнинг “Психологический портрет современного директора школы” номли мақоласида айтилишича раҳбар шахси “ходим”, “мутахассис”, “масъул ходимдан” энг асосийси “масъулияти” билан ажралиб туриши керак. Ходим айрилган ишни бажаради, мутахассис ўз компетенцияси доирасидаги масалаларга жавоб беради, мутахассисдан ўзининг фаолият доирасидаги иш учун жавобгарлик талаб қилинса, раҳбар буларнинг барчасига жавоб беради. Албатта бундай ёндашув махсус шахсий сифатлар, фикр доираси, ҳаёт тарзига асосланиши керак. Раҳбар кенг фикрлайдиган, натижага йўналган, келажакка интилувчан шахс бўлиши керак. ўзининг ёки ходимларининг ўтмишдаги хатоларини кавлайдиган раҳбар олдинга юриш ўрнига ортга қайтади.²

Е.М.Карлованинг “Факторы управленческого успеха руководителя общеобразовательного учреждения” номли диссертация ишидан олинган эмпирик материалларнинг таҳлилий таққослаш натижаларига кўра раҳбар таълим муассасаларини бошқариш самарадорлигини қуйидаги асосий факторлар муҳим роль ўйнайди.

Анъанавий раҳбарнинг шахсий–касбий сифатлари, касбий компетентлиги, бошқарув қарорларини меҳнат жамоаси томонидан қўллаб –қувватлаши ва бошқалар.

Замонавий маркетинг, компьютер таъминоти, ҳудудий бошқарув органларининг молиявий инвестициялари ва бошқалар.

Инновацион таълим муассасаси раҳбар имиджи, таълим муассасаси престижи, жамоат билан алоқалар, тадбирлар.³

*Романько Изабелла Николаевна*нинг илмий тадқиқот ишида ишида раҳбарнинг касбий психологик портрети тузилмасида 10 та асосий факторни ажратилган, булар: жинс, радиакалзм, мақсадга интилувчанлик, мотивацион йўналганлик, ташаббсқорлик ва фаоллик, эришиш мотивацияси, конвенциаллик, эмоционал (восприимчивость) очиклик, давий башорат қила олиш (олдиндан кўра билиш) ва даврий истикболни кўра билишдир.⁴

Д.В.Березинанинг “Психологические условия формирования имиджа руководителя учреждения образования” номли тадқиқот ишида раҳбар шахси имиджини шакллантирувчи психологик шароитлар уларнинг касбий психологик сифатларини очиб беради. Бундай сифатларга қуйидагилар киради: кадриятларнинг йўналганлиги, ишга йўналганлик, стрессга барқарорлик, рискка тайёрлик, ўз фикрин билдира олиш, ўз устида тинимсиз ишлаш, ишонччилик.⁵

Шунингдек машҳур франциялик олим маъмурий (анъанавий) бошқарув мактабининг асосчиси, менежмент назариётчиси ва амалиётчиси Анри Файоль бошқарув жараёнларининг барча йўналишлари билан боғлиқ менежментнинг 5 та функциясини ажратиб кўрсатган. Булар:

1. Режалаштириш (prévoir).

¹ Фалуни В.Ф., Фалунина Е.В. Содержательные характеристики психологического портрета личности руководителя современной общеобразовательной школы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2-3.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=23970> (дата обращения: 21.06.2019).

² В.И. Этнис «Психологический портрет современного директора школы» директор школы № 69 г. Санкт – Петербурга.

³ Е.М.Карлова “Факторы управленческого успеха руководителя общеобразовательного учреждения”. Москва 2009. Стр 18.

⁴ Д.В.Березина “Психологические условия формирования имиджа руководителя учреждения образования”. Автореферат. Новосибирск – 2006. Стр-17.

⁵ Д.В.Березина “Психологические условия формирования имиджа руководителя учреждения образования”. Автореферат. Новосибирск – 2006. Стр-17.



2. Ташкиллаштириш (organiser).
3. Иш буюриш (commander).
4. Йўналиш бериш (coordonner).
5. Назорат қилиш (contrôler).

Бундан ташқари Файоль томонидан бошқарувнинг 14 тамойили ишлаб чиқилган бўлиб, улар бутун дун менежмент йўналишида кенг тарқалган. Улар:

1. Мехнатни тақсимлаш— ходимларга алоҳида топшириқларни қайта тақсимлаш, бу ходимларнинг диққатини бир жойга жамлаб мехнат унумдорлигини оширишга ёрдам беради.

2. Ҳокимлик ва масъулият— буйруқ бериш ҳуқуқи уларнинг оқибатлари учун жавобгарлик билан мутаносиб бўлиши керак.

3. Интизом — ташкилотда белгиланган қоидаларга амал қилиш зарурати. Тартиб — интизомни сақлаб туриш учун барча босқичларда тартибни бузганларга нисбатан тегишли санкцияларни қўллаш оладиган раҳбарларнинг мавжудлиги.

4. Яққараҳбарлик — ҳар бир ходим фақат битта раҳбардан топшириқ олиши ва унга ҳисобот бериши.

5. Ҳаракатлар бирлиги— бир гуруҳ ходимлар ягона мақсадга йўналтирилган режага мувофиқ ишлашлари.

6. Манфаатларнинг бўйсунувчанлиги — ходим ёки бир гуруҳ ходимларнинг манфаатлари ташкилот манфаатларидан устун қўйилмаслиги.

7. Рағбатлантириш — ходимларни рағбатлантиришнинг адолатли усулларини мавжудлиги.

8. Марказлаштириш — бошқарув марказига эга ташкилотдаги табиий тартиб. Марказлаштириш даражаси ҳар бир вазиятга алоҳида боғлиқ.

9. Иерархия — ташкилий иерархия, бузилмаслиги керак бўлади, лекин зиён етказмаслик учун имконият борича қисқартириб туриш мумкин.

10. Тартиб— ҳар бир шахс учун махсус жой ва ҳар бир шахс ўз жойида бўлиши.

11. Ҳаққонийлик — маъмуриятни қўл остидагиларга ҳурмати ва ҳаққонийлиги.

12. Ходимлар барқарорлиги— кадрлар қўнимсизлиги ташкилотни сусайтиради ва ёмон менежмент асоси ҳисобланади.

13. Ташаббускорлик — ходимларга ташаббускорлик учун имконият бериш.

14. Жамоавий руҳ — ходимларнинг ҳамжихатлиги, куч бирлиги.¹

ФАЙОЛЬ ТАДҚИҚОТЛАРИ БЎЙИЧА ТАМОЙИЛЛАРНИНГ ГУРУҲЛАШТИРИЛИШИ ҚЎЙИДАГИЧА:

Тузилмавий тамойиллар	Жараёнга оид тамойиллар	Яқиний натижага оид тамойиллар
<ul style="list-style-type: none"> ▪ мехнат тақсимланиши; ▪ мақсад ва бошқарув бирлиги; ▪ марказлаштириш ва марказлаштирилмасликнинг мутаносиблиги; ▪ ҳукмронлик ва масъулият; ▪ мақсад. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ ҳаққонийлик; ▪ тартиб—интизом; ▪ жамоани рағбатлантириш; ▪ ҳамжихатлик; ▪ асосий мақсадга бўйсунуш. 	<ul style="list-style-type: none"> ▪ тартиб; ▪ барқарорлик; ▪ ташаббускорлик; ▪ жамоавий ҳамжихатлик.

Юқорида келтирилган тадқиқотларнинг таҳлилидан кўриб турганимиздек раҳбар шахси бир қатор зарурий ижтимоий, психологик, шахсий ва касбий сифатларга эга бўлиши керак. Буларга:

- Жамоа билан ҳамжихатлик, яқдилликда ишлаш, жамоа аъзолари, ходимларни тушуниш, жамоада соғлом психологик муҳитни ушлаб туриш;
- Ходимлар билан иш фаолиятида барчага бирдек муносабатда бўлиш, вазифаларни тўғри ва оқилона тақсимлаш;
- Низоли вазиятларда томонларни баробар тинглаб, таҳлил қилиб хулоса чиқариш;

¹ <https://www.mindtools.com/pages/article/henri-fayol>.



- Жамоада меҳнат фаолиятини тўғри ташкил этиш, фаолият жараёнини назорат қилиш, якуний натижаларга эришилишини таъминлаш;
- Бошқарув услубини вазиятга кўра танлаш;
- Бошқарув фаолиятида ҳокимликка нисбатан тўғри муносабатнинг шакллантириш;
- Замон билан ҳамнафас бўлиш, замонавий тенденциялар ва истиқболларга очиқлик билан ёндошиш;
- “Тайм менежмент” сабоқларига эга бўлиш;
- Юқори ижтимоийлашганлик, очиқлик, мулоқотга киришувчанликка эга бўлиш;
- Инновацион ғоялардан чўчимасдан фаолиятга тадбиқ эта олиш;
- Ташаббускор бўлиш;

Юқорида келтирилган сифатлар нафақат мактаб директорлари, балки турли фаолиятга бошқарув услубини олиб боровчи менежерлар учун фойдали. Ҳар томонлама мукамал ривожланган раҳбар ҳар қандай вазиятдан оқилона чиқиб кетади.

«Менеджмент — бу фаолиятни тўғри бажариш санъати. Лидерлик эса тўғри амалларни бажариш»¹.

Питер Друкер (Peter Drucker).

Адабиётлар:

1. Широнов М.К. таълим муассасаларини бошқаришда раҳбарлик фаолияти (умумий ўрта таълим мактаблари мисолида). Замонавий таълим. 2015 йил 1 сон. 13–17 бетлар.
2. Атамуратов Мурат Утепбергеновичнинг “Ўзбекистонда раҳбар ва бошқарув кадрлар тизимини модернизациялаш жараёни”. Тошкент–2018. 7–8 бетлар.
3. Равшанов Фазлиддин Равшановичнинг “Ўзбекистон Республикасида раҳбар кадрларни танлаш асослари” Тошкент 2009 й. 15 бет.
4. Шакаров Ўқтам Бердибоевичнинг “Раҳбар ахлоқи ва адолатли бошқарувни ташкил этиш муаммолари” Тошкент 2018. 8 бет.
5. Шамиева Ойбахор Равшановна “Раҳбар аёллар шахсининг ижтимоий–психологик хусусиятлари” Тошкент 2000 й. 7 бет.
6. Черкалина Е.В. Источник: https://superinf.ru/view_helpstud.php?id=2387
7. Фалунин В.Ф., Фалунина Е.В. Содержательные характеристики психологического портрета личности руководителя современной общеобразовательной школы // Современные проблемы науки и образования. – 2015. – № 2-3.; URL: <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=23970> (дата обращения: 21.06.2019).
8. В.И. Этнис «Психологический портрет современного директора школы» директор школы № 69 г. Санкт – Петербурга.
9. Е.М.Карловаг “Факторы управленческого успеха руководителя общеобразовательного учреждения”. Москва 2009. Стр 18.
10. И.Н.Романько «Профессионально-психологические портреты руководителей». Автореферат. Санкт-Петербург 2007 г. стр-20
11. Д.В.Березина “Психологические условия формирования имиджа руководителя учреждения образования”. Автореферат. Новосибирск – 2006. Стр-17.
12. <https://www.mindtools.com/pages/article/henri-fayol>.
13. <https://dirclub.ru/40-tsitat-uspeshnyh-lyudej-o-liderstve/>

¹ <https://dirclub.ru/40-tsitat-uspeshnyh-lyudej-o-liderstve/>



ИЛМИЙ МУШОҲАДА



Ҳакимова Мухаббат Файзиевна,

*Тошкент давлат иқтисодий университетининг "Инновацион таълим"
кафедрасининг мудири, п.ф.д., профессор*

ТИЗИМЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАДҚИҚОТЧИЛИК ФАОЛИЯТИГА ТАЙЁРЛАШ

Жаҳонда таълим тизимининг интеграциялашуви тараққиётнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи ва барқарор ривожланиш мақсадларига етказувчи фаолият сифатида тан олинган. Замоनावий таълим тизими бўлажак касб таълими педагоглари крeатив ёндашувлар асосида тадқиқотчилик лаёқатини тарбиялаш механизмларини ва уларни амалиётга жорий этишнинг инновацион тизимини янада такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Шу жиҳатдан таълим соҳасида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик лаёқатларини тарбиялаш, инновацияларни яратиш, янги билимларни яратувчи замоनावий педагогик жараёнлар асосида когнитив фикрлаш қобилиятини тарбиялаш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг интеллектуал ресурсларини яратиш ҳамда рақобатбардош кадрлар тайёрлаш имкониятларини кенгайтиришда алоҳида аҳамият касб этади.

Бугунги кунда таълим соҳасида амалга оширилаётган янгиликлар талабаларни мустақил фаоллигини оширишни, ўқув машғулотларида ноанъанавийликка асосланган усулларга кўпроқ ёндашишни тақозо этади. Талаба шахси камолотида берилаётган мустақил ўқув топшириқлари, муаммоли ечимга қаратилган мунозарали дарс шакллари ва аудиовизуал воситаларга асосланган ўқув материаллари кучли ижтимоийлаштирувчи таъсир аҳамиятига эга. Айнан мана шундай ўқитиш усуллари воситасида талабаларни олий таълимдаги ўқув фаолиятига тайёрлаш, мантиқий ва танкидий тафаккурини шакллантириш, мавжуд қобилиятларини юзага чиқаришга имкон яратилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан: "Ҳар бир олий таълим муассасаси жаҳоннинг етакчи илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатиш, ўқув жараёнига халқаро таълим стандартларига асосланган илғор педагогик технологиялар, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий материалларни кенг жорий қилиш, ўқув-педагогик фаолиятга, мастер-класслар ўтказишга, малака ошириш курсларига хорижий ҳамкор таълим муассасаларидан юқори малакали ўқитувчилар ва олимларни фаол жалб қилиш ..." таъкидланиб, муҳим аҳамият касб этади.

Глобаллашув шароитида бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш ва фаолиятга ўргатишга фанлараро дастур сифатида катта эътибор берилмоқда. Чунки, у ўқитишга ёндашув ва услубларнинг универсал мажмуи сифатида очик ва демократик жамият тамойилларига тўлароқ мос келади. Тадқиқотчилик фаолиятига ўргатиш "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури"да баён этилган юқори умумий ва касбий маданиятли, ижодий ва ижтимоий фаол, ижтимоий-сиёсий ҳаётда мустақил равишда ўз ўрнини топа олиш малакасига эга бўлган, истиқболли вазифаларни қўйиш ва ҳал қилиш қобилиятига эга бўлган кадрларни янги авлодини шакллантириш вазифасини ҳал қилишга ҳам тўла-тўқис мос келади.

Бугунги кунда бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда технологик ёндашув муҳим аҳамиятга эга. Тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашда хизмат қиладиган таълим технологияларининг ўзига хос жиҳатлари куйдагилардан иборат: яъни, ўқув жараёни илмий жиҳатдан асосланган қонуниятларга таянган ҳолда ташкил этилади, бўлажак мутахассислар билан тақдим этилган ахборотлар орасида алоқадорлик вужудга келади, мазкур технологиянинг йўналишлари, қисмлари талабани фикрлаш ва рефлексияга ундайди, ҳар бир ўқув вазияти, ўқув дақиқасида ўқитувчи мулоқотга ундовчи субъект сифатида намоён бўлади, бўлажак педагоглари тадқиқотчилик асосида фикрлаш кўникмаларини аниқлаш учун, асосан, матн устида ишлаш тавсия қилинади, бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик асосида фаолият олиб боришга ўргатиш учун мунозаралар ва лойиҳалаш машғулотлари муҳим



аҳамиятга эга ва уларда тадқиқотчилик фаолиятини шакллантиришга йўналтирилган технологиялар ялпи таълим жараёнини ўзаро ҳамкорлик, биргаликда режалаштириш, фикрлаш асосида амалга оширилишини таъминлайди.

Ҳозирда олий таълим муассасаларида илмий тадқиқотлар билишнинг илмий тамойиллари ёрдамида конкрет объектни ўрганиш мақсадида олиб борилади. Ушбу соҳада илмий йўналиш, илмий муаммо ва илмий мавзу каби тушунчалар мавжуд. Илмий тадқиқот ишларига киришишдан олдин талабалар, унинг методлари, шакллари ва воситаларини тўғри танлаб олиши ва методикани илмий асослашлари лозим. Илмий тадқиқотлар муаммони юзага чиқариш, мавзунини танлаш ва маълум бўлган маълумотларни объектив таҳлили учун ахборотни излашдан бошланади. Ахборотни излашдан сўнг илмий изланишларга ўтилади, яъни илмий ижодга киришилади. Бунда шахснинг эвристик фаоллиги янги назарияни яратишга олиб келади. Илмий тадқиқот – фаннинг мавжудлик шаклидир. Мазкур тадқиқотнинг назарий ва илмий аҳамияти далилларни йиғиш, ўрганиш ва тизимлаштириш, мантиқан текис илмий қонунни яратиш мақсадида айрим ва алоҳида қонуниятларни умумлаштириш ҳамда очиб беришдан бошланади. Билишнинг алоҳида поғоналарининг диалектикаси тадқиқот фаолиятининг турли шакллари тахмин қилади. Улар эса, шартли равишда ахборотли ва илмий изланишларга бўлинади.

Бизнингча, талабаларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлашнинг педагогик шарт-шароитлари қуйидаги эҳтиёжларга жавоб берадиган назарияни қуришдан иборат: фактларни таҳлил этиш, таснифлаш ва бир тизимга солиш (синтез қилиш); реал оламнинг аниқ фактларини талқин қилиш ва англаб олиш; янги натижаларни олдиндан айтиб бериш ва ҳодисалар ривожини башорат қилиш. Назария билан амалиёт ўртасидаги методология ва услубиёт орқали амал қиладиган мураккаб муносабатлар қарор топган бўлиб, уларни қуйидаги схема билан ифодалаш мумкин.

Ҳозирги вақтда кўплаб тадқиқотчилар мутахассислар тайёрлашнинг ўзига хос моделларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу ишланмаларнинг моҳияти у ёки бу касб (мутахассислик)нинг ривожланиш истикболларини олдиндан белгилаш ва тақдим этиш, унинг мазмунини ҳамда мутахассис эгаллаши лозим бўлган касбий ва шахсий сифатларга қўйиладиган талабларни аниқлашдан иборат. Бу амалий таълим жараёнини мутлақо янгича асосда ташкил этиш имконини беради.

Бўлажак мутахассисда унинг касбий фаолиятида зарур бўладиган барча кўникма ва малакалар шакллантирилади. У эгаллаган касбий кўникма ва малакалар нафақат аниқ амалий фаолият амалларни бажаришга, балки фаолиятнинг бир туридан иккинчи турига осон ўта олишига ҳам имкон беради. Амалий фаолият шарт-шароитлари, технологик методлар ва меҳнатни ташкил этиш усуллари тез ўзгармоқда. Давлат таълим стандартлари худди ана шу моделга асосланган. Касбий лаёқат соҳасидаги талаблар таълим жараёнида бўлажак мутахассис касбий фаолиятининг барча соҳаларини қамраб олишни тақозо этади.

Бугунги кунда иқтисодиёт олий таълим муассасаларида бериладиган таълим-тарбия юқори малакали иқтисодчи мутахассисларни шакллантиришга қаратилган. Талабаларнинг ҳуқуқий маданияти уларнинг ҳуқуқий онг даражасини оширишга, иқтисодий тафаккурини объектив борликни, иқтисодий ҳаётдаги воқеаларни билишга, қонунларни англашга, инсон фаолияти ва иқтисодий муносабатлар моҳиятини акс эттириш билан иқтисодий маданиятни шакллантиришдир. Иқтисодий тарбияда қатор йўналишлар ажратиб кўрсатилади: иқтисодий қонунлар ҳаракати механизминини тўғри тараққий эттириш учун иқтисодий тафаккурни юксалтириш, иқтисодий маданиятни шакллантириш, жамиятнинг ҳозирги замон тараққиёти жараёнини англаш, давлат ва хусусий мулкка бўлган тегишли муносабатни тарбиялаш, бўлажак мутахассисларнинг меҳнат жараёнида ўз ўрнини ва жамиятдаги ролини тўғри англашга йўналтирилган.

Шиддат билан ўзгараётган ҳозирги даврда кадрлар тайёрлаш жараёнида шахсни ривожлантириш ва тарбиялашнинг устуворлик тамойилига тўла амал қилмаслик таълим соҳасида муайян муаммоларни келтириб чиқаради. Таълим мазмуни ва уни ташкил этиш асосан талабаларга назарий билимларни беришдан иборат бўлиб қолмоқда. Таълим жараёнига педагогик ва ахборот технологияларини жорий этишга қисман гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар доирасидагина эътибор қаратилмоқда.



Бизнингча, олий таълим муассасаларида машгулотлар ўтиш жараёнида таълимнинг тарбиявий хусусиятини кучайтириш муҳим аҳамиятга эга ва куйидагилар етакчи ўринни эгаллайди:

- мақсадга эришиш йўлида ўқитувчилар ва талабаларнинг ҳамкорлигини таъминлаш;
- ўқитиш жараёнининг давомийлиги (мазкур жараёнда талаба мунтазам равишда турли вазиятлар таъсири остида бўлади ва шу вазиятда унда муайян шахсий тажриба ортади);
- психологик ва педагогик талабларга мувофиқ ўқув-тарбиявий жараённинг мажмуавийлиги, таълим субъектлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрнатиш.

Ҳар қандай таълим жараёнида кадрларга тарбиявий таъсир этиш имконияти мавжуд. Хусусан, шахснинг тўла шаклланиши ва ҳар томонлама ривожланиши, Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини ўрганишда миллий ўзликни англаш, шахсда маънавий-ахлоқий сифатларни тарбиялаш, касбий-педагогик мулоқотлар асосларини эгаллашда шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш ва бошқалар.

Зеро, тадқиқот иши жараёнида бўлажак мутахассислар томонидан таълимнинг тарбиявий имкониятларини кучайтириш борасидаги назарий ва амалий билимларни ўрганиш бир қатор омиллар асосида кечиши аниқланди. Бўлажак мутахассис кадрларни тарбиялаш бўйича чуқур билимлар зарур бўлади. Бўлажак мутахассисларни индивидуал режалар асосида мустақил таълим олишида куйидаги манбалар муҳим аҳамият касб этади.

Тизимли ёндашув – илмий билиш ҳамда ижтимоий амалиёт методологиясининг йўналиши бўлиб, унинг асосида объектларни тизим сифатида қабул қилиниши ётади. Тизимли ёндашув тадқиқотчини объект яхлитлигини очиб беришга, унинг алоқалари турли типларини аниқлашга ҳамда уларни ягона назарий кўринишга келтиришга йўналтиради. Педагогик жараёнга тизимли ёндашув эса, ўқитиш мақсадидан тортиб унинг натижасигача бўлган жараён ва талаба имкониятларини яхлит тизим сифатида қабул қилиш билан белгиланади. Бундай ёндашув узлуксизлик, яхлитлик ҳамда тузилмавийликнинг диалектик бирлигини ўзида акс эттириб, мураккаб жараёнлар моделини яратиш имконини бериши билан уларни тадқиқ қилишни енгиллаштиради. Баъзи тадқиқотларда муаллифлар фақатгина тизим элементларини санаб ўтиш билан чегараланадилар, бироқ педагогик жараёнда фойдаланиладиган мақсад, метод, восита амалга оширилиш шарт-шароитлари очиб берилмасдан қолади. Тизимли ёндашувнинг асосий тушунчалари ва бошланғич асосларини ўрганишимиз натижасида реал борлиқнинг муҳим белгиларидан бири – ундаги объектларининг ўзаро таъсирлашуви натижасида таъсирлашувнинг бошланғич давридаги объектларга хос бўлмаган янги сифатлар юзага келиши тўғрисидаги тасаввур ҳосил бўлади. У сифат жиҳатидан янги маҳсул – яхлитликнинг ва тизимнинг вужудга келишидир. Яхлит тизимнинг сифати уни ташкил қилувчи сифатларнинг йиғиндисидан иборат бўлмайди. Тизим учун, шунингдек, моҳият жиҳатидан унинг ажралиб турувчи хоссаларини ифодаловчи янги интеграл сифатлар ҳам ҳосилдир. Яхлит тизим ўзи таркиб топган қисмларга фаол таъсир кўрсатиб, уларни ўз табиатига мослаб ўзгартиради. Натижада дастлабки бошланғич қисмлар сезиларли ўзгаришга учрайди: кўпчилик ҳолатларда олдинги, улар тизимга киришигача бўлган хусусиятларини йўқотади, уларнинг бошқа хусусиятлари ўз аҳамиятини оширади, янги сифатларга эга бўлади, шунингдек сақлаб қолинадиган хусусиятлар ҳам сифат ва миқдор ўзгаришларга учрайди.

Амалга оширилган тадқиқот ишлари бўлажак мутахассисларни тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш муаммосининг аниқланган ечимлари борасида янги тадқиқот йўналишлари юзага келаётганлигини кўрсатади. Бундан келиб чиққан ҳолда, тадқиқот йўналишлари сифатида куйидаги тавсияларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

- иқтисодиёт таълим йўналишларида бўлажак мутахассисларда тадқиқотчилик фаолиятини амалга оширишнинг изланиш, йўналтириш, тизимлилик, технологик ва умумлаштириш каби тузилмавий хусусиятларини инновацион тамойилларни қўллаш асосида такомиллаштириш;

- бўлажак мутахассисларнинг касбий-инновацион фаолиятларини ривожлантириш орқали ижодий-яратувчанлик ҳамда тадқиқотчилик фаолиятига тайёрлаш босқичлари мазмунини ишлаб чиқиш;

- илғор педагогик тажрибалар ва ижодий касбий топшириқларни моделлаштириш асосида бўлажак мутахассисларнинг тадқиқотчилик фаолиятига тайёргарлик даражаларини баҳолаш мезонлари: репродуктивлик, қисман-изланувчанлик ва изланувчи-креативни оптималлаштириш.



Умуман олганда, олий таълим муассасаларида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш жараёнида узлуксиз, яхлит, ўзаро боғлиқликни таъминловчи таълим тўлақонли амалга оширилганда талаба-ёшларнинг ижодий қобилиятларини ўстириш, мустақил мушоҳада юритиш кўникмаларини ривожлантириш, талаба шахсининг шаклланиши билан ўзаро алоқада реал педагогик жараёни вужудга келтириш мумкин. Бу жараён турли таълим концепциялари, назариялари ёрдамида лойиҳалаштирилиши ва таълим муассасаларида татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ.



Рахмонова Дилбар Баратовна,

Психология кафедраси катта ўқитувчиси, БухДУ

1- СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АҚЛИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА РАҒБАТЛАНТИРИШНИНГ РОЛИ

Мустақил Ўзбекистон ўз халқи танлаб олган йўл – очиқ, эркин бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға бормоқда. Биз барпо этаётган давлат, аввало, умумжаҳон цивилизациясига, давлат қурилиши соҳасида тараққий этган бошқа халқлар эришган тажрибаларга ва ўзимизга хос миллий анъаналарга, ижтимоий кадрятларга асосланмоқда.

Замон талабларига ҳар томонлама жавоб бера оладиган юқори ихтисосли баркамол авлодни тарбиялаб етиштириш мустақиллик йўлига кирган жамиятимизнинг энг олий мақсадларидан биридир. Зеро, баркамолликнинг юксак мезони инсоннинг чинакам ақл, иқтидор, зехн, маърифат, маънавият соҳиби бўла олиши билан белгиланади. “Ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир”.

Бугунги кунда Ўзбекистонда барқарорлашиб бораётган ижтимоий-сиёсий вазиятни идрок қилишнинг натижаси ҳар бир шахсда пайдо бўлаётган психологик ҳолатлар, психологик жараёнлар у ёки бу тарзда шахсдан кучли билим ва тажрибаларни талаб этмоқда.

Ҳар қандай халқнинг, давлатнинг, ёки миллатнинг маънавий тараққиёти даражаси ўша давлатда, юртда мавжуд маънавий бойликлар кўлами бутун бир халқ ёки ҳар бир инсоннинг маънавий-маърифий баркамоллиги билан ўлчанади. Инсоният тафаккури неча минг йиллик тарихга эга бўлса, унинг ҳар бир босқичида ўзига хос билим ва ғоялар вужудга келган.

Шарқнинг буюк мутафаккирлари, давлат арбоблари асарларида ҳам таълим ва тарбия масалаларига алоҳида эътибор берилган. Улар ўз таълимотларида ақл, идрок, одоб-ахлоқ, маънавий кадрятлар ҳамда инсонийлик каби ғояларга асос солганлар ва уларни ривожлантирганлар.

А.Авлоний болаларга илк ёшидан бошлаб ахлоқ ва одоб тарбиясини бериш зарурлигини таъкидлайди. Унингча, **болаларда ахлоқий меъёрларнинг таркиб топишида муҳит, шароит, атрофдагиларнинг эътибори, рағбати ҳамда керак бўлган вақтда жазони қўллаши** катта роль ўйнайди.

Бугунги кундаги ҳаётимиздаги ўзгаришлар, мустақиллик, республикамизда демократиянинг тантанаси учун кураш, ҳуқуқий давлат қуришга интилиш инсонпарвар психологиянинг қонуниятлари ва илмий материалларини ўрганиш, улардан турмушда фойдаланишни талаб қилмоқда. Психологик ғоялар демократик ҳаракатларнинг ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида, айниқса, таълим-тарбия тизимида кенг қулоч ёйиши ушбу тизимда мукамалликни юзага келтирди ҳамда руҳият ва маънавият илмидан оқилона, одилона ва омилкорлик билан фойдаланишни тақозо қилмоқда.

Таълимнинг барча босқичларида унинг самарадорлигини ошириш учун ўқувчиларнинг ёш хусусиятларини, ўқитувчи ва ўқувчи муносабатлари, ота-она ва фарзанд ўртасидаги, тенгдошлар орасидаги муносабатларни тўғри амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Булардан ташқари шундай бир таъсир воситаси ҳам борки, у бевосита катталар томонидан ўқувчилар ва



фарзандлар тарбиясида самарали натижаларни бериш учун қўлланилади. Бу рағбатлантиришдир. Рағбатлантириш усули айнан мана шу кичик мактаб ўқувчиларининг ақл – идроклари, одоб - ахлоқ, фахм-фаросат каби нозик жиҳатларини хулқ-атвор даражасига кўтариш учун имконият яратади.

Маълумки, гўдаклик давридаги оддий сезишдан бошлаб, мантикий фикр юритишгача ўтадиган давр нисбатан узундир. Эндигина туғилган чақалоқ ҳам дастлабки соатлардан бошлаб сезги органлари ёрдамида атроф-муҳитни акс эттиришга киришади. Бироқ, унинг тафаккури бир неча ойлар, ҳатто, йиллар давомида вужудга келади. Нутқ билан тафаккурнинг бирлиги мазкур ривожланишни амалга оширади. Бундай ҳолат ўта мураккаб ҳиссий билишдан мантикий тафаккурга ўтиш жараёни босқичини тадқиқ этиш имконини беради. Инсон психикасининг вужудга келиши ва ривожланишини, унинг турли кирраларини ўрганиш инсоннинг психик ўсиши, унинг сабаблари, омиллари, шарт-шароитлари тўғрисида маълумотлар тўплаш имконини бера олади.

Ўқувчиларнинг қизиқишлари доимо катталарнинг диққат – эътиборида бўлиши, уларнинг ижобий қизиқишларини катталар томонидан рағбатлантирилиши, қўллаб-қувватланилиши керак. Мазкур муаммога илмий ёндашиш ўқувчиларнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, қизиқиш кўлами, иродавий фазилятлари, муайян хис-хуйғуларнинг мазмуни, характер хусусиятларини тўлақонли шаклланишида ўзининг самарали натижаларини кўрсатади. Бола ҳали боғчада тарбияланаётганида мактабда ўқувчиларга қўйиладиган талаблар билан танишади, фан асосларини ўрганиш учун биологик ва психологик жиҳатдан тайёр бўлади. Болада шу даврга келиб, ўқиш, билим олиш ҳақида тасаввурлар шаклланади. У мактаб жамоаси аъзоларининг масъулиятли вазифаларини англайди ва уларга итоат қилишга, уларнинг кўрсатмаларини бажаришга мойил бўлади. Баъзи болалар мактабга бутун вужуди билан талпинади, ўқишга қанча вақт қолганлигини узлуксиз санайди, ўқув ашёларини олдинроқ тайёрлаб қўйишга ҳаракат қилади. Бошқа бир бола эса мактабдан қатъий воз кечишгача бориб етади. Болаларда ўқишга муносабатларнинг турлича шаклланиши у вояга етаётган муҳитга боғлиқдир. Ота-онанинг ўз фарзандини билимли бўлишига иштиёқининг баландлиги, эътибори албатта болага ижобий таъсир этади. Айни пайтда ундаги ҳам психологик, ҳам физиологик ўсишига эътиборни қаратиб кераклича қўллаб қувватлаш, ўз кучига ишонтириш каби ҳолатлар болада ўқишга нисбатан ижобий муносабатни шакллантиради. Бу ўринда рағбатлантиришнинг роли каттадир.

Рағбатлантириш тарбия жараёнининг жуда керакли усулларидан биридир. Таълим тарбия жараёнида рағбатлантиришнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади. Макташ, ташаккур билдириш, мукофотларнинг хилма-хил турлари кенг тарқалгандир. Рағбат-лантиришнинг энг биринчи ва оддий тури бу маъқуллашдир. У бошни оддийгина силкиб қўйиш, "тўғри", "яхши" деган сўзлар билан ифодаланиши мумкин; бу сўзлар ўқитувчи ўқувчининг жавобидан ёки у бажарган мустақил ишдан қаноатланганлигини билдиради. Рағбатлантиришнинг иккинчи бир турига эса эътибор бериш. Ўқувчининг амалга ошираётган ҳаракатига диққатни қаратиб, иш натижасига баҳо беришнинг ўзи ҳам рағбатдир. Учинчи яна бир тури макташ, яъни шахсни бажарган иш натижаси ёки амалга оширган фаолиятига баҳо бериш билан унга кўпчилик олдида ишонч билдириш, аъло бажарган фаолиятини намойиш қилиш, шахсига яхши сўзлар айтишдир. Рағбатлантириш, мактов қоғозлар, шунингдек, мукофотлар бериш шаклида ифодаланиши мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда рағбатлантириш улар бажараётган ишларнинг характери ва ёш хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, кичик ёшдаги ўқувчилар ўқитувчининг мактовига жуда сезгир бўладилар. Уларнинг эмоционал қўзғалувчанлиги, тафаккурнинг образлигини рағбатлантиришдан фойдаланишда кўрсатмалилик ва ошкоралик бўлишини талаб этади.

Рағбатлантириш ўқувчиларнинг ишлари ва ҳатти-ҳаракатларини ижобий баҳолаш, уларнинг маънавий қаноат ҳосил қилишга имкон берувчи муваффақиятлари ва эришган ютуқларини тан олишдир. Рағбатлантириш ўқувчи шахсини ҳурмат қилишга асосланади ва инсоний кадр-қиммат ҳиссини тарбиялашга қаратилган бўлади. У ижобий сифатларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Таълим тарбия жараёнида рағбатлантиришнинг хилма-хил турларидан фойдаланилади. Макташ, ташаккур билдириш, мукофотларнинг хилма-хил турлари кенг тарқалгандир. Амалиётда рағбатлантиришнинг мусобақа, талаблар қўйиш, ўз-ўзини танқид қилиш орқали



ўзгага таъсир, ўқувчилар хатти-ҳаракатларини рағбатлантириш каби турларидан ҳам фойдаланилади.

Рағбатлантиришнинг энг оддий тури бу маъқуллашдир. У бошни оддийгина силкиб қўйиш, "тўғри", "яхши" деган сўзлар билан ифодаланиши мумкин; бу сўзлар ўқитувчи ўқувчининг жавобидан ёки у бажарган мустақил ишдан қаноатланганлигини билдиради. Рағбатлантиришнинг иккинчи бир турига эса эътибор бериш. Ўқувчининг амалга ошираётган ҳаракатига диққатни қаратиб, иш натижасига баҳо беришнинг ўзи ҳам рағбатдир. Учинчи яна бир тури макташ, яъни шахсни бажарган иш натижаси ёки амалга оширган фаолиятига баҳо бериш билан унга кўпчилик олдида ишонч билдириш, аъло бажарган фаолиятини намойиш қилиш ва унинг шахсига яхши сўзлар айтишдир. Рағбатлантириш, мактов қоғозлар, шунингдек, мукофотлар бериш шаклида ифодаланиши мумкин.

Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда рағбатлантириш улар бажараётган ишларнинг характери ва ёш хусусиятлари билан белгиланади. Масалан, кичик ёшдаги ўқувчилар ўқитувчининг мактовига жуда сезгир бўладилар. Уларнинг эмоционал қўзғалувчанлиги, тафаккурнинг образлигини рағбатлантиришдан фойдаланишда кўрсатмалилик ва ошкоралик бўлишини талаб этади.

Рағбатлантириш ўқувчиларнинг ишлари ва хатти-ҳаракатларини ижобий баҳолаш, уларнинг маънавий қаноат ҳосил қилишга имкон берувчи муваффақиятлари ва эришган ютуқларини тан олишдир. Рағбатлантириш ўқувчи шахсини ҳурмат қилишга асосланади ва инсоний кадр-қиммат ҳиссини тарбиялашга қаратилган бўлади. У ижобий сифатларнинг мустаҳкамланишига ёрдам беради.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб кичик мактаб ўқувчиларида ота-она, ўқитувчи томонидан билдириладиган қандай мактов сўзлари унга ёкиши ҳамда шу мактов сўзлари ёрдамида актив фаолият кўрсатиши мумкинлигини тажриба асосида ўргандик. Аввал тажриба **1-синф ўқувчиларида ўтказилди**. Ҳар бир ўқувчига алоҳида-алоҳида қуйидаги мактов сўзлар ўқиб эшиттирилди.

жадвал № 1.

№	Ёқимли сўзлар
1.	Сен ақллисан
2.	Сен аълочисан
3.	Сен чиройлисан
4.	Сен кучлисан
5.	Сен доим кулиб турасан
6.	Сен сахийсан
7.	Сен меҳрибонсан
8.	Сен тўғрисўзсан
9.	Сен одоблисан
10.	Сен меҳнатқашсан

Ёқимли сўзлар ўқиб эшиттирилгандан сўнг унга ёқадиган, фаолиятини активлаштиришга ёрдам берадиган мактов сўзни айтиш буюрилди. Ўқувчиларнинг берган фикрлари математик-статистик таҳлил қилинди.

Жадвал № 2.

№	Ёқимли сўзлар	n	xi	X= xi/n
1.	Сен ақллисан	20	89	4,9
2.	Сен аълочисан	20	75	3,2
3.	Сен чиройлисан	20	130	6,5
4.	Сен кучлисан	20	86	4,3
5.	Сен доим кулиб турасан	20	104	5,2
6.	Сен сахийсан	20	113	5,6
7.	Сен меҳрибонсан	20	98	4,8
8.	Сен тўғрисўзсан	20	105	5,2
9.	Сен одоблисан	20	118	5,9
10.	Сен меҳнатқашсан	20	182	9,3



Математик – статистик таҳлилдан сўнг мактов сўзларни 1-синф ўқувчилари билдирган фикрларининг муҳимлик даражасига қараб ранжировка қилинди.

Жадвал № 3.

№	Ёқимли сўзлар	Сафланиш (ранжировка)
1.	Сен ақллисан	4
2.	Сен аълочисан	1
3.	Сен чиройлисан	8
4.	Сен кучлисан	2
5.	Сен доим қулиб турасан	5
6.	Сен сахийсан	6
7.	Сен меҳрибонсан	3
8.	Сен тўғрисўзсан	5
9.	Сен одоблисан	7
10.	Сен меҳнатқашсан	9

3-жадвалда кўриниб турибдики, “Сен аълочисан” иборасини синалувчилар 1-ўринга қўйганлар. Улар бу сўзни эшитишни жуда ҳоҳлайдилар. Бу сўз болаларда ўзига ишонч, масъулият, фаоллик каби ижобий ҳолатларни тарбиялашга ёрдам беради. 2-ўринда “Сен кучлисан”, 3- ўринга “Сен меҳрибонсан” ва ҳ.к. Ёқимли сўзларни жинсий тафовутларга кўра таҳлил қилганимизда эса, ўғил болалар “Сен ақллисан” иборасини, қизлар эса “Сен меҳрибонсан” иборасини танлаганлар. Ушбу ёқимли сўзларнинг натижалари ҳар икки жинс вакилларида турлича чиқиши табиий, чунки ўғил болалар табиатдан кучли, ақлли, бакуват бўлишга мойиллиги кучлидир. Қиз болалар эса табиатдан нозиктаъб, мулойиб, ожиза бўлганликлари учун жадвалимиждаги шу иборага яқин иборани ёқимли сўз сифатида танлаганлар.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб кичик мактаб ўқувчиларида ота-она, ўқитувчи томонидан билдириладиган қандай мактов сўзлари унга ёқиши ҳамда шу мактов сўзлари ёрдамида актив фаолият кўрсатиши мумкинлигини тажриба асосида ўргандик. Ҳар бир ўқувчига алоҳида мактов сўзлар ўқиб эшиттирилди ва “Сен, аълочисан” иборасини синалувчилар 1-ўринга қўйганлар. 2-ўринда “Сен, кучлисан”, 3- ўринга “Сен, меҳрибонсан” ва ҳ.к. Улар бу сўзларни эшитишни жуда ҳоҳлайдилар. Бу сўзлар болаларда ўзига ишонч, масъулият, фаоллик каби ижобий ҳолатларни тарбиялашга ёрдам беради. Таълимнинг мазмунига, билимни эгаллашга қизиқиш ўқувчининг ўз ақлий меҳнати натижасидан қаноатланиш ҳисси билан узвий боғлиқдир. Бу ҳис ўқитувчининг рағбатлантириши билан намоён бўлади ва ўқувчида самаралироқ ишлаш майли, истаги, иштиёқини шакллантиради. Болада пайдо бўлган фахрланиш, ўз кучига ишонч ҳисслари билимларни ўзлаштириш ва малакаларни мустаҳкамлаш учун хизмат қилади. Рағбатлантириш меъёрида бўлсагина, унинг тарбиявий таъсири ортади.

Тажриба давомида ўқувчилардаги аълочиликка, ақллиликка, сахийликка, покизалиликка бўлган майиллари ёқимли сўзлар таъсирида хулқ-атворга айланиши кузатилди. Баҳолаш ҳам рағбатлантиришнинг расмий тури қаторига киради. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчилар фаолиятини баҳолаш унда ўқишга ижобий муносабатни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи синф ўқувчиси ана шу баҳо таъсирида ўз фаолиятини кучайтиради, ижодий изланишга ҳаракат қилади. Ҳатто, у дастлабки пайтларда “яхши” ёки “ёмон” баҳоларнинг фарқига ҳам бормайди, кўпроқ уни нечта баҳо олгани қизиқтиради. Ўқитувчининг рағбатлантириши унинг учун энг муҳим роль ўйнайди. Шахсни камол топишида, ўз-ўзини англашида ота-онанинг, катталарнинг эътибори, рағбатлантиришнинг барча турлари ижобий таъсир қилади. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, ҳар бир инсонга ҳар қандай ёшда ҳам ёқимли сўзлар ёқишини унутмаслик зарур.

Бундан хулоса шуки, олдимизда турган эзгу мақсадларимиз — мамлакатимизнинг буюк келажоғи ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жохон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси, авваламбор, янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир.



Ваганимиз эртанги кунини, ўз зурёдларининг бахту истиқболини истайдиган ҳар бир одам — у ким бўлиши, қандай лавозим эгаси эканидан қатъий назар, фарзандларимизнинг маънавий, ғоявий тарбия масаласидан четда турмаслиги керак.

Адабиётлар:

1. Абу Райхон Беруний, Руҳият ва таълим-тарбия ҳақида.-Т.: 2002.
2. Авлоний А. Туркий гулистон, ёхуд ахлоқ. Т.: "Ўқитувчи" 1992.
3. Тўрақулов Э, Раҳимов С. Абу Райхон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида. "Ўқитувчи", Т.: 2007



*Останов Шухрат Шарифович,
Бухоро давлат университети, Психология кафедраси катта ўқитувчиси*

ПСИХОЛОГИЯДА КРЕАТИВЛИК МАСАЛАСИ

Маҳаллий ва хорижий тадқиқотларда креативлик муаммоси турли хилдаги концепциялар доирасида кўриб чиқилади. Бир томондан, уларнинг қарама-қаршилигини, иккинчи томондан, ўрганилаётган психологик ҳодисанинг ички механизмларини, фаолият кўрсатиши ва ривожланиш қонуниятларини очиб беришнинг аҳамияти ва зарурлигини тан олишнинг умумий тенденциясини кўрсатиш мумкин. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, замонавий психология фанида бугунги кунда "креативлик" атамасининг ягона талқини мавжуд эмас. Тадқиқотларда креативлик билан боғлиқ жуда кўп тушунчаларни топиш мумкин. Ижодкорлик, ижодийлик, ижодий, эвристик, сермаҳсул, дивергентли, латерал фикрлаш, ижодий қобилиятлар, ижодий фаолият, ижодий мотивация, ўз-ўзини ақтуаллаштириш, ўз-ўзини рўёбга чиқариш каби тушунчалар креативлик муаммоси билан боғлиқ концептуал рўйхатнинг бир қисми ҳисобланиб, мазкур тушунчанинг ноаниқлиги ва хилма-хиллигини янада кучайтиради. Ушбу тушунчалар қаторида "ижодийлик" тизимни шакллантирувчи таъриф сифатида талқин қилинса, "креативлик" ва ижод ўртасидаги муштаракликни аниқлаш учун энг машхур тадқиқотларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Креативлик муаммосига оид хорижий тадқиқотлар

Чет эл муаллифлари томонидан креативликни англаш ва тадқиқ қилиш борасида билдирилган кўплаб фикрлар бу ҳодисанинг имконияти ва аҳамияти ҳақида далолат беради.

Креативликни ўрганишда бир неча йўналишларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Биринчи йўналиш креативликни унинг маҳсулотлари бўйича ўрганади, яъни бунда ижодий маҳсулотнинг асосий хусусиятлари кўриб чиқилади: миқдори, сифати ва аҳамияти. М. Ферсон, К. Тейлор, Д. Тейлор ва бошқалар ушбу ёндашув тарафдорлари ҳисобланади.

Иккинчи йўналиш - креативликни ижодий жараён сифатида ўрганади. Ҳар қандай жараён, шу жумладан ижодий жараён ҳам бошланиши, узоқ вақтга чўзилиши, ўзгариши ва шунга мос равишда қандайдир яқунига эга. Бундай ҳолда биз объектив ёки идеал (фикр) дан иборат ижодий маҳсулот ҳақида гапира олмаймиз. Шунинг учун ушбу йўналиш ижодий фикрлаш жараёнининг турли босқичларини, даражаларини ва турларини аниқлайди ва кўриб чиқади. Ижодий жараён сатҳларини ўрганиш психоаналитик йўналиш билан чамбарчас боғлиқ. З. Фрейд ижодий ҳаракатни либидоз энергиянинг сублимацияси натижасида тасвирлаган. Демак, шахснинг ижодий салоҳиятини ўрганиш учун проекцион методлардан фойдаланишнинг асослилиги белгиланган.

Учинчи йўналиш креативликни олдиндан берилган қобилият сифатида кўриб чиқади. Бу соҳада биринчилардан бўлиб К. Симпсоннинг ишини кўрсатиш мумкин бўлиб, у креативликни стереотипик фикрлаш усулларида воз кечиш қобилияти сифатида баҳолаган. Э.Фром креативликни (ижодни) ҳайратга тушиш ва ўрганиш, ностандарт вазиятларда ечим топиш, янги нарсаларни кашф этиш ва ўз тажрибасини чуқур англаш қобилияти сифатида кўриб чиққан.

Тадқиқотимиз доирасида ушбу соҳадаги етакчи тадқиқотчиларнинг ишларини кўриб чиқиш муҳимдир. Чет эл психологиясида Ж.Гилфорд ва Э.Торренсе тадқиқотлари алоҳида ажралиб туради. Ж.Гилфорд креативликни олдиндан берилган қобилият деб билган ва унинг



тажрибалари асосан креативлик диагностикаси ва шахсиятнинг баъзи билиш омиллари билан алоқалари даражасини ўрганишга қаратилган. Торренс тадқиқотлари креативликни динамикада ўрганишга бағишланган. У креативликни ривожлантиришга қаратилган мақсадли таъсир этиш эҳтимолини қобилят сифатида талқин қилган.

Тўртинчи йўналишда К.Голдштейн, К.Рожерс, Н.Рожерс, А.Маслоу ва бошқалар ижодий жараёни шахснинг "ўзини ўзи актуаллаштириш" билан боғлашган. «Ўзини ўзи актуаллаштирган одамнинг ижодкорлиги маданият таъсирида бузилмаган боланинг креативлигига ўхшайди. Креативлик инсон табиатининг энг асосий характеристикаси бўлиб, у туғилишиданок ҳар бир инсонга бериладиган салоҳиятдир.

Лаборатория тадқиқотлари (ҳайвонлар, болалар ва талабалар ҳақида) ва рассом К. Моненинг таржимаи ҳолидаги мисоллардан фойдаланиб, К. Стоко, каттик чекловлар генерация қилади ва юқори даражада ижодий шахс учун хос бўлган юқори ўзгарувчанликни сақлаб турадиган нуқтасини кўрсатади, деган фикрни илгари суради. Болаликда ўқитувчилардан таъқиқлар ва ўз-ўзини чеклаш креативлик ифодасига таъсир қилади, катталарда эса юқори даражадаги ўзгарувчанлик ва ижодкорликни ўрнатади ва сақлайди. Болаликда иқтидорли бола учун чеклашлар ўзгарувчанликни мустаҳкамловчи, уни одатийга айлантирувчи ўқитувчилар иштирокидагина билим соҳаси билан боғлиқ.

Р. Стенберг ижтимоий контекстда керативликни "соғлом ақл ва интеллектнинг диалектик ўзаро таъсири" деб ҳисоблайди. Интеллект жамоатчилик эҳтиёжларини қондириш учун кенг қўлланилади. "Креативлик ўзини жамоатчилик муаммоларига шубҳа билан қарайди ва ўзини унга қарши қўяди, янгиликларини таклиф қилиб боради. Соғлом ақл эса "эски ва янгиликлар ўртасидаги мувозанатни таъминлайди", "жамият контекстидаги ўзгаришлар ва барқарорлик"ка эришади.

Интеллект Р. Стенберг томонидан "атроф-муҳитга мослашиш қобиляти" деб ҳисобланади. Муваффақиятли мослашиш белгиси эса мукофот олишдир (кенг ижтимоий-иқтисодий маънода). Креативлик "сифат жиҳатидан юқори эмас, балки янги маҳсулот ишлаб чиқариш қобиляти" деб таърифланади.

"Интеллектли одамлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар сифати юқори, лекин албатта, янги бўлиши шарт эмас". Муаллифнинг тахминича, кўплаб юқори креативли шахслар "оломонга қарши чиқишади". Шундан келиб чиқиб, муаллиф "креативлик фақат уни ҳукм қилувчи тизим контекстида аҳамият касб этади", "бир тизимда креатив бўлган нарса бошқа бўлиши мумкин эмас", деган хулосага келади.

Маданият ва фан тарихида замондошлари томонидан тан олинмаган даҳоларга оид кўплаб мисоллар мавжуд. Муаллиф интеллектни креативликнинг шартини деб ҳисоблайди, "чунки ижодий маҳсулотлар юқори сифатга эга. Креативлик қарор қабул қилиш билан боғлиқдир, яъни "исталган киши креатив установкани қабул қилиши, креатив фикрлаши мумкин"

Бироқ, турли сабабларга кўра, "одамлар буни қилмайди". Баъзилар оломонга ён босиш учун ақлий қобилятларидан фойдаланади, бошқалари эса оломонга қарши чиқиш учун бу имкониятидан фойдаланишади.

Улар, эҳтимол, етакчилик лавозимларида энг самарали бўлишлари мумкин, улар ўзгариш зарурлигини ва барқарорлик ўртасида мувозанат сақлай олишади. чунки. "Креатив одамлар соғлом фикрлай олмайдилар ва ҳатто бошқа одамлар билан муносабатларда аҳмоқона ишларни қилишлари мумкин". Р. Стенберг "ижодкорлик" қуйидаги хусусиятларга эга деган хулосага келди: ҳукмлар ва ҳаракатлар ноанъанавийлиги; ривожланган эстетик кўникмага эга; мослашувчанлик; "ўйин қоидаларига" амбивалентлик (асосий ноаниқлик) ни киритиш; авторитетларга ва тан олинган "ҳақиқатлар"га қарши танқид билан чиқиш.

Ж. П. Гилфорд ўз тадқиқотларида конвергент фикрлаш билан дивергент фикрлаш ўртасидаги сифатий фарққа эътибор қаратди. Унинг ишлари туфайли бу мавзу тадқиқотчилар эътиборига тушди ва амалий таълим муаммоларини ҳал қилиш борасида муҳокама қилинмоқда.

Конвергент фикрлаш чизикли, мантиқий (дискурсив) фикрлашни назарда тутаяди, бу муаммони ягона тўғри ечимини ўз ичига олади. Дивергент фикрлаш бутунлай бошқа йўналишга эга. Бу ҳолда бир нечта ечимларнинг принципиал имконияти биринчи ўринга чиқади. "Дивергентли" онг инновацион йўллар, ноанъанавий ғояларни топишга қаратилган.

Шунингдек Ж. Гилфорд, креативлик мезонлари бўлган ижодий фикрлаш жараёнида учта асосий белгиловчи омил мавжудлигини аниқлади. (тезлик, мослашувчанлик, оригиналлик)



Ж. Гилфорд фанлар қобилият ва кўникмаларини ўлчаш учун тақдим этилган тест натижаларида ақс этган тажриба хулосаларини келтиради.

Дж. Гилфорднинг бу ёндашувини креативлик хусусиятларининг асосий назарий асоси сифатида баҳолаш мумкин. Бизнингча, раволик (тезлик, унумдорлик) кўрсаткичи сўз ёки чизмаларда ифодаланадиган кўплаб ғояларни ҳосил қилиш қобилиятини ақс эттиради.

Бу қобилиятга эга бўлган инсоннинг тафаккури деярли қийинчиликларсиз амалга ошади. Биз бу кўрсаткични қуйидагича тавсифлашимиз мумкин: алоҳидаланган сўз даражасида раволик, бунда киши муайян ҳарф ёки бирикмаларни ўз ичига олган сўзларни осонликча топа олади; берилган сўз учун синонимларни осонлик билан танлайди; ғоялар ва ечимлар ўз-ўзидан ишлаб чиқариш; мисол учун, бир вақтнинг ўзида қаттиқлик, оқлик ва егулик белгилари предметларни айтиш, ёки матн моҳиятини ифода этувчи сарлавҳа танлаш керак бўлади.

Адабиётлар:

1. Арт-терапия /сост. и общая редакция А.И. Копытина. - СПб.: Питер, 2001
2. Брушлинский А.В. Психология мышления и проблемное обучение. - М.: Знание, 1983 -96 с.
3. Гилфорд Дж. Три стороны интеллекта // Психология мышления / Под ред. А.М. Матюшкина. М.: 1965. -С 433-456.
4. Гатанов Ю.Б. Курс развития творческого мышления (по методике Дж. Гилфорда и Дж. Рензулли): Первый год обучения (для детей 6-10 лет). — СПб: ГП «Иматон», 1996. - 84 с.



*Рустамов Шавкат Шухратович,
Преподаватель кафедры психологии БухГУ*

МАТЕМАТИЧЕСКАЯ СТАТИСТИКА В СИСТЕМЕ ПСИХОЛОГИИ

В психологии сочетаются объективные и субъективные подходы и методы. И, естественно, там, где проводятся научные исследования и преобладают научные методы, с большей пользой применяются точные математические методы. Тем не менее возможно применение математического моделирования для анализа работы практической психолога, психоаналитика, а также прогнозирования результата психокоррекционной работы. Так или иначе, если сфера интересов специалиста-психолога не ограничивается частной практикой и если он не собирается ограничить свою деятельность исключительно консультированием или другими видами психологической практики, ему необходимо обладать хотя бы базовым представлением о том, как: – организовать исследование таким образом, чтобы его результаты были доступны математической об - работке в соответствии с целью исследования; – правильно выбрать метод исследования; – содержательно интерпретировать результаты обработки полученных данных.

Основы высшей математики и статистика необходимы тем психологам, которые считают необходимым собственноручно проверять эффективность своей деятельности, создавать новые методики, проводить исследования по интересующим их проблемам. Специалисты должны видеть перспективу развития психологической науки, знать достижения и трудности развития математической психологии. В последние годы наблюдаются: – рост и усложнение объектов исследования, изменение организационных принципов проведения конкретных работ, интенсивное развитие междисциплинарных исследований, что приводит к возрождению интереса к методологическим и теоретическим проблемам; – появление новых направлений в развитии теоретической психологии в связи с изменениями в образовании и ориентацией на компетентностный подход; – в работах, посвященных этическим, нравственным, религиозным проблемам, адекватным для моделирования соответствующих процессов является аппарат нечеткой логики, мягких вычислений, качественного интегрирования.



Математическая психология — подход к психологическим исследованиям, основанный на математическом моделировании процессов восприятия, мышления, когнитивных и моторных процессов, а также на установлении математизированных правил, которые связывают количественные характеристики стимулов с количественными характеристиками реакций. Математический подход в психологии используется с целью выдвижения более строгих, формализованных гипотез. Реакция организма, поддающаяся количественной оценке, зачастую может быть зафиксирована в процессе выполнения или решения определённых задач: двигательных, когнитивных.

Впервые термин «математическая психология» прозвучал в 1822 г. в докладе И.Ф. Гербарта «О возможности и необходимости применять в психологии математику», им была предложена математическая модель появления представлений в сознании. В 1850 г. его ученик М.И. Дробиш опубликовал книгу «Перво - основы учения о математической психологии», в которой сделана попытка обосновать создание математической психологии как теоретической науки. Далее на протяжении многих лет к понятию «математическая психология» не возвращались.

Математическое моделирование имеет долгую историю в психологии, начиная с 19-го века, когда Эрнст Вебер (1795–1878) и Густав Фехнер (1801–1887) были одними из первых, кто успешно применил математическую технику функциональных уравнений к описанию психологических процессов. Тем самым они создали область экспериментальной психологии в целом и психофизики в частности.

Астрономы в 19-м веке наносили на карту расстояния между звездами, обозначая точное время прохождения звезды через центр разметочной сетки на линзе телескопа. Из-за отсутствия инструментов точной автоматической регистрации, эти измерения времени основывались исключительно на скорости реакции человека. Было отмечено, что существуют небольшие систематические различия во времени, замеряемом разными астрономами. Они впервые были систематически изучены немецким астрономом Фридрихом Бесселем (1782–1846). Бессель вывел серию уравнений на основе замеров элементарной скорости реакции, которые бы позволили исправить индивидуальные погрешности в астрономических расчетах. Независимо от этого, физик Герман фон Гельмгольц измерил время реакции, чтобы определить скорость нервной проводимости.

Поскольку количественная оценка реакции на фиксированный стимул испытуемого является фундаментальной в этом направлении психологии, теория измерений является одной из центральных тем в математической психологии. Поэтому же математическая психология тесно связана с психометрией. Однако в тех случаях, когда психометрия связана с индивидуальными различиями, математическая психология фокусируется на моделях процессов восприятия, когнитивных и моторных процессов, которые выводятся из «усредненного индивида». Кроме того, когда психометрия исследует статистическую структуру зависимости между переменными, наблюдаемыми в популяции, математическая психология фокусируется на формализации данных, полученных экспериментально, и поэтому еще более тесно связана с экспериментальной психологией / когнитивной психологией.

В США, бихевиоризм развивался как оппозиция интроспекционизму, развернув фокус психологических исследований на различные теории обучения и научения [1]. В Европе же, интроспективные методы сохранились в гештальтпсихологии. Бихевиоризм доминировал в американской психологии вплоть до конца Второй мировой войны. Формализованные теории в основном отсутствовали (за исключением теорий, описывающих слуховое и зрительное восприятие).

Во время войны проводилось огромное количество исследований в области инженерии, математической логики, теории вычислимости, информатики, математики, а военным было необходимо понимание основ человеческого поведения и физиологических, психологических пределов организма (чувствительности, пороговые раздражители, особенности восприятия). Многие из этих исследований объединяли работы экономистов, математиков, психологов, инженеров и физиков вместе. Из смеси этих дисциплин и их методов выросла новая область (одна из множества) — математическая психология. Особенно большое влияние на развитие психологической мысли того периода оказали такие теории, как: теория игр, теория информации, теория линейных систем, теория случайных процессов, математическая логика.

В начале XX в. быстрыми темпами развивается экспериментальная психология. Накапливается большой эмпирический материал, возникает необходимость в его представлении, обработке и интерпретации.

В эти же годы в вузах США вводится официальный курс — «статистические методы». Ученые возвращаются к разработке «математической психологии». В 1966 г. А.И. Введенский говорил, что «математическая психология есть мечта, для которой стоит предпринимать даже неудачные попытки». М.И. Влади слав лев поставил вопрос о мере чувств. Н.Я. Грот создал дескриптивные математические модели умственных процессов, предвосхитил идею графа как математического объекта, предугадал идею мультимножества. Г.И. Россолимо предложил «психологические профили», ввел психометрическую шкалу. Г.И. Челпанов — основы элементарной статистической обработки.

Таким образом, в 1950–1960-е гг. наблюдается интенсификация математизации психологического знания, приведшая к оформлению специальной психологической дисциплины — математической психологии. С 1964 г. начинает выходить специальный «Journal of Mathematical Psychology». В эти же годы выходит трехтомный «Handbook of Mathematical Psychology». Все эти факты показывают, что общая тенденция математизации наук не миновала и психологии (Luce, 1973).

Проблема преподавания математических дисциплин очень актуальна для гуманитарных направлений высшего образования, и состоит она в том, что студенты-гуманитарии, в частности, практические психологи, не видят необходимости в изучении математики. Они «отторгают» дисциплины математического цикла, так как считают, что знание математики не будет востребовано в их будущей профессиональной деятельности. Трудности, возникающие у практических психологов при изучении математических основ, обусловлены недостаточной базовой, подготовкой по школьной математике, отсутствием у многих студентов навыков систематической самостоятельной работы. Для преподавателей сложность обучения математике студентов гуманитарных специальностей, таких, как, например, «Педагогика-психология» связана с неуспеваемостью студентов по математике или отставанием на каком-либо промежуточном этапе процесса обучения. Все это не лучшим образом отражается на качестве математической подготовки будущих педагогов-психологов, что в свою очередь не отвечает запросу общества, которому сегодня нужны творческие, высококомпетентные, способные к саморазвитию, самообразованию и профессиональному росту специалисты.

Основные человеческие качества закладываются в детстве. Здоровье и физическое крепость тоже закладываются в детстве. Поэтому очень важно начинать физическое воспитание ребенка с момента его рождения и непрерывно продолжать до совершеннолетия.

Таким образом, основными направлениями физического воспитания детей в семье являются воспитание физических качеств (силы, выносливости, быстроты, ловкости и гибкости), обучение движениям, устранение недостатков физического и функционального развития (нарушения осанки, плоскостопие) и другие.

Литература:

1. Atoyev A.Q. Farzandingiz barkamol bo'lsin T., «Ibn Sino», 1990.



2. Насриддинов Ф.Н., Шатерников Э.К., Инсон омилини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт, Т., “Ўқитувчи”, 1993 йил
3. Соғлом авлод – бизнинг келажакимиз. Т., 2010 й.



*Nazarova Manzura Mustafoniz,
Buxoro davlat universiteti psixologiya kafedrasida o'qituvchisi*

BUGUNGI GLOBALLASHUV JARAYONIDA PSIXOLOGIK XAVFSIZLIKNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

Mavzuning dolzarbligi. Insoniyatning XXI asrga qadam qo'yishi axborot ko'lami va sifati misli ko'rilmagan darajada o'sishi bilan xarakterlanadi. Benihoya katta hajmdagi ma'lumotlar ummonlar va qit'alar osha shiddatli sur'atlarda, lekin kishi sezmas darajada jimgina, ommaviy axborot vositalarining shunchaki odatiy ishi sifatida u yoqdan bu yoqqa yetkazib turilibdi.

Avvalo shuni e'tirof etish lozimki, hozirgi davr dunyoda g'oyaviy qarama-qarshiliklar murakkab tus olgan, mafkura poligonlari yadro poligonlaridan kuchliroq bo'lib borayotgan davrdir. Dunyoda globallashuv jarayoni bormoqda. Globallashuv-bu, avvalo, hayot sur'atlarining beqiyos darajada tezlashuvi demakdir. Bugungi kunda zamonaviy axborot maydonidagi harakatlar shu qadar tig'iz, shu qadar tezkorki, endi ilgariidek, bu voqea bizdan juda olisda yuz beribdi, uning bizga aloqasi yo'q, deb beparvo qarab bo'lmaydi. Ana shunday kayfiyatga berilgan xalq yoki millat taraqqiyotdan yuz yillar orqada qolib ketishi hech gap emas¹. Barchamizga ayon bo'lishi kerakki, qayerdagi beparvolik va loqaydlik hukm sursa, eng dolzarb masalalar o'zibo'larchilikka tashlab qo'yilsa, o'sha yerda ma'naviyat eng ojiz va zaif nuqtaga aylanadi. Va aksincha – qayerda hushyorlik va jonkuyarlik, yuksak aql – idrok va tafakkur hukmron bo'lsa, o'sha yerda ma'naviyat qudratli kuchga aylanadi. Globallashuv jarayonini chuqur o'rganmaslik, undan foydalanish strategiyasi, taktikasi va texnologiyasini ishlab chiqmaslik mamlakat iqtisodi, madaniyati hamda ma'naviyatini tog'dan tushayotgan shiddatli daryo oqimiga boshqaruvsiz qayiqni topshirib qo'yish bilan barobar.

Hozirgi kunda globallashuv jarayoni yangi-yangi hudud va mintaqalarni, inson faoliyatining barcha sohalarini o'z domiga tortmoqda. Ayniqsa, mafkuraviy va ma'naviy sohada o'z g'oya va mafkuralarni singdirish, ta'sir doiralarini kengaytirishda globallashuv jarayonlari muhim halqa bo'lib xizmat qilayotgani hammamizga ma'lum. Birgina axborot-kommunikatsiya sohasidagi globallashuv jarayonini kuzatar ekanmiz, uning ta'siri jahonda g'oyaviy va madaniy gegemonlik uchun asosiy qurolga aylanayotganini ko'ramiz. Axborot texnologiyalari yuksalgan davlatlar esa bu jarayonning harakatga keltiruvchi kuchlari bo'lmoqda. Bizningcha, globallashuv jarayoni bilan bog'liq ziddiyatlar, avvalo, madaniy-ma'rifiy sohada yaqqol namoyon bo'lmoqda. Globallashuv yaratayotgan imkoniyatlardan hozirgi kunda ma'naviy bo'shliqni to'ldirishga harakat qilayotgan siyosiy va mafkuraviy markazlar foydalanmoqdalar. Buning oqibatida insoniyat tomonidan katta ma'naviy yo'qotishlar, millatning asriy qadriyatlarini, milliy tafakkuri va turmush tarzi izdan chiqayotganini, axloq, odob va jamiyat hayoti, ongli yashash tarziga xavf solayotganini alohida qayd etish lozim. Mazkur xatarlar ma'naviyatga qaratilgan tahdidlar bo'lib, birinchi Prezidentimiz Islom Karimov mazkur xavflar haqida fikr yuritib, ularni quyidagicha ta'riflagan edilar: “Ma'naviy tahdid deganda, avvalo tili, dini, e'tiqodidan qat'iy nazar har qaysi odamning tom ma'nodagi erkin inson bo'lib yashashiga qarshi qaratilgan, uning aynan ruhiy dunyosini izdan chiqarish maqsadini ko'zda tutadigan mafkuraviy, g'oyaviy, informatsion xurujlarni nazarda tutish lozim, deb o'ylayman”².

Ma'naviy tahdid inson erkinligiga, uni g'oyaviy qaram qilish, ruhiy dunyosini izdan chiqarishga qaratilgan bo'lib, u jozibali shiorlar va g'oyalar orasida yashirinadi, diniy va milliy rishtalarga bolta uradi, yoshlar qalbi va ongini egallashga urinadi, ularning dunyoqarashiga zararli fikrlarni tiqishtiradi, oxir-oqibatda mamlakat xavfsizligiga va milliy manfaatlariga tahdid solib, inqiroz ko'chasiga olib

¹ N.Abdumajidov. “Axborot maydoni himoyasi”. T.: O'zbekiston matbuoti, 2010. -76b

² I.A.Karimov. “Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch”. T.: “Ma'naviyat”, 2008



keladi. Demak, mazkur xatarlar mamlakati, millati, o`zi yashab turgan jamiyatning kelajagi haqida qayg`uradigan, o`zini fuqarolik pozitsiyasiga ega, yurtga daxldorlik hissi yuksalgan har bir insonni tashvishga solishi, o`z navbatida uning oldini olish uchun o`z iqtidori va salohiyatini ishga solishni talab etadi.

Biz globallashuv to`g`risidagi ilmiy, siyosiy adabiyotlarni tahlil qilish va undagi axborot-psixologik xavfsizlik xususiyatlarining o`ziga xos tomonlarini kuzatish natijasida bu xususiyatlarning inson ongiga, ularning his-tuyg`ulariga, nuqtayi nazariga ta`sir qilish holatini quyidagicha qismlarga ajratib o`rganishni lozim topdik:

1. Axborot-psixologik xavfsizlik – bevosita ruhiyatga ta`sir o`tkazish orqali insonni o`z aqidalari, muqaddas ideallari va e`tiqodidan ayiradigan buzg`unchi g`oyalardan asrashi mumkin.

2. Axborot-psixologik xavfsizlikka rioya qilinmasa, uning ta`sirchan choralari ko`rilmasa, buzg`unchi g`oyalar milliy qadriyatlarni barbod etish orqali tarixan mavjud bo`lgan xalqlar va millatlarning g`oyaviy genosidga olib kelishi mumkin.

3. Ijtimoiy fikrni shakllantirishda axborot ta`sirini, axborot texnologiyalardan foydalanish usullari va uslublari tobora kengayib borayotganligini nazarda tutsak, axborot-psixologik xavfsizlik muammosining dolzarbligiga yanada jiddiyroq e`tibor qaratish lozim bo`ladi.

4. Axborot-psixologik xavfsizlik tushunchasi ma`lum bir xalq, millat, mamlakat hayotida jiddiy ijtimoiy xavf tug`dirishi mumkin bo`lgan zamonaviy axborot texnologiyalari imkoniyatlaridan tinchlik va barqaror taraqqiyot yo`lida unumli foydalanish mumkinligi faraz qilinadi.

Globalashuvning yoshlar tarbiyasiga o`tkazayotgan salbiy ta`siri quyidagilarda namoyon bo`lmoqda:

Birinchiidan, informatsion vositalarning yuksak rivojlanishi natijasida Internet, uyali telefon, telekommunikatsiyalar va turli axborot nashrlarining kirib kelishi. Bu vositalar orqali taklif etilayotgan “qadriyatlar” ko`p hollarda yoshlarimizni o`zimizning milliy qadriyatlarimizdan uzoqlashtirib qo`ymoqda, boshqacha qilib aytganda, o`ziga xos “ildizi yo`q individ”larning shakllanishiga, ularning o`z tarixiy ildizlaridan uzoqlashuviga olib kelmoqda.

Ikkinchidan, “ommaviy madaniyat” ning turli xil ko`rinishlarining yoshlar orasida tobora keng tarqalishi. Bular, asosan, kiyinishlarda, qiziqishlarda, bo`sh vaqtni o`tkazishda didlarning sayozlashuviga, milliy qadriyatlarga bo`lgan munosabatda namoyon bo`ladi. Yot madaniyat qadriyatlarini o`zida ifoda etayotgan “ommaviy madaniyat” yoshlarimizda g`arbona individualizm, egosentrizm, andishasizlik, behayolik va zo`ravonlik, milliy qadriyatlarga va ijtimoiy munosabatlarga bepisandlik bilan munosabatda bo`lish kabi illatlarni chiqarmoqda.

Uchinchiidan, yoshlar orasida taqlidchilik, g`arbona ideallarga ko`r-korona ergashish kabi holatlar ham kuzatilmoqda. Bunda, xoriyda keng tarqalgan axloqiy va ma`naviy yurish-turish andozalarining kinofilmlar, moda va turli xil reklamalar orqali yoshlarimizning ongini chulg`ab olayotganligini sezish qiyin emas. Oqibatda, yoshlar o`rtasida kitob o`qishdan ko`ra kompyuter o`yinlari oldida vaqtni o`tkazish, mazmunan sayoz bo`lgan turli xil janrdagi filmlarni tomosha qilish odat tusiga kirib bormoqda.

Ma`lumki, G`arb dunyosida ustuvor hisoblanadigan qadriyatlar sifatida, shaxsiy erkinlik va individual huquqlar, shuningdek, o`zligini namoyon qilish erkinligi ustun qo`yilsa, Sharq madaniyatida ustuvorlik jamoa manfaatlari, oila sha`ni va muqaddasligi, ijtimoiy an`ana va tartibotlar, kattalarga hurmat kabi qadriyatlarga ajratiladi. Inson va jamiyatga nisbatan qarashlarda mavjud bo`lgan mazkur jiddiy tafvutlar sivilizatsiyalararo qarama-qarshiliklarga sabab bo`lmoqda va yaqin yillarda ularning yanada kuchayishi taxmin qilinmoqda. Globalashuv sharoitida madaniyatlararo integratsiya, eng avvalo, ma`naviy-axloqiy va ma`rifiy mezonlar, umuminsoniy qadriyatlar asosiga qurilmog`i lozim. Afsuski, aksariyat hollarda yoshlarni bosqichma-bosqich milliy o`zligidan ayirish milliy an`analari va urf-odatlariga zarba berib, tarixiy xotirasini qirqish, shu orqali millatlar ustidan hukmronlikka erishish tamoyili kuchaymoqda. Bu haqida birinchi Prezidentimiz Islom Karimov “Yuksak ma`naviyat – yengilmas kuch” asarida shunday yozadi: “Hozirgi vaqtda ko`z o`ngimizda dunyoning geopolitik, ijtimoiy-iqtisodiy, axborot – kommunikatsiya manzarasida chuqur o`zgarishlar ro`y berayotgan, turli mafkuralar tortishuvi keskin tus olayotgan bir vaziyatda, barchamizga ayonki, fikrga qarshi fikr, g`oyaga qarshi g`oya, jaholatga qarshi ma`rifat bilan kurashish har qachongidan ko`ra muhim ahamiyat kasb etmoqda”.

Ko`p yillar davomida ota-bobolarimiz qalbiga singib ketgan milliy qadriyatlarimiz bugunga kelib kuzatuvlarimiz natijasida yoshlarimiz orasida ahamiyatini birmuncha yo`qotayotgandek ko`rindi hamda bu holat jamiyatimizning bugungi ko`rinishini o`rganishga undadi. Ushbu maqsadni amalga oshirishda



psixologik tadqiqot olib borildi. Bu tadqiqot yordamida jamiyatimizning asosiy qatlami hisoblangan yosh avlodning hayot tarzida ommaviy madaniyatning ijobiy va salbiy jihatlari qanday darajada ekanligini empirik tadqiq etildi. Tadqiqot 23 ta savoldan iborat psixologik so'rovnomada shaklida bo'lib, o'smir o'quvchi-yoshlar orasida olib borildi. So'rovnomamizning dastlabki savolini "**Sizning Ommaviy madaniyat haqida tasavvuringiz qanday?**" shaklida qo'ydik. So'rovnomada qatnashgan respondentlarning

- ❖ 51 % – yoshlarning ota-ona qaramog'idan tashqarida tarbiya topishini namoyon bo'lishi;
- ❖ 38,8 % – kishilarning erkin kiyinish tarzini bildiradi;
- ❖ 34,8 % – shaxsiy manfaatga asoslangan muloqat tarzidir;
- ❖ 28,6 % – ijtimoiy faollikni aks ettiradi;
- ❖ 4,8 % - farovon hayot tarzini ifodalaydi, - deb javob berishgan.

Navbatdagi savolni "**Jamiyatimiz ommaviy madaniyatdan nimalarni olishi mumkin, deb hisoblaysiz?**" tarzida qo'yib, uning ketidan "G'arb ta'lim tizimidan-chi?" degan bandni ilova qildik. Bu savolimizga respondentlarning

- 34,7 % - shaxslardan andisha qilib o'tirmasdan, erkin muloqotga kirishishni;
- 32,6 % - ishbilarmonlikni;
- 12,2 % - binokorlikdagi zamonaviy usullarni;
- 10,2 % - o'z xohishiga qarab erkin kiyinish tarzini, javobini bergan bo'lsalar, ilova qilingan

savolga qatnashuvchilarning

- 50 % – ta'lim dargohlarining o'z-o'zini moddiy va texnik baza bilan ta'minlash dasturlarini;
- 40,8 % – zamonaviy ta'lim texnologiyalarini;
- 34,7 % – aqliy fikrlash tajribalarini;
- 26,5 % – jamiyatda pedagog kadrlar hurmatini joyiga qo'yishni;
- 24,4 % - masofali o'qitish usulini, deb javob berishgan.

Internet ma'lumotlariga ko'ra, bugungi kunda ingliz o'smirlarining boshqa mamlakatlar yoshlariga qaraganda uyushgan jinoyatchilik va zo'rvonlikka berilish holatlari yuqori. Bunga sabab – bolalarga keragidan ortiq erkinlik berilganligi ekan. Shundan kelib chiqib, ommaviy madaniyatning bunday holatlariga ertamiz egalarining munosabatini bilish uchun "**Ommaviy madaniyatning salbiy jihatlari deb quyidagilardan qaysi birini ko'rsatasiz?**" degan savolni berdik va respondentlarimizning

- * 64 % – nikohsiz birga yashagan holda, erkak va ayolning erkin munosabatda bo'lishi;
- * 14 % – inson har narsa qilish huquqiga ega aqidasiga kishilarning ishonib qolishi;
- * 10 % – yoshlarning kattalar nasihatiga quloq solmasligi va diniy qadriyatlarga monand yashash tarzi kishilar yodidan chiqib borayotganligi, deb javob berishgan.

Navbatdagi savolda respondentlarga "**Sizningcha, ommaviy madaniyatning bizning jamiyatimizga ta'siri qay darajada?**" degan savol bilan murojaat etdik hamda ularning

- 59 % – kuchli;
- 37 % – o'rtacha, degan javobni berishdi. Bu savolning mantiqiy davomi sifatida qatnashuvchilarning oldiga "Sizningcha, ommaviy madaniyat elementlarining o'zbekchilikka singib ketishi qanday oqibatlarga olib keladi?", degan savolni qo'ydik hamda ularning
 - ▶ 63 % – televideniye va milliy kinolarimizda behayo lavhalar ildiz otadi;
 - ▶ 44,9 % – ota-ona va farzand o'rtasidagi hayo ko'tariladi;
 - ▶ 42,9 % – o'zbek oilasi barqarorligiga jiddiy putur yetadi;
 - ▶ 32,6 % -erkak va ayol o'rtasida uyat bo'lmaydi, deb javob berishgan.

Olib borilgan ijtimoiy so'rovnomada tahlillari natijasini umumlashtirish shuni ko'rsatadiki, so'rovda ishtirok etgan respondentlarimiz ommaviy madaniyatning jamiyatimizga ta'sirini kuchli deb baholadilar.

Xo'sh, bunday murakkab va shiddatli kechayotgan sharoitlarda globallashtirishning yoshlar tarbiyasiga o'tkazayotgan salbiy ta'sirlaridan qanday qilib himoyalaniish mumkin?

Fikrimizcha, buning uchun quyidagi yo'nalishlarga asosiy e'tibor qaratish lozim:

1. Milliy va umuminsoniy qadriyatlarining uyg'unligiga erishish. Bunda, asrlar osha qon-qonimizga singib ketgan ota-onani ulug'lash, oilani muqaddas saqlash, farzandning burchi, o'zaro mehr-oqibat, iffat, or-nomus, hayo kabi fazilatlar, ustoz va shogirdlar odobi kabi ezgu qadriyatlarga sodiq qolish.

2. Yoshlar ongini shakllantirishga oid umumbashariy tajribalarning yutuq va kamchiliklarini o'rganish hamda ulardan samarali foydalanish, boshqa millatlarni hurmat qilish, ularning madaniyat



va milliy qadriyatlariga ongli yondashish, ijtimoiy munosabatlarda insonparvarlik, bag`rikenglik g`oyalarining aks etishi.

3. Tarbiyaviy va ma`naviy-ma`rifiy ishlarni tashkil etishda yoshlarning istak va xohishlarini inobatga olish, unda har qanday zo`rlilik va majburlovlardan voz kechish, yoshlarning asosiy qiziqishi va faoliyat doirasini tashkil etayotgan turli xil sohalarini tarbiya jarayonida to`liq qamrab olish. Bunda, axborot texnologiyalar (ommaviy axborot vositalari – gazeta, jurnal, radio, televideniye va internet) xizmatidan foydalanishni keng yo`lga qo`yish, milliy qadriyatlarimizni o`zida aks ettiradigan internet saytlari, multimediya va rolklarni ko`paytirish. Yoshlar ongiga ijobiy ta`sir etuvchi musiqa va kino san`atining tarbiyaviy imkoniyatlardan foydalanish.

4. Yoshlarning milliy intellektual salohiyatini rivojlantirish. Buning uchun ta`lim va milliy tarbiyani rivojlantirish, urf-odat, an`ana va qadriyatlarni umumbashariy qadriyatlarga uyg`un holda yoshlar dunyoqarashining ajralmas qismiga aylantirish. Yoshlarning siyosiy ongini, huquqiy, axloqiy, estetik madaniyatini yuksaltirish.

5. Yoshlar umummilliy va jamiyat manfaatlarini shaxsiy manfaatlaridan yuqori qo`ya olishlari, jamiyat va millat oldidagi insoniy burchlarini to`laqonli anglashlari, xalq baxt-saodati hamda yurt farovonligi yo`lida mehnat qilishlariga erishish uchun ijtimoiy va psixologik sharoit yaratish.

6. Yoshlarda mafkuraviy immunitetni shakllantirish, milliy g`oya targ`ibotini izchil davom ettirish.

Yuqorida ko`rsatib o`tilgan holatlarning qaror topishi, shuningdek, ta`lim-tarbiya jarayonida yoshlarda milliy g`urur tuyg`usini shakllantirish masalasiga alohida e`tibor qaratilishi globallashuv sharoitida tarbiya jarayonining muvaffaqiyatini ta`minlaydi. Muhtaram Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev "ma`naviyat – qudratli qurol" ekanligini, jamiyatimizga tahdid soluvchi illatlarga qarshi kurashda boy ma`naviyatimiz biz uchun najotkor va xaloskor kuch vazifasini bajarishini alohida e`tirof etadi. Xalqimizda asrlar davomida sayqallashib yanada yorqinlashib va yanada boyib kelayotgan ma`naviy-axloqiy qadriyatlarimiz biz uchun qalqon bo`lishi, mamlakatimiz yuksalishiga xizmat qilishi shubhasizdir.

Hozirgi kunda xorijning madaniy qadriyatlaridan foydalanishga ancha jiddiy va tanlab yondashish ehtiyoji kuchayib bormoqda. Lekin ochiq ommaviy axborot vositalari orqali tinimsiz ma`lumotlar quyilib kelayotgan sharoitda aynan hali ongi shakllanib ulgurmagan farzandlarimiz uchun tahdid ham, ataylab uyushtirilayotgan mafkuraviy tajovuzlar ham bor¹. Bu mafkuraviy tajovuzlar yoshlarimiz ongini zaharlamasdan oldin unga qarshi chora-tadbirlar ko`rish lozim. Bu uchun insonga psixologik himoya zarur. Psixologik himoya bo`lishi uchun shaxsda o`z mustaqil fikriga ega bo`lishi kerak. Demak, ochiq axborotlar tahdidi sharoitida yoshlarni to`g`ri yashashga, vatanparvar va insonparvar bo`lishga, erkin fikrli bo`lishga o`rgatish orqali ularda mafkuraviy immunitetni tarbiyalash eng dolzarb vazifalardir.

Bugun ta`lim muassasalarida ta`lim olayotgan, lekin ming afsuski, o`z mustaqil fikriga ega bo`lmaganlar bilan ishlashda quyidagilarga e`tiborini qaratish darkor:

Birinchidan, xulq-atvordagi xatoliklar, eng avvalo, fikrlash tarzidagi xatoliklarning oqibati bo`lgani uchun yoshlarning negatv fikrlash tarzining sxemasini o`zgartirish lozim.

Ikkinchidan, fikrlash tarziga ta`sir ko`rsatish uchun pedagoglar o`zlarining tushuntirish uslublarini, tarbiya metodlarini o`zgartirishlari lozim. Ya`ni, ilgari, yuqori tonlarda, direktiv ohangda, "katta roli"da o`quvchi bilan muloqot qilgan pedagog, endi kerak bo`lsa, "tengma-teng", demokratik ohangda, bosqichma-bosqich xatti-harakatlarini birgalikda tahlil etishga o`tishlari lozim.

Uchinchidan, o`quvchi-yoshlarning o`z-o`zini idrok qilishini, o`ziga bo`lgan bahosini o`zgartirish, ya`ni ularni ijobiy ishlarga yo`naltirish orqali o`ziga bo`lgan bahosini o`zgartirishga erishish kerak.

To`rtinchidan, yoshlarni jamoat ishlariga keng jalb etish amaliyotini kengaytirish, bu ishdan manfaatdorligini oshirish lozim, o`quvchi ijobiy tajriba orttirsin, ya`ni o`ziga, oilasiga yoki sinfdosh do`stlariga, maktabiga manfaatli ish qilib, olqish olsun.

Yuqoridagi fikrlarni umumlashtirgan holda **quyidagi tavsiyalarni** havola qilamiz:

1. Tinimsiz axborot oqimini vujudga keltirayotgan global muhitda milliy qadriyatlar, o`ziga xoslikni ifodalovchi an`analar zavol topishining oldini olish maqsadida axborot xavfsizligini joriy qilish;

¹ N. Jo`rayev. Mafkuraviy immunitet. -T.: "Ma`naviyat", 2000.



2. Bunda, internet tarmog‘i hamda sun‘iy yo‘ldosh kanallari orqali namoyish etilayotgan, yoshlarimiz dunyoqarashining o‘shiga xizmat qiladigan dasturlarni berib borish bilan birga ularda jahon axborot tarmog‘idan nimani olish mumkin, nimani olish mumkin emas, degan xarakterning shakllanishini ta‘minlash;

3. Televideniye, radio va turli ko‘ngilochar tadbirlarda kishilarning milliy va diniy qadriyatlarimizga to‘g‘ri kelmaydigan liboslarda chiqishlarini oldini olish;

4. Matbuot va badiiy asarlarda yoshlarimizni yengil-yelpi hayot kechirishga va sayoz dunyoqarashga ega qilib qo‘yadigan qissa va hikoyalar chop etilishiga qarshi bir necha ziyolilar guruhini jalb etish.

Agar biz O‘zbekiston kelajagi, taqdiriga javobgar ekanligimizni his etsak, har birimiz uning taraqqiyoti vositasi bo‘lmish yosh avlodni tarbiyalash masalalarini chuqur egallamog‘imiz, yangicha tafakkur asosida yashashni o‘z burchimiz deb bilmog‘imiz kerak. Boshqacha qilib aytganda, yosh avlodni to‘g‘ri tarbiyalash, ularda to‘g‘ri munosabatni shakllantirish, ularning ruhan tetik shaxs sifatida rivojlanishi uchun maqbul shart-sharoitlarni yaratish zarurati bosh maqsadlarimizdan biridir.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, milliy mustaqillik g‘oyasi, ma‘naviy erkinlik imkoniyati, mamlakatimiz fuqarolari o‘z madaniy urf-odatlarini va an‘analari boyligini to‘laqonli his etishlari bevosita axborot xavfsizligi masalasi bilan bog‘liqdir. Shuning uchun ham unga bu qadar muhim ahamiyat berilayotganligi bejiz emas. Globallashuv jarayonida axborot-psixologik xavfsizlikning muhim tomoni – mamlakatimiz yoshlarining ilg‘or qismi bo‘lgan o‘quvchi hamda talabalarining milliy ongi va dunyoqarashi yaxlitligini asrab qolishga qaratilgan ayni o‘z vaqtida ko‘rilgan va g‘oyat zarur tadbirdir.

Adabiyotlar:

1. I.A.Karimov. “Yuksak ma‘naviyat – yengilmas kuch”. T.: “Ma‘naviyat”, 2008.
2. N.Jo‘rayev. Mafkuraviy immunitet. -T.: “Ma‘naviyat”, 2000.
3. S.X. Qodirova, R. M. Nazarova. “Milliy istiqlol g‘oyasi: asosiy tushuncha va tamoyillar”.T.: “Sharq” 2008.
4. N.Boymurodov. Amaliy psixologiya. T.: “Yangi asr avlodi”, 2009.
5. N.Abdumuzimov. Axborot maydoni himoyasi. T.:”O‘zbekiston”. 2010.

МАГИСТРЛАР МИНБАРИ



Jalilov Hafiz Naimovich,

Buxoro davlat universiteti 2- bosqich Psixologiya mutaxassisligi magistranti

THE PROBLEM OF VARIABILITY OF THINKING IN
SOCIOGENESIS

Annotation. *This article deals with the problems of formation and possible ways of developing logical thinking of people. The study of this problem is located at the intersection of several Sciences: anthropology, psychology, sociology, and involves the consideration of cross-cultural research, so we do not pretend to cover a wide range of research in this article. We will only limit ourselves to research in the first half of the 20th century, given that in the modern period, such research is practically not carried out.*

Key words: *logical thinking, sociogenesis, clip thinking*

Аннотация: *В статье рассматриваются проблемы формирования и возможные пути развития логического мышления людей. Изучение этой проблемы находится на пересечении нескольких наук: антропологии, психологии, социологии и предполагает рассмотрение кросс-культурных исследований, поэтому мы не претендуем на охват в этой статье широкого круга исследований. Мы ограничимся только исследованиями первой половины 20 века, учитывая, что в современный период такие исследования практически не проводятся.*

Ключевые слова: *логическое мышление, социогенез, клип-мышление*

Аннотация: *Ushbu maqola odamlarning mantiqiy fikrlashini shakllantirishning mumkin bo'lgan usullari va shakllanishi muammolari haqida bahs yuritadi. Ushbu muammoni o'rganish bir nechta fanlarning kesishmasida: antropologiya, psixologiya, sotsiologiya va o'zaro madaniy tadqiqotlarni ko'rib chiqishni o'z ichiga oladi, shuning uchun biz ushbu maqolada keng qamrovli tadqiqotlarni yoritmaymiz. Biz faqat 20-asrning birinchi yarmida olib borilgan tadqiqotlar bilan cheklanib qolamiz, chunki zamonaviy davrda bunday tadqiqotlar deyarli amalga oshirilmayapti.*

Таянч сўзлар: *mantiqiy fikrlash, sotsiogenez, klip tafakkur*

Revolutionary changes in society, the increase in the volume and speed of information received by a person, the need for its rapid processing and transformation, require modern people to think accordingly, able to process large flows of information in the shortest possible time. Currently, there is a lot of talk and debate about the fact that the thinking of modern people has changed, but how it has changed, and whether it has changed at all, no one gives scientific data. The media is full of headlines about the so-called "clip thinking", about the problems and consequences that it can cause, about possible ways to combat it, risk groups and recommendations for overcoming it. However, no scientific data is provided in this regard. What is this, another invention of the public, or a scientific fact that needs to be investigated? To answer this question, it is necessary to solve a number of problems and answer several questions, such as, for example, whether thinking changes at all in its historical development, if so, according to what laws, and if not, the problem of clip thinking can be considered an invention. The very concept of Clip in English means "haircut"; speed (movement); clipping (from a newspaper); excerpt from a movie, cutting. The term "clip thinking" is more related to the latter meaning and refers to the principles of building music videos. More precisely, to those of their varieties, where the video series is a loosely connected set of images. By analogy, with clip thinking, the surrounding world turns into a mosaic of disparate, little-connected facts. A person gets used to the fact that they are constantly changing each other, as in a kaleidoscope, and constantly requires new ones. If you look from the side of information analysis, the owner of "clip thinking" operates only with fixed-length meanings and cannot work with semiotic structures of arbitrary complexity. Externally, this is manifested in the fact that a person can not focus on any information for a long time, and his ability to analyze is reduced. Against the background of sharp social changes (the Internet, the development of communication systems, the increase in the volume and speed of



presentation of information to be processed, high requirements for processing incoming information, its search, extraction), a unique opportunity to track what more affects the development of thinking-biological prerequisites (unfavorable – due to the development of medicine, the number of children with weakened or congenital diseases (including the Central nervous system) or social (requiring high requirements for cognitive processes, increased need to adapt to changing conditions) increases. There are different points of view on whether or not the logical thinking of people in sociogenesis changes.

According to Levi-Strauss, the laws of thought are historically unchanged. He came to this conclusion by studying the structure of the social consciousness of Indian tribes, their myths filled with images of gods, heroes, people, and natural phenomena, considering these myths as characteristic products of primitive spiritual culture. Levi-Strauss concluded that archaic thinking does not differ from modern thinking in its intellectual operations: the logic of mythical thinking is similar to the logic of modern thinking. The difference between primitive and modern thinking is not in logical procedures, but in the content of information that operates primitive and modern man.

Regardless of Levi-Strauss, the Nobel prize winner in physiology or medicine, D. Gaiduzek, came to similar conclusions. Based on the fact that the children of primitive tribes, getting into modern culture, easily learn the fruits of this culture, Gaiduzek came up with the idea that over the past hundred thousand years, the thinking abilities of man have not undergone significant changes.

However, there is another, opposite point of view, which says that thinking undergoes changes, both in ontogenetic development and in sociogenetic development. This view is held by most researchers of thinking. The reason for this was the research conducted by A. R. Luria and L. S. Vygotsky, which they conducted in the 30s of the XIX century in remote areas of Uzbekistan, with a predominant illiterate population. As a result of the research, it was convincingly shown that verbal and logical thinking is the most recent product of the development of human thinking. A. R. Luria showed that such mental operations as abstraction, generalization, classification are not invariant at all stages of socio-economic and cultural development. Such processes are themselves products of the cultural environment. The same point of view is shared by L. Levy-Bruhl, who introduced the term *pralogue thinking*, characteristic of representatives of pre-civilized societies of *prelogical thinking*, different from the thinking (logical) of modern people. Thus, there are two poles of ideas, on one of which are representatives of the idea of immutability of thinking in its historical development, and on the other are supporters of the idea of changeability of thinking in its historical development. Among the authors who hold the opinion about the variability of thinking in its historical development are such researchers as A. Delacroix, J. P. Vernan, E. Havelock, and others.

The classic book by A. Delacroix "Language and thinking" served as the theoretical basis for writing Meyerson's work "Psychological functions and creations" and was the subject of reflection for Vernan during research on the Genesis of ancient Greek thought. According to Shkuratov, a special interest in the Ancient period of historical psychology, as well as other Humanities, is determined not only by the fact that here lie the origins of European culture, but also by the fact that the developed civilization of Ancient Greece provides, perhaps, the only opportunity to trace the formation of logical thinking and scientific-rational consciousness in general in their historical sequence from primitive to mature forms. The logical systems of the East were too complex to spread among the majority of people of that time. The uniqueness of the ancient Greek experience lies not in the fact that the Hellenes invented methods of logically reasoned proof, but in the fact that they have these techniques have become relatively popular and widely available. Vernan writes: "The Greek mind was formed not so much in the course of people's handling of objects as in the relationships of people themselves. In other words, the Greek mind was directed to the education, improvement and education of people, and not to the transformation of nature. In all its advantages and disadvantages, it is a child of the Polis. The author notes a direct connection between politics and the emerging mind-logos. Politics in Ancient Greece became, according to Vernan, the main source of discursive thinking that was formed in the context of political debate and the need to speak convincingly and evidently.

The great Eastern civilisations of the undemocratic form of government did not need a standardized persuasion technique, which is what the rational thinking of the Greeks is basically all about. Historical psychologist Z. Barbu writes: "The Greeks were the first to build a type of civilization that made man capable of self-consciousness as an individual". The East is non-individualistic. The thinking of the sages, the first philosophers and scientists of Ancient Greece was figurative and logical, or, as V. A. Shkuratov says, symbolic. If we draw an analogy with the visual-imaginative thinking of modern preschoolers and schoolchildren and the imaginative-logical thinking of early

Greek geniuses, it would be wrong to say that the level of thinking of ancient Greek thinkers and scientists corresponds to the level of thinking of modern children. The ancient Greeks were able to express a deep and complex idea without the help of abstractions, playing with images and words of everyday language. The first popularizers of the logos were sophists, who mediated between civil life and high learning. Truth did not matter to them, but persuasiveness, which brought victory in political disputes, was important. They paved the way for formal logic, which was created in the IV century BC by Aristotle. Rationalism in Greece was born in the social conditions of the Polis and enough mass literacy. Therefore, only an educated person was able to master the formal operations of logical thinking. Even today's backward peoples, like children, move to the use of scientific concepts and syllogisms, not inventing them, but under the influence of school education, which gives the basic concepts and rules of Aristotelian syllogistics.

However, an experimental verification was carried out by S. Skribner and M. Cole of the conclusions of E. Havelock on the formation of the logical thinking of the ancient Greeks. The results obtained by the authors in West Africa in General did not confirm the decisive influence of writing on cognition and the fundamental difference between intellectual activity in pre-written and written cultures. Between pre-written myth and logic, according to Levi-Strauss, there are transitional stages at which imagery and generalization are mixed. "The logic of mythological thinking", he says, is as inexorable as positive logic, and, in fact, differs little from it. The difference here is not so much in the quality of logical operations as in the very nature of the phenomena subjected to logical analysis, the same logic works in myth as in scientific thinking, and man has always thought equally "well". Progress, if the term is still applicable, did not take place in thinking, but in the world in which humanity, always endowed with thinking abilities, lived, and in which it encountered new phenomena in the course of a long history. And his colleague L. Levi-Bruhl adds: "Myth connects images not on the basis of logic, but through emotional associations (so-called participations); it provides an explanation, while logic helps to survive in the world of real things". If we turn to the middle ages, we will see that the main feature of the culture of the late middle ages is an overly visual character. I. Huizinga calls thinking in such a culture atrophied. Think, in this case, exclusively in visual representations.

As we can see, Greece aspired to formal reasoning, to think logically for them, meant to think in an impersonal way, as E. Durkheim emphasized. In the middle ages, they began to move away from this tradition, and again began to return to the tradition of imaginative thinking. At present, with the increase in information flows in society and culture, there is an increasing need for logical thinking, thinking in concepts. In the age of informatization and computerization, concepts related to information processes and information technologies are becoming more and more abstract, without figurative support. Therefore, figurative components of thinking are now becoming important only for certain segments of the population, engineers, cultural figures and etc. Thus, in more than two thousand years of "traditional rationalism", Aristotelian logic has changed little. We still use its laws, rules, and operations. The new rationalism is widely introduced into our psyche through education and culture, honed by generations. Logical thinking of modern man consists in the ability to use the operations and laws of logic, in the ability to think consistently. This is a skill most people acquire in high school. Logical inference is made regardless of actual things and situations, only as the result of formal operations with abstractions. A school-trained person can solve a problem regardless of whether they have encountered what it says or not. He is different from the untrained, who relies on his worldly experience and prefers not to judge what he does not know. This is where the non-individuality or formality of thinking manifests itself. In operational thinking, there is a separation of form and content. Formal intelligence, says J. Piaget, acts as a machine for operations described in logic textbooks. It is likened to the thinking of myth discovered by Levi-Strauss. That is, thinking begins to "think" through, or with the help of a person.

However, given all the above, there are many unresolved issues in the problem of the historical development of human thinking, its dependence on cultural, social, biological and other factors. We have the right to agree with J. P. Vernan, considering the origin of logical thinking in Ancient Greece as the starting point, but we also can not deny the point of view of K. Levi-Strauss, who believes that logical thinking is invariable, and logic is always present everywhere, the difference is only in the material on which it is implemented, whether it is a myth or something else.



Literature:

1. Vernan J.P. The origin of ancient Greek thought. - Moscow: Progress, 1988.
2. Levi-Strauss C. Primitive thinking and note by A. B. Ostrovsky. - Moscow: Republic, 1994. - 384 p.
3. Luria A. R. On the historical development of cognitive processes // Psychological science and education. 1997. No. 4.
4. Shkuratov V. A. Historical psychology, Moscow: Smysl, 1997.



Ахмедов Амин Амуллаевич,

*Бухоро давлат университети Психология мутахассислиги 2-босқич
магистранти*

ЎЗБЕКИСТОНДА ОИЛА МОДЕЛИ ШАКЛЛАНИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада оилани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларни ҳар томонлама жамиятнинг асосий бўғини сифатида барқарорлигини таъминлаш ҳар бир мамлакатнинг доимий эътиборда бўладиган устувор йўналишлари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: оилага психологик хизмат кўрсатиши, муаммоли оила, оиладаги муносабат.

Аннотация: В статье обсуждаются приоритеты каждой страны, которые постоянно находятся в центре внимания, такие как государственная поддержка семьи, обеспечение их стабильности как ключевого звена во всех аспектах жизни общества.

Ключевые слова: психологическая служба семье, проблемная семья, семейные отношения.

Annotation: This article discusses the priorities of each country, which are constantly in focus, such as state support of the family, ensuring their stability as a key link in all aspects of society.

Key words: psychological service to the family, problematic family, family relationship

Халқ муайян оилалардан ташкил топар экан, унинг барқарорлиги, оилаларнинг тинч-тотувлиги мамлакатнинг ривожига ва истиқболлини белгиловчи асосий омил ҳисобланади. Ҳозирда Ўзбекистонда оилалар барқарорлигини таъминлаш, эр-хотин ўртасидаги ажрашишлар сонини камайтириш, оилани сақлаб қолиш имконини берадиган қўллаб-қувватлаш ташкилий-ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий чоралар белгиланган ва бу борадаги ҳуқуқий асослар яратилган.

Таассуфки, шунга қарамадан, эр-хотин ўртасидаги ажрашишлар сони уларнинг ўсиб бориш динамикасини кўрсатади. Бу ҳолат, айниқса, йирик шаҳарларда юқори экани кўзга ташланади. Кўп ҳолларда йўқчиликдан, тўқчиликдан ажрашишлар юз бермоқда. Ҳурмат, кечиримлилик ва тушунишни ўзаро йўқлиги; фарзанд тарбиясига, унинг камол топиши йўлида ота-оналарнинг тарбия бобида шахсий намунанинг кескин сусайиши ёки зиммадаги “никоҳ” деб аталмиш муқаддас, илоҳий ришта ва “оила” деб аталмиш кўрғоннинг юксак масъулиятини ҳис қилмаслик; ота-оналарнинг ёшларнинг оилавий шахсий ишларига ҳаддан зиёда аралашуви каби ҳолатлар кун мавзусини янада кескинлаштиряпти.

Шу боис эр-хотин ўртасидаги ажрашишлар сонини камайтириш, оилаларнинг бир бутунлиги ва барқарорлигини сақлаб қолиш борасидаги ташкилий-ҳуқуқий механизмларни кучайтириш, бу борада амалга оширилаётган ислохотларни кучайтириш замон талабидир.

Бугунги кунда оилаларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёш оилаларга қўмаклашиш давлат ва нодавлат йўли билан амалга оширилмоқда. Айрим давлат органлари оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларга давлат томонидан моддий ёрдам беришни таъминлаш билан шуғулланса (масалан, ижтимоий таъминот муассасалари), бошқалари эр-хотиннинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишга қўмаклашиш (ФХДЁ), бола ҳуқуқларини таъминлаш (васийлик ва ҳомийлик органлари, халқ таълими тузилмалари) фаолиятини амалга оширадilar. Оилаларни қўллаб-қувватлашда, оилавий низоларни ҳал этишга қўмаклашишда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг роли каттадир. Шунга қарамадан, ушбу тизим бугунги кунда тўлиқ ўзини оқлаяпти, деб бўлмади. Тан олиш



керак, давлат (унинг органлари тимсолида) ва оилаларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳам ҳозирда етарли даражада эмас.

Оилалар, эр-хотинлар ёки оиланинг бошқа аъзолари ўз муаммоларини яшириш, уларни ошкор қилмасликка ҳаракат қилишади ёхуд давлат органларига нисбатан ишонч йўқлиги сабабли уларга мурожаат қилишдан тийилишади. Бунинг натижасида кичик муаммоларнинг катталашиб кетишига, ва оқибатда, оилавий зиддиятлар ва низоларнинг вужудга келишига ҳамда яқунда – эр-хотин ажрашишига сабаб бўлади.

Тахлиллар ушбу муаммоларнинг ечимини топиш, уларни бартараф этиш борасида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чоралар, йўналишларни таклиф этиш мумкин, – деган хулосага олиб келди:

1. Оилалар барқарорлигини таъминлаш тизими бугунги кунда комплекс тус касб этишини ҳисобга олиб, бу борада фаолият юритадиган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқ. Бунинг учун эса маҳаллий давлат ҳокимликлари қошида оила масалалари билан шуғулланувчи бўлим ташкил этиш ва унинг фаолиятини суд, ички ишлар органлари, прокуратура, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, халқ таълими ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан бирга ишлаш ва мазкур тузилмаларнинг оилавий муносабатлар соҳасида олиб борадиган ишларини мувофиқлаштириш кўринишида ташкил этиш лозим. Оилавий низоларни ўз вақтида, учинчи шахсларга ошкор этмасдан, амалдаги қонунчилик нормаларига мувофиқ ҳал этишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари энг муҳим ва бирламчи тузилма ҳисобланади. Шу сабабли уларнинг қошидаги яраштирув комиссиялари раислари ва туман Хотин-қизлар кўмиталаридаги оила масалалари бўйича мутахассисдан иборат бўлган “Оилавий зиддиятларнинг олдини олиш ва яраштириш кенгашлари”ни тузиш ҳам ижобий самара бериши мумкин. Мазкур кенгаш доимий тус касб этадиган оилавий низоларни аниқлаш, уларни бартараф этиш ва ечишнинг йўллари ва мақбул чораларини ишлаб чиқиш, ёш оилалар учун тегишли маслаҳатлар ва ўта долзарб масалаларни ҳал этиш бўйича тавсиялар тайёрлаш вазифасини бажаради. Улар томонидан ишлаб чиқилган тавсияларни халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида тасдиқлаш орқали расмийлаштириш ва бу тавсияларни кенг халқ оmmasига етказиш фойдали бўлиши мумкин.

2. Ҳозирда оилаларнинг барқарорлигини таъминлашда ҳуқуқ-тартибот органларининг роли каттадир. Айниқса, оилаларнинг ҳолати ва уларнинг турмуш шароити билан яқиндан таниш бўлган профилактика инспектори ва улар ёрдамчиларининг фаолиятини янада жонлантириш лозим. Бунда инспекторларнинг оилалар учун ўрнатилган бўлиши, уларнинг обрў-эътибори нафақат жамоат тартибини сақлаш, балки оилавий зиддиятлар ва низоларни олдини олиш ҳамда ҳал этишда ҳам алоҳида ўрин тутади. Шу боис профилактика инспектори лавозимига муайян ҳаётий тажрибага эга бўлган ва одамлар билан ишлаш, энг муҳими, оилавий масалалар бўйича билим ва кўникмага эга бўлган ички ишлар ходими фаолият олиб бориши лозим. Фикримизча, профилактика инспектори лавозимига 35 ёшдан катта бўлган ва оилали ходимни тайинлаш лозим. Айни вақтда профилактика инспекторининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари қошидаги яраштирув комиссияси аъзоси сифатидаги вазифасини аниқ белгилаб қўйиш зарур.

3. Эр-хотин ўртасидаги ажрашишларга асосан турли келишмовчиликлар, эр-хотиннинг бир-бирини тушунмаслиги, ёки бошқа кўплаб ижтимоий-иқтисодий омиллар сабаб бўлади. Тан толиш керак, оилани сақлаб қолиш имкони бўлган ҳолларда ҳам қонунчиликнинг мукамал эмаслиги, носамарали услублар ҳам эр-хотиннинг ажрашишларига сабаб бўлади. Мамлакатимиз оила қонунчилиги (Оила кодекси – ОК) эр-хотин ва оила аъзолар ўртасидаги муайян турдаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни назарда тутди. Бироқ Оила кодекси Конституциянинг 63-моддасида белгиланганидек, “оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга” экани нуқтаи назаридан эмас, балки субъектлар нуқтаи назаридан ижтимоий муносабатларни тартибга солишга хизмат қилади. Тўғри, қонунчиликда никоҳ муносабатларини сақлаб қолиш, ажрашишларни камайтириш, имкон даражасида эр-хотинни яраштиришга қаратилган нормалар ҳам мавжуд. Бироқ ҳар қандай ҳолатда ҳам ОК оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатида сақлаш ва барқарорлигини таъминлашни назарда тутмайди. Шу сабабли мазкур вазифани бажариш, оилани жамиятнинг асосий бўғини сифатидаги юксак мақомини белгилаш, оилалар барқарорлигини таъминлашга оид ҳуқуқий чоралар ва механизмларни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Оилани қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Қонунини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Айтиш лозимки, АҚШда 1988 йилда “Оилани қўллаб-қувватлаш акти” қабул қилинган бўлиб, унда



болаларни қўллаб-қувватлаш, оилаларни иш билан таъминлаш ва уларни моддий қўллаб-қувватлаш, уларнинг муаммоларини ечишга қаратилган имтиёзли хизматлар келтирилган. Бир қатор давлатларда эса оилаларнинг моддий ҳолатидан келиб чиқиб, солиқ ва коммунал тўловлар (Япония, Корея) бўйича имтиёзлар назарда тутилган.

Таклиф этилаётган қонунни қабул қилиш фақат эзгуликка, келажакка – мамлакатимизда оилалар барқарорлигини таъминлаш, ажрашишлар сонини камайтириш ҳамда жамиятнинг асосий бўғини сифатида оилаларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш каби ижтимоий, ташкилий ва ҳуқуқий вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

4. Маҳаллалар миқёсида оилаларнинг жипслашуви, барқарорлигини таъминлашга қаратилган “Намунали оила” кўрик танловларини ўтказиш ва турли рағбатлантирувчи номинациялар ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Бунда “Энг намунали оила” 10 талиги, “Ахил оила” 10 талиги, “Китобсевар оила” 10 талиги, “Бахтли оила” 10 талиги, “Намунали ёш оила” 10 талиги, “Аждод ва авлодларнинг узвийлигини сақлаган оилалар” 10 талиги каби номинациялар асосида турли танловларни ташкил этиш ва шу йўл билан бутун маҳалладаги оилаларни қамраб олиш ва уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш лозим. Ушбу тизим токи энг сўнгги бекатгача – Андижоннинг Қорасувидан Сурхоннинг Бандихонигача, Бўстонликдан ўтиб – Манас – Мўйноққача, Чимбою Қўнғиротгача етиб борсин.

5. Бугунги кунда оилавий мажбуриятларни бажариш муаммоси оилавий муносабатлардаги энг асосий масалалардан бири саналади. Эр-хотиннинг оилавий мажбуриятларни бажармаслиги оқибатида ажрашишлар сони ортиб бормоқда. Бунда амалдаги ОКда оилавий мажбуриятларни бажармаганлик учун махсус жавобгарлик чораларининг белгиланмаганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Шу боис ОКда оилавий мажбуриятларни бажармаганлик ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтириши ҳақидаги норма киритилиши мақсадга мувофиқдир. Шу маънода Оила кодексининг 10-моддасини қуйидаги тахрирдаги учинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

Оилавий мажбуриятларни бажармаслик ёки бажаришдан бўйин товлаш ушбу Кодекс, бошқа қонун ҳужжатлари ва томонларнинг келишуви (шартнома)да белгиланган ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтиради.

Шундан келиб чиқиб, эҳтимол бу борада маъмурий жавобгарлик чораларини қўллашга доир ҳуқуқий нормаларни ҳам шакллантириш лозим, деган фикрдамиз.

6. Оилани мустаҳкамлаш учун “фотиҳа”, “унаштирув” институтини жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Чунки ушбу жараён никоҳ тузиш ҳақида қарор қабул қилишни атрофлича ўйлаб кўришга имкон беради, шунингдек фотиҳа қилинган шахслардан бири никоҳ тузишни рад қилган ҳолларда мулкӣ низоларнинг олдини олади. Мазкур институт Германия, Грузия, Украина, Исроил, Япония ва бошқа мамлакатларда мавжуд. Бунда фотиҳа қилинган шахслар сифатида никоҳ тузишга ариза берган шахслар тан олинади. Фотиҳа қилинганлик никоҳ тузиш мажбуриятини келтириб чиқармайди, бироқ кейинчалик никоҳ тузиш рад қилинган ҳолларда рад қилган тараф иккинчи томонга никоҳ тузиш ва тўйни ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаб беради. Никоҳ тузишни рад қилиш бевосита номуносиб хулқ-атворда бўлиш, муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (касаллик, фарзанд мавжудлиги, судланганлик ва ҳ.к.) яшириш билан боғлиқ бўлса, харажатлар қоплаб берилмайди.

7. Оилалар, айниқса, ёш оилалар барқарорлигини сақлашда учинчи шахсларнинг салбий маънода аралаштишлари путур етказмоқда. Гарчи Оила кодексда “оилавий муносабатларга аралаштишга йўл қўйилмаслиги” назарда тутилган бўлса-да (3-модда), ҳозирда ёш оилаларга қайноналар ва бошқа қариндошларнинг ўзбошимчалик билан аралашуви оқибатида ажрашишлар сони ортиб бормоқда. Ушбу масалаларнинг ечими сифатида ОКга оила тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва уларнинг қўлланилиши оилани ва унинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашни, оила аъзоларининг оилани сақлаш ва болалар тарбияси учун ўзаро жавобгарлигини, вояга етмаган болаларни турли салбий таъсирлардан ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилишига оид аниқ нормани назарда тутиш зарур.

8. Кўп ҳолларда ажрашишларга шахснинг оилавий муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқларини суиистеъмол қилишлари ҳам сабаб бўлади. Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни суиистеъмол қилинишига йўл қўйилмаслигига оид қоида эса амалдаги кодексда ўз ифодасини топмаган. Бунда эр-хотиннинг, шу жумладан бошқа оила аъзоларининг оила муносабатларидан келиб чиқадиган ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга оширишларида қонун ҳужжатларига риоя этишлари, биргаликда турмуш куриш қоидаларини, ахлоқ-одоб тамойилларини ҳурмат қилишлари, виждонан ва ҳалол



ҳаракат қилишларига оид нормани Оила кодексига киритиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган ҳуқуқларни суиистеъмол қилишга йўл қўйилмаслиги, суиистеъмоллик билан ҳаракат қилинган суд томонидан бундай ҳуқуқлар ҳимоя этилмаслигига оид қоида ҳам белгиланиши зарур.

9. Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонуни оилавий муносабатларга ҳам татбиқ этилиши мустаҳкамланган бўлса-да, Оила кодексига эр-хотин ўртасида юзага келган низони медиатор воситасида ҳал қилиш механизми мавжуд эмас. Эр-хотин судга никоҳдан ажратиш ҳақида даъво ариза билан мурожаат қилганда, суд агар томонларга ярашиш учун муҳлат берса, у ҳолда эр-хотинни медиаторга мажбурий юбориши зарур. Ушбу қоида Оила кодексига ўз ифодасини топиши зарур, чунки медиатор маҳалла ҳузуридаги яраштирув комиссиясидан фарқли равишда эр-хотин ўртасида юзага келган ҳолатга малакали ҳуқуқий баҳо беради ва улар ўртасидаги низони ҳал қилишга амалий ёрдам беради.

Глобализация, фан-техника ва технологиялар шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда қонуний никоҳ асосидаги оилани сақлаб қолиш ҳаммамизнинг ва ҳар биримизнинг вазифамиздир. Ҳа, бу оилаларда бўладигани каби меники ёки сеники сингари сансолар бўладиган шунчаки маиший масала эмас, бу том маънодаги жамият ва давлатнинг эртаси учун, авлодлар давомийлиги учун фавқулудда муҳим ҳодисадир. Оила фақат адабий жараёнда – адибларнинг ёзиқларида, мусаввирнинг полотносида, киноактёрларнинг экран ва сахнадаги ролларида эмас, балки амалда муқаддас ва дахлсиз бўлиши шарт. Ҳа, Ўзбекистонимиз учун оила муқаддас бўлиб қолаверади. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас.

Адабиётлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қондаси бўлиши керак Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2016 йил якунлари ва 2017 йил истикболларига бағишланган мажлисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг нутқи //Халқ сўзи газетаси 2017 йил 16 январ №11.
2. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 2016.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга курашамиз. Тошкент, "Ўзбекистон", 2017.



Баротова Дилафрўз Шарифовна,
Бухоро давлат университети, психология кафедраси
доценти

Аъзамова Маҳлиё Абдурахимовна,
Бухоро давлат университети Психология мутахассислиги
2-босқич магистранти



МАҲАЛЛАДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИНING ЭМПИРИК АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада маҳаллада психологик хизмат ташкил этилишининг эмпирик асослари, тартиби, тузилиши ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: психологик хизмат, муаммоли шахслар, шахслараро муносабат, амалиётчи психолог.

Аннотация: В данной статье мы поговорим об эмпирических основах, порядке, структуре организации психологической службы в микрорайоне.

Ключевые слова: психологическая служба, проблемная личность, межличностное отношение, практикующий психолог.

Annotation: In this article we will talk about the empirical basis, order, structure of the organization of psychological services in the neighborhood.

Key words: psychological service, problematic personality, interpersonal attitude,



practitioner psychologist.

Мавзунинг долзарблиги: Бугунги кунда психологик хизмат кўрсатиш амалиёти барча давлатларда турлича кўринишларда амалга оширилмоқда. Айнан маҳалла ҳаёти билан боғлиқ психологик тадбирларнинг олиб борилиши ушбу тизимда ўзига хос ижтимоий омилларнинг яққол намоён этилишини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, маҳалла тизими ва бу тизимга ҳукумат томонидан юксак эътиборнинг қаратилиши фақатгина бизнинг мамлакатимизда ва бизнинг минг йиллик кадриятларимизга хос ва мосдир. Айни пайтда, маҳаллалар қадим-қадимдан эзгулик бешиги, тарбия ўчоғи бўлган, миллий урф-одат анъаналар шаклланган маскан ҳисобланган. У одамлар ўртасида ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик қарор топишида муҳим аҳамият касб этиб келган. Қолаверса, бугунги кунда ҳам биздаги маҳаллалар мамлакатимизда давлат бошқарувининг бирламчи бўғини, асосий устуни сифатида эътироф этилмоқда.

Мамлакатимиз Президенти томонидан ёшларга алоҳида эътибор қаратилиши Ўзбекистондаги муайян ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Албатта, бугунги кунда ўсиб келаётган ҳар бир ёшнинг ўзига хос психологик имкониятларини тўғри талқин қилиш ва шу асосда уни ҳаётга, турли хил ижтимоий вазифаларни бажаришга йўналтириш барча соҳалар каби психологиянинг ҳам асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Чунки, қишлоқ ва шаҳарлардаги уюлмаган ёшлар контингенти жуда кўпчиликни ташкил этади. Қолаверса, ҳар бир ёш ўспириннинг ўзига хос табиати, маънавийти, қизиқишлари ва ўзига хос дунёқарашлари мавжудки, ушбу хусусиятлар асосида ўспиринлар ҳаётини ҳар жиҳатдан тўғри ва мазмунли тарзда шакллантириш мумкин бўлади. Албатта, ушбу ишни амалга ошириш учун эса шу ҳудудда истиқомат қилувчи маҳалла фаоллари, маҳалла профилактика нозирлари, таълим муассасаси раҳбарлари ҳамда барча ота-оналар биргаликда ҳаракат қилишлари зарур бўлади.

Бугунги кунда уюлмаган ёшлар гуруҳи ва унга ижобий таъсир этиш масаласи барча ижтимоий муассасалар олдида турган долзарб масала эканлиги тобора сезилмоқда. Зеро, ҳаётнинг ўзи мураккаблашиб бораётган бир вақтда ҳар бир шахсга, айниқса ёшларга таъсир этувчи кучлар ҳам тобора кучайиб бормоқда. Шунинг учун уюлмаган ёшлар гуруҳини ўрганиш ва унга психологик таъсир этиш механизмларини тадқиқ қилиш учун амалиётчи психологларга тегишли даражадаги билим ва кўникмалар шаклланган бўлиши шарт. Бу ҳақида амалиётчи психологлар қуйидаги илмий маълумотларни билиши ва тўғри талқин қилиши талаб этилади.

Маҳаллада психологик хизмат амалиётини ташкил этиш учун қуйидаги йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

1. Маҳаллада истиқомат қилувчи ҳар бир шахснинг ўзига хос психологик хусусиятларини ўрганиш асосида шахс харитасини тузиш.

2. Маҳаллада шахслараро муносабатлар тизимига баҳо бериш (маҳалла фаоллари ва маҳаллада яшовчилар ўртасида).

3. Маҳаллада муаммоли оилалар ва муаммоли шахсларни ўрганиш асосида ушбу муаммонинг психологик ечимларини излаш ва бартараф этиш.

4. Маҳалла, мактаб, оила ва профилактика нозирлари ҳамкорлигини самарали тарзда ташкил этишнинг психологик таъсир мезонларини ишлаб чиқиш ва уни амалиётда қўллаш.

5. Маҳаллада уч авлод учрашувини ташкил этиш асосида ёшларга психологик таъсир этиш доирасини кенгайтириш.

6. Маҳалладаги кадриятларни ўрганиш ва шу кадриятларнинг таъсирчанлигига таяниб шахслардаги у ёки бу муаммоларни бартараф этиш.

7. Маҳалладаги жиноятларнинг содир этилиши ва суицид ҳолатларига олиб келувчи омилларни муайян ижтимоий психологик тамойиллар асосида таҳлил қилиш. Ушбу ҳолатга мойиллиги бор ҳар бир шахс билан индивидуал шуғулланиш.

8. Маҳаллада ногиронлиги мавжуд шахсларга алоҳида психологик ёндашув йўллари кўрсатиш.

9. Маҳалладаги маънавий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан муаммоси бор шахслар билан тизимли ишларнинг ташкил қилинишига кўмаклашиш.

Демак, маҳаллаларда ташкил этилган психологик хизмат тизимининг муваффақияти амалиётчи психологларнинг проффесионал маҳоратига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.



Бинобарин, профессионал психолог ҳеч қачон у ёки бу ишни қилиш учун тўғридан-тўғри, аниқ маслаҳат, кўрсатмалар бермайди. У руҳий хасталиклар учун таблеткалар ёзиб берадиган доктор ҳам эмас, кишиларни барча бахтсизликлардан қутулишининг магия формуласини айтиб берадиган фолбин ҳам эмас. Унинг мақсади – шахсга ўзини англаши учун шароит яратиб беришдан иборат. У мижозга, ҳиссий стрессларни бартараф этишига, ўзининг ва яқинлари ҳатти-ҳаракатлари ва ҳулқининг яширин мотивларини тушунишга, энг муҳими – ўз муаммоларини, ўзи мустақил ҳал қила олиш қобилиятини тиклашга ёрдам беради. Шуниси аёнки, ҳар бир одам ўзининг шахсий ҳаётини, фақат ўзигина ўзгартира олиши мумкин. Чунки, бу муаммо уни ўзининг муаммоси, унинг ечими ҳам аввало унинг ўзига боғлиқ. Бироқ, шахс шу муаммосини англаб етмаслиги ёки умуман англамаслиги ҳам мумкин. Профессional психолог эса, ўзининг компетентлиги, энг муҳими мижоз билан ишлашда фойдаланадиган, тақлиф этилган каби психодиагностик воситалар ёрдамида респондентнинг ҳар бирига индивидуал ёндошиб, бошқачасига айтганда унинг қаршисига “кўзгу кўйиб”, ўз хато-



камчиликларини англашига ёрдам беради ҳолос.

“Содир бўлаётган оилавий зиддият ва фожиаларнинг олдини олишда маҳаллаларда психолог хизматининг ташкил этилиши самарали таъсир этади, деб ўйлайсизми?” – саволига олинган жавоблар ҳақида маълумот (n=246)

Жадвал № 1.

Худудлари	“Ҳа”	“Йўқ”	Жами n=
Бухоро шаҳри	43	5	48
Ғиждувон тумани	48	3	51
Вобкент тумани	70	5	75
Жами n=	161	13	174

Мазкур жавоблар изоҳи шуни тасдиқлайдики, демак, маҳалла тизими шахс руҳияти билан боғлиқ кенг кўламли муаммолар мажмуасини ўз ичига олганлиги боис бугунги кунда маҳаллада яшовчи аҳолининг турли гуруҳларига психологик хизмат кўрсатилиши шарт ва зарур экан юқоридаги назарий таҳлилларга асосланиб мазкур муаммо ечимлари бўйича кўйидагиларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Демак, юқоридаги ижтимоий-психологик талаблар асосида маҳаллаларда психологик



хизматнинг ташкил этилиши аҳолининг турли гуруҳларида психологик билимларни янада кўпроқ тарғиб қилинишида муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар:

1. Баротов Ш.Р. Социально-психологические и научно-практические основы создания психологической службы в Узбекистане. Автореф. Дисс. докт. психол. наук. Т., 1988. - 37 с.
2. Баротов Ш.Р. Таълимда психологик хизмат асослари. Монография. Тошкент, 1999. 96 б.
3. Баратова Д.Ш. Маҳаллада психологик хизмат назарияси ва амалиёти. //Монография. "Дурдона". – Бухоро. – 2020. – 210 б.
4. Майерс Д. Психология / Д. Майерс: пер. с англ. И.А. Карпиков, В.А. Старовойтова. – 2 -е изд. – Мн.: Попурри, 2006.- 488с.



Файзуллаев Алишер Асадович,

Бухоро давлат университети Психология мутахассислиги 2-босқич магистранти

СПОРТЧИЛАРНИНГ ИНДИВИДУАЛ ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада спортчиларнинг индивидуал психологик хусусиятларини ўрганишнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида сўз боради.

Калит сўзлар: индивидуал, спортчилардаги муаммолар, спортчиларга психологик хизмат кўрсатиш, спортчилар орасидаги ўзаро муносабат.

Аннотация: В статье рассматриваются конкретные аспекты изучения индивидуально-психологических особенностей спортсменов.

Ключевые слова: личность, проблемы у спортсменов, психологическое обслуживание спортсменов, взаимодействие между спортсменами.

Abstract: This article discusses specific aspects of the study of individual psychological characteristics of athletes.

Key words: individual, problems in athletes, psychological services to athletes, interactions between athletes.

Биз спортчиларнинг эришаётган ютуқларини ўрганиб, таҳлил этиш, маълум даражада уларнинг келажакда нималарга қодир ёки қодир эмаслиги ҳақида тасаввурга эга бўламиз. Аммо спортчи руҳий оламининг ақлий, ахлоқий, маънавий имкониятлари тўғрисида олдиндан бирор башорат қилиш қийин.

Америка Қўшма Штатларининг Айдахо университетида ўтказилган социологик сўроқларда иштирок этишган йигит - қизларнинг аксарияти спортчилар билан турмуш қурмасликларини билдиришди. Бунинг сабабларини ўрганишга бел боғлаган университет социологи доктор Кейлин Хейснинг фикрига қараганда сўровда иштирок этган қизларнинг 80 фоизи: «Спортчилар билан дўстлашиш мумкин, лекин турмуш қуриб бўлмайди, чунки улар хушчакчак, жисмонан бақувват бўлсаларда, кўпинча, кўполликлари ва ўзларини ҳаммадан юқори қўйишлари билан ажралиб туришади» - деган фикрни билдирадilar. Спортчиларда иродалик, ғалабага интилувчанлик, эпчиллик, ўзини тута билишлик, чидамлик каби сифатларнинг шаклланишида спорт машғулотларининг аҳамияти катта. Шу маънода спортчига хос характер, хислатлар спорт фаолиятида аста – секин вужудга кела бориб, кейинчалик бу хислатлар унинг доимий характерига айланади. Масалан, иродавий сифатлари яхши такомиллашган спортчилар мусобақаларда юқори натижаларга эришади.

Бу спортчининг ҳам иродали, ҳам жисмонан мустаҳкам характерга эга эканлигидан далолат беради. Аммо унинг барқарор характер хислатлари, ижобий ахлоқий ва иродавий сифатлари спорт машғулоти ва мусобақаларда, таълим ва тарбия жараёнида меҳнатда шаклланиб боради. Ушбу жараённинг узлуксиз давом этиши қувончли натижаларга олиб келади. Аксинча, спортчининг дарсда интизомсизлиги, билим олишда лаёқатсизлиги,



ўқувчиқиш ва меҳнатдан бўйин товлаши, кўполлиги ёки алдамчилик каби салбий сифатлари унинг ҳам катта спортда, ҳам ҳаётда тўсиқларга бардош бера олмасликка, рухий тушкунликка олиб келади. Ибн Сино таъбирича, кишидаги энг яхши сифатлари, аввало, чидамлилиқ, донишмандлик ва мардликда кўринади. Мана шу ижобий хислатлар биргаликда унинг характерида адолат ва мўътадилликни юзага келтиради. Агар кишида мана шу сифатлар бўлса, ҳеч қачон ёмон йўлларга кирмасдан ўзини яхши ишларга бағишлайди. Бинобарин, ҳаётнинг ҳар бир даври ўзининг гўзаллигига эга. Шу маънода спортчи талабалиқ йилларида пухта билим олиши умуминсоний хислатларини ўзида шакллантириши, ижтимоий ҳаётда фаол бўлиши ҳамда қийинчиликлардан қўрқмайдиған шахс бўлиб етишиши учун ўз характерини тоблаб бориш лозим. Бунинг учун ўзида кўйидаги характер хислатларини шакллантиришга эришмоғи шарт: Ҳаётнинг ҳамма соҳаларида сермахсул рухий фаоллик ҳолатини вужудга келтиришга одатланиши. Яхши хулқ ижодий билим, спортчилар учун зарур хисларни эгаллаш.

Ҳаётда муаммоли масалаларни кўйиш билан бирга, ўз мақсадига эришишда виждонли, аниқ ва тўғри йўлни танлай билиши, баъзи бир талабалар ўзининг характерига мос спорт турини танлашда хатоликка йўл кўяди. Масалан, талабаларда инсонпарварлик ҳис туйғулари яхши ривожланган булса, спортнинг тажовузкор ҳаракат қиладиған тури билан шуғулланмаслиги мақсадга мувофиқ. Лекин спортнинг айрим турлари учун тажовузкорлик жуда зарур, бусиз спортда ғалабага эришиш жуда қийин кечади. Баъзи бир спортчилар юқори жисмоний тайёргарликка эга бўлсада, спорт мусобоқаларида тажовузкор ҳаракатлар кўрсата олмайди. Лекин шу командадаги дўсти ўртача жисмоний тайёргарлиги билан мусобоқада тажовузкор ҳаракатлар ёрдамида жуда яхши натижаларга эриша олади. Шунингдек, баъзи спортчилар ўқиш ва машқлар жараёнида катталар ва мураббийлар томонидан тегишли тарбия олмагани сабабли улардаги виждонсизлик ва беодоблик хислатлари тез шаклланади. Ёки спортчи ёшининг ўтиши ва спортга кетма-кет маглубиятга учрайвериши натижасида охири спорт билан тамоман хайрлашади. Бироқ шундан кейин ҳам ўзининг тажовузкорлик ҳаракатларини тўхтата олмаганидан рухий қийинчиликларга кўп учрайди. У ўзининг хулқ-атворини ўзгартира олмаганидан, бошқа одамлардек, осойишта ҳаёт кечири олмай, жуда қийналади. Шунинг учун мураббий спортчиларни тажовузкор ҳаракатларини фақат рақибга ё қарши спорт мусобоқа қоидаси асосида қўллашга одатлантириши лозим. Француз файласуфи К.А. Гельвеций ақл, улугъ истеъдод зўр талант, яхши фазилат, яхши хислат фақат тарбия натижаси деб қараган. Бунинг учун таълим – тарбия ва спорт муассасаси раҳбарлари ҳамда мураббийлар спортчи талабалар яшаётган ижтимоий муҳитни ва спорт машғулоти жараёнини янада гўзалроқ қилиши, спортчиларни, инсонларни эҳтиёт қилиш ва севишга одатлантириш, уларда ақлий ва маънавий ҳис-туйғуларини янада ўстириши, кенг қамровли дунёқарашни таркиб топтириши, инсондаги гўзалликни ҳис қилиш каби хислатларга одатлантириши лозим.

Спортчи характерининг ривожланиши унинг фаол спорт фаолияти жараёнида ҳамда спортчининг жисмоний машқ ҳаракатларига боглиқ равишда содир бўлади. Спорт фаолияти жараёнида спортчиларга хос бўлган характер хислатлари ниҳоятда хилма – хил бўлади ва ҳар бир характер хислати спортчи психикасининг ҳамма томонлари билан боглиқ бўлади. У спортчининг барча қилиқларида, феъл – атворида такрорланиб туради. Шу билан бирга, характернинг айрим хислатлари спортчи психикасининг бирор соҳасида, айниқса, равшан намоён бўлади. Масалан, спортчининг ўзига бўлган талабчанлиги, танкидий қараши, фаҳми, фаросати, кузатувчанлиги, хушёрлиги сингари характер хислатлари спортчининг ақлий ва спорт фаолиятида яққол сезилиб туради. Спортчидаги қувноқлик, меҳрибонлик, спортдаги ҳар қандай адолатсизлик ва ноҳақликларга нисбатан сезгирлик сингари сифатлари купроқ спортчининг ҳиссиётларида ўз аксини топади. Баъзи бир спортчилар характернинг салбий хусусиятларидан бири-идорасининг бўшлиги ёки характерининг заифлиги туфайли арзимаидиған тўсиқ ва камчиликларни ҳам енга олмайди. Бундай спортчилар кўрқок, журъатсиз бўлиб, озгина қийинчилик ёки муваффақиятсизликка дуч келсалар, ўзларининг қилаётган машқларини маълум бир муддатгача тўхтатиб кўядилар, ўз қарорларини ўзгартиради, кўзлаган мақсадларидан воз кечиш учун ҳам тайёр бўлади. Улар спорт фаолиятини талаб қилган даражада сабот, сабр – тоқат, матонат ва чидам кўрсата олмайдилар. Бундай спортчилар юраксиз, дангаса, «кўнгили бўш» бўлади, уларнинг ҳатти-ҳаракатларини, одатда ўзларидан кўра кўпроқ шароит идора қилади. Бундай характерли спортчилар умидсизликка мойил бўлиб, спорт турларини тез – тез ўзгартириб турадилар, лекин бирорта спорт туридан яхши кўрсаткичларга эриша олмайди, чунки иродасизлик ва қатъиятсизлик



қиладилар. Улар ҳамма вақт, ҳамма ерда ҳам спортчиларда фақат салбий, ёмон томоннигина кўрадилар. Улар ўзларидан барча шахсий камчиликларга мураббийлар айбдор деб ҳисоблайдилар. Бундай характерли спортчилар бепарво, кўнгилчанликка мойил бўлади. Мураббийлар бундай характер хислатларига эга бўлган спортчилар билан алоҳида тарбиявий ишлар олиб бориши ва спортчининг ҳатти-ҳаракатларидаги ярамас қилиқларни йўқотиш, аксинча уларда ижобий, фойдали одатларни мустақамлашга ёрдам берадиган воситаларни излаб топишлари лозим. Спортчи характери туғма, доимий ва ўзгармайдиган нарса эмас. Ҳар бир спортчининг характери ижтимоий муҳит, спорт фаолияти ва мусобоқалар таъсири билан таълим ва тарбия жараёнида ёки ўзини – ўзи тарбиялаш воситасида тараққий қилиб, ўзгариб боради. Шу сабабли ҳар бир спортчи маълум ёшдан бошлаб, ўз характери ва унинг айрим сифатлари учун ўзи жавобгардир. Спортчи ўз характерини тарбиялашда яхши фазилатлар ва олға етакловчи барҳаёт ғояларни ўзида мужассамлаб бормоғи лозим. Шу билан бир вақтда спортчи ўз характерига салбий жиҳатларни ўзи тан олиши, камчиликларига ўзи иқдор бўлиши зарур. Бу спортчининг ўз-ўзини тарбиялаш йўлига бошлайди. Ўз камчиликларини кўра билмаган спортчи ғалаба қилишга, ўсишга, камолотга эришишга ва яхши спортчи бўлиб етишишга лаёқатсиз бўлади. Спортчининг шахс сифатида ривожланиши мураккаб ва узок давом этадиган жараёндир. Чунки бир авлод спортчилар томонидан эгалланган хусусиятлар иккинчи авлод спортчиларига ўтади ва улар томонидан ўзлаштирилади. Шунинг учун ҳар куни тарбиявий фаолият келажакни назарда тутган ҳолда олиб борилиши керак.

Спортчи ўз-ўзини тарбиялаш жараёнида ўз-ўзини назорат қилиши, баҳо бериши алоҳида аҳамиятга эга. Ўз-ўзига баҳо бериш жараёни спортчининг ўз имкониятларини ҳисобга олган ҳолда у ёки бу мақсадни қўйиш билан боғлиқ. Ўз-ўзига тўғри баҳо бериш спортчига маънавий қониқиш ҳиссини беради ва кадр-қимматига ишониш, ўз кадр қимматини ардоқлашга ёрдам беради. Мураббий спортчига тарбиявий таъсир кўрсатиш жараёнидан унинг эмоция ва ҳиссиётларини ҳисобга олиши керак. Чунки, уларнинг ўзгариш сабаблари ташқи таъсирлар билан бир қаторда спортчининг ўзига ҳам боғлиқдир. Аффектив реакцияларнинг пайдо бўлиш қонуниятларини англаш ва уларни тўғри ҳал этиш услубларини билиш спортчи ҳулқ - атворининг ахлокийлигини таъминлабгина қолмай, унга турли ва жанжалли вазиятлардан чиқишга ёрдам беради ва шу билан бир қаторда, ўз руҳий соғлигини сақлаб қолишга имкон беради. Спортчиларнинг гуруҳ ва жамоада, ўзлари яшаб турган жамиятда қабул қилинган ахлокий талабларни адо этишлари, бошланғич маънавий ҳислар асосида мураккаб, сермазмун ва ва кучли ҳислар, ўртоклик ва дўстли ҳислари, муҳаббат, рашк, ёқтирмаслик, нафрат ҳислари, инсонпарварлик ҳислари, ватанпарварлик ҳислари, ишчанлик муносабатларига, ҳуқуқ ва бурчлар тенглигига бўйсунушга асосланишлари лозим. Шунингдек, спортчилар ўз ишларини бажараётганда бирор ғаразли, худбин мақсадларини кўзламаслиги, жамият фойдасига бўладиган ишларни бажараётганларида бирор ғаразли мақсадларини кузламасликлари, жамият фойдасига бўладиган ишларни бажараётганларида юксак маънавий ҳисларга тўлиб – тошиб, буни ўзлари учун бахт деб билиши керак. Спортчининг маънавий бурч ҳисси спорт машғулоти ва ўқиш жараёнида янада кўпроқ, хилма – хил ҳолатда намоён бўлади. Шу нарса яхши маълумки, спортчиларни ўқувчиқитиш ва тарбиялаш жараёнида мураббий ва уқитувчилар ҳамиша ташвиш, хурсандлик ва мамнуният ҳис қиладилар. Бундан ташқари, катта маънавий масъулият уларнинг зиммасида бўлади. Университетда таълим олаётган талаба ва спортчилар томонидан бажарилган ва бажарилаётган маънавий бурчни англашнинг ўзи уларда тетиклик, хурсандлик, ўз кучларига ишонч ва юксак кўтаринкилик ҳиссини туғдиради. Талаба ва спортчилардаги юксак кўтаринкилик ҳиссини туғдиради. Талаба ва спортчилардаги юксак кўтаринкилик ҳисси гўзал келажак учун хурсандлик ҳиссидир. Маънавий ҳис мустақил жамият кураётган, дунёда тинчликни сақлашда юксак вазифани бажараётган Ўзбекистон фуқароларининг, спортчиларнинг шон – шараф ҳиссидир. Спортчилар кечирадиган маънавий ҳислар нуқул алоҳида шахсий туйғулар, яъни спортчининг шахсий ҳатти – ҳаракатига боғлиқ бўлган ҳислар билангина чекланиб қолмайди.

Адабиётлар.

1. Masharipov Y. Sport psixologiyasi. Leksiyalar to'plami. – Samarqand: SamDU, 2003, -128 bet
2. Ismoilov R., Sholomiskiy Yu. O.,zbekistonda fizkultura tarixi. –T.: O.,qituvchi, 1969, 6-12-betlar..
3. Rahimov S.R., Xalilov M.X. Umumiy psixologiya. I qism. – Samarqand: SamDU, 1978; II qism, 1979.



Нематов Жамол Жамшид ўгли,
Бухоро давлат университети Психология мутахассислиги 2-босқич
магистранти

КЎРИШИДА МУАММОСИ БЎЛГАН БОЛАЛАР РУҲИЯТИНИ ЎРГАНИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада кўришида нуқсонли мавжуд шахсларни ижтимоий ҳаётга мослаштиришнинг ижтимоий психологик муаммолар, уларда кечадиган турли хил психологик ва физиологик ҳолатлар ҳақида ёритилган.

Аннотация: В статье рассматриваются социально-психологические проблемы адаптации слабовидящих людей к общественной жизни, различные психологические и физиологические состояния, которые у них возникают.

Abstract: The article examines the socio-psychological problems of adaptation of visually impaired people to social life, various psychological and physiological conditions that arise in them.

Таянч сўзлар: ёрдамга муҳтожлик, жисмоний камчилик, қизиқувчанлик, оламни билишга интилиш, кўзи ожизлик, идрок фаолияти, компенсация жараёни.

Ключевые слова: потребность в помощи, инвалидность, любопытство, желание познать мир, слепота, познавательная активность, компенсаторный процесс.

Key words: need for help, disability, curiosity, desire to know the world, blindness, cognitive activity, compensatory process.

Мавзунинг долзарблиги: Кўзи ожиз болалар руҳияти муаммоларини ўрганиш XX аср бошларидан бошланди. Кўпчилик психолог, тифлопсихологларнинг хулосаларига қараганда кўзи ожизларда руҳий камчиликлар соғлом одамларга қараганда кўпроқ учрайди. Кичик ёшли болаларда руҳий камчиликлар, касалликлар деярли сезилмайди. Чунки бу инжиқликлар, тўхтовсиз йиғлаш, қўлларни, бошни силкитиш, тепинишни кўпинча оддий эркалик, инжиқликка ёйишади. Вақт ўтиши билан касалликнинг турли кўринишлари аниқроқ намоён бўла бошлайди: Бола мактабга борганида машгулотларда бепарво, диққати ўта тарқоқ ўз қобиғига ўралиб олиш, нутқнинг етарли ривожланмаганлиги кузатилади. Кўзи ожиз бола фаолиятида ички сезгиларнинг, тери сезгиларининг аҳамияти бекиёс. Шунинг учун ҳам мия фаолиятининг бузилиши, руҳий камчиликлар кўзи ожиз бола фаолиятига салбий таъсир кўрсатади.

Кўзи ожизликка ва кўзи ожиз одамларга нисбатан қадим даврларда одамлар ўзига хос кўрқув ва ҳурмат билан қарашган. Ёрдамга муҳтожлик, ҳимоясизлик билан бир қаторда кўзи ожиз одамда қалбнинг, руҳнинг олий даражада ривожланганлигига, жисмоний камчилик ўрнини оламни билишга интилиш, қизиқувчанлик, онгнинг фаоллиги тўлдиришига ишонишган. Бу албатта бежиз эмас, чунки қадим халқларнинг миллий анъаналарини куйловчи, мадҳ этувчи эртақчи, қўшиқчиларнинг кўпчилиги дунёни кўриш бахтидан маҳрум бўлган кишилар эдилар. Немис халқ маталида шундай дейилади, «Кўр ҳамма нарсани кўришни истайди», ёки Соломон кўр одамда доноликни топди, чунки у босаётган ерини текшириб кўрмай, қадам ташламайди. Фақатгина XVIII асрга келиб кўзи ожизликни тўғри тушуниш даври бошланди. Кўплаб олимлар бу муаммо ҳақида ўз фикрларини айтдилар. (Люзарди, Э. Плюгер, Э. Мейман, В. Вундт ва б). Албатта бу фикрлар турли-туман бир-бирига қарама-қарши фикрлар бўлсада, кўзи ожизликни ўрганувчи фаннинг ўзига хос олға қадам ташлашига хизмат қилди. Бу назариялардан шундай хулосага келиндикки, кўзи ожизлик бир томондан инсонни чегаралаб турсада, бошқа томондан уни жамиятда фаол бўлишга, ижодий сафарбарликка, меҳнатга чорловчи куч бўлиб хизмат қилади. Чунки Брайлнинг ёзув системаси асосида дунёдаги минглаб кўриш бўйича ногиронлар дунёвий ва диний маълумот олмақдалар. Кўзи ожизларнинг маълумот олишининг асосчиси В. Гаюлга қўйилган ёдгорликда шундай сўзлар ёзилган: «Сен ёруғликни таълим ва меҳнатдан топасан». Ҳозирги кунда, кўзи ожиз боланинг таълим-тарбия жараёни тўғри олиб борилмаса бу унинг руҳий ривожланишидаги сунъий камчиликларни келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин ва боланинг мия фаолиятида



камчиликларни юзага келтиради. Кўзи ожиз бола билан узлуксиз равишда шуғулланиш натижасида кўникма, малакаларни тўғри шакллантириш, рухий жараёнлар сифатида такомиллаштириш таълим-тарбия жараёнида амалга оширилади ва ўз самарали натижаларини беради. Яққол образли тафаккурнинг юзага келиш жараёни савияси орта боради.

Боланинг ёши улғайиб ҳаётий тажрибалари ошган сайин идрок фаолиятида абстракт тушунчалар ҳосил бўлиш жараёни мураккабланиш боради. Кўзи ожиз боланинг тафаккур қилиш жараёни янги-янги операцияларни юзага келишини талаб қилади. Тафаккур жараёнларининг барчаси боланинг фикрлаш фаолиятида иштирок этади. Бола фақатгина муаммони кўйиш билан чекланмасдан, уни ечиш йўллари кидиради, аниқлайди, назорат қилади, ўз-ўзига баҳо беришга ўрганади. Атроф-муҳитдаги нарсалар, воқеа-ҳодисалар ҳақида кўзи ожиз бола тасаввурга эга бўлиши, фикр-мулоҳаза юритиши учун кўпроқ тактил сезгиларига суянади. Болада тўғри фикрлаш малакасини шакллантириш учун уни етарли билимлар билан қуроллантириш зарур. Аввало кўзи ожиз болани атроф-муҳитда тўғри ҳаракатлана билишга, тўғри йўналиш олишга, воқеа-ҳодисаларни юзага келиш сабабларини тўғри таҳлил-тасниф қила билишга ўргатиш лозим. Ўз фикрини раво ифода қилишга ўрганиш кўзи ожиз боланинг жамиятда ўз ўрнини топишида муҳим омиллардан бўлиб хизмат қилади.

Биз кўзи тўлиқ онгсиз ва заиф кўрувчи ўсмирлар руҳияти ҳақидаги илмий манбаларга мурожаат қилганимизда кўпинча коррекция компенсация каби ибораларни учратдик. Тифлопсихолог олим А.Г. Литвакнинг ёзишича «Нормал ривожланишга таъсир этувчи ҳар қандай жисмоний ёки рухий камчилик организмда биологик – компенсацияловчи функцияларнинг автоматик равишда ишлаб кетишига сабаб бўлади. Шу маънода компенсацияни организмнинг универсал қобиляти, тўғрироғи, ўзгарган ёки йўқолган маълум функциялар кенглигини у ёки бу ҳажмда тўлдириш деб тушуниш мумкин» деб таъкидлайди.

Компенсация жараёни ўсмирлар жисмидаги нуқсоннинг жиддийлик даражасига боғлиқ равишда юз беради, яъни нуқсон қай даражада жиддий бўлса, организм аъзолари тизимининг шу даражада катта бўлагини тўлдириш жараёнида иштирок этади. Компенсация механизмларни шакллантирувчи омилларга диққат қиладиган бўлсак, улар олий нерв фаолияти қонунлари ва қўзғалиш ҳамда тўхталиш жараёнларининг ўзига хос кечимидир. Масалан, кўриш фаолияти ишида тўхталиш юз бериб, кўз кўриш қобилятини йўқотди. Бу ҳодиса туғма ёки ҳаётда орттирилган бўлишидан қатъий назар, ўсмирда бир хил рухий силкинишлар, оғир дард билан олишув ва ниҳоят кўникиш билан боғлиқ мураккаб ҳолатлар юзага келади. Дарҳақиқат, кўзи ожиз инсон ташқи дунё билан алоқа ўрнатишга ўзини руҳан тайёрлар экан, бу ҳол ўзига нақадар зарурлигини тўла ҳис қилади ва натижада мавжуд имкониятларни ишга солишга муваффақ бўлади.

Хулоса. Махсус эҳтиёжнинг даражаси ва инсон ривожланишига берадиган таъсири турличадир. Масалан, кўзи ожиз болаларда атроф-муҳитни англаш ва идрок этиш имконияти, қар болаларнинг қабул қилиш ва ўзлаштириш имкониятидан фарқ қилгани каби уларнинг психологиясини ўрганувчи фанларнинг предметида ҳам фарқли ҳолатлар мавжуд. Чунки камчилик киши физиологиясида қайсидир бир орган фаолиятининг тўлақонли эмаслигини англатган ҳолда уни ўрнини босиш воситасини танлаш ва таъсир этишни белгилаб беради.

Махсус эҳтиёжли болаларда ҳам соғлом болалардаги каби психик жараёнлар ўз майдонида ҳаракатланади, яъни эволюцион тарзда ривожланади. Бироқ, ривожланишдаги ақлий ёки жисмоний камчиликлар ўз ортидан психик жараёнларга бевосита таъсирини беради. Имконияти чекланган болалар соғлом тенгдошларига қараганда психик ривожланишда бир мунча ортда қоладилар. Шу оралик тафовутни барҳам бериши ёки қисқаришида махсус психологик ёндашув жуда муҳим воситадир. Бунда кўзи ожиз ўсмирлар яшаётган шарт-шароитларни ҳам ўрганиб чиқиш, келажакда баркамол инсон бўлишларига замин яратиш катта аҳамият касб этади. зеро, кўриш нуқсонига эга бўлган ўсмирларга тўғри таълим-тарбия беришда улар руҳияти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш катта самара бериши мумкин. Махсус таълим муассасаларида таълим жараёнини самарали ташкил этишда ҳар бир ўқувчининг имкониятлари инобатга олинган ҳолда ёндашилса ва ўқувчининг рухий олами билан ўртоқлашган ҳолда мўътадил дўстона муҳит яратилса, ҳар қандай камчилик “нуқсон” деб эмас, балки “имконият” деб қабул қилинишига эришилади.

Адабиётлар:

1. Адизова Т.. Психологик коррекцион ишлар. –Т.2000-1266.
2. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб -ўқитувчиси психологияси. –Т, 1998.-321б.
3. Шербак А.И. Ёш психологияси ва педагогика психологиядан практикum. –Тошкент, 1991.-213б.
4. Мамажонов Б.. Тарбия сабоқлари. –Тошкент, 2003, 125б.
5. Бессонова Т.П., Ворошилова Е.Л. Мы вместе: странички для занятий с детьми // Воспитание и обучение детей с нарушениями развития. – 2007. - №1.
6. Литвак А.Г. Психология слепых и слабовидящих. – СПб.: «КАРО», 2006. – с. 275-284.



Зикиряева Манзура Мавлоновна,
Бухоро давлат университети Психология мутахассислиги 2-босқич
магистранти

**ЎСМИРЛАР ХУЛҚ-АТВОРИДА ИЖТИМОЙ ҚАДРИЯТЛАР
ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ МЕТОДОЛОГИК
АСОСЛАРИ**

Аннотация: Ушбу мақолада ўсмирлар хулқ-атворида ижтимоий қадриятлар шаклланишига таъсир этувчи омилларни методологик асослари ҳақида сўз боради.

Калим сўзлар: ўсмир, хулқ-атвор, ўсмирлар орасидаги муаммолар, ўсмирлар орасидаги ўзаро муносабат.

Аннотация: В статье рассматриваются методологические основы факторов, влияющих на формирование социальных ценностей в поведении подростков.

Ключевые слова: подростковый возраст, поведение, проблемы между подростками, взаимодействия между подростками.

Abstract: This article discusses the methodological basis of the factors influencing the formation of social values in the behavior of adolescents.

Key words: adolescence, behavior, problems between adolescents, interactions between adolescents.

Маданий-маънавий меросимиз, асрий анъаналар-ўтмишдан, авлод-аждодларимиздан бизларга етиб келган, бугунги ҳаётимиз учун хизмат қилаётган энг катта маънавий бойлик, буюк хазинадир. “Бу Хазина инсонга ҳаётда бақарорлик бағишлайди, унинг қарашлари шунчаки бойлик орттириш йўлида кун кўришга йўл қўймайди, фожиалар вақтида омон сақлаб қолади ва моддий қийинчилик кунларида иродани мустаҳкамлайди”.

Шарқ мутафаккирларининг кичик ёшдаги ўспиринлар хулқ-атворида таъсир этувчи миллий анъана ва тарбия воситалари хусусидаги қарашлари.

Шахс у ёки бу хилдаги ҳаёт тарзини танлаш имконига эга бўлган онгли ва фаол инсондир. Ижтимоий психологияда шахнинг шахсий ва психологик сифатларини ўрганишга катта эътибор берилди, чунки бундай маълумотларни билиш ва шахслараро муносабатларда ҳисобга олиш жуда муҳимдир. Инсон шахси жамиятнинг аъзосида сифатида турли хил ўзаро муносабатлар доирасида фаолият юритади. Шахнинг шаклланиш жараёнига шахслараро муносабатлардан ташқари жамиятдаги мавжуд сиёсий доиралар ва мафкуравий қарашлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Масалан, мафкуравий қарашлар жамиятдаги маълум бир ғоялар тизими сифатида шахсга таъсир кўрсатиб унинг психологияси, дунёқараши, шахсий ва ижтимоий установақларининг ривожланишига ўз ҳассасини қўшади.

Ўсмирлар психологиясининг шаклланишига у мансуб бўлган маълум бир ижтимоий гуруҳларнинг муносабатлари ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Бундай ўзаро таъсир ва мулоқот жараёнида шахсларнинг бир-бирига таъсири содир бўлиши билан биргаликда, жамиятга,



меҳнатга, одамларга ўзининг шахсий сифатларига нисбатан ўз қарашларига ижтимоий установакаларига таъсир кўрсатиши содир бўлади. Маълум бир ижтимоий муҳитда яшар экан, шахс у ерда ўзига хос ўринга, обрўга, ролга эга бўлади.

Шахс ижтимоий муносабатларнинг объектигина эмас, балки унинг субъекти ва фаол иштирокчиси ҳамдир. Шахс – бу конкрет инсон, маълум бир давлатнинг, жамиятнинг, гуруҳнинг (бу гуруҳ ижтимоий, этник, диний, сиёсий, ёшга оид ва ҳ.к. бўлиши мумкин) вакили, ўз атрофидагилар билан онгли муносабат ўрната оладиган, онгли равишда фаолият юрита оладиган, барча муносабатларда ўзига хос инсоний қиёфани намоён қила оладиган, шунингдек, ўзига хос индивидуал ва ижтимоий хусусиятларга эга бўлган кишидир.

Ижтимоий психологияда ўсмирлар хулқ-атворини ўрганишнинг ўзига хослигини тушунтириш ва кўрсатиш мақсадида бу соҳада иш олиб бораётган барча олимлар ўз қарашларини ўзига хос тарзда ифодалай олган. Шулардан бири **Д.Майерс** ижтимоий психологияда шахснинг ўрганишнинг ўзига хослигини таҳлил қилиш учун барчага маълум бўлган **“Золушка”** эртагидан фойдаланади.

Бу эртақ шахс ва унинг атрофидаги муҳит муносабатларини тушуниб олиш учун жуда содда мисолдир. Золушка шахзода ҳузурдаги балда гўзал, хушчақчақ, жозибали кўринган бўлса, ўгай она ҳузурда бутунлай бошқача кўринади ва ўзини бошқача тутди. Балда ўзига нисбатан ижобий муносабатлар доирасида ўзини гўзал ва ажойиб қиз эканлигига ишониб алоқага киришган бўлса, ўгай онанинг уйида унга нисбатан салбий муносабатлар таъсирида ўзига нисбатан паст баҳо бериши натижасида ўзини тортинчоқ, камгап тутди.

Француз философи Жан-Пол Сартрнинг таъкидлашича, Золушка билан содир бўлган воқеада ҳеч қандай ҳайратланарли нарса йўқ, унинг фикрича, биз одамлар **“Ҳамиша вазиятларга боғлиқмиз. Бизни вазиятлардан ажратиб бўлмайди, вазиятлар шахс сифатида бизни ва бизнинг имкониятларимизни шакллантиради”**.

Ижтимоий психология шахсга турли хил вазиятларнинг таъсирини ўрганиб, кишилар бир-бирларига қандай таъсир кўрсатишини ва улар бир-бирини қандай идрок этишларини ўрганадиган фан сифатида қизиқарлидир. Шунингдек, унинг тадқиқот доирасига барчани бирдек қизиқтирадиган куйидаги саволлар ҳам қиради:

- Кишилар бир-бирлари ҳақида нималарни ўйлайдилар? Бизнинг ўзимиз ҳақимиздаги тасаввуримиз қанчалик тўғри? Атрофдагиларимиз ҳақидагиси-чи? Нотанишлар ҳақидаги фикрларимиз-чи? Бизнинг фикрларимиз ва ҳаракатларимиз орасидаги алоқа қанчалик аҳамиятга эга?

- Одамлар бир-бирларига қандай ва қай даражада таъсир ўтказадилар? Ижтимоий муҳит таъсирига қандай қаршилиқ кўрсатиш мумкин?

- Нима учун одамлар баъзида бир-бирларини хафа қиладилар, баъзи пайтларда ёрдан берадилар?

Бу саволларнинг барчаси ўзаро боғлиқ бўлиб, ижтимоий психология ана шу саволларга жавоб топиш билан шуғулланади. Қисқасини айтганда, ижтимоий психологияда шахсни ўрганишнинг ўзига хослиги шундаки, бу фан одамлар бир-бирлари ҳақида нима ўйлашидан тортиб, улар бир-бирларига қандай таъсир кўрсатишигача ўрганадиган фандир.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши муносабати билан ижтимоий-иқтисодий тараққиёти янги босқичига кўтарилди. Янги демократик жамиятни барпо қилишнинг муҳим омили ҳисобланган умуминсоний ва умумбашарий кадриятларга ҳамда миллий анъаналар ривожига кенг имкониятлар очиб берилди.

Марказий Осиёда, жумладан Ўзбекистонда тарбия борасида тўпланган тарбия услублари камол топаётган ёш авлод таълими ҳамда тарбиясида муҳим аҳамиятга эга. Ўзбек халқи барча Шарқ халқлари каби ёшларни миллий кадриятлар руҳида тарбиялашга жуда катта аҳамият берган. Бу анъана авлоддан-авлодга, халқ донишмандлигининг тимсоли сифатида ўтиб келган ва миллий маданиятимизда ўзига хос ўрин тутди.

Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида таълим–тарбия масалалари муҳим ўринни эгаллайди. Айниқса улар ёшларни оилавий кадриятлар асосида тарбиялашга катта эътибор берганлар.

Қолаверса, шарқда шундай диний–ғасаввуфий асарлар ҳам мавжудки, уларда ёш авлодни маънавий–ахлоқий тарбиялаш масалалари илгари сурилган бўлиб, улар маънавиятимиз тарихида муносиб ўринни эгаллайди.



Айниқса, Сайид Муҳаммад ибн Сайид Баҳоуддин Нақшбандийнинг таълим–тарбия ҳақидаги фикр–мулоҳазалари ва панду–насихатлари ғоят қимматлидир. Баҳоуддин Нақшбандий баркамол инсонни тарбиялашни, дастлаб одобдан бошланишини таъкидлаб, шундай деган эди. “Адаб хулқини чиройли қилиш, сўз ва феълни соз қилишдир”. “Адаб сақлаш–муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахтининг уруғи ҳамдир”. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам, нимаики қилмагин, беадаблик кўринади. Одам ўзини бир хил сифат ва кўринишда олиб юриши лозим, токи одамларда унга тасарруф (таъсир қилиш) таъмаси пайдо бўлмаган бўлсин. Нақшбандий дўстлик ва ўртоқликка катта эътибор берган ва агар дўст айбига боқсангиз, дўстсиз қоласиз, ҳеч ким дунёда беайб эмас, деган пурҳикмат сатрларни қолдириб кетган.

Шарқ мутафаккирлари ўз замонасидаёқ ёш авлод тарбиясининг ижтимоий вазият (шарт-шароит) билан боғлиқ эканлигини, бу вазиятни ўзгартирилиши унинг тарбиясига таъсир қилиши табиийдир, -деган хулосага келишган.

Марказий Осиёда тасаввуф таълимотини Ал-Хоразмий, Абу-Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Хожа Аҳмад Яссавий, Кайковус, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Имом ат-Термизий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Амир Темур ва бошқа йирик сиймолар ривожлантиришган. Булар жумласига Юсуф Хос Ҳожибнинг “Кутадғу билиг”, Аҳмад Югнакийнинг “Хиббатул-хақойиқ”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Шайх Саъдийнинг “Бўстон ва Гулистон”, А.Жомийнинг “Баҳористон”, Алишер Навоийнинг “Ҳайратул Аброр” ва “Махбулбул қулуб” ва ҳоказоларнинг асарларини киритишимиз мумкин.

Абу Наср Муҳаммад Форобий “Ҳар бир шахс муносиб одам, унга таълим ва тарбия зарурдир”. У таълим орқали назарий камолотга эришади, тарбия орқали эса, кишилар билан мулоқотнинг кадр-қимматини ва амалий фаолиятни ўрганади”, деган. Форобий болаларнинг феъл–атвориға қараб тарбия жараёнида “Қаттиқ” ёки “юмшоқ” усуллардан фойдаланиш керак, деб ҳисоблаган.

Форобийнинг таълим–тарбия ҳақидаги ғоялари аввало Оллоҳни билишга, инсоният яратган илмий билимларни ўзлаштиришга қаратилган. У таълим–тарбиянинг восита ва усулларини асослаб берган.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Берунийнинг (973-1051) оилада ота-она ва фарзанд тарбияси хусусидаги фикрлари эътиборга лойиқдир. Файласуф, олим ўзининг “Ҳиндистон”, “Минерология”, “Китоб-ас-Сайдона”, “Геодезия”, “Ёдгорликлар”, “Эътиқодлар ва динлар ҳақида” ва бошқа асарларида одоб, ахлоқ, нафосат, меҳнат тарбияси, оила ва оилада, ота–она ва фарзанд тарбияси хусусида қимматли фикрларни билдирган. Берунийнинг оилада ахлоқ–одоб тарбиясини амалга ошириш ва унинг услубларини такомиллаштириш соҳасидаги фикрлари жуда диққатга сазовордир.

Абу Райҳон Беруний инсониятнинг истиқболли келажак сари ривожланиб боришида илм-фаннинг, маданият ва маънавиятнинг, киши дунёқарашининг ҳамда меҳнатнинг ўрни бекиёс эканлигини уқтиради. Беруний кишилар ҳаётидаги ёмонликни қоралайди. Унинг фикрича, бу иллатни йўқотишнинг асрий йўли унинг илдизларини топиш ва кесиб ташлашдир. Ёмонликнинг шохобчалари кўп, аммо уларнинг асоси уч нарса: таъма, ғазаб ва илмсизликдир. Агарда бу асослар қирқиб ташланса, шохобчалар қуриydi.

Буюк қомусий олим сифатида Шарқ мутафаккирларининг яна бири, Абу Али Ибн Синодир (980-1037). Унинг педагогик–психологик қарашлари илмий асосда қурилган бўлиб, у боланинг феъл–атвори ва тасаввурлари тарихида умуминсоний ғоялар қўлланилишини ишлаб чиққан.

Ибн Синонинг ёзишича, инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири ўзининг ёмон ахлоқий хислатларини англаб, уларни йўқотишга интилишидир. Унинг яхши хислатлари ичида бошқаларга эътибор ва ғамхўрлик билан муносабатда бўлиши махсус ўрин тутаяди. Кимки ўзининг ахлоқини тарбиялаш учун ўз олдиға қўйган вазифасини бажариб, ўз хулқини тузатишға интилса, унга ҳеч нарса қўрқинчли эмас. Кимки ўз хатосини тузатолса, у бошқаларнинг тарбияси ҳақида ғамхўрлик қила олиши мумкин.

Аҳмад Югнакий ўз замонасининг истеъдодли шоири, адиби, донишмандидир. У ўз асарларида Туркистон халқларига Қуръони Карим оятлари ва пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом ҳадислари асосида таълим–тарбия бериш ғоясини илгари суради. Аҳмад Югнакий ўзининг педагогик ва психологик қарашларида сир сақлаш хислатлари ҳақида ҳам



фикр билдиради. Унинг фикрича, диний маънавий эътикод пайдо бўлиши натижасида орномус, ифбат, иззат, ҳурмат, ғазаб, ёвузлик каби хис–туйғулар ҳосил бўлган. Бу хис–туйғулар таъсирида инсонларда эзгулик билан ёвузлик хислатлари кучайиб савоб ёки гуноҳлар содир бўлади, дейди.

XI асрнинг буюк мутафаккири ва шоири Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг “Қутадғу билиг” номли шоҳ асарида инсон ва унинг ҳаётига оид қарашларини баён қилади. У одамнинг Оллоҳ томонидан яратилганлигини ҳамда одамнинг дунёга келиши ва унинг келажакда қандай одам бўлиб вояга етиши ва келиб чиқишига, ҳаётда шуғулланаётган фаолиятига, атрофга нисбатан муносабатларига боғлиқлигини айтиб “Кимнинг насли отадан бошлаб тоза бўлса, ундан элга яхшилик, кўп манфаатлар келади”, деб ҳисоблайди. Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг” достонида тил одоби, севги ва садоқат, ростгўйлик ва ҳалоллик каби масалалар бўйича ҳикматли сўзларни баён қилади, майхўрлик ва мутақаббирликни танқид қилади, кишининг юриш-туриши, ўзини тутиши ҳақида ўғит беради.

Абдурахмон Жомий–болалар тарбияси ҳақида бир қанча асарлар яратади. Бундай асарлар жумласига “Баҳористон”, “Хиродномай Искандарий”, “Гухфатул ахрор?”, “Силсилатус заҳаб” ва бошқа асарларини киритиш мумкин. Бу асарларда таълим–тарбия танлаш, яхши хислат, адаб эгаллаш борасида қатор таълимий ва услубий фикрлар баён этилади. Жомий тарбия орқали инсонни ўзгартириш, ақлий қобилиятини ўстириш мумкин, дейиши билан бирга, бола тарбияси билан жуда ҳам ёшлигидан бошлаб шуғулланиш лозим; чунки, гўдаклигида киши ҳеч қандай нуқсонсиз, яхши-ёмон одатлардан холи бўлади, дейди. Жомий,- ўзининг насл–насабини мақтаб, ота–онасининг давлатига ишониб, таралла–бедод қилиб юрган ёшларни қаттиқ танқид қилади.

Жаҳон маданияти тарихида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккирлар орасида фахрли ўрин сохиби, Алишер Навоий (1441-1501) ўзининг бадий асарларида комил инсон образини яратиб, таълим–тарбия тўғрисидаги фикрларини ифодалаган бўлса, таълимий–ахлоқий асарларида эса, комил инсонни шакллантиришнинг мазмуни, йўллари, усулларини баён этган.

Алишер Навоий ўз асарларида тасаввурларидаги бола тарбияси билан оилада ва мактабда шуғулланиб намуна услубида фойдаланишни тавсия этади. Шу билан бирга, таълим–тарбия ота–она ҳамда ўқитувчи томонидан олиб борилиши лозим, деб таъкидлайди.

Алишер Навоий болаларга жисмоний жазо бериш эмас, балки хушмуомалалик билан муомалада бўлишни тавсия этган, лекин бунда Навоий ўқитувчининг талабчан бўлишига ундагани, аммо ҳар иккаласида ҳам маълум меъёрни билиши зарурлигини уқтиргани маълумдир. Алишер Навоий тарбия ҳақида гапирар экан, “Қобилиятлини тарбия қилмаслик зулмдир ва қобилиятсизга тарбия ҳайф”, деб таъкидлайди. Алишер Навоий таълим–тарбия масалаларига алоҳида эътибор берар экан, тарбия жараёнларини, воситаларини ва талабларини кўрсатади. У таълимда илмийликка асосланганлик, каби талабларни асос қилиб олади.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) бола тарбияси ҳақида, у фарзанд тарбиясида қўлланилиши лозим бўлган усуллар деб:

1. Ота–онанинг фармони фарзанд учун вожиблиги.
2. Барча инсонларга яқинликни ўргатиш.
3. Ҳар бир пайтда ўзингизни ибрат айлаб кўрсатиш.

4. Мустақиллик, қатъийлик ва уддабуронлик учун болага доимий талабларни қўйиш ва унинг ижросини кузатишларини ҳисоблайди. Бобурнинг таълим–тарбиявий қарашларидаги бош масала Ватанга чексиз муҳаббатдир. Унинг шу мавзудаги шеърлари китобхонни Она Ватанни севишга, унга фидойи, содиқ бўлишга, ўз халқига хизмат қилишига чорлайди, ўқувчининг қалбида юксак инсонпарварлик туйғуларини уйғотади.

Адабиётлар:

1. Sh.R.Barotov, L.Ya.Olimov, R.J.Solieva, E.M.Muxtorov Mentalitet psixologiyasi . T.2008y
2. Karimova V.M. Ijtimoiy psixologiya va ijtimoiy amaliyot: Universitetlar va pedagogika institutlari uchun o'quv qo'llanma. – T.: “Universitet”, 1999. – 96 b.
3. E.G'oziev «Oliy maktab psixologiyasi» T.. 1997 y.
4. Psixodiagnostika i proforientasiya v obrazovatelnix uchrejdeniyax / Red. –sost. L.D. Stolyarenko. – Rostov n/D: Feniks, 2005. – 416 s.



